


**Аъзамжон ХОЛИКОВ**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**



**Тошкент - 2009**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий кенгаши  
томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**Тошкент - 2009**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу ўқув қўлланмада муаллиф ҳозирги кунда “Педагогик маҳорат” фанида эришилган энг сўнгги ютуқлар нуқтаи назаридан ёндашган. Ўқитувчилик ҳамиша навқирон касб. Шунинг учун унинг илмий – назарий ва амалий – методик асослари йилдан йилга ўз хусусиятларини бойитиб боради. Кўлланмада педагогик маҳорат фанининг назарий ва методологик асосларига, мазмунни, функцияси, таркибий қисмларига, уларнинг вазифаларига жиддий эътибор берилган. Шу билан бирга ўқув–тарбиявий жараённи бошқаришда ўқитувчи ва тарбиячининг ўз касбига миллий–маънавий жиҳатдан муносабати қандай бўлиши кераклиги ёритилган.

Кўлланмада таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга, тарбиячиларга, педагогик фаолиятга тайёрланаётган талабаларга касбий педагогик маҳоратни эгаллаш ҳамда уни узлуксиз такомиллаштириб бориш тўғрисида тавсиялар берилган.

**М а съ у л м у ҳ а р р и р :**

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Х. Тохтаходжаева

**Т а қ р и з ч и л а р :**

педагогика фанлари доктори, профессор С. Нишонова  
педагогика фанлари доктори Ш. Мардонов



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	7
<b>1- БОБ. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ .....</b>	9
1.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти .....	9
1.2. Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва асосий таркибий қисмлари .....	12
1.3. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари .....	14
1.4. Ўқитувчи касбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни .....	16
<b>2 - БОБ. ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРИХИ ВА МАКТАБ АМАЛИЁТИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ .....</b>	20
2.1. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг XII асрларигача ўқитувчилик фаолияти тўғрисида ижтимоий қарашлар .....	20
2.2. Юнон файласуфлари асарларида ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ҳақидаги ғоялар .....	24
2.3. Европа олимлари ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида .....	25
2.4. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш .....	28
<b>3 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ .....</b>	32
3.1. Қобилиятнинг педагогик – психологик таснифи .....	32
3.2. Ўқитувчи педагогик қобилиятыни ривожлантириш функциялари .....	355
3.3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари .....	387
<b>4 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИГ КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИ .....</b>	400
4.1. Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари .....	400
4.2. Педагогик таъсир кўрсатиш – коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида .....	42
4.3. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш .....	44
<b>5 – БОБ. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ – ЎҚИТУВЧИННИГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ СИФАТИДА .....</b>	59
5.1. Ўқитувчининг касбий фаолиятида мулоқот тизими .....	59
5.2. Ўқитувчининг коммуникатив вазифаларни бажариши .....	49
5.3. Педагогик мулоқотни ташкил этиш йўналишлари .....	52
<b>6 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ .....</b>	73
6.1. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятининг шаклланиши .....	73
6.2. Педагогик мулоқотда муомала маданияти .....	60
6.3. Шарқона тарбия ва муюшарат одобининг мулоқотга таъсири .....	62
6.4. Мулоқот асосида маънавий маданиятни шакллантириш мезонлари ва омиллари .....	65
<b>7 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ .....</b>	89
7.1. Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари .....	89
7.2. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли мулоқотини ташкил этиш .....	71
7.3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш усуллари ва мулоқотда тарбиявий жараён тамойиллари .....	73
7.4. Ўқитувчининг мулоқот асосида синф жамоасини бошқариш усуллари .....	76
7.5. Ўқитувчининг синф жамоасини мулоқот асосида бошқариш босқичлари .....	78
<b>8 – БОБ. ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ОДОБ-АХЛОҚ .....</b>	81
8.1. Педагогик назокат ҳақида тушунча .....	81
8.2. Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусиятлари .....	82
8.3. Ўқитувчи назокатида дилкашлик ва педагогик тақт .....	83
Ёш ўқитувчиларнинг касбий-педагогик дилкашлигини ўрганиш дастури .....	87
<b>9 – БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ .....</b>	91

<b>9.1. Педагогик техника ҳақида маълумот .....</b>	<b>91</b>
<b>9.2. Педагогик техника хусусиятлари .....</b>	<b>92</b>
<b>9.3. Педагогик техникани намоён этишда ўқитувчининг ташқи қўриниши .....</b>	<b>94</b>
<b>9.4. Педагогик техникани эгаллаш маҳорати .....</b>	<b>97</b>
<b>10 - БОБ. НУТҚ ТЕХНИКАСИ ВА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИ.....</b>	<b>101</b>
<b>10.1. Нотиқлик санъатининг пайдо бўлиш тарихи.....</b>	<b>101</b>
<b>10.2. Шарқ мутафаккирлари нотиқлик санъати ҳақида.....</b>	<b>102</b>
<b>10.3. Нутқнинг асосий хусусиятлари. Тил ва нутқ.....</b>	<b>104</b>
<b>10. 4. Ўқитувчининг нутқ маданияти ва нотиқлик санъати .....</b>	<b>107</b>
<b>10.5. Нутқ техникасини эгаллаш.....</b>	<b>109</b>
<b>11 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ МАҲОРАТИ.....</b>	<b>114</b>
<b>11.1. Ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик фаолияти.....</b>	<b>1141</b>
<b>11.2. Дарс – таълим жараёнининг асосий шакли .....</b>	<b>115</b>
<b>11.3. Таълим жараёнида ўқитувчига қўйиладиган талаблар ва ижодий кайфиятни бошқариш .....</b>	<b>118</b>
<b>11.4. Ўқитувчининг таълим жараёнида қасбий омилкорлиги.....</b>	<b>119</b>
<b>11.5. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаолияти ва дарсга тайёргарлиги .....</b>	<b>123</b>
<b>12 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИНГ ТАРБИЯЧИ СИФАТИДАГИ МАҲОРАТИ.....</b>	<b>125</b>
<b>12.1. Тарбиячилик маҳоратининг мазмуни ва жараёни.....</b>	<b>125</b>
<b>12.2. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмлари .....</b>	<b>127</b>
<b>13 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИНГ ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШИ .....</b>	<b>132</b>
<b>13.1. Ҳозирги кунда баркамол шахсни тарбиялаш муаммолари.....</b>	<b>132</b>
<b>13.2. Тарбия технологияларини моделлаштириш .....</b>	<b>134</b>
<b>13.3. Тарбиявий жараён ва тарбия мазмунини моделлаштириш .....</b>	<b>136</b>
<b>13.4. Тарбия қонуниятлари ва тарбия мазмуни тамойилларини моделлаштириш .....</b>	<b>139</b>
<b>13.5. Тарбия технологияларини қўллашда педагогик воситалардан фойдаланиш.....</b>	<b>142</b>
<b>13.6. Тарбия қўрганликни аниқлаш (диагностика) .....</b>	<b>145</b>
<b>14-БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....</b>	<b>148</b>
<b>14.1. Педагогик маҳоратни оширишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти .....</b>	<b>148</b>
<b>14.2. Таълим-тарбия жараёнида компьютер имкониятларидан фойдаланиш .....</b>	<b>151</b>
<b>14.3. Ўқитувчининг компьютер технологиялари асосида ўқувчилар билимини назорат қилиши .....</b>	<b>153</b>
<b>14.4. Ўқитувчидан замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш малакаларини шакллантириш.....</b>	<b>157</b>
<b>14.5. Ўқитувчининг "ахборот маданияти" тушунчасини ўзлаштириши.....</b>	<b>215</b>
<b>15 - БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА ҚАСБИЙ РЕФЛЕКСИЯНИНГ ЎРНИ .....</b>	<b>165</b>
<b>15.1. Қасбий рефлексия ва педагогик фаолият .....</b>	<b>165</b>
<b>15.2. Ўқитувчининг қасбий маҳоратини ривожлантиришда педагогик рефлексиянинг аҳамияти .....</b>	<b>168</b>
<b>15.3. Педагогик ташхислаш асосида ўқитувчининг қасбий ривожланишини тъминлаш усуллари .....</b>	<b>171</b>
<b>15.4. Ўқитувчи фаолиятини педагогик ташхислаш.....</b>	<b>234</b>
<b>"Педагогик маҳорат" фанидан ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун тест саволлари.....</b>	<b>238</b>
<b>Ўқитувчининг ўз устида ишлиши ва камчиликларини бартараф этиши учун психологик тестлар.....</b>	<b>293</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>299</b>



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфасига, ақлий салоҳиятига ҳамда касбий маҳоратига нисбатан алоҳида масъулиятлар юкланган. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни қайд этади: «Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулияти вазифаларни адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суюнамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиласиз». Ушбу фикрлардан бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талабларнинг мазмун ва моҳияти англанилади.

Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Мустақилликдан кейин ушбу муаммо кўплаб олимларнинг, зиёли аҳлининг, ҳатто ота-оналарнинг диккат эътиборида бўлди. Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, дарсликлар яратила бошланди. Лекин бу муаммо бўйича изланишлар, илмий-тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши XXI аср ўқитувчисидан педагогик маҳоратни, ўткир иродани, педагогик-психологик билимларни, ўз фанини чуқур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводхонликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қиласиз.

Таълим муассасаларида фаолият қўрсатаётган ўқитувчилар ўқитиши шаклларининг оптималь даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Зоро, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шахсни ҳар томонлама баркамол инсон даражасида тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадим замонлардан буён ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаради. Ушбу тажрибалар ўқитиши шаклларида фойдаланиладиган ўқитиши қонуниятлари, принципларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, қадимдан буюк алломалар ватани бўлиб келган Ўзбекистонда ёш авлод тарбияси мутлақо ўзгача маъно касб этиши муқаррар. Ўқитувчи – Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини барпо этувчи, дунёга машҳур мутафаккир ва олимларнинг давомчиси бўлган ёш авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахсdir. Шундай экан, ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси, унинг ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар ўртасидаги обрў-эътибори ҳозирги замон талабларига мос бўлиши шарт.

Ўқитувчи баркамол авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахс бўлиб, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини ҳам намоён эта олиши, етук ўқитувчи сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш, ўқитувчи учун таълим-тарбия самарадорлигини таъминловчи замин бўлибгина қолмасдан, айни вактда унинг жамиятдаги обрў-эътиборини ҳам оширади, ўқувчиларга унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Саъдий Шерозий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ҳусайн воиз Кошифий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусида қимматли маълумотларни ўз асарларида баён қилишган. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан

чуқур хурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга ҳам эга бўлолмайди. Юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи болани тушуна олиши, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиши, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолаши, юзага келиши эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиши, педагогик фаолиятда ҳамиша илғорлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда ўқувчилар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларни ҳаёт билан боғлай олиши лозим..

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим юридик хужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчининг педагогик маҳорати муҳим рол ўйнайди. Комил инсон ва етук малакали мутахассис маҳсус ташкил этилган педагогик фаолият жараёнида шаклланар экан, ушбу жараёнда ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсdir.

“Педагогик маҳорат” фанининг асосий мақсади бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳорат, ижодкорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, муомала маданияти, педагогик техника малакаларини шакллантириш, ўқитувчилик, тарбиячилик маҳоратининг дастлабки малакаларини таркиб топтиришдан иборатдир. “Педагогик маҳорат” фани кузатувчанлик, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўзлаштириш сирларини ўргатади. Талабалар ўқиш ва ўқитиш жараёнида диққатни тақсимлаш, билим, кўникма ва малакалар, психик ҳолатларини бошқара олиш ва педагогик техника маданиятини мустақил ўзлаштириш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратадилар.

Ҳозирги кунда дарслерлар, коммуникацион ахборот технологиялари қанчалик мукаммаллашган ва ривожланган бўлмасин, педагогик амалиёт, таълим - тарбия ишларининг мұваффақияти охир оқибатда ўқитувчи шахсига, унинг касбий маҳоратига боғлиқ. Шу нуқтаи – назардан республикамиз Президенти И.А.Каримов “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим – тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо шу ерда. Ўқитувчи ўқувчиларимизга замонавий билим берсинг, деб талаб қиласиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”<sup>1</sup>.- деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир ёш мутахассисни пухта илмий – назарий билимлар билан куроллантириш, эгаллаган илмий билимларни амалий фаолиятда қўллаш учун кўникма ва малакаларини ривожлантириш албатта осон иш эмас. Ўқишга илмий, онгли муносабат билан қарайдиган, мустақил фикрлайдиган, мукаммал маълумотларни эгаллашга лаёқатли, билиш фаоллиги ва ақлий меҳнат маданиятини ўзида мужассамлаштирган ёшларни вояга етказиш – муҳим вазифадир. Касбий педагогик таълим йўналишида “Педагогик маҳорат” фанини ўқитишини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси сифатида тан олинмоқда.

Қўлланма ҳозирги пайтда ўқитувчи маҳоратини замон талаблари даражасида ривожлантириш юзасидан тадқиқ қилинган сўнгги илмий янгиликлар, ахборот коммуникацион технологияларнинг ўқитувчи касбий маҳоратини оширишдаги маълумотлар билан бойитилди. Мазкур маълумотлар олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабаларига мўлжалланган бўлиб, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, назарий ва амалий билимларини чукурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997, 7 – бет.

# **1- БОБ. ПЕДАГОГИК МАХОРАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

## **1.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Унинг моҳияти**

1. Республикаиз Президенти И.А. Каримов Олий мажлиснинг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиядаги маърузасида “Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим – тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиласмиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимларга эга бўлиши керак”<sup>2</sup> деб таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз ошириб бориш учун шарт–шароит яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чукур ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қўидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиши услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис». Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчasi мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва акл заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби;
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши;
4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Педагогик маҳорат тизими қўидаги ўзаро бир-бiri билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат:

1. Педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. Касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукаммал билиш;
3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш;
4. Педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва мухим ижтимоий аҳамият касб этади. Зоро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий – сиёсий жихатдан чиниқтириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–хунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун мухим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъоди, эътиқоди ва амалий қўниқмаларини хар томонлама ривожлантириш йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчининг касбий маҳоратини, кўниқма ва малакаларини ошириб бориш, ғамхўрлик қилиш, унга зарур шарт – шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий – методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим.

Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» фани, маҳоратли ўқитувчини тайёрлашга хизмат қиласди, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб борувчи фан бўлиб,

<sup>2</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997, 7 – бет.

ўқитувчидаги педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўлларини, воситаларини, шаклларини ўрганади.

Педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячига педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёnda хулқ–авторни ва ҳиссиятни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб борувчи **педагогик фаолиятлар** тизими тўғрисида маълумотлар беради. Педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда маҳсус тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир. Бўлажак ўқитувчи ўз педагогик фаолияти жараёнида фаолиятнинг қуидаги таркибий қисмларини билиши лозим:

- Педагогик фаолиятнинг мақсади.
- Педагогик фаолиятнинг обьекти ва субъекти.
- Педагогик фаолиятнинг воситаси.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчининг фаолияти **педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир**. Педагогик жараённинг обьектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гурухига ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субъектлари – ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчи педагогик фаолияти ижобий натижалари меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизимини: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, дикқатни тақсимлаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Мазкур фаннинг мазмунидан касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш, унга раҳбарлик қилишда педагогик–психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндашиш, таълим – тарбияни миллий анъаналаримиз руҳида замонавий методлар асосида моделлаштириш, ўқув – тарбиявий жараёнда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш учун ўқитувчи маҳоратининг зарурлиги ҳақидаги маълумотлар ва уларни такомиллаштириш тизимлари ўрин олган.

Шунга кўра, «Педагогик маҳорат» фани касбга оид билим ва қобилиятларни ўқитувчиларда шакллантириш, ижодкорликни тарбиялаш, маҳорат, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун, педагогик техника, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат, нутқ маданияти тўғрисида маълумотлар бериб боради.

Бу мақсад бўлажак ўқитувчида қуидаги вазифаларни мунтазам бажариб бориш орқали амалга оширилади:

1. Бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратнинг назарий ва методологик асослари билан қуроллантириладилар.

2. Педагогик маҳорат фанининг педагогик техника, педагогик ҳамкорлик (мулоқот), педагогик назокат, педагогик қобилияят, тарбиячи маҳорати, ўқув–тарбия жараёнини бошқариш, нутқ маданияти, педагогик ижодкорлик каби таркибий қисмлари тўғрисидаги билимлар тизимини эгаллайдилар.

3. Бўлажак ўқитувчилар миллий урф–одат ва анъаналаримизда ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой ижодий меросларида акс этган педагогик маҳорат сирларини мустақил эгаллашта нисбатан ўзларида эҳтиёж ва ҳавасни ривожлантириб борадилар.

4. Эгалланган педагогик–психологик ва методик билимлар, кўникма ва малакалар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик маҳоратини шакллантиради.

5. Ўқув–тарбиявий жараённи жаҳон андозаларига хос сўнгги замонавий метод ва шакллар асосида ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини мунтазам ўзлаштирадилар.

6. Ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини такомиллаштириш учун шахсий–ижодий малака оширишнинг шакл, усул ва воситаларини эгаллайдилар.

7. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти, функцияси, тузилиши тўғрисида ўқитувчилар узлуксиз маълумотларни ўрганиб борадилар.

8. Юксак замонавий ахборот технологиялари ва портал тизимидан фойдаланиш асосида ўз касбий маҳоратларини шакллантирадилар.

Бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчи – тарбиячини замон билан ҳамнафас бўлишга, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар бир ўқитувчи шахсида мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини вижданан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижаат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади, ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялади.

Хўш педагогик маҳоратнинг ўзи нима? Унга ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қўйидагича таъриф берилади: Педагогик маҳорат – ўқитувчининг шахсий (болажонлиги, хайриҳоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва х.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчининг таълим–тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. У ўз фанини мукаммал билган, педагогик–психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптималь йўлларини излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиликни ўзида таркиб топтириши лозим. И.П. Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида таърифлаб, шундай ёзади: “педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик–психологик билимларни, касбий малака ва кўнилмаларни мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий–эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр мулоҳазасига ишончи ва қатъий иродаси тушунилади”. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қўйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг **асосий ташкил** этувчилари хисобланади:

- ўқитувчилик касбига садоқат;
- ўз фанини ўқитиши методикасини мукаммал билиши;
- педагогик қобилияларини намойиш эта олиши;
- педагогик техникини ўз ўрнида қўллай билиши.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва масъулиятли жараёндан иборат. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо онгнинг ягона соҳиби бўлмиш инсоннинг таълим–тарбияси билан шуғулланиб, у билан мулоқот олиб боради. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шу сабабли, бўлажак ўқитувчи тарбияланувчи билан доимий мулоқотда бўлиши, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология ва тарбия назариясини мукаммал ўрганиб, ўз касбий фаолиятини муттасил ривожлантириб бориши керак.

Ўқитувчининг шахсий фазилатлари сирасига иймон–эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, фаоллиги, одоб–ахлоқи, фуқаролик бурчини хис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва ўз мақсадларига интилиши, инсонпарварлиги,

хуқукий билимдонлиги мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаси билан фаол иштирок этиши киради.

Ўқитувчининг касбий хусусиятларига: ўз қасбини, болаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик назокати, тасаввuri, қобилияти, ташкилотчилиги, нотиқлик маданияти, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга нисбатан интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги шартли равиша қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1) Ўқитувчининг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги.
- 2) Ўқитувчининг рухий – психологик тайёргарлиги.
- 3) Ўқитувчининг ижтимоий – педагогик ва илмий – назарий жиҳатдан тайёргарлиги.
- 4) Ўқитувчининг маҳсус ва ихтисосликка оид услубий билимларни эгаллаб бориши.

Яна таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячи шахсий ва касбий сифатларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитувчи маҳоратини шакллантиришни таъминловчи омилларни, педагогик–психологик, методик билимларни доимий эгаллаб бориши лозим. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи **омиллар** қўйидагилар:

а) ихтисослик бўйича ўкув предметини, замон, илм–фан, техника тараққиёти даражасида мукаммал билиши, унинг бошқа ўкув фанлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиши ва баҳолаши;

в) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиши;

г) ўкув – тарбиявий жараённи замон талаблари даражасида ташкил қилиш учун асосий педагогик–психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

д) фанларни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиши;

е) жамоани «кўра билиш», ўқувчиларнинг қизиқишлиари, интилишлари, улар учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва ҳамдард бўла олиш, ўз вақтида улар фикрини англай билиш, зуқколик билан ҳар бир боланинг характер хусусияти, қобилияти, иродасини тушуниш ҳамда уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;

ж) ўз шахсий сифатлари (нуткининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳоказо) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати педагогика олий таълим муассасаларида шаклланиб боради. Юксак савияли педагогик кадрлар тайёрлашга нисбатан талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўз касби билан узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган ўқитувчининг шаклланиши, бўлажак ўқитувчи умуммиллий мавқеининг ўсиб боришини таъминлайди.

## 1.2. Педагогик маҳорат фанининг вазифалари ва асосий таркибий қисмлари

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги илк қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўнималари даражасига чиқариш мақсадида таълим тизимида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Конунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда ўқитувчи-тарбиячиларнинг меҳнати нақадар юксаклиги, улар олдида баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифа турганлиги таъкидланади. “Таълим тўғрисида”ги Конуннинг З-моддасида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий

тараққиётида устувор деб эълон қилган ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг қуидаги асосий принциплари белгилаб берилган:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб–хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб–хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб–хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғулаштириш.

Ушбу принциплар замирида ўқитувчи педагогик фаолиятининг асосий моҳияти мужассамланган бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш ўқитувчилар зиммасига юклатилган. Ўқитувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминловчи асосий жавобгар шахс экан, унинг педагогик маҳорати ҳам ҳозирги замон талаблари даражасида, жаҳон андозаларига мос равишда шаклланиши керак. Шу жиҳатдан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳам ўқитувчининг касбий маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, Дастурнинг 4.2. бандида педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизимини вужудга келтириш таъкидланади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касбий сифатларини такомиллаштиришни қўллаб–қувватлаш таъминланади. Ушбу талаблар замирида ҳам ўқитувчининг педагогик маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш накадар мухим ва давр талаби эканлиги таъкидланмоқда. Шундай экан, “Педагогик маҳорат” фанининг вазифаларини “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари белгилаб беради. Унинг **вазифалари** қуидагилардан иборат:

- таълим тизимида амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотларни инсонпарварлик ва демократик тамойилларга мослаб олиб бориш;
- таълим мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда бойитиб боришни таъминлаш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий–ахлоқий жиҳатдан дунёқарашини ривожлантиришда миллий урф–одат ва анъаналаримиздан, бой адабий меросимиздан самарали фойдаланишнинг тезкор метод ва усусларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва тарбия жараёнини келгусида ўқитувчилардан талаб қиласидан даражада сифатини ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминлаш учун норматив ҳужжатлар, ўкув–услубий адабиётлар, моддий–техника ва ахборот базаси билан бойитиб бориш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг юксак касбий тайёргарлик даражаси, малакаси, билими, маданий ва маънавий–ахлоқий савиясининг сифатини замон талабларига жавоб берадиган даражада ошириб бориш;
- бўлажак ўқитувчиларни юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтаришга ўргатиш.

Педагогик маҳоратни эгаллашда назарий ва амалий касбга оид билимларни эгаллаш, педагогик жамоа билан доимий муроқотда бўлиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини топиш имконияти мавжуд.

Буюк немис педагоги Адольф Дистерверг ўқитувчининг мунтазам равишда фан билан шуғулланиши ҳақида гапириб, шундай деган эди: “Ўқитувчи мунтазам равишда фан билан шуғулланмоғи лозим. Акс ҳолда у қуриган дарахт ва тошга ўхшаб қолади. Қуриган дарахт ва

тош мева бера олмаганидек, келажакда бундай ўқитувчидан ҳеч қандай натижа кутиб бўлмайди”.

Ҳозирги замон фан ва техникаси жадал равишда ривожланаётган, замонавий ахборот технологияларининг салмоғи кескин ошаётган бир даврда ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Агар, илгари фаннинг бирор соҳасида рўй берәётган йирик кашфиёт қарийб ўн беш йиллик самарали ва киши зўрға ишонадиган воқеа ҳисобланган бўлса, ҳозир ҳар йили, ҳатто ҳар ойда фан, техника соҳасида янги кашфиётлар яратилмоқда, билимларнинг илгари номаълум бўлган янги йўналишлари майдонга келмоқда. Кишиларда билимга бўлган интилиш бекиёс даражада ўсиб бораётир. Шунинг учун ҳозир кунда ўқитувчи фақат ўз фани бўйича эмас, балки ўз фанига яқин бўлган соҳалардаги янгиликларни билиши талаб этилади.

Бизга маълумки, илгор жамият фуқаросининг, хусусан ўқитувчининг маънавий бойлиги унинг кенг дунёқараши, теран фикрлаш лаёқати, саводхонлиги, юксак инсоний фазилатларга бойлиги билан баҳоланади. «Барча иллатларнинг келиб чиқиши илмизликдандир» деган эди юонон файласуфи Сукрот. Шундай экан, ёш авлоднинг юксак билим ва тафаккур соҳиби бўлиши учун барчамиз жавобгармиз. Бу жавобгарлик қўпроқ ўқитувчилар зиммасида.

Дарҳақиқат, ўқитувчининг обрў-эътиборини таъминлайдиган илк восита унинг **тарбияланганлик даражасидир**. Биринчидан, ўқитувчи маънавий жиҳатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган бўлиши, ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва миллатимизнинг буюк сиймолари ижодий меросини теран билишлари керак. Айниқса, ўзи танлаган мутахассислик ва фан соҳасида изланишлар олиб борган алломаларнинг ҳаёти ва ижодини яхши билиши ҳамда мантиқий тафаккурга эга бўлиши лозим. Бу ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида давлатимизнинг буюк келажаги бўлмиш ёш авлодга чуқур билим бериш ўқитувчидан юксак қобилиятни ва ишчанликни талаб киласи.

Ўқитувчилик касбининг шаклланиши давомида педагогик маҳорати такомиллашиб боради. У турли психологик хусусиятларга эга бўлган ўқувчилар билан таълим-тарбиявий фаолият олиб боради. Турли зиддиятларга дуч келади. Бу ўз навбатида уни тинимсиз ижод қилишга, тарбиянинг ҳар хил восита ва усусларини топиб, моҳирона қўллашга мажбур этади. Тарбия натижасида белгиланган мақсадга эришиш учун ўқитувчи йиллар давомида йиғилган тажриба ва малакаларига таяниб ишлайди. Ўқувчининг назарий ҳамда амалий фаолиятида эришадиган барча ютуқлари ва ижодий натижалари ўқитувчи педагогик маҳоратини намоён этувчи асосий воситалар хисобланади. Ўқитувчи педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини билиши, унинг чексиз имкониятларидан фойдаланиши лозим. Қуйида келтирилаётган педагогик маҳорат фанининг асосий **таркибий қисмлари** миллий анъана ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб, ҳозирги глобал ривожланиш даврида янада тўлдириб борилиши мумкин.

1. Нутқ малакаси ва техникасини ўзлаштириш.
2. Тушунарли, таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш.
3. Мимик ва пантомимик ҳаракатлардан ўз ўрнида фойдаланиш.
4. Маъноли ва очиқ чехрали нигоҳ билан қараш.
5. Ҳиссий психик ва тасодифий ҳолатларда ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олиш.
6. Турли вазиятларда тарбиячига хос бўлган ижодий кайфиятни бошқариш.
7. Кулги ва табассумда самимиликни эътироф этиш.
8. Ўқувчилар билан доимо яхши кайфият ва рағбатлантирувчи муносабатда бўлиш.
9. Саводли ва соф адабий тилда сўзлаш.
10. Аниқ имо-ишораларни ўз ўрнида ишлата олиш.
11. Ижодий педагогик қобилиятини қўллай билиш.
12. Муошарат одобига доимо риоя килиш.

### 1.3. Педагогик маҳоратни эгаллаш воситалари

Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳорат қирраларини намоён эта олиши, етук ўқитувчи сифатида комил инсонни тарбиялашга, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносаб ҳиссасини кўшиши зарур.

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти бўлиб, у доимий равишда педагогик билимларни ошириб бориш, ўтмиш қадриятлари, Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодий меросида ёритилган мураббийларни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар ҳамда замонавий ахборот технологиялари, портал янгиликларидан хабардор бўлиш, илғор хорижий давлатларнинг ўқитувчилар тайёрлаш технологияларини назарий жиҳатдан ўрганиш жараёнида таркиб топади. Ёш ўқитувчиларнинг, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзларини касбий жиҳатдан такомиллаштириб бориш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига ривожланиб боради. Уларни қуйидаги **воситалар** асосида ривожлантириш мумкин:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш (педагогика фанида рўй берадиган энг сўнгги янгиликлар ҳақида маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, портал, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Тажрибали устоз ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт ва иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқидир).

3. Ўқитувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ва институтларида касбий малака ва кўникмаларини ошириш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогик ўқиши ҳамда тренинглар) да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида ўз тажрибаларини ошириш, касби бўйича энг сўнгги маълумотларни ўрганиш.

Педагогик маҳоратни эгаллашда гурӯхли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган қарашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини топиш имконияти мавжуд.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш гарови бўлибгина қолмай, айни вақтда ўқитувчининг жамоада, ижтимоий муҳитда обрў-эътиборини оширади, ўқувчилар орасида унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида ёш ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш мақсадида қизғин фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида республика ҳудудларида масофадан ўқитишининг “Таълим-ресурс” Марказлари ташкил этилган. Ушбу фаолият натижасида ёш ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда касбий малакаларини ошириш имконияти туғилди. Мактабларга ёш ўқитувчиларни жалб этиш ва уларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш, таълим-тарбия жараёнига илғор ва замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашиш мақсадида 2009

йилдан бошлаб “Республика ёш ўқитувчилар ассоциацияси” ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимизда анъанавий равишда «Йил ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимлар орасидан илғор ва ташаббускор ўқитувчилар аниқланиб рафбатлантирилиши, ёш ўқитувчиларда ўз касбига нисбатан хурмат ва эҳтиром уйғотади. 2006 йилдан бошлаб эса, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик танлови ўтказилиб келинмоқда. «Йил мактаби» Республика кўрик-танлови ўқитувчиларга жамоа асосида таълим муассасасида қўлга киритилаётган ютуқларни оммага тарғиб этиш учун шароит яратмоқда.

Шунингдек, мустақиллик йилларида республика халқ таълими тизимидағи 3324 нафар ўқитувчи ва мураббийлар педагогик фаолиятда улкан ютуқларни қўлга киритганлари ва фидокорона меҳнатлари учун турли давлат мукофотлари ва унвонлари билан тақдирландилар. Устозлардан олти нафари “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан, 301 нафари “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” ва 315 нафари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонларига сазовор бўлганлар, 101 нафари “Эл-юрт хурмати”, 18 нафари “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан, 1177 нафари “Шуҳрат” ордени билан тақдирланганлар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – баркамол инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунаadir.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида асосан ўқитувчи кадрларнинг роли ниҳоятда бекиёс. XXI аср боласини ўқитиши ва тарбиялаш, уларни баркамол инсон ва етук малакали мутахассис кадрлар даражасига етказиш вазифасини фақат юксак тажрибага эга XXI аср ўқитувчисигина удалай олади.

#### **1.4. Ўқитувчи қасбининг тарихий тараққиёти ва унинг жамиятда тутган ўрни**

XV асрда яшаб, ижод этган мутафаккир Алишер Навоийнинг яқин дўсти Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимнинг алоҳида ўрни борлиги ҳақида гапириб, муаллимлар доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Аллома мураббийлар тўғрисида “Ахлоқи Муҳсиний” асарида шундай ёзади: “Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида ўқувчига панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага насиҳат қилиш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамида мулойим ва хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир”.

Буюк алломалардан Абдураҳмон Жомий тарбиячи-муаллим фоалиятига қўйидагича таъриф беради: “муаллим билимли, ақлли, адолатли, ўзида бутун юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган одам ҳеч вақт болаларга билим ва одоб бера олмайди”.

Хозирги замон ўқитувчи қандай ижобий сифатларга эга бўлиши лозим. Аввало замонавий билимлар, илғор тажрибалар ҳамда педагогик маҳоратни юқори даражада эгаллаганлиги, педагогик изланиш вазифасига мос тадқиқотлар методлари мажмуасини шакллантира олиши, назарий тадқиқот ва амалий тажриба-синов ишларини ўтказиши малакасига эга бўлиши, ўқитадиган ўқув фанидан ўқув дастури, ДТС, дарслклар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарслкларни ярати олиши ва амалда қўллай билиши, ўзининг педагогик фаолиятини доимий тақомиллаштириб бориши, касбий сифатларини ривожлантириши, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш малакасига эгаллаши, янги педагогик ғояларни ишлаб чиқа олиш, замонавий ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллаш кўнилмаларига эга бўлиши, ўқитишнинг истиқболли йўналишлари талаблари асосида метод, шакл ва воситаларни яратиш ва уларни таълим жараёнида узвий қўллаш малакаларини билиши керак.

Ўқитувчи — одобли, адолатли ҳамда «бала калбининг инженери»дир. Боланинг ижобий ва салбий хусусиятлари баъзан мураббийдан ўтишини психолог олимлар таъкидлаб ўтишган. Чунки ўқувчи ўқитувчининг юриш-туриши, кийинишига, гапиришига тақлид қиладилар. Бола гарчи ёш бўлса-да, унинг инсон эканлигини ёддан чиқармаслик керак, уни кўпчилик олдида обрўсизлантирмаслик, ғурурини топтамаслик керак.

Педагог олим Комил Зарипов ўқитувчининг касбий маҳорати мазмун ва моҳиятини “Илғор ўқитувчи”, “Ижодкор ўқитувчи”, “Новатор ўқитувчи” тимсолида асослайди ва шундай таърифлайди:

“Илғор ўқитувчи” аввало бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига масъулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, таълим муассасасидан ва гурухдан ташқари тарбиявий тадбирларда кўллади. Шу орқали у таълим ва тарбия соҳасида муайян ютуқларни кўлга киритади.

“Ижодкор ўқитувчи”да ҳам “Илғор ўқитувчи”даги хусусиятлар бўлиши мумкин. Уларнинг жиддий фарқи шундаки, илғор ўқитувчи мавжуд манбаларни ўрганиб, шулар асосида таълим - тарбия бўйича муайян ишларни амалга оширса, ижодкор ўқитувчи бор манбаларга танқидий кўз билан қарайди. Кўп ҳолларда мавжуд методик йўл – йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият тақозосига, ўзининг имкониятларига қараб мавжуд тартиблардан фарқли замонавий методик усувлардан фойдаланади”<sup>3</sup>.

“Новатор ўқитувчи”, ўзининг яхлит педагогик восита ва усувлари мавжудлиги билан фарқланиб туради. Шу билан бирга новатор ўқитувчиларда илмий таҳлил, ўзига танқидий кўз билан қарай билиш хусусиятлари ҳам эга бўлади. Уларнинг кўпчилигига ғоят мураккаб, бошқалар ўзига ишонмайдиган шароитларда ҳам ўз ишларининг тўғри эканлигига ишонч бўлади.

Демак, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўзида ҳам илғорликни, ҳам новаторликни (янгиликка интилиш), ҳам ижодкорликни тарбиялаши лозим. Ўқитувчи педагогик маҳоратини “Ўқитувчининг ахлоқий шаклланиши” йўналишида ўрганган профессор Малла Очилов педагогик маҳоратни эгаллашнинг муҳим манбаси ахлоқ деб таъкидлаб, касбга оид ахлоқ нормаларини шундай таърифлайди “Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шугулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий нормалар, талаблар ҳам бор. Бундай ахлоқ касб (профессионал) ахлоқи дейилади. Ҳар бир жасиятда ҳукмрон бўлган ахлоқ билан касб ахлоқи ўртасида маълум бир муносабат мавжуд. Бу умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабатдир. Касб ахлоқи умуминсоний ахлоқ назариясининг қоидалари ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради, ойдинлаштиради ва ривожлантиради”<sup>4</sup>.

Педагогик маҳоратнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг ўқитувчи шахси ва касби тўғрисида мукаммал маълумот ва тушунчаларга эга эканлигидadir. Ўқитувчи инсон сифатида шахсий фазилатларга эга бўлиши билан бирга, касбий, яъни ихтисослик фазилатларига ҳам эга бўлиши лозимлигини тажриба кўрсатмоқда. Буни юқорида касб ахлоқи тўғрисида билдирилган фикрлар мисолида ҳам кўрдик.

**Шахсий сифатлар тизимида:** миллий мағкуравий онглилик, миллий одоблилик, фаросат, нозик дидлик, ўз касбига садоқат ва виждонийлик, ташаббускорлик, болажонлик, талабчанлик, адолатпарварлик, педагогик одоб, тадбиркорлик, қатъийлик, ҳар қандай вазиятда ўзини идора қила олиш, миллатлараро мулоқот маданияти, кузатувчанлик, самимийлик, топқирлик, келажакка ишонч, хушмуомалилилк каби фазилатларга эга бўлиши керак.

**Касбий сифатлар тизимида:** педагогик зийраклик, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли моҳияти, бешта тамойил ривожланишининг маънавий – ахлоқий негизларини билиши, миллий тарбия моҳияти ва мазмунини чукур англаш, чукур илмий назарий салоҳияти, педагогик ижод, ўз фанининг тарбиявий имкониятларини мукаммал билиш, педагогик билимларни такомиллаштиришга интилиш, мамлакатимиз

<sup>3</sup> Зарипов К. Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарининг роли. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993, 97 – бет.

<sup>4</sup> Очилов М., Очилова Н. “Ўқитувчи одоби”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997, 6-бет.

Президентининг ички ва ташқи сиёсатидан хабардорлик, ўзбек халқининг анъаналари, қадриятлари, урф – одатларини яхши англаши, сиёсат, тарих, маданият, маънавият, адабиёт ва санъат, ахлоқшунослиқ, диншунослиқ, ҳуқуқшунослиқ, ўлкашунослиқ, техникага оид маълумотлардан хабардорлик, этнопедагогика, этнопсихологияга оид билимларга эга бўлиш ва ҳоказо.

Бўлажак ўқитувчиларда юқорида қайд қилинган миллий педагогиканинг фаолиятга тайёрловчи шахсий ва касбий сифатларига эга қилиш лозим. Бу ҳол касбий маҳорат эгаси бўлиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастур талабларини бажаришга ёрдам беради.

«Муаллимнинг юксак сифати унинг ақли, илми, фикри, сўзи, ахлоқу-одобидадир, — деган эди таникли мураббий, мактабшунос олим Ҳикматулла Абдуллаев ўзининг «Яшил дафтар ҳикмати» асарида. — Ўқитувчининг юз қарашлари ҳам, гапиришлари ҳам, қалби ҳам, кўриниши ҳам, юриш-туриши ҳам, кийиниши ҳам чиройли ва ибрат намунаси бўлсин. Айниқса, унинг нутқи тушунарли, равон, таъсирли бўлиши даркор. У мулоқотда бамисоли сўз заргари эканлигини кўрсата олиши муҳимdir. Шунга эришиш керакки, одамлар, айниқса, ота-оналар ва ўқитувчилар уни ростгўй, ҳалол, покиза, соғлом фикрли, шафқатли ва муруватли, инсонпарвар киши сифатида эътироф этсинлар».

Ўқитувчи «Соғлом авлод учун» курашчи, бор билими ва тажрибасини таълим-тарбия ишига бағищлаган, ўз қадрини, ўз ҳурмати, ўз обрўсини сақлайдиган инсон. Шунинг учун вақт олтиндан, дуру-гавҳардан қимматлидир. У ҳар бир дақиқа вақтни тўғри тақсимлайдиган, бажариладиган вазифаларни ҳисобга олевчи, дарсга тайёрланиши, дарс ўтказишни режалаштирадиган, таълим муассасасининг умумий қўшимча топшириқларини тез ва сифатли бажарадиган ҳамда вақтида овқатланиш, вақтида дам олишни биладиган интизомли шахсdir.

Таълим ва тарбия жараёни ҳар бир ўқитувчидан улкан ақл-заковат, сабр-матонат, ўқувчиларга ва ўз касбига юксак меҳр-мухабbatli бўлишни талаб этади. Ўқитувчининг доимо изланувчан, билим ва тажрибасини орттириб бориши, ўқувчиларни чуқур тушуниш, уларнинг ички дунёсини пайқай олиши, ўсиш ва ривожланиш даражаларини назорат қилиб бориши на зарур пайтда сўз, иш ёки амалий ҳаракат билан ёрдам бера олиш қобилияти таълим ва тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи омиллардир.

Педагогик касб — бу комил инсон сифатида характерланувчи ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларнинг барқарор тизимиdir. Ўқитувчи ўз касбига ихлос қўйиши ва унинг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етиши, болаларга таъсир ўтказиши ва улар билан ҳамдардлигини намоён қила олиши шундай фазилатлар мажмуасидирки, улар ўқитувчи фаолияти ва мулоқоти билан уйғунлашганда ўқитувчи меҳнатининг бир бутунлигига эришилади.

Ўқитиши ва тарбиялаш — булар бир-биридан анча фарқли тушунчалардир. Ўқитувчи ўз касбининг тўла маънодаги эгаси бўлиши учун уни атрофидаги одамлар ҳурмат қилишлари керак. Ўқитувчи ҳамма жойда маданиятли мураббий, эзгу фазилатлар эгаси сифатида намуна бўлиши зарур.

Ўқитувчининг маҳорати педагогика олий таълим муассасаларида ўқиши давридаёқ, шаклланиб боради. Педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими касбга мослашиши, танланган касб ичидағи узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган, кенг маънодаги ўқитувчининг шаклланишига бўлган талабга мувофик, ҳолда билимларнинг педагогик-психологик ва умуммиллий мавқеининг ўсиб боришида акс этмоғи лозим.

Ўқитувчининг қобилияти ва нутқи қанчалик кучли ва таъсирчан бўлса, ўқувчилар унинг сўзини зўр иштиёқ билан тинглайди. Ўқитувчи ўз касбига ихлос қўйиб, ўзининг ўқитувчилик истеъдодини, самимий муносабатини ўқувчилар орасида намоён этса, ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги алоқа юксак даражада мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчилик фаолияти шу касбни танлаган кишилардаги қобилият ва истеъдоднинг барча қирраларини ишга солишга мажбур қиласди. А.С.Макаренконинг фикрича, «жамоада 40 та қобилиятли ўқитувчи ўрнига 4 та қобилиятли тарбиячи-ўқитувчи

бўлгани маъқул»лиги ҳақида гапирган эди. Бу билан у қобилиятсиз кишилар таълим-тарбия ишига катта зарап етказиши мумкинлигини алоҳида уқтиради.

Аввало, ўқитувчи — мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг асосий ташкилотчисидир. Йигит ва қизларнинг маълумот жиҳатидан умумий тайёргарлик даражаси ҳамда мустакил ижодий тафаккур тараққиёти, тарбияланган даражаси дастур ва дарсларгагина эмас, балки ўқитувчига, унинг маҳорати ҳамда фуқаролик ҳислатларига ҳам тааллуқли бўлади. Шу боисдан ҳам педагогика олий таълим муассасаларига ўқитувчилик касбини севган, унга чин кўнгилдан қизиқкан ва мойиллиги бўлган иқтидорли ёшларгина қабул қилиниши лозим.

## **2 - БОБ. ПЕДАГОГИК ФИКР ТАРИХИ ВА МАКТАБ АМАЛИЁТИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг XII асрларигача ўқитувчилик фаолияти тўғрисида ижтимоий қарашлар.**

Таълим ва тарбия тарихини ўрганар эканмиз, унинг ривожланиши, йиллар давомида шаклланиб бориши устоз ва шогирд фаолиятига боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз. Энг қадимги даврлардаёқ мударрислар (ўқитувчилар) таълим ва тарбиянинг самарали таъсир усулларини кидириб топиб, ҳаётга татбиқ эта бошлаганлар. Бунинг натижасида эрамиздан олдинги даврлардаёқ таълим-тарбиянинг самарадорлигига эришилиши учун ўқитувчига бўлган талаблар кучайиб борди. Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш юзасидан турли гоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлади.

Милоддан аввалги VII – VI асрларда Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучларининг ортиб бориши билан ижтимоий ҳаётда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Турк ва форс тилида сўзлашувчи халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқалар юзага келди. Ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашда асрлар давомида қўлланиб келинган, ерли миллатнинг ўзига хос урф – одати ва анъаналарига мос равишда татбиқ этилган таълим ва тарбиянинг ноёб усул ва воситалари, тадбир ва шакллари вужудга кела бошлади. Ҳали мактаб бўлмаган, педагогик фикр таркиб топмаган даврдаёқ қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасидаги ақл идроки ва усуллари йиллар давомида ҳаёт тажрибаси ва синовларидан ўтиб, сайқалланиб ўша даврнинг олижаноб меваси сифатида бизнинг давримизгача етиб келди.

VII асрларга келиб Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият соҳасидаги ривожланиш бевосита таълим ва тарбия берувчи мударрисларнинг қизғин фаолияти ҳамда уларга қўйиладиган талабларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги ва хилма-хиллиги билан дикқатга сазовордир. Илк ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврларидан бошлаб, болаларнинг таълим ва тарбиясига жавобгар уламолар ҳамда мударрислар насиҳат, тушунтириш, рағбатлантириш, мактаб, намуна кўрсатиш, танбех бериш, таъқиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, кўрқитиш каби усуллардан фойдаланганлар. Бироқ мударрисларнинг ўзи болага таълим-тарбия бериш учун мукаммал амалий ва назарий билимга эга бўлиши керак эди. Шу сабабли мударрислар саводли мадраса толиблари орасидан танланган ва маълум муддат тайёргарликдан ўтишган.

Марказий Осиёнинг Хоразм заминида шаклланган энг қадимий ва "...ўтмишдаги динларнинг энг кучлиларидан бўлган" (Ю.А.Раппопорт) зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да бола таълим-тарбиясига оид қизиқарли маълумотлар берилган. "Авесто"да таъқидланадики, билим ва тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало ёзишни ўрганиш асосида билим олиши керак, сўнгра эса одоб-ахлоқи билан энг юксак погонага кўтарилсин. Коҳин муаллимлари оқсоқоллар Кенгаши томонидан танланниб, қатъий белгиланган қоидалар асосида ёшларга таълим ва тарбия беришган. "Авесто"да болаларни ўқитиши ва тарбиялаш қоидалари кўйидаги тартибда тавсия этилган:

- а) диний ва ахлоқий тарбия;
- б) жисмоний тарбия;
- в) ўқиши ва ёзишга ўргатиши.

Махсус тайёргарликдан ўтган муаллимлар болаларни етти ёшидан бошлаб, диний тарбияга асосланган мактабларга жалб қилишган. Мактабларда "муқаддас яшил кўйлак" кийдириш маросими ўтказилгач, коҳин муаллимлар болаларни "Авесто"да келтирилган мададкор кучларни улуғловчи эзгулик ва яхшилик маъбудасига сифинтиришган. Дуолар қўйидаги сўзлар билан бошланган: "Мен зардуштийлик динига содик қолишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши амалларга ишонаман...". Маросимдан сўнг муаллимлар болаларга совғалар улашишган. Муаллимлар машғулотлар жараёнида болаларга нисбатан жисмоний жазодан кўра кўпроқ ўз динига ишонч ва эътиқодни, дунёдаги барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори, илоҳий Ахурамаздага сифинишни, одамлар бошига ёвузлик ва ёмонликларни ёғдирувчи Ахримандан эса нафратланиш ҳиссини

тарбиялар эдилар. Болаларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши билан бирга ўз динининг барча расм-русумларини тўлиқ бажаришига, ўрганилаётган фанларни пухта билишига, ахлоқий поклигига, менатсеварлик, ростгўйлик, саховатлилик каби фазилатларни эгаллашига коҳин муаллимлари жавобгар эдилар. “Авесто”да ер, сув ва ҳаво мукаддас деб эълон қилиниб, мухитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи уриш билан жазоланарди. Табиатни асраш, уни обод қилиш ёшлик даврлариданоқ улар онгига сингдирилган. Зардуштийлик дини таълимотида илгари сурилган умуминсоний қадриятлар мажмуаси эзгулик ва яхшилик, жаҳолат ва ёмонлик, таълим ва тарбия ҳақидаги ғоялари билан улкан педагогик таъсир кучига эга бўлган. Бунда тарбиячи муаллимларнинг ўз касбига садоқатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Буюк алломаларимиз ўз асарларида мударрислар касбининг нозиклигини, маъсулиятли эканлигини ва мураккаблигини, шу билан бирга шарафли эканлигини, ёритиб, муаллимнинг маҳорати, уларга қўйилган талаблар, фазилатларига оид қарашлар, шогирдлар билан муносабатга киришиш маҳорати, муомаласи тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Уйғониш даврининг етук намоёндалари Абу Наср Форобий, Шайх Саъдий Шерозий, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Давоний кабиларнинг ижодий мероси педагогик тафаккурни шакллантиришда бўлажак мураббийларга мухим манба бўлиб хисобланади. Улар авлодлардан авлодларга ўтиб, ўз қимматини йўқотмаган мударрисларни, тарбиячиларни тайёрлаш тажрибаларини умумлаштириб, бойитиб боришган. Зеро, инсоният келажаги ва курраи заминнинг гуллаб яшнаши фақат таълим ва тарбияга боғлиқ эканлигини буюк мутафаккирлар чуқур хис қилишган. Шунинг учун муаллимлар кучи ва ғайрати билан баркамол авлодни тарбиялаш уларнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Ўзбекистон деб аталмиш муazzам заминимизда яшаб ўтган алломаларнинг бу борада ўз ўрни ва хурмати бор. Баркамол авлодни тарбиялаш, бунда муаллимнинг ўрни тўғрисида алломаларимиз ижодий меросидан жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

**Абу Наср Форобий** (873-930) Ўрта Осиё халқлари маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса кўшган олимдир. Форобий ўрта асрда фанни биринчи бўлиб классификация қилиб чиқсан. У арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқани мухим тарбиявий фанлар деб атади. Ушбу фанларни ўргатувчи ўқитувчини ҳар томонлама мукаммал билимга ва тажрибага эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Чунончи, ўз асарларида “...устоз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чunksi ортиқча зулм, шогирд дилида устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ кўнгилли бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг феъл-авторига қараб таълим-тарбиянинг “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усулларидан фойдаланиши мумкин” дейди. Бунда устоз мударрисга қуйидаги талабларни қўяди:

- тарбияланувчилар ўқиши ва ўрганишга иштиёқманд бўлсалар таълим-тарбия жараёнида юмшоқ усуллар кўлланилади;
- тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлсалар, қаттиқ, яъни мажбурловчи усуллар кўлланилади.

**Унсурул Маолий Кайқобуснинг «Қобуснома»** асарида илк бор нотиқлик санъати мактабларининг Шарқ мамлакатларида ривожланиши тарихи баён этилган ҳамда ўша давр нотиқлари ҳакида маълумотлар берилган. Ушбу асар ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида инсонни маънавий жиҳатдан камолотга етказишида мухим аҳамият касб этади. Мазкур ноёб асар кўплаб Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниб шуҳрат қозонган.

Кайқобус асарда ҳар бир ёшни ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбиясида турмуш тажрибаси мухим аҳамият касб этишини айтади. Болаларни фақат яхши мударрис тарбияни ҳаёт билан боғлаган ҳолда камолотга етказиши мумкин деб, унинг йўлларини ва усулларини баён этган. Китобда жавонмардлар эгаллаши зарур бўлган қуйидаги йўналишларда таълим-тарбия бериш назарияси кўзда тутилган:

1. Кайқобус билим ҳақида.
2. Хунар ва турли касб эгалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари ҳақида.

#### 4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Кайқобус мударрисларни ахлоқли эканлигининг биринчи белгиси, унинг сухандонлигига деб билади ва “Ҳамма қобилиятлардан энг яхиси нутқ қобилиятидир” дейди. Сухандонни шогирдларга нотиқликда рост сўзлаш кераклигини таъкидлайди. У сўзларни тўрт хилга бўлади: биринчиси - билинмайди ва айтилмайди, иккинчиси айтиладиган ва биладиган, учинчиси — ҳам билинади, ҳам айтишга, билишга зарурияти йўқ, аммо айтса ҳам бўлади. Тўртинчиси - биладиган ва зарурият бўлмаса айтилмайдигани. Энг яхиси тўртинчиси, яъни биладиган ва айтилмайдигани, дейди. Сўзлаганда андишалик бўлиш, совуқ сўзлик бўлмаслик, камтарлик, мақтансаслик, бирорнинг сўзини дикқат билан эшиши одобларини таъкидлаб ўтади. Одамларни ҳам тўрт хилга бўлади: биринчи хил кишилар қўп нарсани билади ва яна билгиси келаверади. Булар олим ва фозиллар бўлиб, уларга бўйсуниш керак, дейди. Иккинчиси, билмаган нарсани билишга ҳаракат қиласи, улар қобил кишилар бўлиб, бундай кишиларни ўқитиш ва ўргатиш керак. Учинчиси, билганини ҳам билмайди, гўё уйқуда яшагандек, уларни уйғотиш керак. Тўртинчиси, билмайди ва билмаганини ҳам тан олмайди. Булар жоҳил кишилар бўлиб, уларни ўқитиш бефойда, улардан қочиш керак, дейди.

**Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий** XIII асрда Эронда яшаб ижод қилган йирик шоир ва мутафаккирдир. У файласуф-шоир бўлиши билан бирга тажрибали мураббий ҳам бўлган. Шоир “Гулистан” асарида ўз даври мударрисларини турли тоифага бўлиб, уларни таърифлайди. Қаттиқўл ўқитувчиларни “..башараси тиришган, тили заҳар, ёмон хулқли, одамларни ранжитадиган, гадой табиатлик, очкўз, уни кўриши билан шогирдларининг кайфияти учар” шогирдлар ундан билим ва тарбия ололмайдилар. Яна бир тоифадаги ўқитувчилар “...садда, яхши ва юмшоқ кўнгилли одам. Унар-уннисага сўзламас эди ва болаларни ранжитадиган сўзлар оғзидан чиқмас эди. Унинг фариштадек ахлоқлилиги ва меҳрибонлигини кўрган болалар мураббийни менсимай қўйдилар. Унинг юмшоқ табиатлик эканлигини билишиб, илмни ҳам ўрганмадилар. Алқисса болалар ўйин ва тўполонга берилиб вақтни бекорга ўтказдилар”.

*Байт:* Устод муаллим бўлса беозор,  
Гўдак эли бозорда харсанг ўйнар.

Бу ҳолатга Шайх Саъдий икки хил таъриф беради. Биринчидан, Саъдий яшаган даврда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам мактабда ўқувчиларни қаттиқўллик билан ўқитганлар. Иккинчидан, Шайх Саъдий бу ҳолни ўз қўзи билан кўрган ва қаттиқўл ўқитувчига нисбатан норозилик билдирамаган, илм ва тарбия беришда қаттиқўлликни афзал кўрган: “жабр устод боз меҳр падар” деб таъкидлайди, яъни ўқитувчининг жабри ва жазоси ота меҳридан ҳам афзаллигини айтади.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037) ўз асарларида инсон камолотида уч нарса – ирсият, мухит, тарбия мухим рол ўйнашини таъкидлаб, бунда мударрислар болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариб, шу уч ҳолатга жавобгарлик ҳисси билан ёндашишини ўқтиради ва мударрисларга фаолиятда муваффақиятга эришиш гарови бўлган қуйидаги тавсияларни беради:

- 1) Болалар билан муомалада босик ва жиддий бўлиш.
- 2) Берилаётган билимнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш.
- 3) Таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш.
- 4) Ўқувчининг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини назорат қилиш.
- 5) Болаларни фанга қизиқтира олиш.
- 6) Берилаётган билимларнинг энг мухимини ажратиб бера олиш.
- 7) Билимларни ўқувчиларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда тушунарли олиб бориш.
- 8) Ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

IV асрнинг буюк машойихи **Абу Носир Тусий** ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида қўйидагиларни ёзади: «Мураббий мунозараларини тўғри олиб бориш, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилиши, ўз фикрларини тўғрилигига

ишониши, нутқи мутлақо соф ва равон бўлиши лозим. Мураббий нутқи ҳеч қачон заҳархандали, қўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўзини тута олмаслиги дарсни бузади».

Буюк мутафаккир **Абдураҳмон Жомийнинг** «Искандар хиродномаси» асарида муаллимлар ҳакида қуйидаги фикрлар билдирилган: “муаллим ақлли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди”. Шоир муаллимнинг ҳаётдаги ўрнини қуйидаги байтида баён қиласди:

Устод, муаллимсиз қолганда замон,  
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.

**Алишер Навоий** (1441-1501) ижодида муаллимларга муносабат алоҳида берилган. Унинг фикрича, ҳар бир инсон ўзига таълим ва тарбия берган устозини, ўқитувчисини умрбод ҳурмат қилиши ва уни эъзозлаши керак. Ўқитувчи меҳнатини ҳар қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди:

Ҳақ йўлинда ким сенга, бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо, онинг ҳаққин юз ганж ила.

Алишер Навоий ёш авлод тарбиясини ҳар қандай тасодифий мураббийга ишониб топшириб бўлмаслигини айтиб, ўқитувчига юксак талабларни қўяди. Болани тарбиялаш ва унга билим бериш, унинг қобилиятини ўстириш учун ниҳоятда саводли ўқитувчи ва маҳоратли тарбиячи бўлиши керак. Алишер Навоий ўқитувчини фақат дарс берувчи, билим берувчи деб билмайди, балки маҳоратли тарбиячи бўлиши лозим деб илм ва одобни бирга олиб борилишини, бу икки жараён ҳеч қачон ажралмаслигини таъкидлаб ўтади.

Буюк аллома ўзининг “Маҳбуб-ул қулуб” дидактик асарида ўқитувчи халқ олдида обрўга, ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиши кераклигини, у халқ ғами билан яшашини, халқа ёрдам берувчи, халқ билан бирга бўлиши лозимлигини айтади. Нодон, мутаасиб, жоҳил мударрисларни танқид қилиб, мударрис олимлар орасидаги энг сара “малак қиёфали” киши бўлиши, яъни соф кўнгилли, пок қалбли, инсофли, карам-мурувватли, одобли, вафоли, кишиликтининг энг яхши ва олижаноб хислатларини ўзида акс эттирувчи бўлиши керак дейди. Айниқса мадрасаларда таълим-тарбия билан шуғулланувчи мударрисларга жиддий талабларни қўяди: «Мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони унга бош ўрин бўлмаса, ярамасликлардан кўрқса ва нопокликдан қочса... наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни қилиш мумкин, балки ҳалол деса, қилмас ишларни қилмоқ ундан содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса, бу мударрис эмас, ёмон одатни тарқатгувчиидир». Демак, мударрис билимли, фозил ва донишманд бўлиши, кишиликтининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган олижаноб ва камтарин бўлиши, ҳар қандай ярамас ишлардан ҳоли ва пок бўлиши, ўз хулқи ва одоби билан бошқаларга намуна бўлиши лозим.

Айни ўринда ўқитувчи меҳнатини энг мураккаб ва машақатли иш эканлигини холисона баҳолайди: “Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашдан ожизлик қиларди. У эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин. Шуниси ҳам борким, у тўдада фахм-фаросати озлар ҳам бўлади, ундей кишига юзларча машақат қилса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларда унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса унга (муаллимга) куллуқ қилса арзийдир”.

**Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий** (1440-1505) “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталган. У муаллимларнинг шогирдларига берадиган ҳар бир ўтигини қадрлайди. “Марака жойларида” (дарс—маъзуза ўқиладиган жой) шогирдлар муаллимнинг ҳар бир сўзини эътибор билан тинглашини ва унга амал қилишини таъкидлайди. Жумладан, аллома шундай ёzáди: ”Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига курилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар, само ва тоатдир, деб айтгин. Агар само (эшитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар нимани устоз айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгли

билин қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалга адо этишдир деб айт”. Кошифий асарида шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатиб ўтади:

- биринчи бўлиб салом бериш;
- устознинг олдида кам гапириш;
- бошни олдинга эгиб туриш;
- кўзни ҳар томонга югуртираслиқ;
- гап сўрамокчи бўлса, аввал устоздан ижозат сўраш;
- устоз жавобига эътиroz билдириласлиқ;
- устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслиқ;
- ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам баён қиласди: “Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмайди. Кимки, устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг этагини тутиб шод бўл, бир муддат устозга хизмат қилгинда, сўнгра ўзинг устоз бўл. ...Агар устоз тарбиясини олган комил инсон ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли ўз айбини кўрадиган, доно ва тамизли кишиидир деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва баҳилликдан асар бўлмайди”.

Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимнииг алоҳида роли борлиги ҳакида гапириб, муаллимлар доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблади. Аллома мураббийлар тўғрисида яна бир асари «Ахлоқи Муҳсиний»да шундай ёзади: «Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамида мулойим ва хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир».

Аз Замахшарий дейдики: “мураббий ўқиб турсагина мураббий бўла олади, агар ўқишини тўхтатиб кўяр экан, унда мураббийлик ўлади”.

Бу доно фикрга ёшидан, педагогик маҳоратидан, қандай дарс беришидан қатъий назар барча ўқитувчилар роя қилишлари мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Юнон файласуфлари асарларида ўқитувчиларнинг қасбий маҳорати ҳақидаги ғоялар**

Антик даврдаги мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар. Қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиқсан. Эрамиздан аввалги V асрда Афина яқинидаги Академа сўзи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим-тарбия бериш учун ташкил этилувчи масканлар ҳам шундай ном билан атала бошланган. Қадимги Юнонистонда болаларга таълим-тарбия бериш файласуфлар зиммасига юклатилган. Улар нотиқлик санъатининг етук намоёндалари бўлиб, ўзларининг чиройли сўzlари, баланд ва таъсирчан овозлари билан таълим олувчиларнинг тафаккурига, онгига кириб борганлар, таълим ва тарбияда улкан ютуқларга эришганлар. Шу сабабли, нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг назариясига, унинг чексиз тарбиявий аҳамиятига илк маротаба қадимги Юнонистонда асос солингланлиги илмий адабиётларда баён этилади. Юнонистонда эпос, лирика, драма, ҳайкалтарошлиқ, мусиқа ва меъморчилик санъати билан бирга нотиқлик санъати ҳам мураккаб ва муҳим санъат асари сифатида тан олинган. Нотиқлик санъатини давлатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ишларига тааллуқли фаолиятдаги аҳамияти учун ҳамда ёш авлодни тарбиялашда улар онги ва тафаккурига қизғин таъсир этувчи мураккаб восита сифатида ривожлантирганлар.

Эрамиздан аввалги V аср Юнонистонда ўшларга таълим-тарбия бериш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг такомиллашган даври бўлган. Шу

сабабли “Нотиқлик санъати” ҳам қизғин ривожланган давр ҳисобланади. Бу даврда нотиқликнинг учта қонунияти умумий шиор сифатида эътироф этилган:

- ўқувчиларга тушунтириш (маълум бир мавзуни);
- ўқувчилар онгини уйғотиш (инсон тафаккурини, онгини, мақсадини);
- ҳар бир тингловчига ҳузур-ҳаловат ва қоникиш уйғотиш.

Нотиқ ушбу қонуниятларга амал қилган ҳолда ўқувчиларга, яъни “тингловчиларга ҳаловат бағишилаш” орқали уларни эзгуликка, адолатпарварликка, ватан олдидаги бурчга садоқатли бўлишга, яхши амалларни бажаришга, ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилишга чорлар эди. Бу унинг жамият олдидаги асосий вазифаси ҳисобланарди. Нотиқлик санъатини чуқур эгаллаган, ўзларининг гўзал ва чиройли нутқлари билан жамиятда хурмат ва эътибор қозонган Динарх, Гиперид, Горгий, Исократ, Исеј, Эсхил, Демосфен каби намоёндалар машҳур давлат арбблари бўлиб етишганлар.

Юнон файласуфлари ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия беришда оғзаки нутқнинг шакл ва қонуниятларини, мулоҳаза ва исбот каби мантиқ илми қоидаларини чуқур ўзлаштиришлари лозимлигини қатъий талаб қилганлар. Шунинг учун педагог ўқитувчилар ўз фикрлари ва туйғуларини ўқувчилар ҳамда тингловчилар тафаккури ва онгига чуқур сингдира олганлар ва кескин таъсир ўтказганлар. Ҳар бир педагог ўзларининг нотиқлик санъати устида тинимсиз машғулотлар олиб борганлар, сехрли овоз соҳиби бўлиш учун нутқ техникасининг барча қонуниятларига амал қилганлар. Улар ўз нутқларини мафкуравий ва сиёсий кураш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш қуроли деб ҳисоблаганлар.

Машҳур файласуф олим Сукрот (эрэмиздан аввалги 469 – 399) ўқувчилар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг сухбат методига асос солган. Сукротнинг шогирди Платон ўз устози ғояларини давом эттириб, ўқувчилар билан савол-жавоб усулини нотиқлик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамияти чексиз эканлигини баён этади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуг сифатида баҳолайди.

Юнонистонда ёшларга таълим-тарбия беришда нотиқлик санъатининг аҳамиятини ёритиб бериш ҳамда унинг ривожланиши файласуф олим Демосфен (эрэмиздан аввалги 384–322) номи билан узвий боғланган. У ёшлик йиллариданоқ нотиқлик санъатига қизиқди. Туғма дудук бўлишига қарамасдан, ўқувчи ва тингловчиларнинг истеҳзоларига бардош бериб, қизғин ва шиддатли меҳнати билан нотиқлик маҳоратини намойиш эта олган. Барча дунёвий билимларни фақат нотиқлик санъатининг олижаноб қурдати асосида тингловчилар тафаккурига етказиш мумкин деб таъкидлаган эди файласуф. Фақат Демосфен Юнонистонда нотиқлик санъатининг етук намоёдаси, яъни элитаси сифатида машҳур бўлди. У давлат трибунасини сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантириди.

### **2.3. Европа олимлари ўқитувчиларнинг қасбий маҳоратини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўқитувчиларнинг қасбий маҳоратларини такомиллаштириш тўғрисидаги муаммолар европа олимлари Я. А. Коменский, Джон Локк, Г.Песталоцци, А.Дистерверг, К.Д.Ушинский кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жумладан, чех олими, машҳур педагог Я. А. Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, кобилияти кабиларни киритади ва уларнинг моҳиятини атрофлича тавсифлаб беради.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчиларнинг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидағи ҳар қандай қасбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли қасб» эканлигини айтади. Муаллифнинг фикрича, ўқитувчи ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз қадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар экан, унинг шахсида қуидаги фазилатлар намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди: вижданли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга меҳр билан муомала қилувчи, уларда

билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштирувчи ва диний эътиқодни шакллантирувчи.

И.Г.Песталоцци ўқитувчининг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли ҳамда фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тұхталиб ўтади.

А. Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига юқори баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши ўқувчиларни қалдан ёқтириши натижасыда юзага келади деб уқтиради. Ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятларини, қобилиятыни, фаолиятини мұккамал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Педагог олим Джон Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатларини ишлаб чиқкан. Улар орасига мўътадиллик, ғайрат-шижоатлилик, эҳтиёткорлик каби ҳислатларни киритиб, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ролини асарларида ёритиб берган.

А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, И.Г.Чернишевский, К. Д.Ушинский каби рус педагог олимлари ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида мазкур муаммоларга ўз мuloҳазаларини билдирганлар. Жумладан, А.И.Герцен мuloҳазаларига кўра, ўқитувчининг асосий ҳислати – бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлигини сезишда, болалар руҳий дунёсини тушуна олишида, ахлоқий қобилиятынинг мавжудлигига, чунки у шундай истеъдодга эга бўлмоғи зарурки, унга ҳар қайси ўқитувчи эриша олмайди.

Таниқли рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнда ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ўқитувчи касбига оид илмий мuloҳазаларida ҳеч бир Қонун ёки Программа, таълим-тарбия тўғрисидаги метод ёки тамойиллар ўқитувчи шахсининг педагогик фаолиятидаги маҳорати ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равища такомиллаштириб бориши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни қайта тайёрловчи курслар тизимини ташкил этишни у илк бор асослаб берган.

К.Д.Ушинский ўқитувчининг машаққатли меҳнатини таърифлаб шундай дейди: “Ҳали етилмаган ва фикри хаёли тарқоқ бўлган ўттиз ёки қирқта ўқувчининг онгини бутун дарс давомида машғул қилиб туриши учун ўқитувчи ўз сўзлари ва берган масалалари тўғрисида кўп бош қотириши, сердиққат бўлиши керак. Мана шу сабабдан билими бўлган ҳар бир киши ўқитувчи бўлишига лаёқатли бўлавермайди. Жамият томонидан ҳамма вақт ҳам етарлича таъриф қилинмайдиган бу вазифани инсоф билан адo қилмоқ учун зўр матонат ва маҳорат талаб қилинади”.

К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича, ўқитувчи қалбининг болаларга нисбатан меҳрини билдирувчи ахлоқий ҳислатларидан бири, муаллимнинг тарбиявий кучини ва қобилиятыни кўрсатадиган ойина ижтимоий қимматга эга бўлиб, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишида намоён бўлади. Педагогик фаолиятнинг яна бир муҳим таркибий қисми ўқитувчининг характеристи ва ҳис-туйғуларида, унинг ўқувчилар билан мuloқотга киришиш усулида намоён бўлувчи педагогик-психологик тақт (одоб, ахлоқ) хусусиятларини қўллашдир. Унинг фикрича педагогик тақт (одоб, ахлоқ) ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланиладиган фаолият тури, шунинг учун усиз одамлар орасида ҳеч қандай мuloқот ва нутқ қобилиятынинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди.

«Ақлли, фикран бой, бағри кенг инсончалик ҳеч нарса ёшларни қизиқтирилмайди, ўзининг ортидан эргаштира олмайди ҳам..., ақл — ақл билан тарбияланади, виждон — виждон билан, ватанга садоқатлилик — бевосита ватан учун хизмат қилиш билан..., - деб таъкидлаган эди машҳур рус педагоги В.А.Сухомлинский. – У ўзининг бутун борлиги, кундалик ҳаёти, маънавий маданияти билан ўқитувчи ва ўқувчиларга ўрнак бўлади ва уларни ўз ортидан эргаштиради».

Ўқитувчидаги педагогик маҳоратни шакллантиришнинг илмий – назарий асослари педагог олим В.А. Сластёнин томонидан ҳам тадқиқ қилинган. У касбий – педагогик тайёргарлик, ўқитувчининг шахси ва касбий шаклланиш йўналиши ва бунда педагогик маҳорат тӯғрисида сўз юритиб, шундай ёзади: “Ўқитувчи мунтазам равишида педагогик назарияларга таянсагина, ўқитувчилик маҳоратини эгаллади. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишида педагогик назарияга мурожаат қилишни тақозо этади. Биринчидан, илмий назариялар – тараққиётнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, қоидаларини акс эттирувчи илмий билимлардир, амалиёт бўлса, доимо аниқ вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият–фалсафа, педагогика, психологияга оид билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли қуриш жуда мушкул”<sup>5</sup>. Демак, ўқитувчидан нафақат педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаш талаб этилади, балки педагогик амалиётни тӯғри ва мақсадли ташкил қилиш учун чукур илмий – назарий маълумотларга ҳам эга бўлиш лозим.

Буюк рус адиби Л.Н.Толстой ўқитувчи фазилатининг мукаммаллигини ўз мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда бўлиши билан бир вақтда болаларга бўлган муносабатида, уларни худди ўз фарзандлариdek жон-дилидан севишида эканлигига кўрган. Унинг таъкидлашича, “агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчи болага фақат отаси ва онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Бордию, иккала ҳислатни ҳам ўзида мужассамлаштирса, у ҳолда у мукаммал ва маҳоратли ўқитувчи бўлади”.

Маълумки, педагогик маҳорат тизимида ўқитувчининг педагогик назокати (одоби) муҳим мавқега эга. Ўқитувчи назокатсиз, касб одобисиз юксак чўққилар сари одимлай олмайди. Масалага шу нуқтаи – назардан ёндашилганда, муаллифнинг сўzlари, ўқитувчи педагогик маҳоратига қўйилган талабларга мос ва ҳамоҳангдир.

Таниқли рус педагоги А.С.Макаренко ўз асарларида ўқитувчининг касбий фазилати тӯғрисида қуидаги фикрларини баён қилган: “Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин эмас. Синф саҳнасида рол ўйнашини билмайдиган ўқитувчи касбий фаолият олиб боролмайди. У маълум маънода актёр. Бизнинг хулқ-авторимиз, феълими, характеримиз биз учун педагогик қурол бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Болаларни қалб ва кўнгил азоблари билан, ҳижронли ҳис-туйгуларимиз ёрдамида тарбиялашига умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз инсонмиз. Ҳар қандай бошқа касб эгаларида кўнгил заҳматисиз иши битириши мумкин бўлса, педагог ҳам кўнгил азобисиз фаолият олиб бориши лозим бўлади. Ўқувчига баъзан мулоқотда кўнгил азобини намойши этишига тўғри келади. Бунинг учун педагог саҳнадаги актёрдек ижобий рол ўйнашини ҳам билиши керак. Тасодифий педагогик вазиятларда ўқитувчи газабланганда, қувонганда, хафа бўлганида, тушикун бир аҳволга тушиганида ички ҳис-туйгуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга актёрларга хос иқтидор билан ўтказишни ҳам билиши керак.

Бироқ шунчаки ташқи, саҳнавий рол ўйнаши ярамайди. Бу ўйинда педагогнинг ажойиб шахсий маҳорати билан боғлайдиган қандайдир камар бор, бу сизнинг гўзал хулқингизни намойши этиб боғловчи ролингиз. Бу саҳнадаги ўйин ўлиқ бир ҳолат ёки техника эмас, балки қалбингиздаги яширин ҳис-туйгуларингизни, меҳрингизни намоён этувчи ҳақиқий жараёндир”.

Педагог олим ўқитувчининг ҳеч бир касбга ўхшамайдиган касбий фаолиятини юксак баҳолаб, “Тарбиячи ташкил этишини, юришини, ҳазиллашишини, қувноқ ёки жаҳлдор бўлишини билиши лозим, у ўзини шундай тутшиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриши-туриши, кийинини болаларни тарбияласин” – деб ёзган эди.

Шундай килиб, европа мутафаккирлари ўз илмий асарларида ўқитувчининг бир қатор муҳим фазилатлари ҳақида фикр юритганлар. Буларнинг қаторига қуидаги фикрларни алоҳида қайд этиш лозим: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак ҳислатлари ва ҳис-туйгулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажralиб туриши, болалар руҳиятига осон кира олиш кобилияти, дарсларни ўзлаштиришда

<sup>5</sup> Педагогика: Учеб. пособие для студентов пед. институтов /Под ред. Ю.К. Бабанского. – М: Просвещение, 1983, 600-бет.

орқада қолганлар билан индивидуал ишлар олиб бориш, ўқувчилар диққатини ўзига қартиш маҳорати, мустақил ишлаш ва ўз маҳоратини, малакасини ошириш, педагогик-психологик одоб (такт)га эга бўлиш, нотиқлик санъатини пухта билиш кабилардир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан таҳлил қилинган ўқитувчи касби ҳакидаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, демак, миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар аждодлар ғоясини такомиллаштириш эвазига таълимни юксак босқичларга кўтариш мумкин.

## **2.4. Ҳозирги даврда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш**

“Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида: “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансан” дейилади “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрда қабул қилган Фармонида. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрларга боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш эса аввало ўқитувчи-мураббийлар зиммасига юклатилган. Шу сабабли, чукур билимга эга бўлган, замонавий ўқитувчи-кадрлар тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қаралиб келинмоқда. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак. Ўқитувчи ходимлар ўзларининг касб-кўнкимлари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук намоёндалари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаради.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар кўйилмоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб этиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»<sup>1</sup>.

Юкорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур? Мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида янада такомиллаштириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом этмоқда. XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Эндилиқда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.

кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қиласди.

Ўқитувчи педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан қуйидаги бурч ва масъулиятлар улардан талаб қилинади:

1. Ўқитувчи энг аввало масъулиятни ҳис этувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.

2. Ўқитувчи табиатан ўқувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши керак.

3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб этиши ва уларга холисона баҳо беруб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.

4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб этилади.

5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши лозим.

6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

10. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттириши керак: турли шева сўзлардан ҳоли бўлиб, факат адабий тилда ифода этилиши; ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши; ҳикматли сўзлар, ибора ва маколлар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим. Жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (хақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концептизм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) каби норасмий сўзлардан ҳоли бўлиши,

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг дикқатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида ўзида бир қатор педагогик сифатларни таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг улдасидан чиқа олиши керак.

Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкаслари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва лўнда баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан бошламаслиги, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларни

янада бойитишга ишонч билдириши билан мулоқотни ташкил қилиши лозим. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан сұхбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкаслари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбиға нисбатан қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормокда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ. Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи аввало синфдаги ўқув жараёнининг ташкилотчисидир. Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядига асосий талаблари қуидагилар:

- шахсни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашда миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиклик руҳида тарбиялаши, ўз Ватанига, табиатга ва оиласига бўлган мухаббати;
- касбий билимларни пухта билиш билан бирга, турли билимлардан хабардор бўлиши;
- ёш педагогик психология, педагогика ва психология, ёшлар физиологияси, мактаб гигиенасидан ўз касбиға доир билимларга мукаммал билиши;
- ўз касби бўйича жаҳон фанида эришилаётган сўнгги ютуқлар, компьютер ва ахборот технологиялари янгиликларидан доимий хабардор бўлиб бориши;
- таълим-тарбия методикасидан кўникма ва малакаларини ошириб бориши;
- ўз касбиға ижодий ёндашиши;
- педагогик техника (мантиқ, нутқ таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;
- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равиша ошириб бориши.

Муваффакиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳоратнинг асосий қонунияти оз меҳнат сарф қилиб, улкан натижаларга эришиш. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Педагогик фаолиятга қизиқсан, қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат ҳислатлари шаклланниб боради. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Ўқитувчи ўқувчи шахсини шакллантиради, кутилмаган вазиятларда мустақил қарорлар қабул қиласи, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Буларнинг ҳаммаси ижодкорликнинг туб моҳияти ишнинг мақсади ва характеристи билан боғлиқ.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий фаолиятда, маълум мақсадга эришмоқ учун ўқитувчи болаларни ҳамкорлик жараёнинга тортиши зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорлик қилишга жалб эта олишда қуидаги вазифаларни бажаради:

- ҳамкорлик вужудга келиши учун жамоада ташкил этилиши лозим бўлган фаолият ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва қизиқишлирига тўғри келиши лозим;
- ўқувчиларни бирор ишга жалб қиласи экан, ўқитувчи уларга педагогик ва психологик жиҳатдан тўғри вазифа кўйиши, йўл йўриқ кўрсатиши шарт;
- ўқувчилар топширикни амалга оширишга киришганларида ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.

Ижодий фаолият олиб борувчи ўқитувчи факатгина болаларни муваффакиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб колмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон ўқитувчиси фан ва техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида янги педагогик технологияларни унумли қўллай олиши тақозо этилади.



### **3 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ**

#### **3.1. Қобилиятнинг педагогик – психологияк таснифи**

Қобилият – шахснинг индивидуал-психологияк хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёкати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт–шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йигиндисига айтилади, зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди. Қобилиятлар индивидуал-психологияк хусусият бўлгани сабабли, шахснинг бошқа сифатлари ва хусусиятларига, яъни ақл сифатларига, хотира ва характер хусусиятларига, ҳис-туйғуларига қарама-қарши қўйилмайди, балки улар билан бир қаторга қўйилиши керак.

Қобилиятни инсон туғма, табиат инъоми сифатида тайёр ҳолида олмайди, балки ҳаётий фаолияти давомида шакллантиради.

Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттита жиҳатини ажратиб кўрсатди. Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олим Ольга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қўйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади:

1. Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти: Ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда синфда ижсобий руҳий иқтим яратади олиши;
2. Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти: ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, ўқувчиларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башоради қила олади.
3. Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти: Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар мусиқани севишади, оҳангни яхши ҳис қилишади, декламация асосида яхши ўқишиади, эшитган нарсасини хотирада сақтайди, айниқса шеър ва қўшиқларни севиб тинглайди.
4. Кинестетик (тери-мускул) қобилият: ўқитувчининг ўз ҳатти ҳаракатларини мувофиқлаштириши қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилиб йўналтиради, вақтни, ҳаракат суръатини ҳис қилиши, майсий қулайлекларни яратади олиши,, ҳаёт марҳаматларидан роҳатланиши;
5. Мантиқий қобилият: мулоҳаза юритишни, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни севиши, сабабият ва натижаларни тушуниши малакаси, воқеликда асосийни иккинчи даражасидан ажратади олиши;
6. Шахснинг ички қобилияти: ўз-ўзини билиши, тушуниши ва ҳис қилиши қобилияти. Эркин шахсада кўрқув ёки ноэркинлик туйғуси камдан-кам ҳолда бўлади.

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Қобилият шахснинг ҳам умумий, ҳам маҳсус ривожланишида тезроқ силжиб боришини, унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида энг юкори натижаларга эришишини таъминлайди. Қобилиятли киши мутахассисликни тез эгаллай олади ва юкори маҳоратга эришади ҳамда ишлаб чиқариш, фан ёки маданиятга янгилик кирита олади.

Қобилият билимдан фарқ қиласиди. Билим – бу илмий мутолаа натижасидир, қобилият эса киши психологик ва физиологик тузилишининг хусусиятидир. Қобилият билим олиш учун зарурӣ шарт-шароит бўлиб, шу билан бирга, у маълум даражада билим олиш маҳсулидир. Умумий ва маҳсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий маҳоратни эгаллаш жараёнда қобилият мукаммаллашиб ва ривожланиб боради.

Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакалардир. Кўникмалар – ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнда ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усулидир. Малакалар – ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнда ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йигиндисидир.

Улар ўқитувчининг касбий фаолияти механизмининг асосини ташкил қилувчи жараёнлардир, улар қобилият билан биргаликда педагогик маҳоратга эришишни таъминлайдиларки, бунинг натижасида ўқитувчи касбий фаолиятида улкан ютуқларни кўлга киритади. Қобилиятли, аммо ношуд ўқитувчи кўп нарсага эриша олмайди. Қобилият кўникма ва малакаларда рўёбга чиқади.

Дарҳақиқат, қобилиятли кишининг кўникма ва малакалари кўп қиррали ва мукаммалашган бўлади. Кўникма ва малакалар етарли бўлмаган қобилиятни бирмунча тўлдириши ёки қобилиятнинг камчилигини тузатиши мумкин. Кўникмаларни умумлаштириб моҳирлик ҳам деб атайдилар. Моҳирлик ҳам қобилиятнинг ўзгинасиdir. Демак, қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиш жараёнида шаклланади.

Педагогикада ўқитувчи қобилияти – бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси фақатгина ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида такомиллашиб боради ва ютуқларга эришишида замин яратади. Туғма қобилиятлар зехн дейилади. Иқтидор, истеъод, даҳолик – инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар, характер каби, - шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Психологияда қобилият – инсоннинг касбий билим, кўникма ва малакаларни кийинчиликсиз, осонлик билан мукаммал эгаллаши ва бирор фаолият билан муваффакиятли шуғулланишига айтилади. У ўқитувчининг касбий фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигига намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва тақорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир.

**Махсулдор** ижодкорликда белгиланган ҳар қандай муаммо муваффакиятли ҳал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади.

**Эвристик** ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар (фаразлар) хосил қилиш жараёни интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (эҳтимоллигини, ишончлилигини) изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.

**Креатив** ижодкорликда ўқитувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги назарияларни яратади, ўз фирмлари ва таклифлари билан чиқади, моҳир ва тажрибали, лаёқатли ўқитувчиларгина бунга эришиши мумкин.

Табиий анатомик-физиологик лаёқат нишоналари қобилиятларнинг физиологик асосини ташкил этади. Кейинчалик қобилиятта айланадиган лаёқат нишоналарининг мажмуи инсоннинг истеъодиди дейилади.

Инсондаги билиш ва лаёқат нишоналари жараёнларининг йигиндиси, истеъодининг юксак чўққиси – унинг интеллектини белгилайди. “Интеллект – бу ақлан иш кўриши, рационал фикрлаш ва ҳаётий муаммоларни моҳирона ҳал қилишнинг глобал қобилияти” (Векслер), яъни интеллект инсоннинг атроф мухитга тўлиқ мослаша олиш қобилияти деб қаралади.

Интеллектнинг таркибий тузилиши олимлар томонидан қуйидагича таърифланади:

## ИНТЕЛЛЕКТНИНГ АСОСИЙ СИФАТЛАРИ

### Ижод

Ўқитувчи  
фаолиятида  
мехнатнинг моддий  
ва маънавий  
маҳсулотини  
яратиш, юксак  
натижаларга эришиш  
қобилияти


### Фикрлаш тезлиги

Таълим-тарбия  
жараёнида янги  
ҳолатга тез ва тўғри  
муносабат  
 билдириш;  
фаолиятни танлашда  
тафаккур тезлиги

### Маҳорат

Педагогик фаолиятда  
эришилган  
муваффақиятлар  
ўлчови; касбий  
билимларни  
мукаммал билиш  
қобилияти

*1- чизма. Интеллектнинг асосий сифатлари.*



## 2- чизма. Ўқитувчи интеллектига тавсифнома.

Бироқ, кишидаги табиий лаёқат нишоналари мукаммал касбий фаолиятнинг муваффақиятли олиб борилишини таъминламайди. Киши ўзидаги лаёқат нишоналарини доимий равишда ривожлантириб бориши керак, бу эса факат шиҷоатли касбий фаолият жараённида амалга оширилиши мумкин.

### 3.2. Ўқитувчи педагогик қобилиятини ривожлантириш функциялари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол, эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш ҳамда комил инсон ғояси – миллий ва умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий эзгуликка ундейдиган олижаноб ғоя сифатида улуғланган. Мазкур ғояни ёш авлод онгига сингдиришда ўқитувчи кадрларнинг роли бекиёс. Бу эса улардан аввало

мукаммал касб қобилиятига эга бўлишни, билими, маҳорати, илмий назарий ва амалий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Республикализ Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «*Биз иқтисодий ўнгланиши, иқтисодий тикланиши, иқтисодий ривожланишини маънавий ўнгланиши, маънавий покланиши, маънавий юксалиши ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишни*<sup>6</sup>» - истаётган бир даврда яшаяпмиз. Бу истак эса ёшлар таълим – тарбияси билан шуғулланаётган касб эгаларини юксак касбий тайёргарликка, ғоявий – сиёсий эътиқодга, ташкилотчилик ва бошқарувчилик малакаларига эга бўлиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Чунончи, бу ҳол таълим тизими ва касб-хунар таълими муассасалари янгиланаётган, таълим - тарбиянинг мазмуни, шакли, усуслари, воситалари мажмуига, ўкув – тарбия жараёнига ўзбекона урф – одатлар фаол кириб бораётган бир шароитда юз бермоқда. Бу ўзгаришлар ҳар бир ўқитувчини янгича фикрлашга, шарқона иш юритишга, тадбиркорликка, ишбайлармонликка, маънавий – маърифий ишларнинг фаол иштирокчиси бўлишга ундейди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўтган даврдагидан кўпроқ педагогика фани олдида янгича фикр юритадиган ўқитувчи - тарбиячини тайёрлаш, унинг касбий маҳорати ва малакасини такомиллаштириш учун ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий шакл, усул, воситаларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир йигит ва қиз ўзига шу касбни севиши ёки севмаслиги тўғрисида савол беради. Зеро масаланинг яна бир муҳим томони борки, бу бўлажак ўқитувчи педагогик қобилиятига эгами ёки йўқми деган муаммо пайдо бўлади. Ваҳоланки ҳар бир касб, қобилият орқали эгалланади ва мукаммал ўрганилади.


Педагогик қобилияtlар ўз функциясига кўра **умумий ва махсус** турларга бўлинади. Умумий қобилияtlар мавжуд бўлганда ўқитувчи ўз педагогик касбий фаолиятини мукаммал эгаллаб, моҳирона олиб бориш билан бирга, бошқа турли хил фаолияtlар билан ҳам муваффақиятли шуғулланади. Умумий қобилияtgга эга бўлган ўқитувчilar таълим-тарбия жараёнida ҳар қандай қийинчилик ва зиддиятларни қийналмасдан бартараф этадилар.

Ўқитувчининг педагогик қобилияtinini таҳлил қилган Н.В. Кузьмина шундай ёзади: “*Таълим – тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи ўз педагогик қобилияtinining амалий йўналишларини яхши билмаслиги, истеъоддининг ўқитувчида йўқлиги натижасида рўй беради*”.

Махсус қобилияtgга эга бўлган ўқитувchilar фақат ўзлари эгаллаган касбий йўналишлари бўйича муайян фаолияt билан муваффақияtли шуғулланадилар.

**Бирор фаолияtnинг муваффақияtли, мустақил ва мукаммал бажарилишини таъминлайдиган ноёб қобилияtlar бирикмаси талант дейилади.**

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.:”Ўзбекистон”, 1995, 47-бет



### 3-чизма. Шахс қобилиятлари, табиий истеъододлар ва уларнинг фарқи.

Барча мутахассисликларда бўлгани каби ўқитувчилик касбida ҳам педагогик қобилият – унинг шахсий истеъодод хусусиятларини белгилаб, касбий фаолият турини муваффакиятли амалга оширишда субъектив шарт - шароитлар яратади.

Ҳар қандай қобилият – шахсга тегишли бўлган мураккаб тушунчадир, у фаолиятнинг талабларига мос хусусиятлар тизимини ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай фаолият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабларга жавоб бера олса, киши фаолиятни муваффакият билан амалга оширишда ўз қобилиягини кўрсата олади, агар хусусиятларидан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатининг муайян турига нисбатан кам қобилиятли, деб характерланади.

**Мана шунинг учун ҳам қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки инсон шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш лозим.**

Ўқитувчи қобилиягини ўрганишда хусусиятлар «ансамбли» иборасини биз шунинг учун ҳам ишлатамизки, бунда хусусиятларнинг оддийгина биргаликда мавжуд бўлишини эмас, балки уларнинг узвий боғланган бўлишини, муайян тизимда ўзаро таъсир қилишини кўзда тутаяпмиз. Бу тизимда хусусиятлардан бири олдинги ўринга чиқиб, етакчи хусусиятга эга бўлса, айни вақтда бошқалар учун ёрдамчи хусусиятлар ролини ўйнайди.

Кишининг қобилияти жуда катта ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга. Қобилият юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга, бинобарин, ижтимоий бойликтинг сон ва сифат жиҳатидан тез ўсишига, жамият тараққиётига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг заковати, қобилиягини очиш ҳамда улардан ўз ўрнида фойдаланишини ўрганиб олиши зарур эканлиги ҳақидаги масала қатъий талаб қилинади. Ўқитувчининг педагогик маҳоратни такомиллаштиришида қобилият билим олиш ва малака ҳосил қилишни

таъминлайди. Қобилиятли кишининг юқори унумли меҳнати уни моддий ҳаёт даражаси билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, кобилиятли ўқитувчига педагогик фаолият ва меҳнат енгилроқ бўлади ва у камроқ чарчайди, чунки севимли меҳнати унга ҳузур-халоват бағишлайди.

Қобилият билим, кўнирма ва малакалар маҳсули, шу билан бирга фаолият усулларини эгаллаш тезлиги, теранлиги ва мустаҳкамлигига намоён бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти юксак даражада муваффақиятли бўлиши унинг педагогик қобилиятга қанчалик эга эканлигига боғлиқ. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти ёш авлодни маънавий баркамол шахс даражасида тарбиялашда ва касбий билимларни чуқур эгаллаган кадрларни тайёрлашда намоён бўлади. Бунинг муваффақияти ўқитувчининг педагогик қобилиятига боғлиқ. Қобилият касбий фаолият жараёнида сайқалланиб боради. Бунинг учун ўқитувчидаги лаёкат, зеҳн қизиқиши бўлиши керак.

### **3.3. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатлари ва хусусиятлари**

Педагогик-психологияда ўқитувчи қобилиятининг чекланган турлари йўқ. Педагогик қобилият турлари фаннинг, жамиятнинг ривожланишига қараб кўпайиб ва ўзгариб туриши мумкин. Фалсафада қобилият узоқ вақтгача “ўзгармас ирсият” наслдан – наслга ўтувчи жараёни сифатида талқин этилган. Олимларнинг узоқ йиллар олиб борган илмий-тадқиқотлари ва кузатишлари натижасида **педагогик қобилиятнинг қўйидаги асосий сифатлари** ажратиб кўрсатилган:

1. Ўз касбига мухабbat, ўқувчиларни сева олиши.
2. Ўз мутахассислик фанини яхши билиши, унга қизиқиши.
3. Педагогик тактга (одоб ва гўзалликка) эга бўлиш.
4. Болалар жамоасига сингиб кета олиш.
5. Ўз меҳнатига ижодий ёндашиш.
6. Жавобгарликни ҳис этиш.
7. Тарбиявий билимларни эгаллаганлиги.

Ўқитувчи фаолиятидаги педагогик қобилиятнинг ўзига хос тизимлари мавжуд.

Қобилиятлар тизими қўйидаги хусусиятлари билан фарқ қилинади:

- асосий хусусиятлар;
- таянч хусусиятлар;
- етакчи хусусиятлар;
- ёрдамчи хусусиятлар.

Педагогик қобилиятлар факат педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини ва шартшароитини ифодаламасдан, балки кўп жиҳатдан муваффақиятли ишлашнинг натижаси ҳамдир. Педагогик қобилиятда ўқитувчининг ўзаро фикр алмашуви билан боғлиқ хусусиятлари асосий рол ўйнайди. Қўйидаги педагогик қобилиятнинг **асосий хусусиятлари** ўқитувчининг юксак педагогик-психологик билимлари натижасида доимий шаклланиб боради:

Коммуникатив қобилият: ўқитувчининг педагогик жамоа ва ота-оналар, маҳалла аҳли билан бўладиган ўзаро мулоқотида уларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдард бўлиш, мулоқотга киришишида пок кўнгиллилик. Ўқитувчи бунда психологик билимларга эга бўлиши, муомала маданиятини мунтазам ўзида шакллантириб бориши лозим.

Перцептив қобилият: ташқи оламни ва муҳитни сезиш, идрок этиш, яъни кузатувчанлик муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчининг шиҷоати натижасида ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўқувчининг психологиясини, психик ҳолатини ўзига сингдириб идрок этади, синф жамоасининг ҳолатига педагогик вазиятига одилона баҳо беради.

Эмпатик қобилият: болаларга бўлган мухабbatдан келиб чиқадиган ўқувчиларнинг ҳисстийғусини, психологик ҳолатларини қалдан ҳис этиш, тушуниш, идрок этиш, уларга ачиниш хусусиятларидир.

Таълим жараёнини муқобиллаштириш қобилияти: ўқитувчи ўз билимини ўқувчи онги ва тафаккурига кам куч сарфлаш эвазига етказа олиши, таълим ва тарбияда белгиланган муддатда мақсадга эришиш қобилиятидир.

Дидактик қобилият: ўқувчилар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим ва тарбиявий қонуниятларини ҳамда методларини чуқур ўзлаштирган ҳолда самарали дарс бериш қобилиятидир. Шунингдек, дарс педагогик технологиялар асосида жаҳон андозаларига, ҳозирги замон талабларига жавоб берishi керак.

Ташкилотчилик қобилияти: педагогик қобилиятнинг таркибий қисмидир. У синф ўқувчиларининг ўқитувчи томонидан турли жамоат ишларига, тўгаракларга жалб қила олишида, синф жамоасининг ҳар бир ўқувчига фаол вазиятни таъминлаб беришида намоён бўлади.

Конструктив қобилият: ўқитувчининг онгли равишда юзага келтирилган касбий педагогик вазият босқичларини олдиндан режалаштира олиши.

Билиш қобилияти: ўқитувчининг ўз фанини ва бошқа фанларни чуқур билишида, ўзлаштиришида намоён бўлади.

Англаш (тушуниш) қобилияти: ўқитувчининг зийраклигида, воқеа ва ходисаларга адолатли муносабатда бўлиши.

Педагогик қобилиятларнинг **таянч хусусиятлари** кузатувчанлик – кўра билиш кўнкимасидир. Бу – индивидуал нарсанинг ўзига хос томонини, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиш демакдир. Рассомнинг кузатувчанлиги, табиатшунос олимнинг кузатувчанлигидан фарқ қилиши ўз-ўзидан равshan. Уларнинг кузатувчанлиги турлича йўналишда бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири ўз тафаккури ва дунёқарашига эга.

Қобилиятнинг **етакчи хусусияти** ижодий тасаввур қилишдир. Бу хусусият фақат рассомга, математика ўқитувчисига, адабиётшуносга хос бўлмасдан, балки айнан барча фан ўқитувчиларига ҳам тегишли.

Ҳар қандай касб сирларини мукаммал эгаллаш учун қобилият керак. Педагогик қобилият соғлом ўқитувчидагина шаклланади. Бирок у юқори, ўртача ва паст даражада бўлиши мумкин. Ушбу турли даражадаги қобилиятларда мужассамлашган ҳислатлар ва хусусиятлар орасида баъзилари ёрдамчи рол ўйнайди.

Педагогик қобилиятлар тизимига кирадиган **ёрдамчи хусусиятлар** ва ҳислатлар куйидагилардан иборат:

- ақл-идрокнинг муайян турлари, ҳозиржавоблик; камчиликларга танқидий эътибор, событқадамлик;
- ўқитувчининг нутқи: нотиқлик санъати, сўз бойлигининг теранлиги;
- актёрлик хусусияти: мимика ва пантомимика, хаёлий фантазия ишлата олиш, руҳий ҳиссиётни жиловлай олиш.
- педагогик такт ва педагогик назокатга эга бўлиш.

## **4 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИГ КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИ**

### **4.1. Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари**

Ўқитувчи фаолиятида тарбияланувчилар билан педагогик алоқаларнинг узлуксизлиги тарбиянинг асосий қонуниятларидан биридир.

Ўқувчилар билан таълим-тарбиявий жараёнда ижобий алоқалар ўрнатиш, ижобий иқлим яратади олиш, ўзига ишонтира олиш ва жалб қилиш – ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг асосий мөҳияти бўлиб, бунда бевосита ўқитувчи билан боғлиқ бўлган мингларча руҳий жараёнлар, маълум бир қолипдан чиқиши мумкин бўлмаган муомала турлари ва шартлари мавжуд.

Тарбиянинг самарадорлиги, пировард натижада ўқувчилар билан алоқа ўрнатишнинг шакл ва услубларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади. Асосий мақсад, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши, ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўнимкамларини ҳосил қилишдан иборат. Ўқитувчи тарбия усуллари тизимини белгилаб олгандан кейин бир қатор алоқа ўрнатиш вазифаларини режалаштириши керак. Албатта бу ниҳоятда қийин жараён, зеро тарбиянинг ҳар бир усули, таркибий қисми ва ташкил этувчи усуллари муомала орқали алоқа ўрнатишнинг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу жараён бевосита ўқитувчининг фикр алмашуви (рефлексия) билан боғлиқ хусусиятларига, ўқувчи руҳий ҳолатини фикр тезлиги билан уқиб олиш санъатига ва педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усулларини бир бири билан ўзаро алоқадорликда кўллай билишига тааллуқли бўлиб, улар узлуксиз шаклланади.

Ўқитувчининг фикр алмашуви билан боғлиқ коммуникатив қобилиятини шакллантирувчи асосий хусусиятлари ўқувчи онгига қаратилган фаолият бўлиб, ниҳоятда мураккаб жараёнда такомиллашади. Ўзаро фикр алмашиб омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив қобилиятнинг қўйидаги йўналишлари мавжуд:

- ўқувчини ишонтириш;
- ўқувчи онгига таъсир этиш;
- ўзгаларга тақлид қилиш.

**Ўқувчини ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган бўлиб, ўқитувчи фикр мулоҳазаларини таъсирчан нутқ орқали ўқувчининг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқатворига, ҳатти-ҳаракатига таъсир этади ва уни қисман ўзгартиради. Ишонтириши ўқитувчининг касб фаолиятига тааллуқли бўлган мураккаб фаолиятида асосий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ишлатиладиган усуллардан бири ҳисобланади.** Ўқувчи онгига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишонтириш усули ўқитувчидан баҳс, мунозара асосида далиллар келтиришни, исбот ва мантиққа таянишини талаб қиласди. Айниқса ўқитувчи билан ўқувчилар орасида ўрганилаётган мавзуга тааллуқли муқобиллик мавжуд бўлганда, танқид ва фикрлар курашига таянилганда самарали бўлади.

Ишонтириш тарбияланувчининг онгига қаратилган экан, ўқитувчининг ҳис-туйғуси, нутқи ва ишонтира олиш санъати бунда муҳим аҳамиятга эга. У педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда янги мавзуни тушунтиришда, ўқув-тарбиявий соатларда, турли учрашувлар ва ижодий сухбатларда мунозаралар шаклида кўлланилади. Тарбиявий тадбирларда ишонтириш усули синф жамоаси билан ҳамда алоҳида ўқувчи билан индивидуал сухбатлар ўтказиш, сиёсий мавзулардаги дарсларда кенг кўлланилади. Ишонтириш усули ёрдамида ўқувчиларнинг дунёқараши шакллантиради. У ўқувчи онгини бегона мафкуравий ғоялардан ҳимоя қиласди, ишонтириш асосида ўқувчига идеал ва мустақил фикр қайта қурилади, уларни баъзи психик таъсирлар туфайли содир бўладиган тушкунлик ҳолатидан асрайди, уларда эркинликни ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради, ўзига ва келажагига ишончни уйғотади, ўз-ўзини тарбиялашга ундейди.

**Ўқувчи онгига таъсир ўзаро фикр алмашиб жараёнида шаклланадиган мураккаб психологик хусусият бўлиб, ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг универсал омили ҳисобланади.** Ўқитувчиларнинг ўзаро сухбати ва фаолияти жараёнида тарбияланувчи онгига таъсир этишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўқувчиларнинг психикаси

*ва хулқ-атворига сезиларсиз равшида таъсир кўрсатади. Таъсир ўқувчи онгига, психикасига назоратсиз кириб бориши билан алоҳида аҳамиятга эга, ўқувчининг ижодий фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида йўл-йўриқлар кўрсатиш тарзида амалга оширилади.*

Онгга таъсир – шундай бир психик жараёнки, ўқувчи ўқитувчининг ёки бирор шахснинг таъсири остида, ўз онгининг етарли назоратисиз воқеликни идрок этади. Агар ўқитувчи бунда педагогик маҳоратга, психологик тажриба ва билимларга эга бўлмаса, ўқувчи онгига таъсир қила олмайди, натижада таълим-тарбия жараёни ижобий натижалар бермайди, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлолмайди. Ўқитувчи ўз тарбияланувчилари онгини ташки мухитнинг салбий таъсирларидан, синф жамоаси норасмий етакчиларининг турли яширин бузғунчи ғояларидан ҳимоя қилишга масъул шахсдир. Ўқувчи онгига таъсир ўтказишда ўқитувчи етакчиликни ўз қўлига киритиши учун:

- ўқувчиларнинг салбий ҳатти-ҳаракатлари туфайли содир бўладиган эмоционал ҳис туйғуларга берилмаслиги;
- ҳар бир ўқувчининг психологик ва руҳий ҳолатини пухта ўрганмасдан унинг онгига тарбиявий таъсир ўтказишга ҳаракат қиласлиги;
- ҳар бир ўқувчига алоҳида шахс сифатида ҳурмат эътибор билан муносабатда бўлиши;
- синф жамоасининг норасмий етакчисини сездирмасдан аниқлаб олиши ва унинг ҳатти ҳаракатидан доимо огоҳ бўлиши;
- педагогик маҳоратнинг мухим жиҳатларини узлуксиз ўзида такомиллаштириб бориши;
- ўйланмай айтилган ҳар бир сўз, ноўрин фикр мулоҳазанинг оқибатини ҳеч қачон тузатиб бўлмаслигини ўқитувчи доимо ҳис этиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ахборот технологиялари майдонининг ниҳоятда кенглиги туфайли ўқувчилар онги кераксиз ғоя ва мафкуралар билан банд бўлиши табиий ҳол. Ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялашда онгга таъсир қилишнинг кенг имкониятларини ўз ўрнида қўллай олсалар, ўқувчилар онгини турли кераксиз ғоялар ва мафкуралардан ҳимоя қила оладилар. Шуни унутмаслик керакки, ўқувчилар ўзларининг ёш хусусиятлари ва психологик таъсирга мойиллиги туфайли ҳар қандай таъсирга ниҳоятда берилувчан бўладилар.

**Тақлид қилиш шахснинг психологик хусусияти бўлиб, ўзи севган бирор намунага, ибратга амал қилишидир.** Ўқувчи ўзи учун идеал деб билган кишининг хулқ-атвор намуналарига онгсиз равшида тақлид қилади. Ўқувчи ўзгалар хулқ-атворидан андоза олиб, тақлид қилиш йўли билан улардан ўзининг мухитида фойдаланади. Тақлид қилишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчи ўз ҳатти-ҳаракати ва муомаласи жараёнида ўзи кўрган, катталар бажарган ҳаракатларни тақрорлашга интилади. Тақлид қилишнинг яна бир хусусияти ўқувчи бадиий асарларда ўқиган, кинофильмларда кўрган севимли идеалидаги қаҳрамон образига, ҳарактерига, жасоратига, имо-ишора, нутқ, кийиниш услубларига беихтиёр тақлид қилади, ўз фаолиятида тақрорлайди.

Беихтиёр тақлид қилиш ўқувчи шахси шаклланишининг илк босқичларида мухим аҳамиятга эга. Ўқувчи тақлид қилиш йўли билан нутқни, буюмларни, турли ҳаракатларни ўрганади, хулқ-атвори шаклланади, руҳиятидаги ушбу жараён аста-секин ва кўр-кўронадавом этади.

Ўқитувчи коммуникатив қобилияти билан педагогик фаолият олиб бориш жараёнида ўзаро фикр алмашиш йўли билан таъсир кўрсатишнинг кўриб чиқилган асосий турлари – ўқувчини ишонтириш, ўқувчи онгига таъсир этиш, тақлид қилиш – бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган психологик хусусиятлардир ва айни вақтда ўзига хос фарқларга эга. Ишонтириш ва онгга таъсирнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, биз таъсир кўрсатиш усулининг унисидан ҳам, бунисидан ҳам фойдаланганда қўпинча нотиқлик санъатини намойиш этамиз. Ўқитувчининг сўз бойлиги ва нотиқлик малакаси ишонтириш ва онгга таъсирнинг мухим манбаидир.

## **4.2. Педагогик таъсир кўрсатиш – коммуникатив қобилиятнинг асосий усули сифатида**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилиб улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Ислоҳотлар республиканинг ривожланиш ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, хуқуқий жамиятни барпо этиш учун хизмат қиласди. Демократик, инсонпарвар, хуқуқий жамиятни барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари ва қатор асарларида таълим ва тарбия Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниб, мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Педагогик таъсир кўрсатиш ўқитувчининг муҳим коммуникатив қобилиятларидан бири бўлиб, аввало ўқитувчининг ташки қиёфасини ифодаловчи маданияти, муносабатга киришиши ва нутқ маданияти асосида ўқувчилар билан мунтазам тарбиявий фаолият олиб бориш жараённида намоён бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш – тарбияланувчига онгли интизом ва мустақил фикр юритиш кўнкималарини ҳосил қилиш, тарбияни маълум бир мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун шахсга мунтазам ва тизимли таъсир кўрсатиш, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларига ёндашиб шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг хулқ-атвори ва дунёқарашини такомиллаштириш, ёш авлодни муайян мақсад асосида тарбиялаш, ижтимоий онг ва хулқ-атворни халқимизнинг бой мафкуралари асосида шакллантиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир. Педагогик таъсир кўрсатиш асосида тарбияланувчининг онги шаклланади, маънавий бойлиги ва ҳис-туйғулари ривожланади, унда ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиласиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Педагогик таъсир кўрсатиш билан жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга эришиш учун ўқитувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, ўқитувчининг таълим ва тарбиявий мақсадларга эришиши қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиласди. У ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг педагогик жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратади.

Педагогик таъсир кўрсатиш мазмунида тарбия моҳияти ифодаланган бўлиб, унинг мазмуни мамлакатнинг ижтимоий мақсадларидан келиб чиқиб асосланади. Тарбия моҳияти турли даврларда ҳар хил ифодаланган бўлса ҳам, аммо йўналтирувчанлик хусусиятига қўра бир-бирига ўхшаш гояларни ифодалайди. Зоро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиги қадимдан ўз исботини топган.

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбиянинг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб камолотга етказишдан иборат.

Педагогик таъсир кўрсатишининг асосий тарбиявий усуллари ҳаётдан, миллатнинг яшаш тарзидан, миллий анъана ва урф-одатлардан келиб чиқиб танланади. Улар ўқувчилар тарбиясини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш нуқтаи назаридан танлаб олади.

Педагогик таъсир кўрсатиш ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятини педагогик жиҳатдан маълум бир мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун фойдаланиладиган воситалар тизимидан иборат. Ушбу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқувчиларнинг хулқ-атворини шакллантиради.

Таълим ва тарбия жараённида ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишининг асосий усуллари: талаб, истиқбол, рафбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикри.

**Талаб** – таълим ва тарбия жараённида ўқитувчининг тарбияланувчига нисбатан шахсий муносабатларида намоён бўлади. Ўқувчининг у ёки бу ҳатти-ҳаракати ўқитувчи назоратида бўлиб, ижобий жиҳатлари рағбатлантириб борилади ёки аксинча ножўя ҳатти-ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

**Истиқбол** – таъсиран педагогик усул бўлиб, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни, маълум бир мақсадга, орзуга эркин интилиш ҳиссини такомиллаштиради. Бу мақсадлар уларнинг шахсий интилишларида, қизиқиши ва муддаоларида намоён бўлади. Ушбу усул мактаб ўқувчиларини шахс сифатида энг муҳим инсоний фазилатларидан бири бўлган мақсадга интилувчанликни ривожлантиради.

**Рағбатлантириш ва жазолаш** – тарбия таъсирнинг энг анъанавий усули бўлиб, ўқувчилар хулқ-авторига ижобий таъсир этишдан иборат. Яхши хулқ, фойдали меҳнат ва ҳатти-ҳаракат, ахлоқий ҳислат, топширикларнинг сўзсиз бажарилиши учун ўқувчи рағбатлантирилади. Номақбул ҳатти-ҳаракат, тартиббузарлик, ўз бурчини бажармаслик жазолаш орқали бартараф этилади. Ушбу усул ахлоқий таъсир кўрсатишни таъминлайди, уни қўллаш жарёнида ўқитувчидан ниҳоятда эҳтиёткорлик, сезгирилик ва ҳушёрлик талаб этилади.

**Жамоатчилик фикри** – тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим усули бўлиб, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини бажарилиш натижаларига караб мунтазам рағбатлантириб боришда намоён бўлади. Жамоанинг тарбиявий вазифаларини маълум бир йўналишда амалга оширилишини таъминлайди, ўқувчиларнинг бир-бирларига дўстона муносабатини шакллантиради.

Педагогик таъсир кўрсатиш усулларидан самарали фойдаланишнинг энг муҳим шарти ўқитувчининг инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишини талаб этади. Ушбу усуллар касбий маъсулиятни ҳис этадиган ягона интилишга қаратилган жонли кишиларнинг жонли муносабатидир. Педагогик таъсир қилиш ўқувчилар психикасининг англанмайдиган соҳасига қаратилган бўлиб, тарбиячи билан тарбияланувчининг яқиндан алоқада бўлишини, уларнинг ўзаро бир бирларига ишонишини, ўзаро тушунишини, таъсир қилиш мазмуни, шахснинг бир бутун ҳолатига амалий таъсир қилишини назарда тутади. Шундай қилиб, таъсир қилиш таълим-тарбия самарадорлигини ҳозирги замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришда йўл-йўриқ яратиб, ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиради.

Ўқитувчи тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсирга эга эканликларини, уларнинг ўзаро коммуникатив муносабатлари ҳамда фаолиятлари ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги, унинг самарадорлигини белгилашини унутмаслиги шарт. Ўқитувчи синф жамоасига ва алоҳида тарбияланувчига педагогик таъсир кўрсатишида муваффакиятларга эришиши учун, ўқувчилар орасида ўзаро педагогик муносабатлар тизимини оқилона режалаштириши ва психологик муҳитни ижобий томонга ўзгартириши лозим. Тўғри ташкил этилган ва ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган, ёш авлоднинг қалби ва онгини асраршга, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган педагогик муносабатлар тизимини ташкил этиш учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчи руҳиятини чукур билиб олиши, уларнинг ички имкониятларидан хабардор бўлиши, ахборот бериши, фикр алмашиши, улар қайғусини, туйғуларини тушуниши ва ҳамдард бўлиши зарур. Педагогик муносабатда муваффакиятларга эришиш учун ўқитувчи:

- ўқувчилар билан бўлажак муносабатни моделлаштира олиши;
- муносабатда бўладиган синф жамоаси хусусиятларини олдиндан билиши;
- бевосита самимий ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабат ўрнатиш;
- муносабатда устунликка эга бўлиб, уни демократик талаблар асосида оқилона бошқариш;
- муносабатнинг ижобий ва салбий жиҳатларини узлуксиз таҳлил этиб бориши лозим.

Ўқитувчи тарбиячи сифатида тарбияланувчи ўқувчини ўзи учун ҳамиша тарбия обьекти деб ҳисоблаши керак. Бироқ тарбияланувчи ўқитувчи-тарбиячи билан эркин ва онгли муносабатда бўлишга эришсагина, тарбиявий муносабатлар самарали характер касб этади. Тарбия жараёнининг коммуникатив муносабатлар жараённида ўзига хос қатор

**қоидалари** ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишида уларни мукаммал билиши лозим:

- тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаётий фаолият билан боғлиқ ҳодиса эканлиги;
- шахсни жамоада тарбияланишида ўзига хос хусусиятлари;
- тарбияланувчи шахсга нисбатан талабчан бўлиш ва унинг шахсини хурмат қилиш;
- тарбияланувчининг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;
- тарбиявий ишларнинг изчилиги ва мунтазам олиб борилишини таъминлаш.

#### **4.3. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятида сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш**

Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчининг маданий савиясида ва ўқувчи мулоқотида муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсоннинг “ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданият савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (*Азиз Юнусов*). Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиши амалда ўз педагогик фаолиятида қўлловчи ўқитувчи ўз хиссиётларини, ижодий таъсирланишини бошқариш кўнималарига эга бўлиши ва ўз хис-туйғуларини факат таълим–тарбиявий мақсадни амалга ошириш учун ифодалаши ҳамда ўқувчи қалбини ноўрин сўзлар билан жароҳатлаб қўймаслиги, сўзларни аниқ ифодалашда педагогик тантрический трактовкини чиқиб кетмаслиги лозим. Сўз қудрати ҳақида Р.Декартнинг қўйидаги фикрлари ўқитувчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир: “Сўзларнинг маъноларини, қудратини одамларга аниқ ифодалаб тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини барча англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз”.

Бунда ўқитувчининг ширинсуханлиги мужассамлашган нотиқлик санъати ҳамда актёрлик қобилиятини намоён қила олишини алоҳида эътироф этиш керак. Ўқитувчи актёрдек тайёр текстни ёд олмайди, бироқ у ҳар гал такрорланмас вазиятда ижод қилади. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчидан фикрларни, педагогик қобилият техникасини, ижодкорликни талаб қилади.

Ўқитувчининг имо–ишоралари ва юз ҳаракатлари сўз билан оғзаки таъсир қилишини кучайтиради. Юз ҳаракатлари ва имо-ишоралар нутқда овознинг баланд-пастлиги билан мос келиши керак. *Огоҳлантирувчи сўзлар, нотиқлик санъати асосида таъсир этиши, вазифани ижро этишига ундовчи буйруқлар, таъқиқланган ибораларни ишилатмаслик, ҳазил орқали фикрини англатиши, ўқувчининг эркин мулоҳазаларини маъқуллаш ёки ножёя ҳаракатлари учун айблаш сўзнинг оғзаки таъсир этувчи компонентлари*дир. Сўз билан имо-ишоранинг ва юз ҳаракатларининг бирлиги маълум қилинаётган ахборот ҳажмдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириши лозим. Ҳар қандай шароитда ўқитувчи ўқувчилар билан синфда учрашишга маҳсус ҳозирлик кўриши лозим.

Ўқитувчининг синф жамоаси билан бўлғуси тайёргарлигига доир ибратли мисол Ф.Самуйленковнинг “Мастерство, педагогический тантрический трактовкини – это авторитет учителя” (“Ўқитувчининг маҳорати ва такти – унинг обрўсидир”) китобида келтирилади: “Мен VIII “Б” синфга киришига отланаётган вақтимда ўқитувчилар хонасидаёқ юзимдаги табассумни қуваман. Синфга киришидан олдин онгли равиида бир лаҳза тўхтаб ўзимни тўғрилаб оламан, ўзимга жиiddий, деярли ифодасиз тус бераман. Ўқувчилар билан кам, жуда аниқ, кескин гаплашаман. Ҳеч қандай ҳазилга йўл қўймайман. Дарс бераётган вақтимда ўтирумайман, болалар билан расман хушмуомалада бўламан. Бундай маромни сақлаш менга осон эмас, лекин шунга ўрганганман, чунки ҳозирча бу синфда ўзимни бошқача тутишиим мумкин эмас: синф тез таъсирланувчан, тездә “қирғоқдан чиқиб кетади ва яна қайтиб оқимга тушиши қийин”. Олимнинг бу мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам ўз қудратини йўқотган эмас. У ўқитувчининг деярли ҳар бир ҳаракатда жиiddий фикр юритишга ундейди. Дарҳақиқат, ўқитувчининг ҳар қандай ҳазили ёки бачкана қилиғи дарҳол тескари реакция бериши

мумкин. Ҳатто енгил ҳазилга ҳам синф ўқувчилари қизғин жавоб беради, уларнинг фикрини қайтадан “жамлаб” дикқатини жалб этиш ва иш кайфиятини яратиш кейин жуда қийин бўлиши мумкин.

Сўз билан оғзаки таъсир қилишда ўқитувчи нутқи ниҳоятда муҳтасар, равон, ва мулойим бўлиши, интонациялар ўз ўрнида ишлатилиши керак. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш кудрати Шарқ халқларида азалдан маълум бўлган. Чунки, ўқитувчининг “Маъноли ва бежирим гапира билиши, нутқ дарёсидаги мақбул ва номақбул тўлқинларни илғай олиши, сўзнинг орқа ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиши, нутқий фаҳму фаросат, таҳрли сўз одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган” деб таъкидлайди олим Н.Махмудов.

Ҳозирги даврда ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир этиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир кўрсатишнинг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, экспрессив (ҳис-туйғуга берилиш ҳолати), ижтимоий анъанавий мулоқот, инсон ҳолатини сўзсиз тушуниш, дилкашлик ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий тақорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турларидир. Тарбиявий жараённи ташкил этишда уларни назарда тутиш лозим.

Айниқса педагогик таъсир кўрсатишни ташкил этишда сўзнинг аҳамияти билан боғлиқ бўлган педагогик муомала маданиятига ва тарбиячининг ўзбекона ширин сўзлигига алоҳида талаблар қўйилади. Сўзлашганда одоб ва эҳтиром ўқитувчининг педагогик маҳоратида учрайдиган муҳим инсоний фазилати сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалик – ўқитувчи-тарбиячининг синфда индивидуал иш олиб бориш жараённида ота-оналар ҳамда ўқувчилар билан мулоқотни аниқ бир тарбиявий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил эта олиши ва таълим-тарбиявий фаолиятни тўғри бошқара билишидир. Ўқитувчининг касбий фаолиятида хушмуомалаликнинг ёш ўқитувчи амал қиласидаги мезонларини алоҳида ажратиб таъкидлаб ўтамиш:

- ўқувчиларга сўз билан оғзаки таъсир қилишда ширинсуханлик ва инсонийлик туйғуларини намойиш этиш;
- сўз билан оғзаки таъсир этишнинг барча босқичларида ҳиссий осойишталиктининг намоён бўлиши;
- ўзаро фикр алмашишга доир сифатлар, кўнікмалар ва малакаларнинг мавжудлиги;
- ўқувчининг таълим ва билим олишга бўлган иштиёқини кучайтириш;
- мустақил фикр юритиш, ўз фикрини эркин баён эта олиш, инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантириш.

Ўқитувчи касбий маҳоратида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва инсоний фазилат хушмуомалаликни ўзида шакллантириш учун мунтазам иш олиб бориши зарур. Ўқитувчи педагогик фаолиятига оид шахсий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро фикр алмашиш ва алоқадорликка доир қўйидагиларни тавсия этиш мумкин.

1. Касбий фаолият жиҳатидан ўз-ўзини англашни (муомалада ўзаро фикр алмашишга доир сифатларни, ижобий ва заиф томонларини аниқлашни) амалга ошириш ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш асосида ўз-ўзини тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш.

2. Ўз касбий фаолиятига қўйидаги йўналишларда баҳо бериш мақсадга мувофиқ: кишилар билан бўлган муомаладан сўнг олинган таассуротларни таҳлил қилиш, ўқувчилар билан муомаланинг сўнгги ҳолатини ўрганиб, муомала ҳақида ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, муомаладаги имкониятларингизни атрофдагилар (ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар, ўқувчилар) қандай баҳолаши ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш.

3. Ўзида инсонпарварликнинг асосий хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган ўз-ўзига таъсир ўтказувчи “аутоген” машқлар асосида ишлаш.

4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан турли жамоат ишларини олиб бориш, бундан ўзаро фикр алмашиш фаолиятида кўнікма ва малакалар (маърузалар, сұхбатлар, камолот ёшлар уюшмалари) ҳосил бўлади.

5. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишда салбий кайфиятларни енгиш тажрибасини шакллантирадиган ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиш.

6. Хушмуомаликда миллий анъана ва урф-одатларимиз, ўзбекона муомала маданияти, миллий маънавиятимиз нуқтаи назаридан ёндашиш.

Таклиф этилган ушбу тизим асосида педагогик фаолият олиб бориш ўқитувчи касбига оид шахсий фазилатлардан бири бўлган инсонпарварлик ва хушмуомаликни шакллантиради. Ўқитувчи касбий фаолияти давомида нутқидаги сўз қудратини такомиллаштириб боради. У ўзбек тилининг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали сўз бойлигини гўзал, равон, ифодали, таъсирчан бўлишига интилади. Зеро, гўзал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Бу санъатдан бебаҳра бўлган ўқитувчининг касбий маҳорати шаклланмайди. Қайси фанни ўқитишдан қатъий назар, ўқитувчининг асосий қуроли сўз бойлигидир, у сўз қудрати асосида коммуникатив қобилиятини намойиш этади. Ўз она тилида пухта, лўнда ва жарангдор сўзлар тузা олиш ва уни нутқий маҳорат билан ифодалаш таълим муассасаларида ўрганилаётган ҳар бир фан ўқитувчиси учун энг зарур коммуникатив қобилиятларидан биридир.

## **5 – БОБ. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ – ЎҚИТУВЧИННИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ СИФАТИДА**

### **5. 1. Ўқитувчининг касбий фаолиятида мулокот тизими**

Ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан бири унинг ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликда таълим–тарбиявий фаолиятни самарали ташкил қилиши, улар билан қизғин мулокот қила олиши ва уларга жонкуяр, меҳрибон раҳбар бўлишидир. Педагогик–психологик йўналишларда олиб борилаётган илмий- тадқиқот ишларида, ўқитувчиларнинг сермаҳсул педагогик фаолиятни амалга оширишлари учун зарур бўлган коммуникатив қобилияти тўғрисида кўплаб фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Ўқитувчи ўз касбига қизиқмаса, ўқувчиларга нисбатан меҳр–муҳаббати бўлмаса, улар билан қизғин мулокот қила олиш қобилияти, яъни коммуникатив хусусиятлари ривожланмайди. Узоқ йиллар давомида педагогика соҳасида олиб борилган тажрибалар шундан далолат берадики, коммуникатив фаолиятда муваффақиятга эришиш учун, ўқитувчининг интеграл фанлар асосларини ва ўкув – тарбиявий ишлар методикасини чукур билиши етарли эмас. Зеро у, билим ҳамда амалий кўнижма ва малакаларини ўқувчиларга факат жонли ва бевосита мулокот воситасида бера олади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли мулокоти, таълим муассасаларида педагогик фаолиятнинг муҳим шарти ва мазмуни сифатида намоён бўлади.

Инсоннинг ҳаёт тарзида энг муҳим таркибий восита бўлган мулокот, ҳар қандай касбий фаолиятнинг барча турларида мавжуд. Бироқ бир қатор касб эгаларида (чунончи, педагог, шифокор ва ҳоказо) у касбий фаолиятга шунчаки ҳамроҳ бўлган оддий омил эмас, балки касбий аҳамият касб этадиган, унинг асосини ташкил этадиган муҳим категория саналади. Бу ҳолда мулокот инсонлар ўртасидаги одатий ўзаро ҳамкорлик шакли эмас, балки касбий фаолиятнинг муваффақиятини таъминловчи категория сифатида мавжуддир. Айниқса, педагогик фаолиятда мулокот муҳим функционал, ўқитувчи учун касбий жиҳатдан аҳамиятли восита саналиб, ўзаро таълим ва тарбиявий таъсир қуроли сифатида намоён бўладики, бунда мулокотнинг муҳим шартларига ва қонуниятларига, қўшимча вазифаларига риоя қилишга тўғри келади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай касб эгасининг кишилар билан одатий ўзаро ҳамкорлик тизимида мулокот гўё, шунчаки ўз-ўзича содир бўлади. Маълум бир мақсадга қаратилган таълим-тарбиявий жараёнда эса, мулокот ижтимоий вазифага айланади, натижада ўқитувчи педагогик мулокот қонуниятларини пухта билиши, коммуникатив қобилият ва коммуникатив маданиятга эга бўлиши талаб қилинади.

Одатий ва касбий коммуникатив вазиятни қиёслаб кўрамиз. Айтайлик, дўстингизга ниманидир гапириб бераяпсиз. Масалан, бирор кўрган фильмнинг тўғрисида, унинг мазмун ва гоясини бемалол сўзлаяпсиз. Бу ҳолда мулокотнинг турмушда рўй берадиган одатий коммуникатив шаклидаги шахсга йўналтирилган тизими билан иш кўрган бўласиз. Тасаввур қилинг, Сизга шу вазифани аудиторияда, минбарда туриб, ўқувчилар олдига чиқиб гапириб бериш таклиф этилди. Сиз коммуникацияни амалга ошириш вазифасини, аввало, мулокотнинг табиий шакллари ўрнига касбий-функционал жавобгарлик ҳиссини, яъни касбий жиҳатдан анчагина мураккаблашган педагогик фаолиятни дарҳол хис этасиз.

**Касбий-педагогик мулокот деганда, ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёни обьектларининг ўзаро ҳамкорлик тизими тушунилади, унинг асосий фаолият мазмуни ўзаро ахборот алмасиши, шахсни билиши, тарбиявий таъсир ўтказиши саналади. Ўқитувчи бу жараёни фаоллаштирувчиси сифатида майдонга чиқади, уни ташкил этади ва бошқаради.**

А.Н.Леонтьев педагогик мулокотнинг тарбиявий-дидактик аҳамиятини баҳолар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: фаол педагогик мулокот – ўқитувчининг, умуман олганда педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни билиш ва ўрганиш қалити ва ўқув фаолиятининг ижодий характеристери, ўқувчи шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, таълим-тарбияда мақбул бўлган эмоционал муҳитни таъминловчи, жумладан, руҳий психологик тўсиқларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган, болалар

жамоасида ижтимоий-психологик жараёнларни түғри йўлга солиб бошқариши таъминлайдиган ва ўқув тарбиявий жараёнда ўқитувчининг ўз педагогик маҳоратидан оқилона фойдаланиши учун имкониятлар яратадиган муҳим воситадир.

*Педагогик фаолиятда мулокот ўқувчиларга замон талаблари асосида таълим берииш вазифаларини ҳал қилиши воситаси, тарбиявий жараёнларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан таъминлаши тизими сифатида намоён бўлади.*

Илфор педагогик тажрибаларни таҳлили ҳамда таникли олимлар А.С. Макаренко, В.А. Сухомлинский ва бошқаларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш натижасида шундай хуносага келиш мумкин, айнан ўқувчилар билан ўқитувчи мулокотининг педагогик таъсири воситаси ниҳоятда бекиёс, мулокотни педагогик маҳоратнинг энг муҳим бирламчи воситаси сифатида чуқур эгаллаганлик таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ҳар томонлама оширишни таъминлайди. А.С. Макаренко мулокотни педагогик таъсирнинг ажойиб воситаси сифатида таърифлаб, инсонларро мулокотни таъминловчи энг муҳим ва нозик фаолият эканлигини айтади. Педагогик мулокот – шунчаки ижтимоий-психологик, педагогик ёки коммуникатив ҳодиса эмас, аввало касбий ахлоқий феномендир (ҳодиса). Жамиятда ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш ҳамда педагогик воситаларнинг илфор жараёнларини амалий ҳаётга кенг татбиқи учун ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик технологияларини мукаммал эгаллаш лозим. Шундай «технология»ларнинг мавжудлигини педагогик тадқиқотлар исботлаб берди.

Ўқитувчининг коммуникатив фаолияти мақсадли фаолиятга нисбатан кўпинча иккиламчи характерга эга бўлади, педагогик меҳнатнинг ўзига хослиги ҳам айнан коммуникатив фаолият унинг асосини ташкил этишидан иборат эканлигидадир.

Педагогик мулокот ўқитувчи педагогик ижодкорлигининг яхлит тизимида қандай аҳамият касб этади? Педагогик фаолиятнинг муҳим микроэлементлари ностандарт ечимлардан иборат, гарчи ўқитувчи фаолиятида педагогик вазиятлар бир қарашда бир бирига ўхшаш кўринса-да, ўқитувчининг ушбу вазиятлардаги ҳар бир ҳатти-харакати мутлақо ноёб ва бетакрордир. Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти таҳлил қилинганда, мукаммал шаклга эга бўлган тизимлардан иборат эканлигини кўрамиз:

- ўқитувчининг синфда, ўқувчилар жамоаси билан таълим-тарбиявий мақсадларга қаратилган ижодий тайёргарлиги;
- ўқувчилар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик асосидаги ижодкорлик.

Ўқитувчининг педагогик мулокоти жараёнидаги ижодкорлиги бир нечта кўринишда намоён бўлади:

- ўқитувчининг ўқувчиларни мукаммал билиш жараёнидаги ижодкорлиги;
- улар билан ўзаро ҳамкорлик тизимида ижодкорлик;
- ўқувчига бевосита таъсирни ташкил қилишдаги ижодкорлиги;
- ўз хулқ-авторини бошқара олишда (мулокотни ўзини-ўзи билган ҳолда бир маромда олиб бориш) ижодкорлик;
- ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш жараёнида ижодкорлик.

Модомики, шундай экан, таъкидлаш лозимки, ўқитувчининг мулокоти касбий-ижодий категория бўлиб, педагогик фаолиятда ўқитувчи томонидан кўплаб коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш жараёни ва ижобий натижалар мажмуасидир.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида мунтазам педагогик таъсир ўтказиш методлари билан ишлайди: масалан, дарс жараёнида янги материални тушунтиришда, ўқувчига айби учун дашном беришда. Ушбу вазиятда ёш ўқитувчи аввало нималарга эътибор бериши керак: Биринчидан, вазият таҳлил қилинади; иккинчидан, мураккаб вазиятдан чиқишининг мумкин бўлган вариантлари сараланади, учинчидан, ушбу фаолият, одатда тезкор амалга оширилади (бунда ҳам педагогик коммуникациянинг ўзига хослиги намоён бўлади) ва оптималь методлар танланади, факат шундан кейингина педагогик таъсир ташкил қилинади. Бироқ ҳали танланган таъсир методига адекват бўлган, у орқали педагогик таъсир амалга ошириладиган мулокот тизимини топишимиз керак. Яъни, маълум бир мақсадга қаратилган умумий педагогик вазифани ҳал этгандан сўнг, таъсир методини танлаб бевосита таъсирни ташкил қилиш учун асосий вазифа сифатида коммуникатив вазифа белгиланиши керак.

Коммуникатив вазифа педагогик фаолиятда, нисбатан ишлаб чиқарувчи характерга эга бўлиб, мураккаб вазифани ҳал этади. Зеро у педагогик вазифадан келиб чиқсан, шу сабабли ўқитувчи томонидан танланади ва белгиланади. Айтиш мумкинки, коммуникатив вазифа айнан коммуникация тилига ўтказилган педагогик вазифанинг ўзи. Коммуникатив вазифа педагогик вазифанинг асосини акс эттириб, унга нисбатан ёрдамчи, инструментал характерга эга бўлган жараёндир.

Педагогик амалиётлар натижаси шундан далолат берадики, ўқитувчи ўкувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос тўғри методини танлаб ҳамда вазиятни тўғри баҳолаган тақдирда ҳам, кўпинча ўз педагогик таъсирини коммуникатив жиҳатдан таъминлай олмайди, яъни коммуникацияни ўзаро мулоқотда амалий жиҳатдан татбиқ эта олмайди.

Педагогик таъсириning ўқитувчи томонидан танланиб қўлланиладиган методлари бевосита мулоқот орқали амалга оширилади. Шундай экан, мазкур жараённи юксак маҳорат билан, онгли равишда ташкил этиш, педагогик фаолиятда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятда бу жараёнга тайёр туриши зарур. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи мустақил, ўз педагогик тажрибаларига ва маҳоратига асосланиб, ўкувчиларга педагогик таъсири этишнинг қўйидаги мантиқий образи жадвалини тузади, ўзи учун керакли бўлган, таълимтарбиявий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни мустақил равишда йиғиб, касбий кўнишка ва малакаларини ошириб бориши мумкин:

<i>Педагогик вазифа ва уни ҳал қилиши жараёни.</i>	<i>Белгиланган вази-фани ҳал қилиши учун танланган педагогик таъсири методлари тизими.</i>	<i>Педагогик таъсири этиши методикасини амалга ошириши учун зарур бўлган коммуникатив вазифалар тизими.</i>	<i>Педагогик таъсири кўрсатиш.</i>

#### **4- чизма. Педагогик таъсириниң мантиқий шакли.**

### **5.2. Ўқитувчининг коммуникатив вазифаларни бажариши**

Ҳар хил педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар билан ўтказилган сўровномалар натижасида қўйидагилар аниқланди: уларнинг кўпчилиги, гарчи педагогик таъсири воситаларини доимий қўлласалар ҳам, коммуникатив вазифаларни педагогик жараённинг муҳим зарурий элементи сифатида англашади. Бунда деярли барча ўқитувчилар ўз педагогик вазифаларини доимий равишда амалга ошириш учун танланган таълим ва тарбия методлари тизимини ҳамда педагогик таъсири кўрсатиш каби компонентларни яхши англашадилар.

Ўзининг педагогик амалиётини доимий равишда таҳлил қиласиган ўқитувчи учун коммуникатив вазифаларни ўз фаолиятининг асосий инструментал компоненти сифатида англаши қанчалик муҳим эканлигини, бунда амалга оширилиши лозим бўлган тарбиявий таъсири модели қанчалик ойдинлашишини, таъсириning ўзи янада жозибали, аниқ, ёрқин бўлишига ишонч хосил қиласи.

Ўқитувчи «Фавқулотда вазиятларда нима қилиш керак?» деган саволга етарлича мұваффакиятли жавоб бера олса ҳам, «Қандай қилиб амалга ошириш керак?» деган муаммонинг жавобида иккиланиб, ўйланиб қолади. Бу саволга жавоб бериш учун – ўқитувчилар билан мулоқот тизимини, мантиқ ва усулларини аниқ белгилаб олиши керак.

А.С.Макаренко ўз фаолиятида қўллаган педагогик таъсири кўрсатиш методикасида фойдаланилган методлар, аксарият ҳолларда таълим-тарбияда мўлжални аниқ олиб, ўқитувчилар билан мулоқотда вазиятни тўғри ташкил қилиш билан белгиланишини кўриш мумкин. Айрим ҳолатларда ўзига хос «юзма-юз хужум», бальзан тарбияланувчининг ўқитувчи билан бевосита мулоқотисиз ҳам гап нимада эканлигини тушуниш имкониятини берадиган мулоқот, йиғилишларда расмий сухбат тизими ёки синф жамоаси билан турли

тадбирларни биргалиқда ўтказиш, ҳар бир ўқувчининг нималарга қодир эканлигини англаға етиш имкониятини намоён этади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида фойдаланадиган педагогик таъсир күрсатылған методлари орасыда айнан – жамоавий ва якка тартибдаги сұхбат методлари мұхим аҳамияттаға эга. Бироқ бу методлардан фойдаланып самарадорлиги ва мулокот жараёнида пайдо бўладиган вазиятлар турлича бўлиши мумкин. Айнан ушбу методлар таълим-тарбия жараёнида таъсир ўтказыш методларининг самарадорлигини таъминлайди.

Кишиларнинг кундалик ҳаёт тарзидаги мулокотига эътибор берамиз. Тасаввур қилинг, нотаниш кишидан бирор нарсаны сўрашингиз керак. Табиийки, асосий метод – илтимос қилиш. Бироқ, бевосита сўраладиган нарса ҳақида гапиришдан олдин, сизга муваффақиятни таъминлайдиган дастлабки вазиятни ташкил қилишга интилишингиз керак. Бу ҳолда сиз маълум коммуникатив методлардан фойдаланиб хушмуомалалик билан психологияк мұхитни ташкил қиласиз, мулокотингиздаги объектни психологик жиҳатдан зabit этишини амалга оширасиз, кейин эса бевосита таъсирни амалга оширасиз. Синфда, ўқувчилар жамоаси билан мулокот жараёнида фойдаланиладиган ҳар бир таъсир усули худди шу каби коммуникатив таъминотга эга бўлиши керак.

Педагогик вазифаларни бажаришда фойдаланиладиган коммуникатив методларни белгилаш доимо мураккаб муаммо саналған. Айниқса ёш ўқитувчилар педагогик фаолиятларининг дастлабки йилларида бу қийинчиликларни айниқса кескин ҳис қилишади.

*Ўқитувчининг коммуникатив вазифаларни бажариши – педагогик фаолиятнинг турли шаклларидан, синф жамоасининг шаклланиб улгурган даражасидан, мулокотни бошқарши тамойилларидан, вазият қатнашчилари бўлган ўқувчиларнинг индивидуал ёши хусусиятларидан, таъсирнинг режалаштирилаётган методларидан келиб чиқади.* Педагогик вазифанинг коммуникатив вазифага мутаносиблиги, коммуникатив вазифани танланған таълим-тарбиявий таъсир методикаси билан нисбатлаш ва уларнинг бирлигини ташкил этиш мулокот жараёни ва умуман педагогик ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлайди.

Бу ўринда қуйидаги боғлиқлик кўзга ташланади: биринчидан, синф жамоаси билан ишлаш методикаси мулокот тизими билан воситаланади, иккинчидан эса, мулокот ва жорий коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш йўллари танланған педагогик таъсир методикаси стратегияси билан белгиланади. Касбий-педагогик мулокот асосларини бўлажак ўқитувчи олий педагогик таълим муассасаларида, қизғин педагогик фаолияти давомида ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида эгаллаши мумкин. Бунда ўқитувчи қуйидаги мұхим коммуникатив вазифаларни бажаришни мукаммал билиши лозим:

1) Касбий-педагогик мулокотнинг узлуксиз жараёнларини ўрганиш қонуниятлари, тизими ва тамойилларини англаға етиш.

2) Педагогик коммуникацияни таълим-тарбия жараёнида бевосита қўллаш тартиби ва технологияларини эгаллаш.

3) Касбий-педагогик мулокотнинг кўнишка ва малакаларини узлуксиз ўзлаштириб бориш, коммуникатив қобилияtlарни ривожлантириш.

Ушбу йўналишлар ўқитувчининг касбий мулокот кўнишкаларини эгаллаш жараёнини тўла таъминлай олади, деб ўлаш хато бўлади. Умумий ижодий позицияларни ўзининг касбий-педагогик, мулокот фаолияти тажрибаси билан доимий равишида ўзаро нисбатлаш, ўзи учун унинг тизими, мантиқи, оптимал индивидуал шаклларини аниқлаш педагогик мулокотни эгаллаш бўйича олиб бориладиган фаолиятнинг муқаррар шарти саналади. Шунингдек, педагогик коммуникациянинг назарий қоидаларини ўқитувчи ўз тажрибаларида апробациялаш (синовдан ўтказиш) зарур.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи коммуникатив вазифаларни қандай амалга оширади ва у қандай функцияларни бажаради? Педагогик фаолиятда коммуникатив вазифаларнинг аҳамияти кўп қирралы эканлигини ўқитувчи яхши ҳис қилади. Таълим-тарбия давомида болалар билан ўзаро ҳамкорлик, ўқувчиларни қандайдир жамоавий ишларни бажаришга уюштириш, жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини шакллантириш, мақбул эмоционал микроклиматни таъминлаш каби коммуникатив вазифаларнинг педагогик

муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган масалалари рўйхатини ҳали узок давом эттириш мумкин. Ўқитувчининг коммуникатив мулоқоти кўплаб функцияларга эга бўлган тизимdir:

- ахборот-коммуникатив;
- регуляцион-коммуникатив;
- аффектив-коммуникатив.

Коммуникатив вазифаларни бажариш жараёнида бу функциялар яхлит, комплекс тарзда амалга оширилиши керак, акс ҳолда ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқот олиб бориш самарадорлиги паст бўлади ва белгиланган натижаларни бермайди.

Касбий фаолиятини эндигина бошлаётган ёш ўқитувчилан мунтазам ўз-ўзини мунтазам таҳлил қилиб бориши, дарс жараёнига педагогик жиҳатдан самарали тайёргарлик кўриши учун ҳар томонлама чукур билимга эга бўлиши талаб қилинади. Жумладан:

- ўз ўқув предмети юзасидан чукур билимга эга бўлиши ва ўрганилаётган материални пухта ва мукаммал билиши;
- педагогик - психологик ва методик жиҳатдан ўқувчилар билан мулоқотга жиддий тайёргарлик кўриши;
- ҳар бир ўқувчини ва синф жамоасининг ички психологик хусусиятларини ўргангандан бўлиши;
- мулоқотда ўзини эркин тутиши ва руҳий психологик ҳис-туйғуларини жиловлай олиши;
- синф жамоаси билан мулоқот қилишнинг касбий кўникма ва малакаларини эгаллаши;
- педагогик маданият ва педагогик тактнинг юксак намуналарини намойиш эта олиши, педагогик тафаккур ва дунёқарашнинг ривожланганлиги;
- фанларни ўқитиши мақсади, вазифаси ва мазмунига мос восита ва методларни танлаш мезонлари асосида машғулотнинг технологик харитасини тузা олиши;
- содир бўлиши мумкин бўлган тасодифий педагогик вазиятларни олдиндан билиши ва унга нисбатан кескин чоралар кўриши.

Ўқувчилар билан мулоқотда педагогик тайёргарликнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг коммуникатив кўникма ва малакаларни эгаллашига ва уни қўллай олиш лаёқатига боғлиқ.

*Касбий педагогик коммуникатив мулоқотнинг муҳим компоненти, ўқитувчининг ўз фикр ва мулоҳазаларини, эмоционал ҳис-туйғуларини аниқ ифода эта олии маҳоратидир.* Турли тасодифий педагогик вазиятларда ўқитувчи газабланганда, қувонганда, хафа бўлганида, тушкун бир аҳволга тушганида ички ҳис-туйғуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга актёрларга хос иқтидор билан рол ўйнаб вазиятдан чиқиши ҳам билиши лозим.

Шу маънода таниқли рус педагоги А.С.Макаренко ўз асарларида ўқитувчининг касбий фазилати тўғрисида фикрларини қўйидагича баён қиласди: “*Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин эмас. Синф саҳнасида рол ўйнашини билмайдиган ўқитувчи касбий фаолият олиб боролмайди. У маълум маънода актёр. Бизнинг хулқатворимиз, феълимиз, характеримиз биз учун педагогик қурол бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Болаларни қалб ва қўнгил азоблари билан, ҳижронли ҳис-туйғуларимиз ёрдамида тарбиялашига умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз инсонмиз. Ҳар қандай бошқа касб эгаларида кўнгил заҳматисиз иш битириши мумкин бўлса, педагог ҳам кўнгил азобисиз фаолият олиб бориши лозим бўлади. Ўқувчига баъзан мулоқотда кўнгил азобини намойши этишига тўғри келади. Бунинг учун педагог саҳнадаги актёрдек ижсобий рол ўйнашини ҳам билиши керак.*

*Бироқ шунчаки ташиқи, саҳнавий рол ўйнаши ярамайди. Бу ўйинда педагогнинг ажойиб шахсий маҳорати билан боғлайдиган қандайдир камар бор, бу сизнинг гўзал хулқингизни намойши этиб боғловчи ролингиз. Бу саҳнадаги ўйин ўлиқ бир ҳолат ёки техника эмас, балки қалбингиздаги яширин ҳис-туйғуларингизни, меҳрингизни намоён этивчи ҳақиқий жараёндир*”.

Хозирги кунда ҳам турли тасодифий педагогик вазиятларда, ўқитувчи ғазабланганда, қувонгандан, хафа бўлганида, тушкун бир аҳволга тушганида ички ҳис-туйғуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга ўтказишни билиши педагогик маҳоратнинг муҳим шаклидир.

Маълум маънода ўқитувчи педагогик фаолиятида унинг руҳий таъсирланиши, қайғуриши, бошқа касб эгаларининг табиий ҳис-туйғуларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ўзининг коммуникатив вазифаларни бажариш жараённида бошқа касб эгалари каби ташқи муҳитнинг турли таъсири остида ва инсоний ҳис-туйғулар гирдобида яшайди, касбий фаолиятининг ўзига хослиги ҳам ана шунда намоён бўлади ва ўқитувчининг таъсирланиши, ҳис-туйғулари, ҳаяжони педагогик мақсадга мувофиқ бўлиши лозим.

Ўқитувчининг коммуникатив вазифаларни бажариш жараённида педагогик таъсир кўрсатиш, педагогик фаолият туфайли содир бўладиган қайғуриш, ҳис-ҳаяжон, мураккаб ҳаётий ва педагогик мақсадга қаратилган ўқитувчи ташвишларининг йиғиндицидир, айнан шу жараёнда ўқитувчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаётий, ғайриихтиёрий ташвишлар йиғиндиси сақланади. Натижада, педагогик вазиятларда ўқитувчининг қайғуриши педагогик ихтиёрийлик юзасидан ўз фаолияти олдида жавобгарлик ҳиссини ҳам пайдо қиласи. Шу сабабли, ғайриихтиёрий ташвишлар ўқитувчининг ихтиёрий ташвишлари ва педагогик таълим-тарбиявий мақсадларга қаратилган ҳис-туйғулари асосида амалга оширилади.

### **5. 3. Педагогик мuloқotни ташкил этиш йўналишлари**

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўқувчилар билан олиб борадиган мuloқоти муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Бу педагогик мuloқotning бутун тизимида унинг маънавий мазмундорлигини оширишни талаб этади, зеро айнан педагогик мuloқot, таълим-тарбиянинг маънавий асосларини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий-психологик, тарбиявий ва маънавий вазифаларнинг мураккаблиги ўқитувчининг коммуникатив фаолиятига юксак талабларни қўяди. Ўқитувчи касбий фаолиятида юксак педагогик ва психологик натижаларга эришиши учун, кўп йиллик назарий ва амалий тажрибалар асосида тадқиқотчи олимлар томонидан таклиф этилган мuloқotning қўйидаги йўналишларидан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Прогностик йўналиш: Ўқитувчи томонидан ўқувчилар билан мuloқotга бевосита тайёргарлик жараённида ўқувчилар билан бўлажак ҳар қандай мuloқot турини моделлаштириш.

2. Мuloқotning бошлангич йўналиши: Ўқувчилар билан дастлабки мuloқotни ташкил этиш жараённида ёзаро таъсир методларидан бевосита фойдаланиб, ташаббускорликни кўлга олиш.

3. Мuloқotning учинчи йўналиши: Тобора такомиллашиб, ривожланиб бораётган педагогик фаолиятда мuloқotning турли технологик шаклларидан унумли фойдаланиш ва уни бошқариш.

4. Мuloқotning тўртинчи йўналиши: Кейинги педагогик фаолият учун олиб бориладиган мuloқot тизимини моделлаштириш ва мuloқotning амалга оширилган тизимини доимий таҳлил килиб бориши.

Мuloқotning биринчи, моделлаштириши йўналишида, ўқитувчи ўқувчилар билан дарс жараённида учрашишга тайёрланиб, нафақат олдиндаги фаолият мазмунини, балки мuloқotning мумкин бўлган усуллари ва таъсирчан оҳангларини ўйлаб олиш лозим. Педагогик мuloқotning ушбу босқичи нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиб, коммуникатив вазифаларнинг бажарилиш ҳолатини олдиндан пухта ўйлаш керак. У ҳар қандай дарснинг коммуникатив тизимини мукаммал, ўзига хос равища режалаштиришга имконият яратади.

Ушбу прогностик йўналишда педагогик вазифаларни коммуникатив вазифалар соҳасига ўтказиш бўйича мураккаб жараён амалга оширилади. Уларнинг бир-бирига

мувофик келишига эришилади. Айни пайтда ўқувчилар идрок этиш орқали ўқитувчи томонидан ўрганилаётган янги дарс материалларини ва ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатини кузатиб баҳолайдилар.

Ўқитувчи ўзи учун бўлажак дарснинг ноёб хусусиятларини ва коммуникатив режасини тузиши мумкин. Унда дарснинг ҳар бир педагогик вазифасига, коммуникатив вазифанинг маълум бир усуллари мос келиб, уни ҳал қилишнинг ўзига хос йўналишлари намоён бўлади.

Ўқувчилар билан бўлажак мулоқотни моделлаштиришнинг муҳим шарти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро эмоционал бирлиги бўлиб, у ўқитувчига дарснинг қуидаги эҳтимолий атмосферасини олдиндан кўра билиш имкониятини беради:

- бўлажак дарсда ўқувчилар жамоаси билан рўй бериши мумкин бўлган турли вазиятларни олдиндан кўра олиш;

- ўқувчилар билан ўзаро демократик ва эркин муносабатнинг ҳар хил даражаларини ташкиллаштириш, уни ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

- дарсда ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини ва ижодий кайфиятини вужудга келтириш.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ўқувчилар билан бўлажак мулоқотни моделлаштириш жуда муҳим, зеро бу жараён дарснинг дидактик тамойилларини ҳар томонлама белгилаб беради, ўқитувчини ижодий фаолиятга йўналтиради, унда ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг мукаммал шаклларига нисбатан турли мулоқот моделларини такомиллаштириш имконияти пайдо бўлади. Мулоқотни моделлаштириш бевосита янги дарс олдидан тезда бажарилиши мумкин, баъзан эса доимий характер касб этади. У ўқитувчига ўзининг дарс жараёнидаги коммуникатив муносабатини ва эмоционал хулқини, ҳис-туйғуларини олдиндан кўра билиш имкониятини яратади.

Мулоқотнинг иккинчи бошлангич йўналишида – ўқувчилар билан бевосита муносабатни ташкил қилиш учун ўқитувчи ташаббускорликни ва коммуникатив устунликни ўз қўлига олиши керак, бу унга кейинги йўналишларда доимий мулоқотни ўзи бошқариш имкониятини беради. Мулоқотда ташаббускорликни қўлга олиш, ўқитувчининг таълим-тарбиявий жараённи ҳамиша оқилона, зиддиятсиз бошқаришини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, барча ўқитувчи ҳам доимо синф жамоаси билан коммуникатив мулоқотни ўзи бошқариш имкониятини қўлга кирита олмайди.

Иккинчи бошлангич йўналишда бўлажак мулоқотнинг шарт-шароитлари ва тизими аниқлаштирилади, олдиндан режалаштирилган мулоқот модели татбиқ этилади. Коммуникатив мулоқотнинг дастлабки дақиқаларида ўқитувчи танланган таълим методларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаштириши, ўқувчиларнинг умумий кайфиятини, улардаги ижодкорликни ва ишчанлик кайфиятини ҳис қилиши лозим.

Ҳозирги замон ижтимоий-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон мулоқотда унинг ташаббускори бўлиши ҳам мумкин, баъзан эса, вазиятга қараб, ўзаро муносабатнинг фаол ёки пассив субъекти сифатида қатнашиши ҳам мумкин. Касбий-педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўқитувчининг ташаббускорлиги бу ўринда мулоқотни бошқариш воситаси сифатида яхлит ўқув-тарбиявий жараённи ҳам бошқаради. Айтиш лозимки, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан дарс жараёнида ўқитувчи ҳамда таълим олувчиларнинг ўзаро ижодий фаолиятида билим олишга қаратилган изланишни бошқариш, факат педагогик жиҳатдан тўғри ташкил қилинган мулоқот натижасида амалга оширилади.

Масалан, дарсда янги мавзуни ўқувчилар онгига сингдириш, янги материални тушунтиришда ёки муаммоли вазият ҳосил қилишда синф жамоаси билан мулоқотни тўғри ташкиллаштириш, ўқитувчи учун нақадар зарур, бунинг натижасида ўқувчилар биргалиқда аҳил жамоа бўлиб, дарсда, билимларни ўрганишда ўзаро эркин фикр юритадилар ва изланадилар. Мулоқотда ўқитувчининг ташаббускорлиги, таълим-тарбиявий ҳамда ижтимоий-психологик жиҳатдан қатор стратегик ва тактик муаммолар ечимини топиш имкониятини беради: ўқитувчининг ўқув-тарбиявий жараёндаги йўналтирувчанлик роли, ўқувчиларнинг яхши кайфияти, ҳис-туйғуларини шакллантирадиган, ўқув-тарбиявий фаолият самарадорлигини таъминлайдиган керакли ижтимоий-психологик муҳитни яратиш имкониятини берадиган қизғин коммуникатив мулоқотни педагогик мақсадга мувофик таъминлайди.

Дарсда ўқувчилар билан мулокотни ташкил қилишда ўқитувчининг ташаббускорлиги қуидаги вазиятларда намоён бўлади:

- синф жамоаси билан дастлабки сухбат жараёнини оқилона, пухта ташкил қилиш;
- ташкилий маросим ва тадбирлардан (саломлашиш, ўқувчиларни тартиб билан ўтқазиш, давоматни текшириш ва ҳоказо) расмий ва шахсий мулокотга тезкор ўтиш;
- ўқувчилар билан ижтимоий-психологик ҳамкорликка осон эришиш муаммоларини излаш;
- ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий ва сермазмун бўлишида ҳар қандай салбий тўсиқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ўқувчилар билан ўзаро муносабатда ўзининг шахсий инсоний фазилатларини намоён этиш;
- айрим ўқувчиларга нисбатан бир қолипдаги ва бир ҳолатдаги салбий муносабатларни бартараф қилиш;
- бутун ўқувчилар жамоаси билан яхлит ўзаро ижобий муносабатни ташкил этиш;
- ўзаро ҳамкорликнинг бошланғич вазиятларида ўқувчилар жамоасини эркин мулокотга сафарбар қила оладиган вазифа ва масалаларни онгли равишда қўйилиши;
- таълим ва тарбия тизимида таъқиқланган педагогик талабларни кўлламаслик, аксинча янги, синалган, технологик жиҳатдан мукаммал деб топилган педагогик талабларни кўпайтириш;
- ўқитувчи ташки кўриниши билан (орасталик, тартиблилик, фаоллик, хушмуомалалик, муошарат одоби ва ҳоказо) коммуникатив муносабатни таъминлашга эришиши;
- ўзаро ҳамкорликнинг нутқий ва новербал воситаларини (мимика, пантомимика, маъноли қараш) кўллаш орқали муносабатга фаол киришиш;
- ўқувчилар жамоасига ўзининг хайриҳоҳлигини, мойиллигини, дўстлигини «намойиш этиши»;
- ўқувчилар билан мулокотда педагогик фаолиятнинг ёрқин ва эътиборни тортадиган мақсадларини қўя билиш ва уларга эришиш йўлларини кўрсатиш;
- ўқувчиларнинг ҳар хил вазиятларда ички кайфиятларини, ҳис туйғуларини тушуниш, уни ҳисобга олиш, ҳамжиҳатлигини кўрсата билиш.

Педагогикага оид дарслик ва кўлланмаларда таълим – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳамкорлик фаолияти, бир-бирларига ўзаро ижобий таъсир воситаси сифатида талқин қилинади. Бироқ, бу фаолиятнинг ижтимоий-психологик тизими ҳамма вақт ҳам эътиборга олинмайди. Бу ўринда ҳам қатор муаммолар юзага келадики, улар таълим ва тарбиянинг мазмун ва методик аспектларига салбий таъсир қилиши мумкин. Ўзаро ҳамкорлик ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижтимоий-психологик бирлигини кўзда тутади. Дарс жараёнида кўп ҳолатларда бунга эътибор берилмайди.

Педагог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, дарс давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан бир-бирларига мослаша олмаслигининг 25 дан 150 гача бўлган турли ҳолатлари юзага келади. Булар онгли назорат қилинмайди, демак ўқитувчи томонидан бу ҳолатга нисбатан маълум бир мақсад белгиланмайди. Аксинча, тўғри топилган ва дарсда амалга оширилган мулокот тизими ўқувчиларни фаоллаштиради, ўқув фаолиятига қизғин иштирок этишга интилишини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ўқув фаолиятининг ижтимоий-психологик томони таълимни оптималлаштиришнинг амалий заҳираси саналади. Баъзан таълимнинг янги методларини эмас, балки мавжуд бўлган методикасининг ишончли ижтимоий-психологик таъминотини излаш керак бўлади.

Дарслардан ўзлаштиромовчи ўқувчилар хулқидаги чекинишларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг салбий ҳислатлари, тенгдошлари билан муносабатда пассивлиги, хулқининг ўзгарувчанлиги нафақат ўз фаолиятидан, балки ўқувчилар жамоасидаги ҳолатидан ҳамда у билан дўстона муносабат этишмайдиган мулокотдан қониқмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Бу ҳолатларнинг барчаси ўқувчининг психологик кайфиятини кескин салбий томонга ўзгаришига олиб келади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг педагогик муроқоти тизимида кўпинча, у ёки бу ўқувчининг идрок этиши, тафаккури бир қолипда шаклланади, ўқитувчи кўз ўнгидаги барқарор психологияк муроқот обьектига айланадилар. Мабодо, ўқувчи ўқитувчининг кўз ўнгидаги “ёмон ҳулқилилар” қаторига кириб қолса, бу ўқитувчининг унга нисбатан муроқот амалиётига таъсир ўтказади. А.Н.Леонтьев бундай муносабатнинг қуйидаги белгиларини қайд этади: *“ўқитувчи дарс жараёнида “ёмон” ўқувчига мавзуга тааллуқли саволга жавоб берши учун, “яхии” ўзлаштирадиган ўқувчига нисбатан, камроқ вақт ажратади, яъни диққатини унга жалб қилмайди, ўйлашга вақт бермайди. Ўқувчи нотўғри жавоб берса, ўқитувчи саволни қайтармайди, йўналтирувчи савол, ёки фикр бермасдан, дарров бошқа ўқувчидан сўрайди ёки ўзи тўғри жавобни айтади. Баъзан, нотўғри жавобни ижсобий баҳолаб, “либераллик услуги”ни қўллаши мумкин. Айни пайтда, “ёмон” ўқувчини нотўғри жавоб учун коййди. Тўғри жавоб учун мақтамайди. “Ёмон” ўқувчининг ҳар қандай жавобига ўқитувчининг реакцияси сезилмайди, бошқа ўқувчини жавоб берши учун чакиради, баъзидаги ҳатто “ёмон” ўқувчилар билан таъсирчан педагогик муроқотни олиб бормайди.* Ушбу норасмий муроқотнинг натижаси маълум, бунда ўқитувчи ўқувчилар билан муроқотни ижобий ташкил қиломайди.

Муроқотнинг учинчи йўналишида ўқитувчи педагогик фаолиятида коммуникациянинг турли шаклларидан унумли фойдаланиб, қуйидаги кўп функцияли вазифаларни бажаради:

- дарс давомида ўқитувчи кўплаб педагогик усул ва воситаларни ҳамда шахсий коммуникатив вазифаларни ҳал қиласди;
- аслида, дарс жараёнининг турли қисмларида, ўқитувчи тарбиявий таъсир ўтказишида муроқотнинг ўзига хос тизимларини қўллаш талаб қилинади;
- тажрибали ўқитувчи ушбу тизимларни деярли осонлик билан топади, педагогик фаолиятини эндингина бошлаган ўқитувчиларга бу ҳолат қийинчилик билан кечиши мумкин.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида муроқотни педагогик жиҳатдан тўғри ташкил қилишда, унинг коммуникатив маданиятига жиддий талаблар қўйилади. Дарс ҳамда тарбиявий тадбирлар – ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро муносабатлари тизимини шакллантирувчи жараён бўлиб, айнан ушбу фаолиятда ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик фаолиятини таркиб топтиради. Тажрибали ўқитувчилар билан ўзаро сухбатлардан маълум бўладики, дарсда ўқувчилар жамоаси билан муроқот шаклини танлаш учун ўқитувчи қайсиdir маънода ўрганилаётган янги материал учун педагогик методларни ҳам танлаш талаб қилинади. Шу сабабли, дарсда янги мавзуни ўрганишга тайёргарлик кўрилаётганда ҳамда тарбиявий таъсир режасини тузатиши, муроқот тизимининг ўзига хос мазмунан бой жиҳатларини моделлаштириш лозим.

Педагогик фаолиятини эндингина бошлаётган ёш ўқитувчи, ўқувчилар билан ўзаро муносабатлар жараёнида, айниқса ўзининг касбий педагогик ҳатти-харакатларида ўзига хос психологик тўсиқларга дуч келишини, ўқувчилар билан муроқотда зиддиятлар пайдо бўлиши мумкинлигини билиши ва бунга ҳар томонлама тайёргарлик кўриши, чукур педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши керак.

Ёш ўқитувчи муроқот малакасига эга бўлмаслиги мумкин, бу эса унда эсанкираб саросимага тушиш, эркин ҳаракат қиломаслик каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Ёш ўқитувчиларда муроқотнинг ривожланган ифодали воситалари етишмаслиги, нутқ техникасидан фойдаланиши билмаслиги, мимик ва пантомимик ҳаракатларда нўноқлик кузатилади. Баъзан ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида муроқотнинг “авторитар услуги”ни қўллаши натижасида ўзаро муносабатлар салбий оқибатларга олиб келади. Ёш ўқитувчининг чукур билими ва маҳорати эвазига тайёрланган таълимий вазифалар, хилма-хил топшириклар ва тарбиявий тадбирлар, олиб бориладиган педагогик фаолият ўқувчилар учун мутлақо қизиқарли бўлмаслиги, ёки улар умуман бепарво бўлишлари мумкин. Ўқитувчи тасаввурича, қизиқарли бўлган ҳар қандай педагогик тадбирлар ўқувчиларга таъсир қилмаслиги мумкин. Баъзан, ўқувчилар билан бир қолипдаги салбий муроқот натижасида ёш ўқитувчи улар билан “келиша олмайди”, оқибатда у синф жамоасини тарқ этишга мажбур бўлади. Янги ўқитувчи синф жамоасининг олдинги ўқитувчи билан муроқотда содир бўлган норозилик кайфияти сирларини ўрганади, ўзининг муроқот позициясини қўллашга ҳаракат қиласди. Бироқ, шуни унумаслик керакки, ўқувчилар жамоасининг ўқитувчи билан

мулоқотидаги норозилик кайфияти янги пайдо бўлган ўқитувчига ҳам таъсир қилиши, у синф жамоаси билан мулоқотдаги ўзига нисбатан салбий кайфиятдан чиқара олмаслиги мумкин.

Мулоқотнинг тўртинчи йўналишида педагогик фаолият учун олиб бориладиган мулоқот тизими моделлаштирилади ва мулоқотнинг амалга оширилган тизими таҳлил қилинади. Педагогик мулоқотни ташкил этувчи ёш ўқитувчидан:

– ўқувчилар билан ўзаро муносабатнинг ўзгарувчан ҳар қандай шароитларида тез ва тўғри психологик мўлжал олиб таҳлил қилишни;

– коммуникатив тизимни мукаммал режалаштирган ҳолда амалга оширишни ва айниқса унинг энг муҳим тармоғи – нутқ техникаси ва нотиқлик санъатининг таъсирини пухта ўзлаштиришни;

– ўқитувчининг индивидуал касбий ижодкорлигига ва турли вазиятларда ўқувчилар билан мулоқот қилиш қобилиятига ҳамда тарбияланувчининг шахсий хусусиятларига мос келувчи “коммуникатив воситаларни” тез ва аниқ топишни;

– айни пайтда мулоқотнинг тескари алоқаси ҳам мавжуд эканлигини ҳис қилиб, уни моделлаштириш ва қўллаб қувватлашни талаб қиласди.

Ёш ўқитувчи баъзан, кундалик фаолиятида юзага келадиган фавқулотдаги ҳолатларда тез ва аниқ ечилиши лозим бўлган коммуникатив муаммоларга дуч келади ва бунда мулоқотнинг кутилмаган вазиятларига тайёр эмаслигини ҳис қиласди. Бундай вазиятларда ўқитувчининг ақл-заковати ва педагогик маданияти, касбий тафаккури, нутқининг ривожланганлиги ва лексик ҳамда касбий-лексик жиҳатдан сўз бойлигининг мавжудлиги, умумий суҳбатлашиш маданияти, ўқувчилар билан коммуникатив фаолиятга мойиллиги асосий ролни ўйнайди.

Кутилмаган, тайёргарлик кўрилмаган коммуникатив муаммолардан ниҳоятда уддабуронлик билан устунликни қўлга олиш ўқитувчи касбий фаолиятида улкан синов бўлиб, принципиал аҳамиятга эга, негаки бундай вазиятларда мулоқотнинг барча варианtlарини тахминий режалаштириш асло мумкин эмас. Бунда ўқитувчи мулоқотда педагогик импровизация (тайёргарликсиз) ҳолатларига кўникма ҳосил қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак – вазиятни ва ўқувчилар ҳатти-харакатини чуқур идрок қилиб тез ва ҳаққоний баҳолаши, ҳеч қандай мантиқий мулоҳазасиз, ўзининг билим ва малакаларига, тажрибаларига, педагогик маҳорати ва ақл-заковатига, сезгисига асосланиб, тез ва аниқ қарор қабул қилиши, вазиятнинг ўзгаришига қараб муносабатини, шахсий педагогик фаолиятини тўғрилаб, узвий равишда ушбу қарорни ўқувчилар билан мулоқот жараёнида қўллаши лозим.

## **6 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ**

### **6.1. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулокот маданиятининг шаклланиши**

Ўқитувчи касбий фаолиятида мулокот маданиятини шакллантириш муаммоси кишилик жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилинади. Шу боисдан ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёкат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагог кадрлар шахсий фаолиятида касбий маданиятни таркиб топтириш мутлақо зарур эканлиги таъкидланади. Республикаизда ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, ҳислатлари, қобилиятлари иш услублари, педагогик маҳорат сирларини эгаллаш йўллари, шахслараро мулокот маданияти юзасидан турли даврларда ҳар хил илмий изланишлар олиб борилган.

Мулокот маданиятининг тарбияловчи имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсий сифатлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтиш лозим. Педагогик мулокот маданиятининг ҳар жиҳатдан тўғри танланган, ўқитувчининг маънавий савияси, бетакрор хусусиятларига мувофиқ келувчи услуби қуйидаги вазифалар мажмуини ҳал қилишга ёрдам беради:

**биринчидан**, мулокотда ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор ва дилкашлиқ, синф жамоаси билан умумий мулокот жараёнини соддалаштиради, ўқитувчининг эркин педагогик фаолияти учун замин тайёрлайди, зиддиятли вазиятларни осон ҳал қиласди;

**иккинчидан**, ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатни эркин мулокот асосида ташкил қилиш, уларнинг ёш хусусиятларига монанд педагогик ва психологоик мулокот услубларини танлаш, унинг руҳиятини билишга, ички дунёсига “кириб бориш”га йўл очади;

**учинчидан**, педагогик мулокотда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий нормалари муваффақиятлар калити бўлиб, таълим-тарбия самарадорлигини оширади, мулокотнинг барча босқичларида ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини хотиржамлигини таъминлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулокот маданияти индивидуал услубларини шакллантириш методикаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчилар билан мулокот қилиш маданиятининг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиши. Ўқувчилар шахсий хусусиятларини мустақил таҳлил қилиш, ҳар томонлама тавсиф бериш, ўқитувчининг мулокотни тўғри ташкил этиши асосида амалга ошади.

2. Шахсий мулокотда рўй берадиган камчиликларни аниқлаш ва дарҳол уларга барҳам бериш чораларини излаб топиш: мулокотда қўполлик, менсимаслик ва бошқа салбий ҳолатларни енгиш.

3. Ўқитувчи ўзи учун мулокот маданиятининг қулай бўлган услубларини ишлаб чиқишига доир фаолиятни ишлаб чиқиши ва ўз-ўзини кузатиш билан ютуқ ва камчиликларни таққослаш.

4. Ўзининг мулокот маданияти услубларига мувофиқ келувчи миллий анъана ва маънавиятимизга хос жиҳатлардан унумли фойдаланиш.

5. Мулокот маданиятида педагогик фаолият қонуниятларидан четга чиқмаслик, бу услубни мустаҳкамлаш (педагогик амалиёт ва малака ошириш жараёнida).

Педагогик фаолиятни эндиғина бошлаётган ёш ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ўқувчилар билан мулокот маданиятини шакллантириш устида мунтазам иш олиб боришлари зарур.

Таълим-тарбиявий жараённи ташкил этишда педагогик мулокот маданияти ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бевосита ўзаро муносабатини маълум бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирувчи кучdir. Бу ўринда ўқитувчи қуйидаги вазиятларни эътиборга олишни алоҳида таъкидлаш лозим:

- ўқитувчининг илк тарбиявий фаолиятидан бошлаб мuloқот маданиятига риоя қилиши, бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳар кунги муомалани вазиятга қараб режалаштириши, ҳар бир ҳаракат, сўз оҳангига эътибор, анъанавий мuloқотнинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириши;

- мuloқот асосида синф жамоасидаги турли вазиятларни қайд этиш, ўқувчилар ҳатти-ҳаракатининг олдинги ҳолати билан, тарбиявий фаолиятдан кейинги ҳолатини қиёслаб чиқиб баҳо бериш;

- ўз мuloқот услуги натижаларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, камчиликларни узлуксиз бартараф этиб бориш. Зарур сўз, овоздаги ёқимли оҳанг, ҳулқ-атворни вужудга келтириш;

- педагогик мuloқот маданиятининг самарали кечиши учун унинг шарт-шароитларини билиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, ўқувчилар билан ўзаро муомаланинг “устоз-шогирд” анъаналарига хос бошланиши ва ўзаро фикр алмашиш асосида муҳим вазифаларни ҳал қилиш билан муомала объективининг диққатини ўзига жалб қилиш;

- мuloқот обьекти, яъни ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилиш деганда нимани англаш керак? Бунинг маъноси ўқитувчи ўзининг хушмуомалалиги, маданияти, гўзал ҳулқи, мuloқотда ўқувчилар қалбига йўл топа олиши билан ўз маҳоратини намойиш қилиб, мuloқот маданиятининг ташкилий шаклларига ижтимоий-психологик негизни асос қилиб олишидир.

Кўрсатиб ўтилган вазиятлар асосида педагогик таъсир кўрсатиш учун, ўқитувчининг педагогик мuloқот маданиятига, этикаси ва одоб-ахлоқига, дилкашлигига, муюшарат одобига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фазилатлар ўқитувчининг синф жамоасида, ота-оналар билан мuloқот қила билишида, ўқувчилар билан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тарбиявий фаолиятни ташкил этишида ва уларни бошқара олишида муваффақиятлар гаровидир. Касбий фаолиятнинг ноёб фазилати бўлмиш педагогик мuloқот маданиятига амал қиладиган ёш ўқитувчи қуидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши лозим:

- мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий талаблари ва эҳтиёжларига мос бўлган юксак маънавият даражасидаги қарашлар, кучли ва барқарор эътиқод, давлатимиз идеаллари, миллий ғоя ва истиқлол мағкурасига содиклик, ватанпарварлик, фидойилик туйғулари шаклланган ижтимоий-сиёсий фаол шахс;

- ўқувчиларга самимий меҳр-муҳаббат, уларнинг ҳар қандай эҳтиёжлари, қизиқишилари, ҳатти-ҳаракатлари мотивларини, ҳулқ-атворларини тушуниш кўнимаси ва малакасининг шаклланганлиги;

- жамиятда рўй берётган ҳодисалар, жаҳонда рўй берётган воқеалар, табиатга, борлиққа, шахслараро, гурухлараро, миллатлараро муносабатларга нисбатан педагогик кузатувчанлик, янгиликка, ижодий изланишга нисбатан интилиш қобилиягининг мавжудлиги;

- педагогик фаолиятнинг барча жабҳаларида одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, муносабатларидаги хусусиятларни оқилона тушуниш, ўз фаолиятига нисбатан рефлексив муносабатни таркиб топтириш;

- ҳар қандай фавқулотда вазиятларга, жамиятда рўй берётган янгиликларга нисбатан ҳамда ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларга омилкорлик ва ақл идрок билан муносабатда бўлиш, ўз олдига тўғри мақсад кўя олиш, режа тузиш, бевосита назорат қилиш, бошқариш ва ўз имкониятларини намоён эта олиш;

- педагогик фаолиятларда, жамоатчилик тизимида муваққат гуруҳий муносабатларда оммавий ҳаракатларда ташкилотчилик ва бошқарувчанлик қобилиятини намойиш этиши;

- дунёқарashi ва тафаккур кўламишининг кенглиги, дунёвий билимларни билишга нисбатан қизиқишининг серқирралиги, илмий изланишларга мойиллилиги, муайян илмий салоҳият ва педагогик маҳорат даражасини мунтазам ошириб бориши;

- ўқувчилар билан мuloқотда лаёқатлилиги, нутқ маданиятининг мантиқан ихчам, маъноли, таъсирчан кучга эгалиги, психологик таъсир ўтказиш билан қуролланганлиги.

Ҳар бир ўқитувчи учун ўқувчиларга тўғри, омилкор ахборот узатиш ва унга сухбатдошини ишонтира олиши касбий зарурият ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг мuloқот маданияти, маънавий оламининг кенглиги муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг педагогик

фаолияти узлуксиздир, шу сабабли у мuloқот маданиятини ҳам мунтазам шакллантириб боришида күйидаги йўналишларга эътибор бериши лозим:

1. Юксак педагогик фаолият нуқтаи назаридан ўз-ўзини англаши, (муомалада ўзининг ўзаро фикр алмашибга доир сифатларини, ижобий ва заиф томонларини билиши) ва шу асосда ўзаро фикр алмашиб йўли билан ўз-ўзини тарбиялаши.

2. Кишилар билан ўзаро муносабатда коммуникатив иқтидорини шакллантириб бориши, мuloқот асосида тўғри башорат қилиш сезгиларини машқ қилдириши, мuloқотда ўзининг идеал тасаввурларини, имкониятларини бошқалар (ўқитувчилар жамоаси, ўқувчилар, ота-оналар) қандай баҳолаши ҳақидаги рефлексив тасаввурларини таҳлил қилиши.

3. Ўзида муошарат одобининг муҳим хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтинослаштирилган машқлар асосида ишлаши.

4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан тарбиявий мақсадларга қаратилган турли жамоат ишларини олиб бориши, бунда ўзаро фикр алмашиб асосида педагогик ташкилотчилик қобилиятини такомиллаштириб бориши.

5. Мuloқот жараёнида пайдо бўладиган салбий ҳолатларни енгиш кўнкимларини шакллантириши, дилкашлик ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиши.

Ўқитувчи мuloқот маданияти асосида фаолият олиб борган тақдирда ҳам, ўқувчилар жамоаси орасида турли тушунмовчиликлар, зиддиятлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Ҳар қандай тажрибали ўқитувчининг педагогик мuloқоти жараёнида ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Синфда содир бўладиган ҳар қандай педагогик вазиятга жавобгар шахс ўқитувчидир. Бу барча даврлар педагогик фаолиятида намоён бўладиган типик ҳодиса.

Айниқса, ушбу ҳолат эндиғина ўз фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида муаммоли вазиятларни пайдо қиласи. Ёш ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий фаолиятини доимий назорат қилиш, уларга тўғри йўналиш бериш, барча ўқув муассасалари педагогик жамоатчилигига, устоз ўқитувчилар зиммасига юклатилиши лозим. Педагогик фаолиятда хато ва камчиликларга йўл қўядиган ўқитувчининг ёшига ва иш тажрибаси кўламига одатда ўқувчилар хеч қачон эътибор бермайдилар. Чунки, ўқувчилар ёшидан ва тажрибасидан қатъий назар барча ўқитувчиларни устоз деб атайдилар. Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик мuloқотнинг ўзига хос анъаналари, миллийлигимизга мос шакл ва методлари мавжуд.

Зеро, И.А.Каримов асарларида таъкидланганидек, “*Мамлакатимизнинг истиқлол ўйлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириши, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириши, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириши асосида жаҳон андоузлари ва кўнкимлари даражасига чиқарии мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда*”. Бу улкан мешақатлар эвазига амалга оширилиб келинаётган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишидир. Ҳозирги замон ўқитувчисидан, ҳаёт синовларига бардошли бўлиш, миллат қадриятларини англаш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш, ўксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш, энг сўнгги замонавий технологияларни мукаммал билиш талаб этилади.

Ўқитувчи ўқувчилар билан мuloқот жараёнида юз бериши мумкин бўлган турли зиддиятли вазиятларни тезда бартараф этиши учун, аввало ўз иқтидорига, педагогик маҳоратига таяниши керак. Педагогик мuloқот асосида эришиладиган ютуқлар ўқитувчининг ижодий меҳнати маҳсулидир. Бу меҳнатнинг салбий ва ижобий томонлари бўлиши шубҳасиз. Фақат ҳар бир вазиятни оқилона баҳолаш, уни тўғри режалаштириш, тарбиявий жараёнларда ақл-идрок билан мuloқотни ташкил этишнинг ўзи кифоя.

Ўқитувчи билан ўқувчининг мuloқотда бир-бирларини ўзаро тушунмасликлари, мuloқот воситаларининг қашшоқлиги, ҳар бир ўқувчининг рухиятига қараб муомала қилинмаслиги, барчага бир хил мажбурий итоаткорлик муносабати, ўқувчиларни тор доирадаги интизомга чакиравчи эмоционал жиҳатдан салбий тус берилган буйруқ шаклидаги мuloқот доимий зиддиятларни келтириб чиқаради. Педагогик мuloқот усуллари устида ишлашнинг асосланган тизимини тузиш учун, ҳар бир ўқитувчи ўзининг муаммоларидан,

йўл қўйилган камчиликларидан келиб чиқиб, қийинчиликларни таҳлил қилиш билан бартараф этиши лозим.

Педагогик муроқотга доир барча машқларнинг умумий йўналишини мавжуд педагогик вазиятларда малака ҳосил қилиш учун, ҳар бир муроқот иштирокчиларининг имкониятларини очишга кўмаклашувчи унинг шахсий ҳислатларини ривожлантириб боришини таъминловчи воситалардан фойдаланиш таклиф қилинади. Муроқотга баъзи ўқувчиларнинг субъектив қарашларини аниқлаш, шу ўқувчи билан муроқотни оқилона ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш, унинг хулқини тузатиш ёки унда шунчаки ишонч кайфиятини яратиш керак.

Мазкур вазиятларда ўзаро ҳаракатларнинг тизимли воситалари мажмуаси қуйидагича белгиланиши мумкин:

- муроқот жараёнида тарбияланувчи обьектнинг жавоб ҳаракати имкониятларини олдиндан кўра билиш;
- обьектда психологик тўсиқ ва салбий қарашларни келтириб чиқарувчи воситаларни кўлга киритиш;
- вазиятнинг ўзгаришига қараб фойдаланиш мумкин муроқотларнинг бир нечта моделига эга бўлиш;
- ўқувчилар жамоаси фикрларини тинглаш, уларнинг муроҳазаларига қўшилиш, уларга ҳамдардлик кўникмасини ривожлантириб бориш;
- ўзаро муроқот натижаларини баҳолаш ва эришилган ютуқлар ҳамда камчиликларни педагогик-психологик воситалар асосида таққослаш.

Педагогик фаолият ва педагогик муроқот характеристи ўқитувчининг шахси, унинг қарашлари нуқтаи назарларида ва хулқида намоён бўладиган ғоявий сиёсий савияси, профессионал тайёргарлиги ва билишга интилиши билан узвий боғлиқ. Бу асосий ҳислатлардан ташқари ўқитувчининг умумий ва бошқа қобилияти, унинг мойиллиги характеристи, муваққат психик ҳолатлари, шунингдек, тўпланган тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи шахсининг профессионал жиҳатларини ўз-ўзини тарбиялаш йўлларидан бири ўзининг сифат ва ҳислатларини, шунингдек педагогик фаолият ва муроқотларининг барқарор хусусиятларига, ўқитувчи билимининг савияси ва тарбияланганлиги натижасида эришилган натижаларини таҳлил қилишга доир машқларда ҳам намоён бўлади.

## 6.2. Педагогик муроқотда муомала маданияти

Мустақилликдан кейин амалга оширилаётган таълим тизимидағи ислоҳотлар туфайли улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Одамларнинг онги, дунёқараши ўзгарди. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутади. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилишида, ҳар бир фуқаронинг билим олишида, ижодий қобилиятини шакллантиришда, интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришда ўқитувчининг муроқот маданияти ва муомаласи муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун таъкидлаш жоизки, ўқитувчи касбига нисбатан талаб ва жавобгарлик ҳам кучайди, уларнинг жамият олдидағи вазифалари янада ошди. Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига чиқариш, ўқувчиларда мустақил ва эркин фикр юритиш қўникмаларини ҳосил қилиш каби буюк вазифаларга жавобгарлик ўқитувчилар зиммасига юклатилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «*Ёши авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур anglashi, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиши таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши керак... бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган*

*шахсни тарбиялаши масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади*. Бу вазифаларнинг бажарилишига, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий амалга оширувчиси бўлган ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муомалага киришиш маданияти орқали эришилади. Ўқувчи маънавий муҳитининг шаклланиши ўқитувчининг юксак ахлоқ намунаси орқали намоён бўлади. Бу ўринда ўқитувчининг шахсий ва ижтимоий ҳаракати педагогик мулоқот маданияти замираша шаклланиб, такомиллашади.

Педагогик мулоқотда ўқитувчининг энг яхши фазилатлари ва ҳатти-ҳаракатлари ўқувчининг идеали сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг ўқитувчи шахси ҳақидаги қарашлари, унинг ҳатти-ҳаракати, педагогик маҳорати унинг маънавий маданиятига мос келмаса, яхлит педагогик жараённи мукаммал ташкил этиш ҳам ижобий натижалар бермайди. Ўқитувчи субъекти билан, ўқувчи обьекти ўртасидаги қаттиқ авторитар интизом ҳам ўзаро мулоқот маданиятига салбий таъсир этади, натижада ўқувчининг ички ҳиссиёти ҳамда шахсий фазилатлари ривожланмайди.

Педагогик мулоқот маданияти ўқитувчи фаолиятини муваффақиятга йўналтирувчи энг муҳим восита, бунда ўқитувчининг муҳим фазилати, унинг мулоқот маданиятига асосланган муомаласидир. Муомала барча фалсафий ва психологик фанларда ўзига хос таърифга эга. Педагогиканинг категорияси сифатида **муомала** ўқувчилар қалбига йўл топа олиш, уларга ёндашиш учун меҳрини қозониш, педагогик нұқтаи назардан таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан ўзаро алоқа боғлашга қаратилган ўқитувчининг педагогик қобилиятидир.

Ўқитувчи ўқувчилар билан муомалага киришиш асосида:

1. Ўз ижодкорлигини ва педагогик маҳоратини намойиш қиласди.
2. Ёш авлодни миллий мағкурамиз ва миллий маданиятимиз руҳида тарбиялайди.
3. Шарқона удум ва урф-одатларимиз асосида баркамол шахсни шакллантиради.
4. Ўзининг таълим-тарбиявий имкониятларини намойиш этган ҳолда, ҳар бир ўқувчи қалбига йўл топади.

Муомала ўқитувчи фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўзида улкан педагогик имкониятларни мужассамлаштиради. Педагогик муомалада ўқитувчи қуидаги фаолиятга қатъий амал қилиши лозим:

- ўқитувчидаги тарбиялаш маҳоратининг шаклланганлиги. Унинг тарбиявий жараёнга оид сўз ва оҳангни танлай билиши ва таъсир ўтказа олиши;
- муомала обьекти бўлмиш ўқувчи диққатини жалб қилувчи нутқ, пауза, ҳаракат, имоишораларни ўз ўрнида ишлатиши, тарбиявий таъсирни билиши;
- ўқувчининг ички руҳиятини, психологик хусусиятларини билган ҳолда муомалага жалб этиши, дарсни бошлашдан олдин ўқувчиларни таълим ва тарбиявий мулоқотга тайёрлаши;
- ўқувчига оғзаки, ўзаро таъсир кўрсатишнинг тарбиявий усулларини билиши.

Ўқитувчининг нутқи равон, ўқувчи онгига ижобий таъсир қиласидиган бўлиши.

Ниҳоят, ўқитувчининг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларида чуқур маъно ва ҳақиқий сабабларни турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида унинг ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор усулларидан фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ҳамда ўрнини тўлдирувчи вазифасини бажаради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала педагогик фаолиятдан олдин содир бўлади.

Педагогик мулоқот ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўзаро ахборот алмашиш жараёни вазифасини бажаради. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида бевосита ўз тарбияланувчилари, умуман ўқувчилар жамоаси ҳақида, унда рўй бераётган турли ички ҳодисалар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотларга эга бўлади ва ўзининг келгуси таълим-тарбиявий режаларини ҳамда педагогик фаолиятини белгилайди. Шу билан бирга, ўқитувчи мулоқот асосида ўз тарбияланувчиларига маълум бир мақсадга қаратилган ахборотлар тизимини маълум қиласди. Бунда ўқитувчи томонидан йўл қўйиладиган арзимас бир хатолик, адолатсизлик, қўполлик ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятининг бузилишига сабаб бўлади ва тузатиб бўлмайдиган оғир оқибатларга

олиб келиши мумкин. Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро мулоқот маданиятига эришиши натижасида қуйидаги ҳолатлар пайдо бўлади:

- педагогик мулоқот орқали ўқитувчи тарбияланувчи обьект билан ўзига хос муомала мухитини яратади. Бундай мухитда ўқитувчи ўзининг психологик, мимик, пантомимик, нотиқлик санъати, таъсир ўтказиш каби қобилияtlар тизимини намойиш этади;
- ўқитувчининг ширинсуҳанлиги, очик чехрали бўлиши, самимий муомаласи мулоқотда ижобий натижаларга эришиш қалитидир;
- ўқувчилар жамоаси билан муомалада ўқитувчининг доимо психологик билимларга таяниши таълим-тарбиявий фаолиятда бир хил мувозанатни сақладайди;
- ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан ўзаро мулоқотга киришар экан, яхши муомаласи билан улар ҳиссиётида яширган энг нозик қатламларни ҳам англаб олишга қодир бўлади.

Мукаммал шаклланган педагогик мулоқот маданияти асосида обьект ва субъектнинг ички ҳиссиёти билан улар ҳаракатларининг уйғунлашуви содир бўлади. Ушбу ўзаро уйғунлашувни юзага келтирадиган мулоқотнинг асосий боғловчиси сўздир. Сўз – мазмунан ўқитувчининг нутқида, маъруzasида, диалог, монолог ва декламацияларида ўз ифодасини топади.

Педагогик мулоқот маданияти воситасида ўқитувчи ҳар қандай ахборотни қараб чиқар экан, ўқувчининг шахси ва психологик хусусияти ҳақидаги ахборотларнинг муҳимлигини алоҳида эътиборга олиши лозим. Педагогик мулоқот маданияти, ўқитувчини ғоят хилманишларига мослашишига имконият яратади. Булар сиртдан қараганда уччалик аҳамиятли бўлмасада, ўқувчи ички дунёсида содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар кўринишларининг аломатларини билиб, таълим-тарбиявий фаолият олиб боради.

Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниб, мулоқотга киришиши лозим. Ўқитувчининг мулоқот маданияти асосида гапирадиган ҳар бир сўзи, фикри, турли ҳодиса ва жараёнлар ўқувчилар томонидан ҳар хил кўринишда тушунилади, бу ўқувчининг фикр мулоҳазасига, ички дунёсининг теранлигига, тафаккури ва дунёқарашининг кенглиги билан изоҳланади, бунда ўқитувчи маҳоратининг учта жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: ҳаётий тажрибаси; педагогик фаолият жараёнида эгаллаган кўникма ва малакаси; муайян ўқувчилар жамоаси билан муомалада бўлиш тажрибаси.

### **6.3. Шарқона тарбия ва муошарат одобининг мулоқотга таъсири**

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат эътиборда бўлишлари мулоқот жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли ҳалқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлиликнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг руҳий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характеристи, ўзаро ҳамкорлиги акс этади. “Қуръони карим”да саломлашиш одоби мусулмон аҳлининг қатъий мажбурий бурчи тарзida баён этилади: “Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд ушбу эслатмадан ибрат олсангизлар”(24.27), (24.61).

Аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, ҳалқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Хисрав Дехлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайкобус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида тарғиб қилинган.

Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучлироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга эътибор – элга эътибор эканлигини, сўз сехри мўъжизалар яратা олишини таъкидлаб келгандар. Буларнинг барчаси мударрис ва шогирдларнинг самимий мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси борлигини алоҳида таъкидлашган:

- биринчиси: халқ тӯғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик;
- иккинчиси: ёшлиқдан ўз нафсига эрк бермаслик;
- учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик;
- тўртингчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш;
- бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва
- кечиримли бўлиш;
- олтинчиси: муҳожирлар хожатини чиқариш;
- еттинчиси: доимо эл ғамини ейиш;
- саккизинчиси: айбини тан олиш;
- тўққизинчиси: эл билан очиқ чехрали бўлиш;
- ўнинчиси: одамлар билан доимо ширина муномалада бўлиш.

Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ қўрки саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга эгалиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтиришган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот – азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил – алоқа қуроли сифатида таърифланади.

Инсоннинг тили ширина, муномала маданиятига эга бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар. Ўқитувчи “сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйла”ши (*И.П.Павлов*) керак. Алишер Навоий адабий меросларида муномала маданияти, хушмуомалалиқ, тилнинг аҳамияти тўғрисида, шириңсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бугунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширина сўз соғ кўнгиллар учун асал каби тотлидир» - дейди Алишер Навоий.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги мухим аҳамиятга эга: бир томондан, ширина тиллилик ўқувчини ўқитиши ва тафаккурини ривожлантиришнинг мухим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Зотан, тил ва нутқининг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Америка шоири Рольф Эмерсон: “Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундейди, мажбур қиласди” дейди. Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотик, воиз, бадиҳагўй, қиссанон каби маҳсус санъат ахиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насиҳатлар қилишгани баён этилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга эга бўлишган.

Алишер Навоий “Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг насиҳатидан чиқмасликни” асарларида баён этган. Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиклик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир қучи ниҳоятда бекиёсdir. Ўқитувчининг тили нутқий қобилияти ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-автори ва фикр юритишларига улкан таъсир этувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг “тил бойлиги ва нотиклик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган” (*А.П.Чехов*). Унинг ҳис туйғуси, интилишлари, ироди ва эътиқоди нутқида акс этади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, мұхаббат, Ватанга садоқат, ғазабланиш, нафратланиш ҳиссиятларини уйғотади, билим олишга ундейди.

Шунинг учун ўқитувчи “тилнинг халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам восита” (К.Д. Ушинский) эканлигини унутмаслиги керак.

Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинаханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик “Муошарат одоби” дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигига ота-она бағрида, оиласа шакллантирилиши керак. “Қуш уясида кўрганини қиласи” дейилади халқ мақолларида. Оиласа ўрганилган муошарат одобининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бола мактабда, улғайгач эса, ижтимоий мухитда кўникма ҳосил қилиш жараёнида оиласида ўрганилган муошарат одобининг куч-кудратини доимо ҳис қиласи.

Ўқувчиларга муошарат одобини шакллантириш учун ўқитувчининг ўзи аввало хушмуомалалигини намойиш этиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфир бўлиб, ўрнак бўлиши мухим аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари асарларида муошарат одоби турли кўриниш ва номларда баён этилади. Жумладан, Ал Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида асосий ғоя – фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шоҳми, гадоми, оддий фуқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига нисбатан хурмат ва иззатда бўладилар. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром мавжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга ўрнак бўлиши таъкидланади. Оноре де Бальзак “Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатли эканлигидан далолат беради” дейди. Инглиз донишманди Жон Либбок “Одамлар боодоблилик ёрдамида хатточи куч билан эришиш мумкин бўлмаган ғалабаларга эришиш мумкин” лигини айтади. Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки дунёдаги барча халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида эътироф этилган.

Инсоннинг энг улуғ, лекин мураккаб ва маشاқатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўғри келмайдиган қўпол ва дилозор муносабат олиб борувчи ўқитувчиларни хеч ким ёқтирамайди. Ўқувчилар хушфеъл, ширинахан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва хурмат-эътибор қилишади. Инсонлар орасида муносиб ўринини топиш, иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон хеч қачон ўзининг ютуғи билан, бадавлатлиги билан, илм-хунари билан мағтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи зарур.

Ширин сўз мuloқotga киришишнинг асосий қуролидир. У инсон қалбини илитади, қўпол сўз инсон калбини жароҳатлади. Ўқитувчининг “ақл-заковати, фикри, хис-туйгулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (Азиз Юнусов). Чунки сўзнинг қудрати катта. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Энг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, катталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур.

Мулокот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борадиган мулокоти орқали намоён бўлади.

Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Сўзга бой, ширинахан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундай кишиларни ёқтирадилар, хурмат қиласида. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатdir. Бу санъатнинг илдизи муошарат одоби бўлиб, уни мукаммал ўрганиш ҳар бир инсон учун зарур. Шу билан бирга, она тилини мукаммал ўрганмоқ ва соғ адабий тилда ўқувчилар билан мулокот қилиш ўқитувчининг нотиқлик қобилиятидир.

#### **6.4. Мулоқот асосида маънавий маданиятни шакллантириш мезонлари ва омиллари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида ёк мамлакатимизни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ҳақида ўз фикрларини баён этган: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаси – халқимизнинг умуминсоний қадрияларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшиничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асрлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун багшилаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, вижедон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтишига эришиши учун зарур шарт-шароит яратишидир”.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминида Шарқ маънавий маданиятининг муҳим жиҳатлари уйғониш даврида ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган ал-Хоразмий, ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Фирдавсий, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Тусий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий, Лутфий, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби кўплаб мутафаккирларнинг ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида, инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотида, умумбашарий маънавий қадрияларнинг юксалишида муҳим босқич бўлди. Улар Шарқона ахлоқ-одоб талаблари асосида комил инсонни тарбиялашнинг маънавий асосини яратишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу давр маънавий қадриялари мазмунида аввало, инсоннинг ички ва ташқи ҳолати, ҳиссиёти, меҳнатга, турмушга муносабати, меҳр оқибати, муҳаббати, садоқати, билим ўрганишга интилиши, маънавий қайфияти, ақл идроки, эрки, инсонни табиатнинг энг буюк маҳсули сифатида куйлаш, тасвирлаш, олий ахлоқли, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган адолатли жамоа вакилини тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Уларнинг ёш авлод маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамияти ҳам нақадар бебаҳо эканлигини таъкидлаб, Президентимиз И.А.Каримов **“Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида** маънавият тушунчасига шундай таъриф беради: “...Маънавият – инсонни руҳан покланиши, қалбан улгайшига чорладиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижедонини уйготадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак менимча тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдигини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”. Демак, маънавий маданият манбаларида илгари сурилган ғояларга амал қилиш, уларни ёш авлодга ўргатиш ва онгига сингдириш ўқитувчининг жамият ва Ватан олдидаги юксак бурчиdir.

Инсон ўз қадр-қимматини ва ўзлигини умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида англай бошлайди. Таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан ўзаро мулоқот асосида олиб бориладиган қуидаги хусусиятлар негизида ўқувчиларда мулоқот орқали маънавий маданиятни шакллантириш **мезонлари** (*О.Мусурмонова*) ифодаланган:

- ҳар бир инсоннинг қизиқишлиарини кўра билиш, ҳис этиш ва ҳурмат қилиш;
- миллий-маънавий маданият манбаларини ўрганиш, ўзлигини англашга эҳтиёж;
- инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрнини тўғри тушуниш;
- инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон, эътиқод, миллий қадрияларни эъзозлаш;
- Ватанга муҳаббат, садоқат, ўз манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан юқори кўймаслик;
- ота-она, қариндошлар ва бошқа атроф-муҳитидаги кишиларга нисбатан муруватли, саховатли бўлиш.

Ўқитувчи таълим-тарбиявий жараёнда ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришда мулоқотнинг чексиз имкониятларидан фойдаланиб онг ва фаолият бирлигини таъминлаши тақозо этилади. Маънавий онг ўқувчининг дунёқараши, билими, ҳисстүйғуси, идроки, иродаси ва дикқатининг мажмуаси бўлиб, у ўқитувчининг педагогик

маҳорати негизида таълим-тарбиявий фаолият асосида шакллантирилади. Ўз навбатида онг ҳам фаолиятга таъсир кўрсатади ва уни тартибга солади.

Ўқувчи тарбиявий мухитда уюштирилган маънавий фаолиятда маънавий маданият муаммоларини эркин, онгли ва адолатли еча олишга интилиши таъминланиши керак. Ўқитувчи билан ўзаро мuloқот жараёнида ўқувчи онгли равишда ўз муносабатларини билдиришга, тўғри хулоса чиқара олишга, миллий ғурур асосида уларни авайлашга, асрашга, севишига, умрбоқийлигини таъминлаши маънавий бурчи эканлигига ўргатилади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида “*Маънавиятни шакллантиришига бевосита таъсир қиласидиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқлигидир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараши, шарқона ҳаёт фалсафаси. ....Маънавиятни тушунни, англаш учун аввало инсонни тушунни, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиши қийин*” – деб таъкидлайди.

Маънавий маданиятнинг муҳим белгиларини шакллантиришда, таълим-тарбия тизимини маънавий мухит, маънавий фаолият ва маънавий англаш босқичларидан иборат андозалар асосида ташкил этишда ушбу мезонлар талабларига риоя қилиш белгиланган мақсадни самарали амалга ошириш имкониятини беради. Бунда ўқитувчининг мuloқоти асосида ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи қуйидаги **омиллар** ҳам муҳим аҳамиятга эга:

1. Ўқувчи маънавий фаолият асосида ўзлигини англашни шакллантириш учун маълум бир муҳитда маънавий қадриятлар билан ҳаракат орқали мuloқотга киришади. Ҳаракатсиз мухит ва фаолият бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш самарадорлигини **маънавий ҳаракат омили** таъминлайди.

2. Маънавий қадриятларнинг моҳияти, маънавий-ахлоқий тажриба, ўқитувчининг таъсирчан нутқий мuloқоти воситасида ўқувчи онгига сингдирилади. *Нутқий алоқалар тарбия жараёни объектлари ва субъектлари орасида кечади ва ўқувчи маънавий маданиятини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қиласиди.* Ўқувчининг хулқ намунаси, маънавий ҳаракати, нутқий алоқалар самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчининг мuloқоти асосидаги фаолият муносабатлари билан белгиланади.

3. Маънавий қадриятларнинг тарбиявий моҳиятидан таъсирланиш ва амалий фаолиятда уларга таяниш, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаб, ўқувчи маънавий маданиятини тарбиялашдаги аҳамиятини такомиллаштириш таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан (ўқитувчи ва ўқувчи) доимий ижодкорликни талаб қиласиди. *Ижодкорлик* – миллий-маънавий қадриятлар асосида ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришда **муҳим омил** хисобланади. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида унинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади.

4. Ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришнинг муваффақияти ўқитувчининг мuloқот олиб бориши *психологик тактикаси омилларига* ҳам боғлиқ. Ушбу омилни ҳаракатлантирувчи шароитлар:

- ўқитувчининг педагогик-психологик билимлар ва маҳсус фанлар интеграцияси бўйича чукур билимга эга бўлиши;
- мутахассислиги бўйича касбий маҳорати;
- ўқувчилар билан ўзаро дўстона мuloқот маданияти;
- ўқувчиларнинг руҳий ҳолатини тез билиб олиши;
- ўқитувчи маънавий маданиятининг шаклланганлик даражаси;
- таълим-тарбиянинг замонавий усул ва методларини танлай билиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари тўғрисида чукур маълумотларга эга бўлиши;
- ўқитувчининг педагогик жамоа орасидаги ҳурмат – эътибори.

5. Ўқитувчи мuloқот асосида ўқувчиларда ҳам ижодкорлик омилини такомиллаштириб боради. Ўқувчидан унинг сифатлари қуйидаги белгилар билан намоён бўлади:

- маънавий қадриятларни, анъаналарни ўзлаштиришга қизиқиша эҳтиёж ва талабнинг кучлилиги;

- ўрганилаётган фанлар асосларини эгаллашга ижобий муносабат;
- маънавий маданият савияси, дунёқараши;
- ўз-ўзига нисбатан талабчанлик;
- табиатга, атроф-мухитга онгли муносабат;
- янгиликларни ва ахборот технологияларини ўрганишга қизиқиш;
- ижтимоий ва шахсий фаоллиги;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси;
- ташаббускорлиги ва ижодкорлиги.

Ўқувчиларда маънавий маданиятни шакллантириш жараёнининг муваффақиятли бориши таълим мазмунига асосланиб, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил этиш савиясига боғлиқ. Бу қуйидаги фаолият турларини мукаммал билишни тақозо этади:

Биринчидан, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни ва энг асосийси мулокот маданиятига риоя этишни талаб қиласди.

Иккинчидан, ҳар бир дарсда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам белгиланган мақсадни аниқ қўя билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тўғри белгилаб олиши лозим.

Учинчидан, дарс жараёнода билимлар мазмунининг илмийлиги, узлуксизлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, ўқитувчининг нотиқлик санъати асосида баён этиш шаклининг мукаммаллиги, қизиқарлилиги ўқувчиларда таълимий ва тарбиявий томондан ўрганиладиган қадриятларга қизиқишни кучайтиради, уларда тарихий, адабий, миллий ва диний харakterдаги миллий қадриятлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини ошириш иштиёқи ривожланади.

Тўртинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, назарий ва услубий тайёргарлиги, ўз касбига, фанига муносабати, олиб борадиган дарси андозасини ва унинг натижасини олдиндан кўра билиш, ҳар бир дарс самарадорлигини таъминловчи техник ва технологик белгилардан биридир.

Бешинчидан, дарс жараёнода ўқувчилар жамоасига эркин фикр юритиш, ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён этишга имконият яратиш, ўқувчилар жамоаси фикрига таяниш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, истак-хоҳишларини эътиборга олиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларидан кенг фойдаланиш зарур.

Олтинчидан, ўқувчилар билимига, хулқига бериладиган баҳонинг холисона ва адолатли бўлиши барча таълим ва тарбиявий фаолиятни тўғри ташкил этилишига ижобий таъсир этувчи омил эканлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбия жараёнода ўқувчилар онгига мулокот асосида миллий қадриятлар ва маънавий маданиятни шакллантириш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулокотини ҳозирги замон педагогик талаблари асосида мукаммал ташкил этилишини таъминлайди.

## **7 – БОБ. ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ**

### **7.1. Педагогик мулокотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари**

Мулокот – юононча сўз бўлиб, сухбатлашув, шахслараро сухбат ва ўзаро фикр алмашув, икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг сўзлашувида пайдо бўлади. Инсон мулокот жараёнида ижтимоий тажриба, таълим-тарбия, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар ғоя ва мафкура омиллари таъсирида яшаб ижтимоийлашади ва шахс сифатида камолотга етади. Кишилар ўртасидаги ўзаро мулокот педагогик-психологик фанларнинг асосий категорияларидан бирин ҳисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади.

Психология фанида муомала категорияси кенг маънода тушунилади ҳамда ҳамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни акс эттиради ва ижтимоий процессуал фаолиятни ифодалайди.

Педагогикада мулокот ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг ўзаро таъсир малакаси, усули ва тизимини англатиб унинг моҳияти, ўзаро ахборот алмашишида, таълим ва тарбиявий таъсир ўтказишида, ўзаро бир-бирларини тушунишга эришишларида намоён бўлади ҳамда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. мулокот ўқитувчининг педагогик фаолиятида энг муҳим касбий қурол ҳисобланади;
2. мулокот жараёнида унинг мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий қонуниятлар муҳим аҳамиятга эга;
3. ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг энг муҳим таркибий қисми мулокот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият касб этса, у ҳам худди шундай муҳим рол ўйнайди;
4. педагогикада мулокот – ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир ўтказиш асосида ўзаро муносабатини фаол ташкил қилиши, муайян бир мақсадни дастур асосида амалга оширишнинг режалаштирилган функциясини бажаришидир;
5. мулокот – ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқади ва шахслараро муносабат ривожланишининг кўп киррали жараёни ҳисобланади;
6. нотўғри педагогик мулокотдан ўқувчида кўркув, ўз кучига ишончсизлик пайдо бўлади, унинг диққат-эътибори, ишchanлик ҳаракати сусаяди, нутқ динамикаси бузилади, мустақил ва эркин фикрлаш қобилияти пасаяди.

Педагогик мулокот – бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарсда ва дарсдан ташқари фаолиятда энг қулай психологик муҳитни вужудга келтириб, ижобий руҳий иқлимини яратиши учун имконият берувчи касбий муносабатидир.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро яқин мулокотидан асосий мақсад:

- салбий ҳолатларни вужудга келтирувчи барча жараёнларга барҳам бериш;
- ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўнимкамларини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларни фаолликка, эркин фикрлашга, ўз фикр мулҳазаларини чўчимасдан баён қилиб унга таянишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг яширин қобилиятларини уйғотиш;
- дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда қувонч ва шодлик кайфиятини пайдо қилиш.

А.С.Макаренконинг фикрича, ўқитувчи мулокоти хурмат ва талабчанликка асосланган муносабат шаклида бўлиши лозим.

В. Сухомлинский ўқитувчининг "...мактаб ҳовлисида гапирган ҳар бир сўзи пухта ўйланган, ақл ва мулҳазаларга бой, маълум бир тарбиявий мақсадга қаратилган бўлиши керак" деб таъкидлайди. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи олимнинг фикрича, нафақат ўқувчи қулоғига айтилади, балки унинг қалбига ҳам қаратилган бўлиши шарт. Умуман илғор ўқитувчиларнинг фикрича, таълим ва тарбия фақат ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлик позицияси асосидаги мулокот жараёнида қурилади.

**Педагогик мулокот функциялари.** Ўқитувчининг педагогик мулокоти ижтимоий-психологик жараён бўлиб, қуйидаги функциялари билан характерланади:

1. ўқувчиларнинг психик ҳолатини мукаммал билиши;

2. ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиши;
3. таълим-тарбиявий фаолиятни биргаликда ташкил этиши;
4. ўқувчини эркин фикр-мулоҳаза юритишига ўргатиши;
5. салбий ҳолатларни синф жамоаси билан биргаликда бартараф этиши;
6. дўстлар учун қайғуриш ва уларга ёрдам беришига ўргатиши;
7. ўзлигини англаш, ўқувчилар билан мулоқотда қониқиши ҳис этиши.

Мулоқот жараёнида ўқитувчи қисқа муддатда ўзининг психологик билимларига таяниб ўқувчининг психик хусусиятларини мукаммал билишга ҳаракат қилиши лозим. Ўқувчининг ички дунёсига, руҳий ҳолатига кириб бормасдан, унга нисбатан турли тарбиявий жазолар қўллаш, танбеҳ бериш мумкин эмас. Бу ҳолат ўқувчи билан ўзаро мулоқотни тузатиб бўлmas даражада бузилишига, ўқувчининг яширин ҳолатга, ўз “қобиғи”га кириб олишига сабаб бўлади.

Ўқитувчининг ўзаро ахборот алмашиши билан боғлик хусусиятлари, унинг синф жамоасига сингиб кета олиш қобилияти билан боғлиқ. Синф жамоасида рўй бераётган ҳар қандай воқеа ва ҳодисалар ўқитувчи назоратида бўлиши, уларнинг оқибатини ўқитувчи тез ваadolatli таҳлил қилиши ва олдини олиши лозим. Бу фақат фаол ўқувчилар билан ахборот алмашиб туриш натижасида амалга ошади. Шундагина, ўқитувчининг ўқув тарбиявий жараёндаги фаолияти учун қулай шароитлар яратилди ва ижобий натижалар беради.

Ўқитувчи таълим – тарбиявий фаолиятни ўқувчилар билан биргаликда ташкил этади. Бунда синфнинг фаол ўқувчилари ҳамда норасмий лидерлари билан ўзаро мулоқотнинг адолатли бўлиши мухим аҳамиятга эга: ўқувчиларни тарбиянинг турли элементларини онгли равишда мустақил бажаришига жалб этиш, бунда ўқувчиларга ташкилотчилик ва ижро этиш ролларини бажаришига имконият яратиб бериш лозим.

Ўқитувчининг мулоқоти ўқувчининг ўзлигини англаш функциясини такомиллаштиради. Бунда ўқитувчининг вазифаси мулоқот асосида ўқувчиларга ўзининг "Мен"ини англашни, шахс сифатида ўз фикрини дадил ва эркин гапиришни, жамоада ўз ўрнини билишни, ўз-ўзини баҳолашни ўргатиши керак.

Педагогик мулоқот тузилиши жиҳатидан ўқитувчи ижодкорлитининг ноёб намунасидир. Педагог олимлар ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига кўплаб тавсифларни илмий асарларида баён этсаларда, мулоқот аввало, ўқитувчининг шахсий психологик хусусияти сифатида намоён бўлади. Олимлар эса, мулоқот учун ўқитувчига йўналиш беради холос. Жумладан, рус педагоги В.А.Кан-Каликнинг фикрича, ўқитувчининг педагогик мулоқоти тузилиши қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Прогностик этап: Ўқитувчи томонидан синф жамоаси билан бўлажак мулоқотни моделлаштириш.

2. Коммуникатив алоқа: Ўқувчи билан дастлабки ўзаро танишув жараёнида бевосита мулоқотни ташкил этишга эришиш.

3. Педагогик жараён: Ўқитувчининг ҳатти ҳаракати, педагогик маҳора-ти бевосита мулоқотни бошқаришига қаратилган бўлиши керак.

4. Натижалар таҳлили: Амалга оширилган мулоқотни таҳлил этиш, ютуқ ва камчиликларни холисона баҳолаб келгуси фаолият учун моделлаштириш.

Мулоқотнинг ҳар бир босқичида ўқитувчи нимани билиши керак?

Моделлаштириш босқичида аудиториянинг барча андозаларга жавоб бериши, ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини ўрганиши, таълим-тарбиявий жараёнда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар динамикасини олдиндан кўра олиш ва бартараф этиш, мулоқотнинг ўзаро ҳамкорлик асосида курилиши, яъни мулоқот ўқитувчи шахсига эмас, балки ўқувчи шахсига ҳам мос келишини таъминлаш зарур.

Коммуникатив алоқа босқичида синф жамоасини ўзаро мулоқотга тез жалб этадиган сұхбат техникасини пухта билиш, уларнинг барча қизиқишлирига жавоб бера олиш, эркин фикр билдиришиларига имконият яратиш ва ўқувчилар онгига ижобий таъсир этишнинг турли усулларини қўллаш методларини эгаллаш лозим.

Педагогик жараён босқичида ўқитувчининг фаолияти бевосита таълим-тарбиявий ишларни маълум бир йўналишга солиш, ўқувчилар ташаббусини қўллаб қувватлаш, синф жамоасининг расмий ва норасмий лидерлари билан адолатли мулоқотни ташкил этиш, ўз

фикрларини жамоа фикрлари билан реал шароитга мослаштира олиш кўникмаларини яратиш каби фаолият олиб борилади.

*Натижалар таҳлилида* ўқитувчи ўз фаолиятига холисона баҳо бериши, ютуқ ва камчиликларни инобатга олиб, келгуси таълим-тарбиявий фаолиятида танқидий қўллашни билиши лозим, ушбу этапда мақсад, режа ва натижаларнинг бирлиги таъминланади, ўқувтарбия жараёнида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни ташкил этиш ва бошқаришда раҳбарликни, ташаббускор бўла олишни билиши керак.

Ўқувчиларнинг ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлиги унинг атрофидаги муҳитга нисбатан бўлган муносабатларида намоён бўлади. Ахлоқий тарбияланганлик ўқувчининг ҳис туйғуларида ички кечинмаларида ифодаланади ва хулқ атворида, ўқитувчи билан мулоқот жараёнида юзага қалқиб чиқади. Ўқувчилар билан яқин муносабатда бўлиш ва меҳрибонликни намойиш этиш, ўқитувчининг синф жамоаси билан муносабатда тўғри ва одилона мулоқотини ташкил этишда асосий замин бўлади.

Мулоқот турли роллар орқали шахс фаолияти учун ижтимоий майдон яратади, шахснинг ижтимоий хулқ-атворини режалаштиради. Ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнида ўзининг шахсий ташаббускор ва раҳбарлик ролини намойиш этади. Дарс жараёнида эса ўқитувчи ўқувчиларни *ташикилотчи ва ижрочи* ролларида бўлишга имконият яратиши керак. Мулоқот асосида шахс ўзлигини танишни ўрганади. Ўқитувчи дарсни режалаштиради экан, факат ўрганилаётган дарс мавзуси тўғрисидаги маълумотлар билан ўқувчиларни ахборот қўламига жалб этишини ўйламаслиги керак, балки ўқитувчининг ёрдамига муҳтож бўлган ўқувчиларни топиши, уларга ёрдам бериш учун шароит яратиши, хар бир ўқувчининг қизиқишини таъминловчи шароитларни кўра олиши ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаши лозим.

Педагогик фаолиятда ўқитувчи мулоқот асосида ўқувчилар билан яхши муносабатни ташкил эта олиши, демократик талабларни қўллаши ва биргаликда ижодий фаолият олиб бориши керак. Педагогик мулоқот эса, бу ўқитувчи касбий фаолигининг бир кўриниши бўлиб, бунда таълим ва тарбия муаммолари ўқитувчи ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир воситаси билан ҳал қилинади. Бу вазиятда ўқитувчи баҳо берувчи ролида намоён бўлади ҳамда унинг ўзи баҳо олувчи ҳисобланади. бундай ҳолларда педагогик таъсир кўрсатиш вазифалари ва воситалари ҳамда ўқитувчининг ўқувчилар билан педагогик мулоқоти қўйидаги кўринишларда намоён бўлади:

Коммуникатив мулоқот.

Интерактив мулоқот.

Перцептив мулоқот.

1. Коммуникатив мулоқотда бир томонлама ахборот узатилади. Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолиятининг қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашувини қамраб олган бўлиб, коммуникатив мулоқот сифатида тавсифланиши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчи бир-бирлари билан мулоқотга киришиши жараёнида мулоқотнинг муҳим воситалари бўлмиш тил ва нутқ фаолияти бевосита муҳим аҳамият касб этади.

2. Интерактив мулоқотнинг муҳим жиҳати икки томонлама бир-бирига таъсир этишдир. Мулоқотга киришувчи ўқитувчи ўзаро таъсир этишда, уларнинг тарбиявий фаолиятига нафакат сўз орқали, балки фикр алмашинув, ҳатти - харакат ва хулқ атвори билан ўзаро таъсир ўтказиши тушунилади.

3. Перцептив мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси ўзаро бир-бирларини идрок қилиши, англаши тушунилади. Бунда мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш асосида улардан бири иккинчисининг ишончини қозонади, аклли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга баркамол инсон сифатида идрок қилинади.

Мулоқотнинг ҳар учала томонини яхлит олиб қараганда ўзаро ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг усуллари ва унда иштирок этувчиларнинг муносабатлари яққол намоён бўлади. Педагогик мулоқот муваффақиятли ташкил этилиши учун, ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорлик фаолиятига чуқур киришиб кета олиши, шахсни ҳар томонлама шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини чуқур англаб, фаолият олиб бориши лозим.

## **7.2. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли муроқотини ташкил этиш.**

И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида “Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши... ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат...лигини, демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланиши, мустақил фикрлаш катта бойлик...” эканлигини таъкидлади.

Демак, ўқитувчининг асосий вазифаси шахс эркинлигини, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Шундагина таълим тизимида ёшларга эркин фикрлаш имкониятлари яратилади. Давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлмиш комил инсон тарбиясига масъул – ўқитувчи зиммасига буғунги кунда ривожланаётган жамиятимиз учун онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, иродаси бақувват, ўз касбини мукаммал биладиган XXI аср кадрларини тайёрлаш масъулияти юкландган.

Ўқитувчининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятида эришиши лозим бўлган барча ижобий натижалар унинг ўқувчилар билан жонли ва эркин муроқотни тўғри ташкил этиш маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи сўз санъатининг чексиз қудрати асосида ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатади, ҳар бир дарсни самарали ташкил этиб олиб боради, ўқувчилар билан сўзлашишни билади, тарбиянинг сухбат, маъруза, ҳикоя қилиш каби усулларидан ўринли фойданади. Таълим-тарбия жараённида ўқувчилар билан қизғин муроқотни амалга оширади.

Таълим-тарбиявий фаолиятни шакллантириш ўқитувчининг жонли муроқотни самарали ташкил этишига боғлиқ. Бунда ўқитувчи ва ўқувчининг муроқоти ижобий натижалар бериши учун ўқитувчидан ўқувчилар билан эркин сўзлашув қобилияти бўлиши керак. Зоро, ўқитувчи билан ўқувчининг муроқотини боғловчи асосий восита – сўздир. Ўқитувчининг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, муроқот олиб бориш қобилияти тез намоён бўлиб, ижобий натижаларга эришиши осон бўлади.

Одатда сўз бойлиги қашшоқ бўлган ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятларида ўқувчилар билан тез-тез зиддиятларга дуч келадилар. Ўқитувчининг жонли муроқоти ҳар қандай тарбиявий тадбирнинг мазмун ва моҳиятини ўқувчига табиий ҳолда етказади, шу жараённинг обьекти ва субъекти ўртасида муроқот учун мустаҳкам кўприк яратади ва ички ҳиссиёт билан харакатларнинг уйғунлашувини таъминлайди.

Жонли муроқот – ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган, ҳар қандай таълим-тарбиявий тадбир моҳиятини оғзаки сўз билан ўқувчиларга етказадиган, зиддиятли жараёнлардан олиб чиқиши қудратига эга бўлган фаолиятдир.

Ўқитувчи педагогик маҳоратида мужассамлашган нутқнинг жозибадорлиги, билим савиясининг ва тафаккурининг кенглиги, ўткир дунёқарashi, маънавий маданият даражаси, педагогик қобилияти, таълим-тарбиявий мақсадларнинг мутаносиблиги ҳар қандай дарс ва дарсдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирнинг муваффақиятини таъминловчи ҳамда ўқитувчи жонли муроқотини ташкил этувчи омиллардир. Ўқитувчи касбий фаолиятидаги жонли муроқот қобилиятини такомиллаштириш учун ўз олдига доимо қуидаги саволларни кўйиб, унга мустақил фикр-мулоҳазаси асосида жавоб беради олиши керак:

### **1. Нимага ўргатиш:**

- а) ўқувчиларни ўрганилаётган мавзу бўйича илмий янгиликлардан хабардор этиш, фан терминларини тушунтириш, ўқув предметини тўлиқ ўзлаштириш;
- б) ўқувчиларда шахс эркинлигини, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш;
- в) ўқувчиларнинг ўрганилаётган фан бўйича қобилиятларини, кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- г) янги мавзуни фанлараро алоқадорлик асосида тушунтириш;
- д) дарс жараёнини педагогик ва ахборот технологияларининг қизиқарли методлари асосида ташкил этиш.

### **2. Кимни ўргатиш:**

- а) келажакда мамлакат тараққиёти учун масъул, давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлмиш комил инсонга таълим-тарбия бериш;

- б) ўқувчиларнинг билим олиш ва тарбияланиш жараёнида дуч келадиган муаммоларни ва қийинчиликларни мустақил бартараф этишга ўргатиш;
- в) ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- г) дарс ва дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ўқувчилар фикрларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш;
- д) ўқувчилар ёш ва мурғак қалб эгаси эканлигини, улардаги психологик ўзгаришлар ва ривожланишларни инобатга олиш зарурлигини унутмаслик;
- е) иқтидорли ўқувчилар билан якка ҳолда фаолият олиб бориш.

### **3. Қандай ўргатиш:**

- а) ўқитувчи ўз фаолияти давомида тўплаган тажрибалари асосида педагогик, компьютер ва ахборот технологияларини кўллаган ҳолда таълим бериши;
- б) юксак педагогик маҳорат билан дарс ва дарсдан ташқари вазиятларда тарбиявий жараённи миллый мафкура, анъана ва қадриятлар асосида ташкил этиш;
- в) ўқувчиларни билим олишга қизиқишини ошириш мақсадида педагогик таъсир кўрсатишнинг турли усусларидан фойдаланиш;
- г) таълим-тарбиявий фаолиятда белгиланган мақсадга эришиш учун, маҳалла фаоллари, ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Ўқитувчининг ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар жамоаси билан узвий алоқада бўлиши, унинг жонли мулоқотни тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар билан жонли мулоқотга киришиб, уларнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлиш бирданига содир бўладиган ва таълим-тарбия соҳасида ютуқларга дарҳол етаклайдиган жараён эмас. Бунинг учун ўқитувчи йиллар давомида тайёрланади, педагогик маҳорат сирларини эгаллайди, тажрибали устоз ўқитувчиларнинг ютуқларидан фойдаланади. Ёш ўқитувчи учун жонли мулоқотни яратишида қуидаги вазифаларга эътибор бериш талаб қилинади:

- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, психик ҳолатини чукур ўрганиш, синф жамоасининг расмий ва норасмий лидерлари фаолияти билан танишиш, уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш;
- жонли мулоқот асосида мустақил фикрловчи, ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга интилувчи эркин шахсга таълим-тарбия бериши шартлигини унутмаслик;
- жонли мулоқотнинг пировард натижаси ўқувчиларни ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати билан масъулиятни хис этишини таъминлаши, уларни онгли равишда озод ва хур фикрловчи инсон бўлиб тарбияланиши лозимлигини унутмаслик;
- жонли мулоқот туфайли ўқувчиларнинг муайян даражадаги интеллектуал салоҳиятларини, ақл заковати қудратини юзага чиқаришга эришиш.

Педагогик мулоқотнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг воситаларидир. Воситалар ташкилотчилик қобилияти, баҳо берувчи, интизомга ундовчи бўлиши мумкин. Илмий адабиётларда ўқитувчи ўз ишининг моҳир устаси бўлиши учун ташкилотчилик қобилияти асосида таъсир кўрсатишга кўпроқ ёндашиши лозимлиги таъкидланади.

Ўқитувчининг педагогик мулоқоти амалда ўзининг учта шакли билан намоён бўлади:

- билимларни эгаллашда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликда ҳамкорлик қилишлари;
- ўқитувчининг ўқувчиларга тазиик ўтказиши ва уларнинг фаоллигини рўёбга чиқармаслиги;
- ўқитувчининг ўқувчилар ўзаро мулоқотда, нисбатан мўътадил муносабатда бўлиши ва ўқувчи жамоаси томонидан ҳал этилаётган барча муаммолардан ўзини четга олиши.

Мулоқотдаги ноўрин вазиятларни ўқитувчининг ўзи тажрибасизлиги туфайли пайдо қиласди. У ўқувчилар билан бир хил ўзаро мулоқот олиб бора олмайди, баъзи иштирокчиларга нисбатан тазиик ўтказса, баъзи иштирокчиларга мувофиқ равишда фаолият олиб боради.

Ўқитувчи мулоқотга эмоционал тус бериш билан нейтрал ҳолат орқали мулоқотдаги фаолиятини ижодийликдан салбийликка ўзгаририши мумкин. Буларнинг ҳаммаси мулоқот

муҳитини, синфдаги маълум иқлимини ўзгартиради. Такомиллашган педагогик муроқот ўқитувчининг ўз-ўзини муроқот жараёнида ва эришилган ютуқлари натижаларини мунтазам назорат қилиб боришини назарда тутади.

Тўғри ташкил этилган педагогик муроқот давомида ўқитувчи танлаган воситалар таълим-тарбия жараёнининг вазифа ва шароитларига мувофиқ келишини ўлчовчи восита сифатида тушуниладиган педагогик назокат мужассамланади. Педагогик фаолиятда ўқитувчи муроқот орқали қуидаги функцияларни бажаради:

биринчидан, таълим-тарбия жараёнининг ўқитувчи томонидан якка ҳолда олиб бориши ва бу фаолиятга ягона ўзи жавобгарлиги;

иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий - психологияк тизимнинг бир маромда таъминлаши;

учинчидан, таълим ва тарбиянинг муваффакиятини белгиловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатида муайян бир тизимнинг ташкил қилиниши;

тўртинчидан, ўқувчини мустақил фикрловчи эркин шахс сифатида шакллантириш, яширин истеъодини рӯёбга чиқаришга эришиш имкониятларидан фойдаланиш;

бешинчидан, комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси сифатида ўқитувчи педагогик фаолиятининг бирламчи вазифаси эканлигини унутмаслик.

Муроқот жараёнида ўқувчиларнинг хулқи ижтимоий қонун қоидалар маромига зид келса, у ҳолда унинг ҳатти-ҳаракатига тарбиявий таъсир кўрсатилади, яъни, эътиroz, танбех, огоҳлантириш каби воситалар қўлланилади. Муроқот жараёнида ўқитувчининг ахлоқий намуналари муҳим аҳамиятта эга бўлиб, ахборот алмашинув, ўзаро таъсир, каби муроқот воситаларининг муваффакиятини таъминлайди.

Ҳар бир фикр ва эътиroz билдирилганда, муроқотдан ўқувчининг руҳий ўзгаришларига, ташқи кўринишига эътибор бериш, лозим бўлганда ўқитувчининг узр сўраши, тавозе билан ўқувчига мурожаат қилиши ўқитувчи муомала одобининг муҳим белгисидир.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган педагогик фаолиятда ўқитувчи муроқот жараёнида ножоя ҳатти – ҳаракати, қўполлиги, ўйланмай билдирилган нотўғри фикри, ортиқча имо-ишоралари натижасида ўқувчилар билан бўладиган муроқотнинг бузилишига, тузатиб бўлмас қалтис вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бунинг натижасида муроқот одоби, яхши муомала билан фикр алмашув ўз ўрнини низоли вазиятга бўшатиб беради. Ушбу салбий ҳолатларга йўл кўйилмаслик учун, педагогик муомалада ўқувчилар билан ўзаро муносабат ҳурмат ва ишонч негизида қурилиши керак. Бунда ўқитувчи ўқувчининг ҳуқук ва мажбуриятини, мактабда, жамоада, оиласда бажарадиган вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳар лаҳзада эслатиб туриши лозим.

### **7.3. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муроқотни ташкил этиш усуллари ва муроқотда тарбиявий жараён тамоиллари**

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муроқоти самарали бўлиши учун сухбатдошни ўзига мойил қилиб олиш зарур. Ўзаро мойилликка эришиш учун амалда қўлланилиб келинадиган бир қатор мураккаб бўлмаган педагогик таъсир этувчи усуулардан фойдаланилади. Уларнинг энг муҳимлари ўқувчи ишончини қозониши ҳамда таъсир этиши ва маъқуллаши усууларидир.

**-ишончини қозониши усули** ўқувчилар билан муроқот асосида таъсир кўрсатишнинг юқори самара берадиган усуудидир. У ўқувчи онгига қаратилган бўлиб, идрок қилиш орқали ўқувчилар ишончини қозонишини ва уларнинг розилигини назарда тутади. Ишончини қозониши далиллаш, исботлаш орқали олиб борилади. Ишончини қозониши усули муроқот дастури сифатида дарсдан ташқари жараёниларда, ўқувчи билан якка ҳолда сухбатларда, маънавий-тарбиявий соатларда қўлланилади. Ишончини қозониши усули ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради, уларда ўз-ўзини тарбиялашга нисбатан жавобгарлик ҳиссини оширади.

Ишончини қозониши усули нафақат ўқитувчи билан муроқот жараёнида, балки таълим-тарбиявий фаолиятдан ташқари ҳолатларда ҳам ўқувчига таъсир қиласди. Ўқувчи ишончини

қозониш ижобий ёки салбий натижалар пайдо қилиши ҳам мумкин. Ўқитувчи ишонтириш билан ўқувчидаги ижобий ҳислатларни уйғотиши учун тарбиявий методларни ўз ўрнида күллаши шарт. Тарбия жараённан ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Чунки бир хил ёшдаги ўқувчилар психик жиҳатдан турли характеристерга эга бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг кобилияти ва майллари, қизиқишлиари, иродавий ҳислатлари ҳар хил бўлгани учун бир ўқувчига нисбатан фойдали бўлган ишончини қозониш усули, бошқасига заарли бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг руҳиятини, психологиасини, ички дунёсини ўқитувчи мунтазам ўрганиб бориши, ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини, тарбияланувчи темпераментининг умумий типларини ўрганиш методикасини билиш лозим. Масалан, кўриш ва эшиши кобилияти, фаоллиги, тез англаши, суст фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки гайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимиға боғлик бўлиб, ўқитувчи ўқувчи ишончини қозониши учун уларни билиши ва зарур бўлган хулосаларни ишлаб чиқиши шарт.

Ўқувчи ишончини қозонишнинг яна бир муҳим хусусияти ўқувчиларни шахс сифатида ривожланишида ўз-ўзини тарбиялашидир. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчининг ўзини ўзи идора қилиши, ўзида эркинликни, ижтимоий мавқенини, ташаббускорлик ва мустақилликни шакллантиришдир. Ўқувчининг яширин қобилияtlари ўз-ўзига ишонч орқали юзага чиқади. Ўқувчи учун ўз ўзини баҳолаш қийин жараён. Ўқувчи таълим-тарбия бераётган ўқитувчига ишонч билан эргашиб, ўзига нисбатан ишонч руҳида тарбияланар экан, унда аввало, мустаҳкам ирова шаклланади, ўз бурчини тўғри тушунади, билиш ва ўрганишга қизиқиши кучаяди, ўз-ўзини ҳар томонлама такомиллаштиришга интилади, ўзига атроф муҳитдаги ўртоқлари кўзи билан холисона баҳо беради, ўзига ишонади ва унда қониқиши ҳисси пайдо бўлади. Характеридаги салбий одатларни, заарли сифатларни тез англаб, уларни йўқотиш ва бартараф этишга интилади.

**-таъсир этиши ва маъқуллаши усули** мулоқотнинг умумий жараёнидир. Икки сұхбатдошнинг бир-бирларига таъсир кўрсатишилари, тарбиявий мақсадни маъқуллассириш воситаси сифатида ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ушбу усул воситасида ўқитувчи ўқувчи руҳиятига ва хулк-атворига тарбиявий мақсадни кўзлаб сезиларсиз равишда психологик таъсир кўрсатади. Ўқувчи психикасида назоратсиз киради. Ушбу усул, мулоқот жараённан ўқитувчи ўқувчиларда ахлоқий-иродавий ҳислатларни фаол такомиллаштиради. Ўқитувчи хушмуомалалиги, муошарат одобининг чексиз қудрати билан ўқувчи психикасининг англанмаган қирраларига педагогик таъсир этади, ўқитувчи ва ўқувчининг яқиндан мулоқотда бўлишини, бир-бирларига ишончини, топшириқларни маъқуллаб вактида бажариш учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиради.

Ўқитувчи ўқувчилар жамоаси билан педагогик мулоқотни ҳар томонлама мукаммал ташкил этиш ва кўзланган мақсадга эришиши учун тарбиявий жараённинг жамият талабларига мос келувчи етакчи **тамоийиллари**дан ўринли фойдаланиши лозим:

**1. Тарбиявий мақсадни амалга оширишда демократик ёндашув.** Мулоқот жараённан ўқитувчи ўқувчини ижтимоий қадрият деб тан олиши, ҳар бир бола, ўсмир ва ўспириннинг бетакрор ва ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиши, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлигини эъзозлаши лозим. Зоро, таълимни ислоҳ қилишдан асосий мақсад, тарбияда демократиянинг устунлиги, тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юкори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчининг бир-бирларига ўзаро ишончи, ҳамкорлик асосида педагогик муносабат мөхиятини ижобий томонга йўналтириш демакдир. Мулоқотни демократик услубда ташкил этишдан мақсад, таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш, педагогик фаолият марказида инсон шахси турганини унутмаслик, инсонга нисбатан бебаҳо бойлик сифатида муносабат туйғуларини ўқувчиларда ҳам шакллантириш вазифаси бажарилади.

**2. Ўқувчилар билан дўстона муносабат.** Аслида мулоқотдан мақсад ўқувчилар билан дўстона муносабатни рўёбга чиқаришдир. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ўқитувчининг инсонпарварлик туйғуларидан келиб чиқади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, уларга чексиз меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва уларга ишониш шарт. Болаларга нисбатан ҳурмат туйғуси уларнинг кучига куч қўшади, ўз имкониятларига ишонч туйғусини шакллантиради, тарбиянинг самарадорлигини оширади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва муносабатни

адолатли талабчанлик мезонлари асосида қуришдир. Дўстона мулоқот ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги билимларни пухта ўзлаширилишини таъминлайди ва мукаммал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қиласди. Педагогик жараёнда содир бўладиган муомала одоби ўқитувчининг ахлоқий маданияти, тарбияланганлик даражасида акс этади. Ўқитувчининг ўзига ва ўз касбига, ўқувчиларга бўлган муносабати унинг мулоқотида яққол намоён бўлиши мумкин.

Ўз фаолиятини эндинга бошлаган ўқитувчи айниқса, ҳар бир ўқувчининг келажагига умид билан караши, унга индивидуал ёндашишга ҳаракат қилиши, тарбиявий жазолаш усулларини тартибсиз қўлламаслиги, ўқувчилар жамоаси олдига истиқболли тарбиявий мақсадларни қўйишига интилиши лозим. Ўқитувчи маълум бир педагогик маҳорат сирларини эгаллашга интилмаса, ўз фанидан билими саёз бўлса, шахслараро муносабатларга ижодий ёндашмаса, коммуникатив қобилиятини такомиллаштириб бормаса, ўқувчилар уни аста - секин тан олмай қўйишади. Натижада ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотида тузатиб бўлмас хатоликлар пайдо бўлиши мумкин.

**3. Мулоқотни ижтимоий ҳаёт қонуниятлари билан боғлаб олиб бориш.** Ёш авлоднинг ўсиб улғайиши ва шаклланишига ҳаёт, ижтимоий муҳит қонуниятлари ҳам муентазам таъсир этади. Муҳит ижтимоий омилларнинг энг муҳим хусусияти бўлиб, у шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Муҳит деганда, шахснинг тарбияланиб, шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам воқеалари, ҳодисалар мажмуи тушунилади. Муҳит тушунчаси ўзида географик-худудий, ижтимоий ва микромуҳит хусусиятларини ифодалайди. Айниқса, оила, мактаб, дўстлар давраси, тенгкурлар кабиларни ўз ичига оладиган микромуҳит шахсни тарбиялаш жараёнига муҳим таъсир этиши педагог ва психолог олимлар томонидан эътироф этилган. Оила муҳити ўқувчининг тарбияси ва комил инсон сифатида шаклланишида ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шунинг учун ўқитувчи мулоқотни ташкил этишда ота-оналар, маҳалла фаоллари, участка нозирлари билан доимий алоқада бўлиб, улар билан биргаликда фаолият олиб бориши керак. Мулоқотда ижтимоий ҳаёт қонуниятларини ҳисобга олиш, ўқувчиларни мақсадли тарбиялашда муваффакиятларга эришиш учун замин яратади.

**4. Мулоқотни ташкил этишда меҳнат фаолиятининг ўрни.** Таълим муассасаларида ўқувчи меҳнат фаолияти билан ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қиласди. Меҳнат – ёш авлодни юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атворини намоён қилувчи, касбий қобилиятларини уйғотувчи, тарбиявий жараённинг энг қадимиј ва синалган воситасидир. Ўқув меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчи шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги болани жисмонан чиниқтиради ва фаоллаштиради, хулқ мукаммаллигини таъминлайди, ташаббускор ва изланувчан қилиб шакллантиради. Шундай экан, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотни уларнинг меҳнатсеварлигига ёки дангасалигига қараб белгиласа ҳам бўлади. Таълим муассасаларида болаларни илк ёшидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга мухабbat ва меҳнат қилувчиларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзаро мулоқотнинг ўрни чексиз. Таълим муассасаларида ўқишининг ўзи ҳам меҳнатдир. Мулоқотдан мақсад, таълим-тарбиявий фаолиятда муваффакиятларга эришиш учун у меҳнат тарбияси билан алоқадорликда олиб бориши мумкин.

**5. Кўрқув ва ҳаяжонга асосланган мулоқот услуби.** Бундай мулоқот услугига одатда ёш, тажрибасиз ўқитувчилар тушиб қолиши мумкин. Ушбу услуг асосида бошланган мулоқот кўпинча ўқувчиларни тез-тез огоҳлантириш, уларни қаттиққўллик билан тарбиялашга ҳаракат қилиш, ўқитувчи ёқтиргмаган ҳатти-харакатни таъкилаш вазиятида олиб борилади. Ўқувчилар фаоллиги, ташаббускорлиги инкор этилади. Натижада ўқитувчи билан ўқувчилар орасида кўз илғамас қарама-қаршиликлар пайдо бўлади.

Мулоқот жараёнидаги ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар билан ўқитувчининг ўқувчиларга қўядиган талаблари ва уларни бажариш имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқишидан пайдо бўлади. Баъзан ўқувчининг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ келмаслигидан, ёки ўқитувчининг ўқувчилар ёш хусусиятларини, феъл-атвори, характеристи, қизиқишилари, жисмоний, руҳий ҳамда физиологик жиҳатдан соғломлигини билмасликлари оқибатида зиддиятлар келиб чиқади. Мулоқот жараёнидаги ушбу зиддиятларни бартараф этишда асосан

ўқитувчининг ўзи қизғин фаолият олиб бориши, устоз ўқитувчилар тажрибаларидан фойдаланиши, лозим бўлганда, тортинасадан улардан ёрдам сўраши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар таълим-тарбия жараённида миллий ва умуминсоний қадриятларни, ахлоқий нормаларни ўзлаштирадилар. Ўқувчи энг яхши инсоний фазилатларни, ахлоқ-одобни, мулокот маданиятини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олишини унутмаслик керак. Ўқувчилар жамоасида ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланади. Улар одатда икки хил бўлиб бири расмий, иккинчиси норасмий муомала дейилади.

Расмий муомала муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, директив ҳужжатларига асосланади.

Норасмий муомала педагогик этика ва эстетиканинг конуниятларига ва ўқитувчи одобига асосланади ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Мулокот одоби психологик қонуниятлар, одоб нормалари ва қоидлари, талаблари ҳамда ўқитувчилар жамоасининг фикри асосида бошқарилади.

#### **7.4. Ўқитувчининг мулокот асосида синф жамоасини бошқариш усуллари**

Ижтимоий муносабатлар қўламиининг кенгайиши ўқитувчидан ўсиб келаётган ёш авлодни ўта мураккаб хусусиятга эга муносабатлар жараённида ҳар томонлама чуқур билимга эга, баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Психологик, интеллектуал ва физиологик жиҳатдан соғлом муҳитда мукаммал тарбияланган инсон ҳаётий қарама-қаршиликлар, хусусан турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш, носоғлом турмуш кечириш ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини сақлаб қола олади. Шунингдек, шахснинг ақлий салоҳиятга эгалиги жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи асосий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида демократик ва хуқуқий жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда ёш авлоднинг мустақил ва эркин фикрлай олиши рўй бераётган воқеа-ходисаларга шахсий муносабатини билдиришга имкон беради. Ижтимоий борлиқда кечаётган ўзгаришларга нисбатан шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши шахс фаоллигини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардан биридир. Қолаверса, мустақил фикр эгаси бўлган шахс ўз имкониятлари, қобилиятини эркин намоён эта олади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳам асосий мақсади эркин, мустақил фикрга эга бўлган баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ушбу юксак жавобгарликни талаб қилувчи вазифалар ўқитувчилар зиммасига янада улкан масъулиятларни юклайди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни эътироф этади: «Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларидан бири... таълим тизимини тузилиши ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиши учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш... ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиши руҳида тарбиялаши»<sup>1</sup> лозим.

Педагогик маҳорат бўлажак ўқитувчиларда ёш авлод таълим-тарбияси учун масъулият ҳиссини шакллантиради. Ўқитувчи бундай мураккаб вазифаларни амалга оширувчи, давлат ва жамиятнинг ишончли вакилидир. Ўқувчилар жамоасини бирлаштирувчи синфда таълим-тарбиявий жараённи ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг билими, педагогик маҳорати ва психологик хусусиятлари очик намоён бўлади. Аввало, ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирларига нисбатан ишонч туйғулари бўлиши ҳамда ўқитувчи ўз касбий билимларидан ташқари бошқа ўқув фанларини ҳам пухта эгаллаган бўлиши лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000. – 23-бет.

Зеро, синф жамоасини бошқариш – педагогик жамоа, ота оналар олдида ўқитувчининг обрў-эътибори қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезон. Ўқитувчининг ахлоқий савиясини, билимини мулоқот асосида синф жамоасини бошқаришда эришаётган ютуқлари белгилайди. Одатда ўқитувчиларнинг характеристи, индивидуал хусусиятига қараб: ташаббускор, ижодкор, ташаббусиз, ўз фикрига эга бўлмаган, барча ишларга бефарқ қаровчилар тоифасига ажратишади. Педагог ва психолог олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари, кузатишлари ва илмий тажрибаларига асосланган ҳолда ўқитувчиларнинг раҳбар сифатида синф жамоасини бошқаришида қўллайдиган мулоқот усуллари қуидагича тавсифланади:

1. *Авторитар услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.*
2. *Демократик услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.*
3. *Либерал услубда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар.*

**Авторитар** усулда фаолият олиб борадиган ўқитувчи иш фаолияти ва характеристида қуидаги хусусиятлар мужассамлашган бўлади:

- ўзи якка ҳолда гуруҳ фаолиятининг йўналишларини белгилайди;
- ўзи ўқувчиларга кўрсатмалар ва буйруқлар беради;
- таълим-тарбиявий жараёнга жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- ўқувчиларнинг унга сўзсиз бўйсунишини дъяво қиласди;
- қаттиқ интизом асосида иш олиб боради;
- топшириқларнинг тўлиқ бажарилишини талаб қиласди;
- гап қайтарган, фикр билдирган ўқувчини ёқтирмайди;
- айтган ташаккури ҳам буйруқдек чиқади, сўзлари қаттиқ ва қўпол;
- ўқувчиларга бирор муаммони тўлиқ тушунтирумасдан талаб қиласди.

Авторитар усулларда педагогик фаолият олиб борувчи ўқитувчи “Менинг айтганим айтган, деганим деган” шаклидаги принцип асосида педагогик фаолият олиб боради. У синф жамоаси билан мулоқотга киришишда қуидаги услубларни қўллайди: буйруқ, кўрсатма бериш, қаттиққўллик билан ишлаш, тарбиявий жазо турларини тез-тез қўллаш. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнига қўпол, дағал, дўқ-пўписа, мажбур этиш, кўрқитиши, чўччиши орқали киришади. Ушбу усул ўқитувчи асаб тизимини доимий тарангланиш юришига сабаб бўлиб, унинг соғлигига путур етказиши мумкин. Натижада ўқитувчи тез чарчайди. Авторитар усулнинг ижобий томонлари ҳам бор: яъни, улар факат фавқулодда вазиятлар жараёнида ишлатилиши (ёнғинда, сув тошқинида, аҳолини эвакуация қилишда) мумкин. Ўқитувчи мулоқотининг ушбу услубда бошқарилиши синф жамоасини тарқоқликка, ҳамжихатликнинг бузилишига олиб келади.

**Демократик** усул асосида фаолият олиб борадиган ўқитувчининг бош шиори ўқувчиларда мустақил ва эркин фикр юритиши кўнгилмаларини ва онгли интизомни ҳосил қилишдан иборат. Ўқитувчининг мулоқоти барча демократик талаблар асосида қурилади. Зеро, «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади»<sup>1</sup>. Ушбу усулни мукаммал эгаллаган ўқитувчи ўз педагогик фаолияти ва характеристида қуидаги хусусиятларни мужассамлаштиради:

- педагогик фаолиятда синф жамоасининг фикр мулоҳазаларига таяниб таълим-тарбиявий ишларни ташкил этади;
- синф жамоасининг ташаббусини маъқуллайди, ривожлантиради, ўқувчиларнинг эркин фикр билдиришларига имконият яратади;
- мулоқот жараёнида ўқувчилар фикр-мулоҳазалари инобатга олиб, педагогик фаолиятида қўллайди;
- мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслаҳат бериш, самимий мумомала.

Демократик усулда мулоқотни ташкил этувчи ўқитувчи ҳозирги замон талабларига, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кутилаётган мақсадларга жавоб бера олади. Ўқитувчининг вазифаси комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб билган ҳолда, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000. – 97-бет.

тенгдошларига намуна бўладиган билимли, маърифатли, ақл-заковатли, юксак маънавиятли ўқувчиларни тарбиялаш учун қизғин педагогик фаолият олиб бориши лозим. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда ўзаро ёрдам туйғусини ўстиришга хизмат қилиши керак. Самарали демократик тарбиявий жараён, синф жамоаси аъзоларининг қобилият ва истеъодларини юзага чиқаради, ўқувчининг жамоада ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар пайдо қиласди. Ўқувчилар билан мулоқотнинг эркин демократик асосда ташкил этилиши синфнинг аҳил жамоа бўлиб бирлашиб, тарбиявий ишларни амалга оширишда муваффақиятларга эришишига замин яратади. Яхши уюшган жамоада ҳар бир ўқувчининг фикри улкан тарбиявий кучга эга.

**Либерал усул** асосида фаолият олиб борувчи ўқитувчи хусусиятларига шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимга хос мафкуравий қарашлар мужассамлашган. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва характеристикаси қўйидаги хусусиятлар мавжуд:

- ташаббусиз, эски колипда педагогик фаолият олиб боради;
- синф жамоасининг тарбиявий фаолиятига асло аралашмайди;
- таълим-тарбияга оид муаммоларга юзаки қараб чиқади;
- ўз мустақил фикрига эга эмас, жавобгарликдан ўзини олиб қочади;
- ўқувчиларга берилган топшириклиарнинг натижалари билан кизиқмайди;
- ўқувчилар келажагига, тақдирига эътиборсиз, беғам қарайди;
- ўз педагогик фаолиятига совуққонлик билан муносабатда бўлади.

Бироқ, йиллар ўтиб, замонлар ўзгарган сари, XXI асрда жамиятнинг ижтимоий талабларидан келиб чиқиб, ўқитувчининг хулқ-автори, педагогик ва психологияк билимлар савияси, ўз касбий фаолиятига нисбатан муносабати, педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштириш савияси ҳам ўзгармоқда. Шу сабабли, ўқитувчилар ўз билим ва тафаккурлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, синф жамоасини бошқаришнинг турли шакл ва методларини амалда кўлламоқдалар. Синф жамоасининг ҳар қандай бошқарув усули ўқитувчи мулоқоти асосида ташкил этилади. Мулоқотдан кутилаётган натижа, тарбия асосида ўқувчининг онгини ва тафаккурини бойитиш ва ўзгартиришdir.

## 7.5. Ўқитувчининг синф жамоасини мулоқот асосида бошқариш босқичлари

Биз юкорида таъкидлаб ўтилган фикрларга асосланиб, мулоқот асосида синф жамоасини бошқаришда ўқитувчи учун лозим бўлган қўйидаги босқичларни тавсия этамиз:

**Синф жамоаси билан мулоқотни ташкил этишининг биринчи босқичи.** Мазкур босқичда талаб фақат ўқитувчилар томонидан қўйилади. Бу синф жамоаси шаклланишининг бошлангич нуқтасидир. Ушбу даврда ўқувчилар жамоаси ҳали тарбияланувчи жамоа бўлмай, балки «бирликни ташкил этувчи» гуруҳ ҳисобланади. Ушбу босқичда ўқувчилар ўқитувчи томонидан талабларнинг қўйилишига эътиборсиз қараши табиий бир ҳолат. Ўқитувчи ташкилотчилигида жамоа аъзоларининг узлуксиз ижодий фаолиятини ташкил қилиш ва уларни ягона мақсад атрофида бирлаштиришга эришиш орқалигина жамоа қарор топади. Ўқитувчи мулоқоти асосида ўқувчиларнинг жамоа фаолиятида иштирок этиши фаоллашади, фаолият натижасини биргаликда муҳокама қилиш, қилинажак ишларни режалаштириш жамоа аъзоларида масъулият, жавобгарлик, фаолият бирлиги жамоа фаолиятига нисбатан қизиқиши пайдо бўлишига олиб келади. Ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини ташкил этиш борасидаги тажрибаларга эга эмасликлари боис ўқитувчининг асосий мақсади мулоқот асосида жамоа аъзоларини оддий тарзда уюштиришдан иборат.

Ушбу босқичда ўқитувчининг талабчанлиги, жамоанинг барча аъзоларига бирдай талабни қўя олиши, у томонидан қўйилаётган талабнинг қатъийлиги, изчиллиги ҳамда муросасизлиги муҳим омил ҳисобланади. Бу вазиятда ўқитувчининг мулоқотда «ҳукмдорлик» қилиши узоқ давом этиши мумкин. Жамоа ҳаётининг биринчи босқичида жамоа фаолларининг пайдо бўлиши ушбу давр учун характерли ходисадир.

**Синф жамоаси билан мuloқотни ташкил этишнинг иккинчи босқичи.** Уйбу босқичда жамоа фаолларининг ўқитувчи мuloқотидан келиб чиқувчи талабларни қўллаб-кувватлаши ҳамда ўз наебатида бу талабларни жамоа аъзолари зиммасига қўйиши билан тавсифланади. Ўқитувчи жамоада пайдо бўладиган муаммоларни ёлгиз ўзи ҳал қилмайди. Жамоа фаоллари билан қизгин мuloқот натижасида тарбиявий ишларни олиб боради.

Ўқувчилар амалий фаолиятининг доимий равишда мураккаблашиб бориши мазкур даврнинг муҳим хусусияти саналади. Иккинчи босқичда ўқитувчи мuloқотни жамоанинг муҳим ишларини ўқувчилар томонидан мустақил режалаштирилишига, тадбирларни ўтказишга, фаолият натижаларини муҳокама қилишга, жамоа фаолиятининг ижодий хусусият касб этишини кўрсатувчи омилларига таяниб ташкил қиласди.

Жамоада мустақил фаолиятнинг юзага келишида жамоа фаолларининг роли бекиёсдир. Аммо жамоа фаоллари, жамоа аъзолари орасида хурмат қозона олиши, уларга намуна бўлиши, ўз бурчларини аниқ ва пухта бажариши ҳамда ўз мавқеларидан ноўрин фойдаланмасликлари керак.

**Синф жамоаси билан мuloқотни ташкил этишнинг учинчи босқичи.** Синф жамоаси фаолиятида бу босқич сермаҳсул ҳисобланади. Эндиликда жамоа ишига фақат фаолларгина эмас, балки унинг бутун аъзолари қизиқади. Жамоа ҳаётида ижтимоий ва эркин фикрлаш вужудга келади. Ўқитувчи мазкур йўналишида мuloқотни мақсадга мувофиқ ва изчил педагогик фаолият олиб борган шароитдагина ўқувчиларда эркин фикр юритиш ва онгли интизомни шакллантиришига эришиши мумкин. Шу мақсадда ўқитувчи мuloқот асосида у ёки бу тадбир режасини, жамоанинг биргаликдаги фаолиятини ва унинг аъзолари ҳатти-ҳаракатини жамоа бўлиб муҳокама қиласди, турли мавзуларда суҳбатлар ва маърузалар уюштирилади, ўқувчилар ўртасида самарали ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ҳоказо билимларнинг тарғиботи ташкил этилади.

**Синф жамоаси билан мuloқотни ташкил этишнинг тўртинчи босқичи.** Бу босқичда ўқитувчи мuloқоти барча синф аъзоларининг жамоа олдида турган вазифалари асосида ўз-ўзларига қатъий талаблар қўя олишлари билан тавсифланади. Шуни айтиши жсоизки, ҳар бир босқичда ҳам жамоа аъзолари ўзларига нисбатан муайян талаблар қўйишилари лозим. Аммо қўйилган ҳар бир талаб ўзига хос йўналиши билан ажратиб туриши зарур.

Тўртинчи босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўя олишлари билан аҳамиятилдири. Жамоанинг ҳаёти ва фаолияти мазмуни жамоа аъзоларининг ҳар бири учун шахсий эҳтиёжсга айланади. Жамоадаги тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади. Бироқ бу ҳолат жамоанинг муайян шахсни янада ривожлантиришдаги роли ва ўрнини пасайтирумайди. Тўртинчи босқичда ўқитувчи мuloқоти асосида амалга ошириладиган вазифалар анча мураккаб ва масъулиятлидир. Мазкур босқичда жамоа олдига истиқболли, юксак ва мураккаб талабларни қўйиш учун мутлақо қулав шароит яратилади.

А.С.Макаренко синф жамоа аъзолари ўртасида юзага келувчи муносабатларнинг ички хусусиятларига улкан аҳамият берган ва жамоада шаклланадиган қуйидаги энг муҳим белгиларни ажратиб кўрсатган:

- 1) ўз жамоаси билан ғуурланиш асосида ўз қадр-қимматини англаш;
- 2) жамоанинг ҳар бир аъзосида қарор топган дўстона бирлик;
- 3) тарбияли, ишchan ҳаракатга йўлловчи фаоллик;
- 4) ҳиссиётни бошқара олиш ҳамда мuloқот одобига амал қилиш.

Тажрибали педагог олим томонидан таъкидлаб ўтилган ушбу фикрлар ўқитувчининг синф жамоаси билан ташкил этиладиган мuloқотида ва ўқувчилар олдига қўядиган талабларни танлашда муҳим аҳамият касб этади. Пухта ўйлаб қўйилган талаблар тизимининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартиб ўрнатилишини таъминлайди.

**Ўқитувчи мuloқотини таъминлайдиган талаблар қуйидаги шароитларда ижобий натижалар беради:**

1. Қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини хурмат қилиш тўйғуси билан уйғунлашган бўлиши, ёш хусусиятлари инобатга олинган бўлиши керак.

2. Талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.

3. Жамоанинг таълим-тарбиявий фаолиятига нисбатан қўйилаётган талаблари жамият талаблари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши шарт.

4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Ўқитувчи қўйилаётган талаблар ҳажмини ва тизимини билиб ўрганган ҳолда, талаб қўйиш методикасини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим.

Хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган талаблар билан таништириш мазкур талаблар устида машқ қилдириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Хулқ-атворни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда анча мураккаб иш. Ўқувчилар талаблар моҳиятини яхши англашлари мумкин, бироқ аксарият ҳолатларда уларга риоя қилмайдилар. Шу боис мунтазам равишда хулқ-атворни машқ қилдириш лозим.

Талабларнинг қўйилиши жараёнида уларга ўқувчиларнинг амал қилиши устидан назорат ўрнатилади. Назорат қилиб бориш турли шакллар ёрдамида амалга оширилади, чунончи, хулқ-атвор журналини юритиш, синф хонасидаги навбатчилик, стендда баҳоларни қайд этиб бориш ва бошқалар. Қўйилаётган талабларнинг бажарилиши юзасидан назорат мунтазам равишда, изчил олиб борилиши ва ҳаққоний бўлиши зарур. Олиб борилган назорат натижаларидан ўқувчиларни огоҳ этиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## 8 – БОБ. ПЕДАГОГИК НАЗОКАТ ВА ОДОБ-АХЛОҚ

### 8.1. Педагогик назокат ҳақида тушунча

Ўқитувчининг ўқувчилар мұхитига узвий равища қўшилиб кета олиши ниҳоятда қийин жараён. Лекин унинг педагогик фаолияти бевосита ўқувчилар орасида олиб борилади. Ўзаро муносабатларни ишонч ва дўстлик туйғулари билан мустаҳкамлаб бориш ўқитувчидан жиддий психологик тайёргарликни талаб қиласди. Бунинг учун ўқитувчи аввало, турли характердаги ўқувчилардан иборат бўлган, синф жамоасида тез-тез ўзгариб турадиган педагогик вазиятларга дарҳол ўз муносабатини билдириши ва унга одилона баҳо бериши керак. У ўқувчилар ҳатти-харакатини тўғри идрок этиши, вазиятларни олдиндан кўра билиши, тарбиявий методларни ўз ўрнида қўллаши, ўқувчилар билан муомалада босиқлик, сабр, миллий анъана ва турмуш тарзимиздан келиб чиқсан муруват ва химмат, одамийлик ва меҳр-оқибат туйғуларини кўрсата олиши шарт. Бу вазифалар ўқитувчининг зиммасига юкландиган ва у риоя қилиши лозим бўлган **педагогик назокат** деб аталмиш фаолиятнинг зарур шартидир.

Педагогик назокат – ўқитувчи ахлоқий-маънавий қиёфасини намоён этувчи меъёр туйғуси ёки хулқ ва одоб қоидаларига риоя қилиши демакдир. Педагогик назокат ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муносабатини ташкил қилиш воситаси. Психологик тил билан айтилганда, назокат инсоннинг бир қолипдаги барқарор тасаввурларида мужассамлашган шахсий инсоний ҳислатларининг йиғиндисидир.

Педагогик назокат меъёрлари ўқитувчидан аввало комил инсонга хос ҳислатларга эга бўлишни талаб қиласди. Зоро, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири комил инсон тарбияси бўлиб, у давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган. Онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш ўқитувчи зиммасида. Шундай экан, ҳозирги демократик жамият ўқитувчисининг ўзи аввало комил инсон бўлиши, мукаммал билимлар соҳиби, етук инсоний фазилатлар эгаси бўлиши зарур. Ўқитувчи хулқ-авторида педагогик назокат маълум бир муддатда шаклланиб тугайдиган жараён эмас, унинг омиллари ҳам жамият тараққиёти натижасида узлуксиз сайқалланиб боради:

- педагогик назокат ўқитувчининг бутун педагогик фаолиятида сайқалланиб такомиллашиб борувчи жараён;
- педагогик назокат одатда тугалланган шаклга эга бўлмай, инсоний фазилатлар эвазига узлуксиз бойиб боради;
- ўқитувчи педагогик назокатнинг таркибий қисмларини ижтимоий мұхитга ва одамларнинг яшаш тарзига, урф-одатига қараб ўзгартериши мумкин;
- ўқитувчи педагогик назокатнинг нозик қирраларини чуқур эгаллашга доимо интилиши талаб этилади;
- педагогик назокатни ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан ўзаро муносабатда ўзи учун энг қулай шаклга келтириб, маълум бир мувозанатда сақлаши лозим.

Ўқитувчи педагогик назокатга таълим ва тарбия жараёнидаги ҳар бир вазиятга адолатли баҳо бериши билан, ўқувчиларнинг ҳатти-харакатини тўғри идрок этиши, сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирилик, виждон, орият каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан эришади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи, педагогик фаолиятда ўз касбини сидқидилдан севиши, ҳалоллиги, ростгўйлиги, ахлоқий поклиги, одамийлиги, камтарлиги педагогик назокатнинг зарур талабидир. Ўз касбини севган ўқитувчигина бутун куч ғайратини, қалб нури ва дил хароратини шу ишга бағишлиайди ва ўз фаолиятида яхши натижаларга эришади. Болаларни севиш, уларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ўқитувчи ахлоқий қиёфасида мұхим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг меҳрибонлигига талабчанлик ва қаттиқўллик ҳислатлари мужассамлашган бўлиши керак.

Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қиласди, уларнинг яхши хулқ ва эзгу ишларини маъқуллайди, билимларини баҳолайди, ножӯя ҳатти-харакатлари учун танбех берib, лозим бўлганда тарбиявий методларни қўллайди.

Педагогик назокат доимий изланишни, ижодкорликни талаб қиласы. Доимий ижодий изланишда бўлган ўқитувчи тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига эга бўлади, илм-фан муаммолари, тарбия этикаси ва психологияси юзасидан эркин фикр юрита олади. Хуллас бўлажак ўқитувчи педагогик одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан бойитиб бориши зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг катталар билан мулоқотга киришиш тизимиға маълум даражада кириб бориб, уларнинг ички қоидаларини ўрганишга ҳаракат қилиши керак. Бу нарса ўқувчилар билан суҳбатлашиш орқали, феъл-авторини ўрганиш, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини кузатиш, улар ҳаётидаги турли воқеалар ва муаммоларни биргаликда таҳлил қилиш, улар мұхитида рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан фикр-мулоҳазаларини билиш асосида амалга ошади. Бунда у ўқувчилар жамоасида рўй бериб турадиган, ташқи томондан кузатганда асло билиб бўлмайдиган яширин ҳодисалар ва воқеаларни ўрганиш имкониятига эга бўлади. Натижада ўқитувчи таълим-тарбиявий жараёнда ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қила олади.

Ижобий натижаларга эришиш учун, ўқитувчи ўқувчиларнинг **ишончини** қозона олиши шарт. Ёш ўқувчи “дўст”лар ишончини қозониши ёки ишончига кириши учун ўқитувчи педагогик назокат имкониятларини ўз ўрнида қўллай олиши лозим. Ўзаро ишонч муносабатлари ўрнатилгач, ўқувчилар оғир дамларда ўқитувчидан ёрдам сўраб мурожаат қиласидар, ўз мулоҳазаларини у билан баҳам кўрадилар. Ўзаро ишонч норасмий муносабатларда ҳам ўқитувчига ўқувчиларнинг баъзан англаб бўлмайдиган ички дунёсини кўриш имкониятини беради. Ўқувчилар билан муносабатларда педагогик назокатни қўллаш натижасида:

- ўқитувчи ўқувчиларнинг характеристини, ички дунёсини яхши билиб олади, шундагина ўқувчилар билан муносабатда хушмуомалали бўлиш имкониятлари пайдо бўлади;
- ўқитувчи ўқувчилар билан чин кўнгилдан бир-бирига яқин бўлади, баъзи дақиқаларда эшитмаслиги керак бўлган уларнинг гапларини эшитмасдан ўтиб кетиши мумкин, негаки ўзгалар гапини тинглаш одобсизликдир;
- ўқитувчи баъзан ўқувчилар жамоасининг кундалик ишларига аралашмаслиги, жамоада рўй берадиган баъзи кўнгилсиз ҳодисаларни ижобий ҳал этишини улар зиммасига ҳавола этиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган кичик ихтилофларига, келишмовчиликларга барҳам беради.

Ҳар қандай мутахассис одоб ва ахлоқ намуналарига эга бўлиши табиий, лекин педагогик назокат ва одоблилик мутлақо ўзгача ҳаракатни ва муомалани талаб қиласидан маҳоратдир. Чунки бу ҳислатлар фақатгина педагогик қобилият ва истеъоддга эга бўлган ўқитувчидаги йиллар давомида шаклланади.

## 8.2. Педагогик назокатнинг моҳияти ва хусусиятлари

Ўқитувчининг педагогик назокати моҳиятида аввало этнопедагогик туйғулар, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, ўзбекона тавозе ва муомала маданияти, ўқувчилар жамоасига сингиб кета оладиган ҳар қандай ижтимоий мұхитга мослашувчи индивидуал қобилиятлар, касбий билим, кўникма ва малакалар мужассамлашган бўлади.

Хозирги кунда информацион жараённинг жадал ривожланиши ўқувчи руҳиятига кескин таъсир қиласи. Уларнинг психологик хусусиятларини, руҳий ҳолатини бир маромода ушлаб туриш учун ўқитувчидан кучли ирода, муомала маданияти бўлиш ва босиқлик, педагогик маҳоратнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш талаб қилинади. Ёш авлод тарбиясида ўқитувчи энг қийин вазиятларда ҳам педагогик маҳоратнинг қўйидаги ҳолатларига риоя қилиши ва ушбу фаолиятга ўзини мослаштириши лозим:

- эмоционал ҳис туйғулар ва кечинмаларда, стресс ва аффект ҳолатларида ўзини бошқара олиш қоидаларига риоя қилиш;

- ўзининг хулқ-автор хусусиятларини доимий бир мувозанатда сақлаган ҳолда қўллаш;
- бачканга қилиқлар, ортиқча ҳатти-харакатлар, педагогик этикага тўғри келмайдиган бемаъни сўзлардан ўзини қатъий тийиш;
- ўқитувчига хос нотиқлик санъати сирларини пухта эгаллаш, ўқувчи шахсига оғир таъсир этадиган, унинг руҳиятини жароҳатлайдиган ибораларни ишлатмаслик, муомалада, жазо методларидан фойдаланишда қўпол ва дағал сўзлар қўлламаслик;
- дарс жараёнида ҳиссий, ақлий билим беришда белгиланган муайян психологик ва физиологик меъёрларга асосланиш, манманликка йўл қўймаслик, ўз ҳолатидан бошқа ҳолатга ўтишдан сақланиш;
- ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар билан, ота оналар ҳамда нотаниш кишилар билан муносабатда коммуникатив қобилиятнинг расмий ва қатъий муомала ҳамда ишбилармонлик услубларига асосланиш.

**Педагогик назокатни эгаллаш малакалари.** Педагогик назокат педагогик маҳорат билан бирга йиллар давомида устозлар тажрибасини ўргангандан ҳолда ва ўз ҳаётини ҳамда касбий фаолияти тажрибаларидан келиб чиқиб шакллантирилиб борилади. Ўқитувчининг маънавий етуклик даражаси, назокат сирларини ўрганишда ўқувчилар билан мулоқот қилиш кўникума ва малакаларини эгаллаши, маҳсус психологик билимларга эга бўлишида, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши натижасида эришилади. Аввало бу билимлар ўқувчилар ёш хусусияти психологиясини ва болаларнинг индивидуал характеристерини билиш билан боғлиқ.

Ахлоқ асосларини билиш, ҳатти-харакатларда ахлоқий маънони касб эттириш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга ўқувчи руҳиятига ижобий-тарбиявий таъсир этиш йўлларини билиш ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятига айланиши лозим:

- ўқувчиларни чин кўнгилдан севиши, ўз муҳаббатини ўзаро муносабатда кўрсата олиш;
- ўқувчилар хулқи ва руҳиятидаги яширин ички туйғуларни англашга ҳаракат қилиш, кўриш ва кузатиш;
- синф жамоасидаги ҳар қандай шароит ва муҳитга мослашиш;
- синф жамоаси билан ўзаро ҳамкорликни таълим-тарбиявий мақсадга мувофиқ йўлини танлаш;
- ўқувчилар билан норасмий сухбатларда ўз ички ҳиссиётини сездирмаслик, аксинча улар ишончини қозониш.

Педагогик назокатнинг асосий хусусияти шундан иборатки, ўқитувчига мулоқотни ижобий ҳиссиётлар асосида куришга, болалар билан психологик контактга киришиш услубларини сақлашга ёрдам беради. Педагогик назокат хусусиятлари ҳозирги кунда қуидаги вазиятларда муваффакият пойдевори ҳисобланади:

- ўқитувчи педагогик назокат талабларига амал қилиб, ўзида мулоқотнинг эркин демократик асосини шакллантиради;
- синф жамоасида онгли интизомни вужудга келтиради; ўқувчилар билан ҳақиқий мулоқот маданиятига эришади;
- ўқитувчи синфда якка (авторитар) хукмронликдан, эркин мулоқотга ўтиб, демократик принциплар асосида педагогик фаолиятга киришиш шаклини қўллайди;
- ўқувчиларни онгли равишда тартиб-интизомга мулоқот асосида ўргатади.

Педагогик назокат асосида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотда қарама-қаршиликка йўл қўймаслиги ўзаро муносабатни тўғри ташкил этишга ёрдам беради. Бизга маълумки, ўқитувчининг фикр-мулоҳазаларида нисбийлик ва субъективлик алломатлари ҳам мавжуд. У ҳаммага бирдек, тўғри муносабатда бўла олмаслиги табиий ҳолдир, лекин у моҳиятан барча ўқувчиларга ҳолис ниятли, яхшилик қилишга интилевчи, адолатли киши эканлигига ишонч уйғотиши керак. Бу ҳолат педагогик назокатнинг муҳим хусусиятидир.

### 8.3. Ўқитувчи назокатида дилкашлик ва педагогик такт

Педагогикада ахлоқ ва одобнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш дилкашлик инсоннинг атрофдаги одамлар билан барқарор, яқин муносабатда бўлишга интилиши деб таърифланади. Бу интилиш ўқитувчининг ўқувчилар ва атрофидаги кишилар билан тез алоқа ўрната олиши ва белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Албатта бу жараён бирданига содир бўлмайди, айниқса ёш ўқитувчилардан психологик билим, кишилар билан муроқотда хушмуомалалик, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Психологлар ўқитувчининг дилкашлик хусусияти икки тоифадаги одамлар характеристида мужассамлашган деб таъкидлайдилар:

Биринчиси, *экстраверт* шахслар: Улар барча ишларда фаол, жиддий ва вазмин, осойишталикка ва ташқи таъсирчанликка мойил кишилардир.

Иккинчиси, *интроверт* шахслар: Улар фақат ўз ички оламига берилувчан, атрофидаги одамларга аралашмайдиган, ўз-ўзини назорат қилишга, доимо ички хавотирга мойил кишилардир.

Педагог олимлар ўқитувчининг дилкашлиги экстраверт ёки интроверт хусусиятларга эга бўлган шахслар характеристининг бирлашувида пайдо бўлишини таъкидлайдилар. Бироқ, кўпинча педагогикада экстраверт типдаги шахслар дилкаш инсонлар сифатида эътироф этилганлар. Ўқитувчидан ушбу ҳислатларнинг мавжудлиги, унинг педагогик назокат қоидаларига риоя қилиб дилкашлик хусусиятларини ривожлантириши педагогик маҳорат сирларини такомиллаштириш замини ва шартидир.

Дилкашлик муносабатини доимий равишда ўз касбий фаолиятида мужассамлаштирган ўқитувчи қўйидагиларни унутмаслиги керак:

- синф жамоасига нисбатан бир қолипдаги фикрларнинг муайян тизимида эга бўлиши;
- ўқувчилар билан доимо эркин муроқот қила олиши, ҳар бир ўқувчига индивидуал шахс сифатида ёндашиши;
- бирорта ҳам ўқувчисининг ёмон бўлишига, уларнинг хурмат эътиборини қозонмаслиги мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилиши;
- бирор ўқувчига нисбатан ишончсизлик, салбий муносабат синф жамоаси билан ўзаро яхши муносабатни йўлга кўйилишига халақит қилишини билиши;
- ўқувчилар билан муроқотда ҳаддан ташқари масофани (субардинация) сақлаш мумкин эмаслиги;
- синф жамоасида содир бўладиган кулгили вазиятларда ўқитувчининг ўта жиддий ва қатъий бўлиши жамоадаги қалтис аҳволни мураккаблаштириб юборишини унутмаслиги;
- ҳар бир ўқувчига бериладиган холисона ва адолатли баҳо (ижобий ёки салбий) ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатни мустаҳкамлайдиган кўприк эканлигини унутмаслигидан.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида дилкашлик фазилати ўқувчилар жамоаси билан кизғин, муваффакиятли муроқотга киришиб кетишида намоён бўлади. Аввало, ўқитувчи ўзининг касбий-педагогик дилкашлик фазилати ҳақида ва унинг нима эканлигини ва таркибий қисмлари нималардан иборатлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиши лозим. Аввало ўқитувчи ўзининг касбига хос бўлган шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан эътибор бериб, дилкашликтининг қандай жиҳатларини ўзида шакллантириш лозимлигини аниқлаши, ва ўз-ўзида коммуникатив ҳислатларни тарбиялашнинг шахсий режасини тузиши керак.

Педагогик коммуникациянинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги аҳамияти шундан иборатки, унда ўқитувчининг юксак коммуникатив маданияти қай даражада эканлиги намоён бўлади. Ўқитувчининг коммуникатив маданияти ўз навбатида турли педагогик вазиятларда пайдо бўладиган оддий инсоний дилкашлик хусусиятига таянади. Ҳар биримизда, ўз шахсий муроқотимизнинг ва ўзгаларнинг биз билан олиб борадиган ширин хушмуомалали муроқотидан кўплаб ажойиб таассуротлар хотирамизда сақланади. Ўзаро муомалада дилкашлик фазилатларини намойиш этадиган кўплаб педагог устозларни биламиз. Улар ҳар қандай вазиятларда кишилар билан бемалол муроқотга киришиб кета оладилар. Бироқ, муроқотда бутун сухбат жараёнини факат ўзига қаратиб, коммуникациянинг қоқ марказида фаолият кўрсатишни истовчи ўқитувчиларни ҳам бор.

Ҳаётда яна шундай ўқитувчилар учрайдики, улар мuloқотда камгап, сұхбатда истар-истамас иштирок этишади, мутлақо фаол коммуникатив ролни бажаришмайды. Фақат коммуникатив хулқи билан сұхбатдошини құллаб туради. Баъзан ҳеч ким билан умуман мuloқотга кириша олмайдиган тунд тоифали ўқитувчилар ҳам учрайди. Аммо, педагогик фаолиятта мuloқотдаги хушмуомалалик нафақат инсоний фазилат сифатида, балки ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир кишининг **касбидаги юксак шахсий фазилати** сифатида намоён бўлади. Хушмуомалалик, Шарқ мутафаккирлари ижодида юксак одоб намунаси сифатида тасвирланган. Дилкашлик, ўқитувчи учун ажойиб безак ҳисобланади ва муошарат одоби сифатида талқин қилиниб, кишилар онгига сингдирилган.

Ўқитувчининг хушмуомалалиги ва дилкашлиги ўзида бутун бир глобал инсонпарварлик жараёнини қамраб олувчи, кўплаб таркибий қисмлардан иборат бўлган ажойиб фазилатларидан биридир. Ўз педагогик касбидан воз кечган собиқ ўқитувчилар билан сұхбат жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги қўпол, мuloқотда назокатсиз кишилар. Одамлар билан мuloқотга киришиш, улар учун қизиқарли эмас. Шу сабабли ўқитувчи сифатида касбий ҳислатлари ҳам шаклланмаган. Мuloқот жараёни – доимий, узоқ вақт давомида шаклланувчи, кенг қамровли жараён. Зоро, шунинг учун педагогик фаолият – муомалада қўпол, назокатсиз ўқитувчиларни чарчатади, иш жараёни унинг ғашига ва асабига тегади, таълим муассасасидаги фаолиятига путур етказади.

Хушмуомалалик ва дилкашлик шахснинг инсоний фазилати сифатида ўқитувчининг ҳам касбий фаолиятидаги юксак фазилатларидан бирига айланиб, ўқитувчининг педагогик мuloқоти унумдорлигини таъминлайди. Педагогика олий ўқув муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбга йўналтиришда, хушмуомалалик ва дилкашликни шакллантириш учун махсус тайёргарликдан ўтишни тақозо этади. Ўқитувчининг дилкашлиги – учта таркибий қисмни бирлаштирувчи жараёндир:

- мuloқотда заруриятнинг мавжудлиги;
- мuloқотдан кейин, мuloқот пайтида, мuloқотгача яхши кайфият;
- коммуникатив кўникма ва малакаларга эга бўлиш.

Ушбу таърифда мuloқотнинг ўқитувчи касбий фаолиятидаги ижодий жиҳатлари кўрсатилган. Бироқ, мuloқот учун зарурият ҳамиша мавжудлиги – умуминсоний хусусият бўлиб, у барча касб эгаларига тааллуклидир.

Рус олими А.В.Мудрик ўз илмий тадқиқотларида ўқитувчининг хушмуомалалик билан мuloқотга киришиши ва унга кўникма ҳосил қилишга нисбатан қобилиятини аниқлайдиган қуидаги мезонларни ажратиб кўрсатади:

- инсон тафаккурининг ўзига хос хусусиятларга мувофиқлиги;
- нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаганлик ёки нутқда эркинлик;
- хушмуомалалик ва ширинсуханлик;
- эмпатия ва ўз-ўзидан пайдо бўладиган ўтқир зеҳнга эга бўлиш;
- маълум бир мақсадга қаратилган аниқ ижтимоий муносабат (масалан, мuloқот жараёнининг натижаларига эмас, балки ўзига нисбатан қизиқувчанлик);
- коммуникатив маҳоратда – вақтни, сұхбатдош ички дунёсини, муносабатни, вазиятни аниқ мўлжалга олиш.

Ушбу нуқтаи назардан таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг касбий фаолиятида мавжуд бўлган педагогик дилкашлик ҳам ўзига хос мазмунга эга ва унинг куидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- таълим ва тарбиянинг турли шароитларида ўқувчилар билан доимий мuloқотда бўлиш учун барқарор заруриятнинг мавжудлиги;
- ўқитувчининг шахсий ва касбий жиҳатдан дилкашлик ва хушмуомалалик фазилатларини намоён қилишда узвийликнинг доимийлиги;
- дилкашлик ва хушмуомалаликнинг барча босқичларида руҳий хотиржамликни ҳис этиш;
- мuloқотнинг самарадорлиги ва педагогик фаолиятнинг турли таркибий қисмларига ижобий таъсир этиши;
- педагогик коммуникация жараёнини амалга оширишда қобилиятынинг мавжудлиги;

- ўқитувчининг педагогик коммуникатив кўникум ва малакаларни доимий эгаллаб бориши.

Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, ўқувчиларни эркин, мустақил фикр юритишга ва онгли интизомга ўргатиш, интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўқитувчидан чуқур билимга, касбий малака ва кўникумларга, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлишни талаб қиласиди. Шу жиҳатдан ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида “Педагогик тект” муҳим педагогик қобилият сифатида эътироф этилади.

Тект сўзи азалдан педагогикада тарбиявий таъсир этиш маъносини билдиради ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатни бошқаришга ёрдам берувчи ахлоқий категория сифатида таърифланади. Ўқувчилар билан мулоқот жараёнида рўй берадиган энг оғир вазиятларда хам педагогик тект ўқитувчидан мутлақо босиқликни, сухбатдошига нисбатан хурмат ва эҳтиромни талаб қиласиди.

Педагогик тект – ўқитувчи касбий маҳоратининг асоси бўлиб, ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиш, мулоқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ҳамда онгли интизомни таркиб топтириш кўникумларини ҳосил қилиш шаклидир. Педагогикада ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабати уларнинг ёш хусусиятларига қараб белгиланиши ва бу қонуниятга амал қилиниши қатъий талаб қилинади. Шундай экан, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ҳали тўлиқ шаклланмаган, таъсирларга ва руҳий кечинмаларга тез берилувчи, ота-онасининг севимли фарзанди бўлган мурғак қалб эгалари билан мулоқот килаётганлигини асло унумаслиги керак.

Ўқувчилар билан мулоқотда педагогик тектга зид бўлган қўполлик, адолатсизлик, қўркитиш, ҳақорат, менсимаслик, педагогикага зид бўлган жазолаш усусларини қўллаш ва бошқа улар шахсиға салбий таъсир қиласидиган турли жаргон сўзлар ишлатиш ўқувчилар қалбини умуман тузалмайдиган даражада жароҳатлаб қўйиши, ёки ўқитувчининг обрўсига путур етказиши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бундай қарама-қаршиликлар кўпинча дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда содир бўлади. Бунда айниқса ёш ўқитувчиларнинг педагогик тект сирларини билмаслиги, тажрибасизлиги панд беради.

Ўқитувчининг тактик маҳорати бирданига шаклланиб қолмайди, у йиллар давомида педагогик фаолиятда, устозлар тажрибасини ўрганишда, дарс жараёнида, синфдан ташқари фаолиятда ва тарбиявий соатларда ўқувчилар билан мулоқотда такомиллашиб боради. Дарс жараёнида педагогик маҳоратнинг асоси бўлмиш педагогик тектга эга бўлиш ўқитувчи учун жуда зарурдир.

## Ёш ўқитувчиларнинг касбий-педагогик дилкашлигини ўрганиш ДАСТУРИ

### I

1. Ўзингизда кишилар билан мuloқотга эҳтиёж сезасизми?
2. Ёлғиз ўзингиз қолганингизда зерикасизми, одамлар орасида бўлишни истайсизми, ёки аксинча, ёлғиз қолишдан қониқиши ҳосил қиласизми?
3. Кўчада танишингизни кўриб қолсангиз, у билан гаплашиш истаги пайдо бўладими, ёки эҳтимолий сухбатдан қочишни истайсизми?
4. Таниш дўстларингиз кўпми?
5. Нима деб ўйлайсиз, танишларингиз сиз билан мuloқотдан завқ олишадиларми?
6. Зарурият юзасидан нотаниш кишилар билан осон мuloқотга кириша оласизми?
7. Телефонда узоқ гаплашасизми (дўстларингиз, танишларингиз, ҳамкасларингизга қараганда)?
8. Сизда баъзан шундай ҳолат бўладими: масалан, жамоа билан доимий мuloқот қилишдан чарчагансиз, ёлғиз ўзингиз қолишни истайсиз, аммо бир неча сония вақт ўтмасдан, сиз яна кишилар ва дўстларингиз билан мuloқот қилишга эҳтиёж ҳис қиласизми?
9. Баъзан танишларингиз ҳакида ўйлаганингизда улар билан гаплашиш истаги пайдо бўладими ва сухбатнинг лозим бўлган мавзуси ҳам топиладими?

### II

1. Ўқувчилар билан мuloқотга киришиш истагида доимий эҳтиёжни ҳис қиласизми?
2. Ишдан бўш вақтларингизда болалар ва ўқувчиларингиз ҳакида ўйлайсизми?
3. Сизда шундай ҳолат бўладими: масалан, ўқиган китобингиз ҳакида ёки ижтимоий хаётда рўй берган бирор таассуротли ҳодиса ҳакида ўқувчиларингизга айтиб бериш, ўз мuloҳазаларингизни билдириш истаги пайдо бўлади? Бу ҳолатингизни батафсилроқ шарҳлаб беринг.
4. Болалар, синф, улар билан мuloқот қилиш ҳакида ўйлаганингизда сизда бирданига ўқитиш, тарбиялаш истаги пайдо бўладими?
5. Ўқувчиларга таътил берилган пайтларда улар билан мuloқот қилиш истаги сизда пайдо бўладими?
6. Сизнинг ишchanлик фаолиятингизга, ўқувчилар билан бўлажак мuloқот жараёнини қандай ташкил этиш ва улар ҳакида ўйлашингиз таъсир этадими, нима деб ўйлайсиз?
7. Ўқувчилар жамоаси билан ўтказиладиган машғулотлар олдидан мактабга келганингизда сиз қандай таассуротни ҳис этасиз? Батафсил таҳлил қилинг.
8. Маълумки, танаффус пайти – таълим муассасаси ҳаётида сершовқин пайт. Бу вақтда сизни қандай ҳис-ҳаяжон қамраб олади: бефарқлик, асабийлашиш ҳолати, чарчоқ ва толикиш, ўқувчиларни кузатиш ва айримларига танбеҳ бериш истаги, бу кўринишдан қониқиши ҳисси?
9. Дарс олдидан ўқитувчилар хонасидасиз: синф жамоаси билан бўлажак мuloқот ҳакида ўйлайсизми, бу ўй ва фикрлар ишchanлик кайфиятингизга қандай таъсир этади?
10. Синфга кириб келишингиз, ўқувчилар билан саломлашиш, умуман дарснинг бошланиши, ушбу вазиятлар сизга қандай таъсир этади (тез ҳаракат қилишга даъват этади, ишchanлик кайфиятини уйғотади, тетиклантиради, кўнгилларга яхши кайфият бағишилайди, умуман таъсир қилмайди ва ҳоказо.)?
11. Дарс жараённида ўзлаштирамовчи ва интизомсиз ўқувчиларга нисбатан асабийлашиш ҳолатингизни осон бартараф эта оласизми?
12. Сиз учун ўқувчилар билан дарс жараёни қизиқарлами, ёки ўзингизни кўпроқ бетараф ҳис қиласизми?
13. Синф жамоаси билан муносабатлар йўлга қўйилмаса, ўзингизни қандай ҳис қиласиз: қайғурасиз, муносабатни яхшилашга уринасиз, бефарқсиз, ўз айтганингизни мажбурлаб бажартирасиз, ўқувчилар фикрини ҳам маъқуллайсиз?

14. Дарс жараёни яхши ўтганидан қониқишини ҳис қиласизми? Бу сизнинг ишчанлик кайфиятингизга таъсир этадими, ўқувчилар билан мuloқот қилиш заруриятини келтириб чиқарадими?
15. Ўқувчиларингизни кўчада, маҳаллада кўриб қолган пайтларингизда, улар билан сухбатлашиш истаги пайдо бўладими?
16. Транспортда, кўчада юрган бетараф вазиятларингизда ўқувчини кузатиб, унинг руҳий ҳолатини тушуниш истаги пайдо бўладими?
17. Синфда дарс ўтиш давомида сиз учун маълум бўлган ҳолатни таҳлил қилинг: ўқувчиларни тушунишга интилиш, уларнинг кайфиятини ва руҳий кечинмаларини ҳис қилиш, синф жамоасининг кайфиятидан қатъий назар белгиланган дарс режасини амалга ошириш.
18. Дарсга тайёрлананаётган пайтингизда янги мавзуни ўрганиш бўйича турли педагогик тенологияларни танлаш билан бир қаторда, ўқувчилар билан мuloқотга киришиш варианatlарини ҳам ўйлаб оласизми?
19. Ўқувчидан жаҳлингиз чиқса, сизнинг асабийлашган ҳолатингиз узоқ вақт давом этадими?
20. Ўқитувчилик касбингизни ўзгартира олармидингиз? Агарда ўзгартирсангиз, қайси касбни танлаган бўлардингиз?

### III

1. Ўқувчилар билан одатий, нисбатан баркарор педагогик мuloқот усуллари сизда шаклланганми ёки йўқми: уни таҳлил қилинг?
2. Сиз танлаган мuloқот усуллари педагогик фаолиятингизда сизга қанчалик ёрдам беради, деб ўйлайсиз?
3. Сиз ўзлаштирган мuloқот усуллари дарс жараёнида пайдо бўладиган кутилмаган вазиятларда қандай аҳамиятга эга?
4. Сиз одамлар билан кундалик мuloқот қилиш ва синф жамоасига дарс ўтиш давомида ўқувчилар билан бўладиган мuloқотни фарқлай оласизми? Агар фарқлассангиз, бу фарқлар нималардан иборат?
5. Синфдаги педагогик мuloқотингиз пайтида одамлар билан кундалик мuloқотдан фарқли нималар пайдо бўлади?
6. Синф жамоаси билан педагогик мuloқот усулларини, баъзан кишилар билан одатий кундалик мuloқот қилиш вазиятига кўчирган ҳолатларингиз бўладими? Таҳлил қилинг.

Ўтказилган ўз-ўзини кузатиш асосида, ўзингиз учун дилкашлик хусусиятларини касбий фазилат сифатида аҳамиятини аниқланг, шунда сиз ўқувчилар билан мuloқот жараёнида педагогик фаолиятингиздаги асосий камчиликлардан келиб чиқсан ҳолда ўзингиз учун **“Коммуникатив жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялашнинг индивидуал-типологик дастури”**ни тузишингиз мумкин. Ушбу дастур – касбий фазилат сифатида ўқитувчида дилкашлик ва хушмуомаликни ривожлантириш дастури (ўқувчилар билан мuloқотга киришиш даражаси паст бўлганида) бўла олади ҳамда ўқувчилар билан мuloқотда салбий қўринишларни бартараф этиш (сиқиқлиқ, тортичоқлик, кескинлик ва ҳоказо), касбий-коммуникатив кўнікма ва малакаларни қисқа муддатда шакллантиришга замин яратади.

Коммуникатив жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш тизими индивидуал, берилган тавсиялар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши керак. Табиийки, мuloқотга оид кўп нарсаларни ҳар қандай ўқитувчи ўзининг шунчаки соғлом тафаккури ва тажрибаси билан ишлаб чиқиши мумкин. Масалан, бошқалар билан мuloқотда табиий ноқулайликни ҳис қиласидиган одамлар, бундай мuloқотдан кейин ўз тажрибасини онгли равища орттириши, психологик тўсикларни маълум бир мақсадни кўзлаб бартараф этиши лозим. Бунинг учун ёш ўқитувчи турли семинарларда, йиғилишларда, ўқитувчилар даврасида кўпроқ чиқиш қилишга интилиши, ҳамкаслари ва кишилар билан мuloқот қилишнинг ҳар бир имкониятидан фойдаланиши керак. Масалан, бирорта муаммо ҳақида бир нечта ҳамкасларингиз билан гаплашиш вазифасини қўйинг. Ёши улуғ, тажрибали ўқитувчиларга

ўзингизни қизиқтирган муаммоли саволлар билан мурожаат қилинг, дўкон сотувчисининг харидорлар билан муомаласидаги ҳатти - ҳаракатини шарҳлаб беринг ва ҳоказо. Кўчада йўловчининг саволига жавоб берганингизда, у бундан қониқиш ҳосил қилганини тушунишга ҳаракат қилинг. Ҳар сафар дарсга тайёргарлик кўриб, янги материални тушутиришда нафакат педагогик воситалар ва методларни қандай қўллашни, балки синф жамоаси билан қандай мулоқотга киришиш ҳақидаги фикр хаёлингизни банд қилсин. Ўқувчилар билан мактабдан ташқари таълим ва тарбия жараёнида мулоқот қилиш ҳақида ўйланг. Сизга ажойиб таассурот қолдирган, яхши кайфият бағишилаган мулоқотдаги вазиятларни асло унутманг. Ўқувчилар билан мулоқотдаги баъзи муваффақиятсизликларни таҳлил қилишга урининг. Хатоларингизни тан олинг ва кўра билинг, сизга қониқиш бағишилаши учун навбатдаги мулоқотларни қандай ташкил қилишни ўйланг.

Сизга мулоқотда нолойиқ инсон эканлигинизни айтишса, асло руҳий тушкунликка тушманг. Ҳулқингиз, ҳатти-ҳаракатларингиз, ҳаёт ва иш тажрибангиз билан шахсий хусусиятларингиз бунинг акси эканлигига, мулоқотда дилкашлик ва хушмуомалалик фазилатлари сизда мавжудлигига ўзингизни ишонтиришга ҳаракат қилинг. Тажрибалар асосида ўз устингизда тинимсиз ишлаш, мулоқотда дилкашликни касбий жиҳатдан аҳамиятли хусусиятларини ривожлантириш, коммуникатив қобилиятларни такомиллаштириш, педагогик касбий кўнишка ва малакаларни шакллантиришда мухим аҳамият касб этади. Агарда таълим ва тарбиядан кўзланган мақсад шахснинг шахсга ижобий таъсири экан, демак, айнан ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик шароитида ўқитувчи уларнинг маънавий дунёсига кириб бориши керак

Куйидаги кўрсаткичлар асосида ўзингиз ёки касбдошларингизнинг дарсини таҳлил қилинг, кейин эса ўзингизни ёки касбдошингизни синф жамоаси билан мулоқотига якуний тавсиф беринг:

1. Синфга кириш (тетик, ишончли, шахдам, ишончсиз, бўш).
2. Мулоқотнинг бошланғич босқичида ўзини эркин ҳис этиш, умумий кайфият (тетик, баркамол, бетараф, сиқиқ, ишончсиз).
3. Коммуникатив кайфиятга тавсиф (мулоқотта ҳар тарафлама мукаммал тайёргарликни таърифлаш; ёки ифодаланадиган коммуникатив кайфиятнинг йўқлиги).
4. Коммуникатив ташаббусни шахдам намоён қилиниши, фаолиятга яхши кайфият билан киришиш, бу кайфиятни синфга «юқтира олиш», дарснинг кўтаринки руҳ ва нейтрал бошланиши; ёки руҳан толиққанлик, мулоқотни ташкил қилишда ташаббуснинг йўқлиги.
5. Дарсда зарур (умумий, бутун дарс давомида, босқичма босқич, баъзи вазиятларда) бўлган ўқитувчига хос руҳий кайфиятни яратади.
6. Дарс жараёнида ташкил қилинган мулоқот характеристи (уйғун, сермаҳсул, енгил, расмий; ёки мажбурий, зўрма-зўраки мулоқот).
7. Дарс жараёнида ташкил қилинган мулоқот ҳарактери (уйғун, сермаҳсул, енгил, расмий; ёки мажбурий, зўрма-зўраки мулоқот).
8. Таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш, ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни ташкил қилиш учун мулоқотни бошқариш самарадорлиги (тезкорлик, назокатлилик, мулоқотда ўз шахсий услуби самарадорлигини ҳис қилиш, ўзаро мулоқот ва таъсир ўтказиш методлари бирлигини ташкил қила олиш малакаси; ёки мулоқотдан таълим-тарбиявий таъсир қуроли сифатида етарлича фойдалана олмаганлик).
9. Нутқ (ёрқин ва жарангдор, образли ва интонацияли, чуқур ҳиссиётга берилиш билан, оддий ва бетараф, босиқ ва вазмин гапириш; ёки ифодалилиги кам, таъсирчанликнинг йўқлиги, бетараф, йўриқномавий-идоравий ).
10. Мимика (ифодали, тетик ва дадил, ёрқин кўринишга эга бўлиш, ташки кўринишнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги, ҳис туйғуларга бой, босиқ ва вазмин кўринишни юзда акс этиши).
11. Пантомимика (ифодали ва таъсирчан ҳаракат, ёқимли инсон, севимли устоз сифатида ўзлигини намойиш эта олиш, ҳис туйғуларга бой, босиқ ва вазмин бўлиш, бетараф, беўхшов ҳаракатлардан сақланиш).

Ушбу таҳлилга якун ясаб, ўзингиз учун фойдали бўлган хуносалар чиқаринг, ўзингизда мавжуд бўлган камчиликларни аниклаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилинг. Педагогик фаолиятингизда ижодий мулоқот маданияти ва технологиясини шакллантириш бўйича маҳсус тизим билан ишланг, маълум бир мақсадга йўналтирилган тренинг, дилкашлик ва хушмуомаликни шакллантирувчи ўзингиз учун маҳсус машқлар тизимини яратинг.

## **9 – БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ**

### **9.1. Педагогик техника ҳақида маълумот**

Педагогик техника – ўқитувчининг нафакат таълим–тарбия жараёнида, балки бутун касбий фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик билим ва малакалари мажмуудир.

Педагогик техниканинг муҳим жиҳатлари – бу аввало ўқитувчининг маҳоратини белгиловчи касбий кўнкималари хисобланади, яъни унинг саводли ва ифодали сўзлай олиши, ўз фикр-мулоҳазасини ва билимини тушунарли тилда таъсирчан баён қилиши, ҳис-туйғусини жиловлай олиши, ўзининг шахсий хусусиятларига хос мимик ва пантомимик қобилияtlарга эга бўлиши, аниқ имо-ишора, маъноли қарап, рағбатлантирувчи ёки истеҳзоли табассум, сўзнинг чексиз қудрати орқали ўқувчилар онгига ва тафаккурига таъсир ўтказиши, ҳозиржавоблик, психологик билимларга эга бўлиши кабилардир.

Ўқитувчининг педагогик техникаси қандай кўнкима ва малакалардан иборат эканлиги, педагогик техника ўқитувчининг таълим муассасаларида таълим-тарбиявий фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил қилишида, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўrsatiшида қандай рол ўйнайди каби муаммолар ҳозирги кунгача дунё олимларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда педагогик техника тушунчаси иккита гурухга бўлиб ўрганилади.

**Биринчи гурух компонентлари ўқитувчининг шахсий ахлокий фазилатлари ва хулқи билан боғлиқ бўлиб, таълим–тарбия жараёнида ўз–ўзини бошқариш малакаларида (рефлексия) намоён бўлади:**

- таълим-тарбия жараёнида ўз хатти-харакатларини бошқариши, (мимика, пантомимика);
- таълим-тарбия жараёнида ўз ҳиссиётини ва кайфиятини жиловлай олиши ва турли ножӯя таъсирларга берилмаслик;
- мукаммал ижтимоий перцептив қобилияtlарга (диққат, кузатувчанлик, хаёл) эгалиги;
- нутқ техникасини (нафас олиш, овозни бошқариш, нутқ темпи) билиши ва ўз ўрнида қўллай олиши.

Педагогик техниканинг иккинчи гурух компонентлари ўқитувчининг шахс ва жамоага таъсир кўrsatiш малакалари билан боғлиқ бўлиб, бу гурух таълим-тарбия жараёнининг технологик томонини қамраб олади:

- ўқитувчининг дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив қобилияtlари;
- маълум бир режа асосида ўз олдига қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиши;
- ўқувчилар жамоасида таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ижодий фаолиятни ташкил эта олиши;
- ўқувчилар билан педагогик мулоқот жараёнини бир мувозанатда сақлаб бошқара олиши.

Ўқитувчининг тарбияланувчи обьектлар олдида ўз ҳаракатларини бошқаришида актёрлик санъатига хос бўлган хусусиятлари, яъни мимик ва пантомимик қобилияtlари муҳим рол ўйнайди. Актёр бир образни маълум бир муддатда тайёрлаб, бир ёки бир неча маротаба бир хил кўринишда сахнада намойиш этса, ўқитувчи бутун ўқув йили давомида, ҳар бир дарсда янги мавзуни ўтилган мавзулар билан боғлаб, замонавий интеграцион усулларда ўқувчилар онгига етказиш учун чуқур тайёргарлик кўради, синф жамоасидаги ўзига хос педагогик ва психологик муҳитни, ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб педагогик фаолият кўrsatiшга мажбур. Бундай улкан масъулиятни юқори савияда бажариш учун ўқитувчидан юксак педагогик техник тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси педагогик маҳорат тизимида педагогик техниканинг ролини бекиёс деб билади. Чунки у ўқитувчига ўз гавдасини тута билиш (мимика, пантомимика),

хис-туйғуларини (эмоциясими) бошқара олиши, иштиёқ, қобилиятлар, нутқ техникасими эгаллаши ва уларни ўқув фаолиятида, ўқищдан ташқари таълим ва тарбиявий фаолиятлар жараённанда күллаш йўлларини тушунтиради.

Демак, педагогик техника ўқитувчи касбий фаолиятида шундай касбий ва шахсий малакалар йифиндики, у ўқитувчининг педагогик фаолиятига таъсир кўрсатиши, таълим-тарбия жараённини ташкил қилиш ва бошқариш ишларида асосий йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади.

Илфор ва новатор ўқитувчиларнинг техник маҳорати педагогик фаолият олиб боришларида, мимик ва пантомимик ҳаракатларида, овозини идора қила олиш хусусиятларида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ўқитувчилар педагогик техника санъатини мукаммал эгаллаганлар, унинг кўникма ва малакаларини ўзларида аниқ шакллантиришган ва турли педагогик вазиятларда кўллай олиш қобилиятларига эгадирлар.

Педагогикада ўқитувчи чуқур ҳиссиётга берилишини, шахсий ҳаётидаги турли руҳий вазиятлар туфайли кайфиятининг ўзгариб туришини ўзи қаттиқ назорат қилиш талаб қилинади. Назоратни ўқитувчининг ўзи бошқариб, . Бу жараённинг ижобий натижалари ўқитувчининг рефлексив қобилиятларида намоён бўлади.

Педагогик техниканинг яна бир муҳим хусусияти педагогик таъсир кўрсатишдаги ўқитувчининг маънавий ва эстетик қиёфаси. Бу тарбияланувчиларга яққол намоён бўладиган хусусиятдир. Агар ўқитувчи маънавий қашшоқ бўлса, нутқи тартибсиз ва мулоқотда нўноқ бўлади, диди паст, ўз ҳиссиётларини жиловлай олмайдиган қўпол бўлса, унинг таълим-тарбия бериши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Педагогик техниканинг сирларини эгаллаш йўллари ўқитувчи раҳбарлигига олиб бориладиган машғулотлар ва мустақил ишлаш жараённанда шаклланниб боради. Педагогик техника сирларини мукаммал эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўқитувчи ўз – ўзини доимий шакллантириб бориши, яъни ўз олдига қўйилган талаблар нуқтаи назаридан моҳир ўқувчи шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолияти муҳим рол ўйнайди.

## 9.2. Педагогик техника хусусиятлари

Педагогик техниканинг муҳим хусусиятларидан бири ўқувчилар билан бевосита мулоқот жараённанда шаклланадиган касбий техник кўникма ва малакаларидир. Бунда педагогик техниканинг кўникма ва малакалари ўқитувчининг педагогик маҳорати билан алоқадорликда шаклланниб боради.

Ривожланган педагогик техника хусусиятлари ўқитувчига ўқувчилар билан мулоқот жараённанда зарур сўз ва гап оҳанти, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, кутилмаган педагогик вазиятларда босиқлик ва осойишталик, аниқ фикр юритиш, вазиятни фикран ва тез таҳлил қилиш каби қобилиятларини намойиш этиш билан ифодаланади. Педагогик техниканинг ушбу хусусиятлари ўқитувчи касбий маҳоратида аниқ ифодаланган индивидуал шахсий шакл олади, яъни ўқитувчининг психология-физиологик хусусиятлари асосида унинг шахсий педагогик техникасини таркиб топтиради.

Индивидуал педагогик техниканинг шаклланиши ўқитувчининг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ. Ўқитувчидага индивидуал шахсий педагогик техника малакаларини шакллантириш муаммолари айниқса психолог олимларнинг тадқиқот марказидан ўрин олган. Психолог олимлар Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, М.Абдуллахонова ўқитувчининг индивидуал касбий фаолиятини батафсил ўрганишиб, ўқитувчининг шахсий “Мехнат профессиограммаси”ни ишлаб чиқдилар. Олимларнинг фикрига кўра ўқитувчи профессиограммаси ўқитувчига қўйиладиган маҳсус талабларни ўз ичига олади ҳамда ҳар бир фан ўқитувчининг алоҳида ихтинослашган характеристикасини белгилаб беради. Жумладан, улар умумтаълим мактабларида педагогик фаолият олиб борадиган “Ўқитувчи-мураббий профессиограммаси”да қўйидаги ҳислатлар, яъни “Педагогик техника” малакалари мужассамлашган бўлишини таъкидлайдилар:

1) Ўқитувчининг шахсий ҳислатлари: болаларни севиши, камтарлиги, дилкашилиги, меҳнатсеварлиги.

2) Касбига хос билими: *таълим ва тарбия жараёни моҳиятини билиши, педагогик ва психологияк билим асосларини эгаллаши, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига асосан психологик имкониятларини англаши, тарбиявий таъсир этишининг самарали усулларидан оқилона фойдалана олиши, ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган фаолият мазмунини пухта билиши.*

3) Касбига хос ҳислатлари: *миллий мағкура, умуминсоний қадриятлар, миллий анъана ва урф-одатларнинг асл моҳиятини тушиуниши, кузатувчанлиги, педагогик қобилиятга эгалиги, ўзини қўлга ола билиши, ўзини англай олиши, педагогик тақт, нутқий маданияти.*

4) Шахсий педагогик уддабуронлиги: *дарс машгулотларида зарур материалларни танлай олиши, ўқувчиларнинг билиши фаолиятини бошқаршии, таълим-тарбия жараёнини истиқболли режалаштириши, ўқувчилар жамосини бошқара олиши.*

5) Ташкилотчилик малакалари: *ўқувчилар жамоасини уюштира билиши, турли вазиятларда ҳам ўқувчилар жамоасини бошқаршии, амалий муаммоларни ҳал этишида уддабуронлигини намойши эта олиши.*

6) Коммуникатив малакалари: *ўқувчиларни ўзига жалб этишини билиши, ўқувчилар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик мулоқотларни ташкил қилиши, ўқувчиларнинг жамоада ўзаро муносабатларида бир хил мувозанатни тартибга солиши.*

7) Гностик малакалари: *ўқувчиларнинг асаб психик тараққиёти даражасини аниқлай олиши, ўз педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши, устоз ўқитувчилар маҳоратини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб боришии, психологик ва педагогик адабиётлардан тўғри фойдалана билиши, ўқувчилар хулқ-авторини мукаммал ўрганиши.*

8) Ижодий ҳислатлари: *ўз педагогик маҳоратини доимий такомиллаштириб боришии, ўқувчиларни тарбиялашда ўз дастурини ишлаб чиқиши ва уни муваффақиятли амалга ошириши, ўқувчилар назари билан воқеликни таҳлил қилиши қобилияти, ўқувчиларга педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра олишига интилиши.*

Психолог олимларнинг фикрича, ушбу профессиограмма ёш ўқитувчиларга ўзларининг келгусида ўқитувчилик касбини тўғри ва онгли равишда танлаб, касбий маҳоратларини такомиллаштириб боришлирага ёрдам беради. Демак, ўқитувчи профессиограммаси ҳам педагогик техникани эгаллашнинг мухим хусусиятларидан бири бўлиб, ўқитувчининг ўз касбий техникасини мукаммал эгаллаб, ривожлантириб боришига ва ўз касбий фаолиятидан қаноатланишни ҳис этишга олиб келади. Буларнинг барчаси ўқитувчининг тинимсиз педагогик меҳнати туфайли юзага келади. Ўқитувчининг педагогик техникаси – педагогик фаолиятининг ташкилий шакли бўлиб, қўл билан тутиб бўлмайдиган, беҳад узок ижодий изланишлар ва азоб укубатли кечинмалар, тинимсиз педагогик фаолият, ўқитувчининг фахм-фаросати, билими ва маҳорати билан амалга ошириладиган қизгин ижодий меҳнатининг маҳсулидир.

Бир маромда олиб бориладиган тизимли ижодий машғулот туфайли актёр юксак чўққиларни эгаллайди. Ўзгалар образини мужассамлаштиришда у маълум бир қолипдан асло чиқиб кета олмайди. Демак ҳар қандай ижодкорлик, ҳатто педагогик ижодкорлик ҳам маълум бир белгиланган қолипда шаклланиши керак. У ўқитувчининг ички кечинмалари, туйғулари ва ҳиссий реакциялари асосида қурилиши асло мумкин эмас. Чунки, тарбиялаш санъатида ўқитувчининг педагогик техникаси, яъни “бир қолипда”ги меҳнат маданияти борки, у бошқа бирор касбий фаолиятга асло ўхшамайди. Шунинг учун, республикамиизда тарбиявий технологияларни мунтазам билишга интилиш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш ўқитувчининг бир қолипдаги меҳнат маданиятини шакллантиришга, педагогик техника малакаларини доимий ошириб боришга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ҳали бирор ўқитувчи олий таълим муассасасини тугатиб, ёки малака ошириш курсларида билим олиб бирданига педагогик техника сирларини мукаммал биладиган тажрибали ўқитувчи бўлиб қолгани йўқ. Ўқитувчида педагогик техника таълим муассасаларида фаолият кўрсатиш жараёнида, ўқувчилар билан яккама якка мулоқот жараёнида, педагогик амалиётда шаклланиб боради.

Хозирги кун талаблари нүктаи назаридан, ўқитувчига қўйилаётган жавобгарлик ҳисси кенгайиб мураккаблашиб бормоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак натижалари бевосита ўқитувчининг қизғин меҳнати самараисига боғлиқ. Ватанимизнинг порлок келажаги учун ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб вояга етказиша ўқитувчининг касбий билими, фаолият техникаси мутлақо янгиланиб, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлиши керак. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига мувофиқ ўқитувчи ўзининг таълим-тарбиявий фаолиятида миллий-маданий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига доимо эътибор бериб келиши лозим. Ўқитувчининг педагогик техникаси ҳам ватанпарварликка, ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлашга, ўқувчиларнинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишига асосланган бўлиши шарт. Шу маънода таникли адаб Турсуной Содикова асарларида ҳозирги кун ўқитувчисига қўйиладиган “Мураббийликнинг шартлари” оқилона берилган: “...Сиз инсонларнинг ҳеч бир йўқ жойдан “шохини кўкартириши”, қўлфи дилини очиши, дунёсини кенгайтириши, кечаги ҳолатидан бугунини юксакроқ қилиши учун бу ишга қўл урдингиз. Аммо олдин билинг: умрингизни сарфлаб олиб бораётган ҳаракатларингиз рўпарангиздаги ўқувчига ёқаяптими, ўйқми? Бор гап шунда!

Мураббийликни хоҳлаган, шу касбга ўқиган одам мураббий бўлиб қолмайди. Устозликнинг ўзига хос парҳезлари, босиб ўтилмайдиган чегара чизиқлари борди! Биринчидан, дилингизда устоз—мураббийнинг ёзилгану ёзилмаган қонун қоидаларига бўйсунаман, деган Аллоҳга қасамингиз бўлсин! Иккинчидан, ниятингиз соф бўлсин! Мен инсонларни фақат яхшиликка ўргатаман денг, орқамда ўз қўлим билан яратилган файзли боғлар қолади, деб тилак тиланг! Токи шогирдларингиз сизнинг шарофатингиз билан фақат савоб ишларга даҳлдор бўлсинлар. Учинчидан, ҳақиқий мураббий бўламан десангиз, бирорга бирор нарса ўргатишни астойдил хоҳланг ва сиз илм олувчига нисбатан мухаббат қўйинг! Ҳар бир ишингизга фидойилик билан киришинг. Бунинг отини ихлос дейдилар! Шу иштиёқ сизда қанчалик кучли бўлса, Тангри сизга шунча кўп уқув беради, эп беради, мушкулларингизни Ўзи осонлаштиради. Мураббийликда таътилга чиқши, соғлиги, кайфиятига қараб фаолиятини тўхтатиши, деган гап йўқ. **Йўлда ҳам, ҷўлда ҳам, ҳамма фасл, ҳамма манзилда, қўйингчи, умрингизнинг охирги нуқтасигача сиз фаолият устидасиз.** Бу дегани, сизнинг борлигингиз, ҳар бир сўз, ҳар бир ишорангиз одамлар учун нур, мадад ва ҳалоскорликдир.

Назардан қолган, қарғиши олган, лоқайд мураббийлар тарбия масканларига қадам босмасликлари керак. Улар ишлайверадилар, аммо ўқитувчиликнинг нони юқмайди, рўшинолик кўрмайдилар, фалокатлари аримайди, ниятларига етмайдилар. Чунки муқаддас китобларда “неки берсак, эгаллаб турган касб корингиздан берурмиз” деб ёзилган. Касбга ҳалоллик буюк ибодатдир”. Адiba ўқитувчидан ўз касбига садоқатли бўлишни, фидойиликни, юксак маънавиятни, тинимсиз меҳнатни, ўқувчиларга нисбатан меҳр ва мухаббатни, ҳалол ва покиза бўлишни талаб қиласди. Бу айнан ўқитувчи педагогик техникасининг ҳам мухим хусусиятларидан биридир.

### **9.3. Педагогик техникани намоён этишда ўқитувчининг ташқи кўриниши**

Ўқитувчининг ташқи кўриниши педагогик техникасини намоён этувчи мухим хусусиятларидан биридир. Ҳар қандай инсоннинг ташқи кўриниши атрофдагиларга эстетик маъно ва завқ касб этиб, доимий эътиборда бўлишини унутмаслик керак. Ўқитувчининг ташқи кўринишини асосан намойиш этувчи мухим хусусиятлари унинг чехрасидаги меҳрибонлик, жиддийлик, юришида босиқлик, табиийликдир. Ўқитувчи синфга кириши билан сўзсиз ўқувчилар эътиборида бўлади, улар билан мулоқотга киришади.

Синф саҳнасида бажарилаётган унинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳатти-харакатлари ўқувчиларга таъсир ўтказа бошлайди. Айниқса, ёш ўқитувчи илк бор дарсга киришидан

олдин хис-ҳаяжонини, кўрқувини енгиши, ўзини эркин тутиши, биринчи дарс пайтида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай муваффақиятсизликдан ўзини йўқотмаслиги лозим.

Ўқитувчининг ташқи кўринишида, педагогик техникаси тизимидағи мимик, пантомимик ҳолатлар мухим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг ҳатти ҳаракатини бевосита намойиш этувчи мимик ва пантомимик ифодаси, ўқитувчининг имо-ишорасида, маъноли қараашларида, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассумида намоён бўлади ва улар ўқитувчи-тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишида, машғулотларни самарали ва мазмунли ўтишида пухта замин тайёрлаб беради.

**МИМИКА** - бу ўз фикрларини, кайфиятини, ҳолатини, ҳиссиётини қош, кўз ва юз мускулларининг ҳаракати билан баён қилиш санъатидир. Баъзан юзниң ва нигоҳниң ифодаси ўқувчиларга катта таъсир кўрсатади.

Мимик ҳаракатлар, ифодалар маълумотларнинг ҳиссий аҳамиятини кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштириш имкониятини беради. Ўқувчилар ўқитувчига қараб унинг кайфиятини, муносабатини тезда «куқиб» оладилар. Шунинг учун уйдаги баъзи нохушликлар, ҳиссиётга берилиш, ғам ва ташвишнинг ўқитувчи юзида ва мимик белгиларида ифодаланиши мумкин эмас. Чунки ушбу нохушликлар ўқувчининг дарс машғулотларини бажаришида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Ўқитувчининг юз ифодасида, мимик белгиларида фақат дарс машғулотларига хос бўлган, ўқувчиларга таълим ва тарбиявий топшириқларни ечишга ёрдам бера оладиган кўринишларни ифодалаш лозим.

Ўқитувчининг юз ифодаси, нутқи, талабалар билан ўзаро муносабати унинг индивидуал ҳарактерига мос бўлиши керак. Ўқитувчи юз кўринишидаги мимик ифода, таълим-тарбия қонуниятларига мос ишонч, маъқуллаш, таъқиқлаш, норозилик, қувонч, фахрланиш, қизиқувчанлик, бефарқлик, иккиланиш каби хусусиятларни ифодалаши мумкин. Бунда овоздаги турли ўзгаришлар, нутқнинг тушунарли баён этилиши мухим аҳамиятга эга. Мимик ифоданинг асосий белгиларини намойиш этишда қош, кўз, юз кўриниши иштирок этади.

Қош, кўз, юз ўқувчилар жавобидан қониқиши, хурсанд бўлиш, фахрланиш ёки эътироф, норозилик, қониқмаслик, хафа бўлиш ва бошқа белгиларни ифодалаш билан бирга, ўқувчилар диққатини бўлмасдан, бошқаларга халақит бермасдан таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришига ҳам ёрдам беради. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, мимик ифодалар ўқитувчининг ҳарактерини, ички дунёсини, маънавиятини, педагогик фаолиятининг индивидуал хусусиятларини бекаму кўст намойиш этади. Ўқитувчининг мимикаси ифодаланган нигоҳи талабаларга, ёки айрим талабага қаратилган бўлади. Доскага, эшикка, деразага, кўргазмали қуролларга ёки деворга нигоҳ ташлаб мимик ифодаларни намойиш қилиш асло мумкин эмас.

**ПАНТОМИМИКА** – бу гавда, қўл, оёқ ҳаракатини тартибга солувчи услубдир. Ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятида ўқувчилар билан мулокоти мухим аҳамият касб этиши барчага маълум. Бироқ ўқувчилар билан мулокотда ўқитувчининг пантомимикаси, яъни, гавда, қўл, оёқ ҳаракати тўғри ифодаланмаса, таълим-тарбияга асосланган мулокот натижа бермаслиги мумкин. Ўқитувчи ўз гавдаси, қўли, оёқ ҳаракатларининг ҳолати орқали ҳар қандай педагогик маълумотларнинг образини “чиза” олса, ўқувчилар бундан завқланадилар, улар ички хис-туйғулари, ташқи ҳиссиётлари билан қўшилиб бутун онгини ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришга қаратадилар. Пантомимика гавдани рост тутиб юра билиш, қўл ва оёқ ҳаракатларининг бир бирига мослиги, фикрларини аниқ ва тўлиқ баён қила туриб қўлини, бошини турли ҳаракатларда ифодалаш ўқитувчининг ўз билимига, кучига ишончини билдиради. Шунинг учун ўқитувчининг талабалар олдида ўзини тута билиш ҳолатини тарбиялаши лозим. (оёқлари 12-15 см. кенглиқда, бир оёқ сал олдинга сурилган ҳолда туриш). Ўқитувчининг юриши, қўл ва оёқ орқали имо-ишоралари ортиқча ҳаракатлардан ҳоли бўлиши керак. Масалан: аудиторияда орқага олдинга тез тез юриш, қўллари билан турли имо-ишоралар қилиш, бошини ўёқ-буёққа ташлаш ва ҳоказо. Бундай ҳолатлар дарс давомида ўқувчиларнинг эътиборини бўлиб, ғашини келтиради ва ўрганилаётган фанга, ўқитувчига нисбатан хурматсизлик кайфиятини уйғотади.

Үқитувчи машғулот ўтиш жараёнида фақат олдинга юриши тавсия қилинади. У ёндан, бу ёнга юриш талабалар фикрини бўлади. Олд томонга юраётганида үқитувчи муҳим воқеаларни баён қилиши мумкин, чунки бунда талабалар үқитувчини бутун диққатлари билан эшитаётган бўладилар.

Үқитувчининг пантомимик ҳаракатлари тизимида ўз ҳиссий ҳолатини бошқара олиши муҳим аҳамиятга эга. Үқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида қизғин қузатув остида бўлади. Унинг кайфиятидаги ўзгаришлар пантомимик ҳаракатларида намоён бўлади. Шу туфайли ўқувчиларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш жараёнида (дарсда, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида, тарбиявий ишлар жараёнида) ўз ҳиссиётини бошқара олиши, жиддий бўлиши, умидбахшилик, хайриҳоҳлик кайфиятида бўла олиш қобилиятларига эга бўлиши зарур. Пантомимик ҳаракатлар тизими үқитувчига бирданига пайдо бўладиган кўнишка эмас. Бунинг учун үқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши, илк педагогик фаолияти даврида камчиликларини тезда топиб бартараф эта олиши даркор. Чунки, йиллар давомида үқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракатига мослашиб уни одат қилиб олиши мумкин. Муқаммал пантомимик малакаларга эга бўлган үқитувчи ўз-ўзини назорат қила олади, кўп йиллик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялаб асабийлашишдан, ҳиссий ва ақлий зўриқишишлардан ўзини сақлай олади. Пантомимик ҳаракатларда ўз ҳиссий ҳолатини назорат қилишда үқитувчи қуидаги ҳолатларга эътибор бериши мақсадга мувофиқдир:

- спорт билан мунтазам шуғулланиб бориш;
- ёшлар психологиясига оид билимларни доимий ўрганиб бориши;
- ўқувчиларга нисбатан хайриҳоҳлик ва оптимизмга эга бўлиши;
- ўз ҳаракатини назорат қилиши (мускул зўриқишини, қўл, оёқ ва бош ҳаракатини, нутқ темпини бир маромда сақлашда нафас олишини тартибга солиш);
- маданий ҳордиқни тўғри уюштириши (дам олиши, ўз соғлигига доимий эътибор, лирика, мусика, юмористик ҳажвияларни севиб ўқий олиш);
- ўз- ўзига танқидий таъсир кўрсатиш.

Үқитиши самарадорлигини ошириш ва ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиш учун үқитувчининг ҳаракатларида актёрлик ва режиссёрлик малакалари ҳам мужассамлашган бўлиши лозим. Хусусан, гуманитар фанлар үқитувчилари актёрлик қобилиятига эга бўлишлари лозим. Маълум мавзулар, образлар, тарихий қаҳрамонлар ҳакида сўзлагандага актёрлик, режиссёрлик малакалари зарур. Улар үқитувчига ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишда, мавзу қаҳрамонларига нисбатан ҳиссий-қадриятли муносабатда бўлиш тажрибасини ўзлаштиришига ёрдамлашади.

Педагогик техника малакалари үқитувчининг маҳсус фанлар бўйича билимларни эгаллаш, педагогик маҳоратини такомиллаштиришга интилиш, ўз қасбига қизиқиши, бурч ҳамда масъулиятни ҳис қилиш асосида оширилади. Ва улар ёшларни үқитиши, тарбиялаш, ташкил қилиш, тарғибот қилиш, мустақил билим олиш ишларига ёрдам беради.

Үқитувчининг ташкил қўринишида нутқ техникаси, ҳис-туйғуларини бошқара олиш, мимик ва пантомимик малакалар бир қолипда муқаммал олиб борилганда кўзланган мақсадга албатта эришилади. Бунда сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишоралар, кутилмаган педагогик вазиятларда уддабуронлик, осойишталик билан зиддиятдан чиқиши, воқеликни олдиндан кўра олиш ва адолатли таҳлил қилишга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Бу хусусиятлар үқитувчининг шахсий, индивидуал психик, физиологик фазилатлари асосида таркиб топади. Пантомимик ҳаракатларни бошқаришда ҳам үқитувчининг индивидуал педагогик техникаси, ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сиҳат-саломатлиги ва анатомик-физиологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Үқитувчи аввало тарбиячи сифатида ўзида юқоридаги малакаларни шакллантириши, уларнинг мазмунини чуқур ўзлаштириб, педагогик техникани эгаллашнинг имкониятларидан фойдаланиши керак. Шунда у үқитувчини педагогик маҳорат сари етаклайди. Шундай қилиб, үқитувчининг ташкил қўриниши ҳам педагогик техниканинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб – тарбияланувчиларга кўриб, эшлиб турган нарсаларини эркин фикрлаш орқали, ўз мулоҳазаларини мустақил, чўчимасдан үқитувчига етказиш имкониятини беради.

“Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ ёки жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир харакати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин” – деб ёзган эди таникли педагог А.С. Макаренко.

#### **9.4. Педагогик техникани эгаллаш маҳорати**

Ўқитувчи педагогик фаолиятида педагогик техниканинг кўникма ва малакаларини мукаммал такомиллаштирган ҳолда ўз маҳоратини ошириш учун қуидаги жараёнларни билиши лозим:

1. Ўқитувчи ўзлаштириши лозим бўлган педагогик техниканинг муҳим таркибий қисмларидан бири унинг нутқ техникасидир (Нутқ темпи, дикцияси, товуш оҳангини баланд, ўрта, паст қила олиши ва ҳоказо).

Дарс жараёнида ўкув материалларини идрок қилишда ўқитувчининг нутқи муҳим рол ўйнайди. Олимларнинг фикрича, ўкувчилар томонидан 1/2 фоиз ўкув материалини тафаккур орқали идрок қилиш ва ўзлаштириш ўқитувчининг нутқига ва унинг сўзларни тўғри талаффуз қилишига боғлик. Ўкувчилар ўқитувчининг нутқини ниҳоятда кузатувчанлик ва кизиқиш билан тинглайдилар. Паст оҳангда гапирадиган ўқитувчининг дарси ўкувчилар учун зерикарли бўлади, ниҳоятда баланд гапириш, оддий сухбат чоғида овозни баланд қилиб сўзлашиш ўкувчиларни дарсдан бездиради ва чарчатади. Ўкувчиларнинг бундай ўқитувчи таълимидан кўнгиллари совийди. Шунинг учун ўқитувчи саводли гапириши, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён қилиши, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Чиройли, саводли, таъсирчан гапиравчи ўқитувчиларнинг фикрлари ўкувчилар онгига тез етиб боради, ўкув материалларини ўзлаштириб олишига катта имконият яратади, ўкувчилар бундай ўқитувчиларнинг дарсларини тоқатсизлик билан кутадилар. Ўқитувчилар ўз нутқлари устида тинимсиз ишлашлари, сўзларнинг чиройли, маъноли, таъсирчан бўлиши устида машқ қилишлари, овоз диапазонлари кучи, нутқ тембрининг ҳаракатчанлиги, дикциясини доимо машқ қилиб боришлари лозим.

Овоз диапозони чегараси баланд ёки паст гапириш тони билан белгиланади. Диапазоннинг қисқариши товушнинг паст тонлигига олиб келади. Паст оҳангда сўзлашиш ўқитувчининг идрокини бўшаштиради ва сусайтиради.

Ўқитувчи товуш диапазонини, унинг тембри билан боғлаб ишлатса, гаплари чиройли, майин, жозибали чиқиб, тингловчиларни ўзига жалб этади ва ўкув материаллари мазмуни янада яхши идрок қилинади.

Ўқитувчининг овозида сўзларни аниқ, тўғри, тиник эшитиларли ва тушунарли баён қилишида намоён бўлади. Тўғри ва мукаммал овоз дикциясига эга бўлган ўқитувчи сўзларни ифодали баён қиласи. Ифодали гапиришда тил, лаб, кичик тилча, пастки жағ иштирок этади. Ўқитувчи ифодали гапириши, сўзларни талаффуз қилиши учун юқоридаги органларни доимо машқ қилдириши лозим. Шундай қилиб, педагогик техникада нутқ малакалари муҳим аҳамият каşф этар экан, ўқитувчи доимо гапириш темпи, ритми, дикцияси, овоз кучи, диапазони, ҳаракатчанлиги устида машқ қилиши зарур, ушбу жараён алоҳида бир фаслда кўриб чиқлади.

2. Педагогик техника малакаларини мукаммал эгаллаш учун аввало, ўқитувчи ўз фанини, ўқитадиган предметининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билиши, педагогик ва ахборот технологияларини, педагогика ва психология фанлари асосларини давр тараққиёти даражасида билиши, касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялай оладиган бўлиши зарур. Чунки педагогик техника ўқитувчининг индивидуал шахсий хусусиятларига хам боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўз тафаккурига, фикрлаш қобилиятига, ўзининг касбий йўналиши, касбий лабораториясига эга бўлиши керак. Бу йўналиш ва лабораторияни ўқитувчининг ўзи мустақил фикр юритиш, мустақил билим олиш, педагогик маҳоратини ошириб бориш орқали кўлга киритади ва моҳир ўқитувчига хос фазилатларни тарбиялайди ҳамда касбий идеал сари ҳаракат қиласи.

3. Педагогик техника сирларини мукаммал билиш ўқитувчининг ташкилий - методик малакаларни эгаллашига ҳам боғлиқ. Бу малакалар зарур билимлар бўйича маърузаларни тинглаш, махсус адабиётларни ўқиш орқали қўлга киритилади. Ташкилий-методик малакалар айтилган йўл-йўриқлар, кўрсатмаларни ўзининг индивидуал касбий тажрибасида синаб, кўникма ҳосил қиласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташкилий-методик малакаларнинг индивидуал хусусиятлари, жамоа ва гурух бўлиб ишлаш, ўқиш, фаолият кўрсатиш асосида қурилгани маъқул. Чунки гурух ёки жамоа бўлиб ўқиш, ишлаш ҳар бир ўқитувчига рефлексив қобилияtlари асосида, ўзини бошқалар кўзи билан кўришни ва баҳо беришни, фаолиятидаги нуқсонларни сеза билишни, муомала ва ҳулк-атворнинг янги шаклларини излаб топиш ва синаш имкониятини беради. Бу эса ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тарбиялаш учун асос бўлади ва педагогик вазифаларнинг янги усусларини текшириб кўриш, назарий масалаларини ҳал қилиш учун тажриба майдонини ташкил қилишга замин яратади. Демак, ташкилий - методик малакаларни эгаллашда гурух, жамоа фаолияти, машғулотлар педагогик техника асосларини эгаллаш имкониятини беради.

4. Педагогик техникани бир маромда эгаллашда, ҳар бир ўқитувчининг ўз индивидуал дастурини ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай дастурни тузишдан олдин ўқитувчи ўзида педагогик техника малакаларини шаклланганлигининг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур. Яъни, ўқитувчининг дастлабки ўкув-тарбия ишларидағи натижаларида, нутқ маданиятининг тўғри ёки нотўғри қўйилишида, ҳаракатидаги мимик ва пантомимик ҳолатларда рўй берадиган нуқсонлар эътироф этилади. Бунда натижа яхши бўлса, келажакда педагогик техникани эгаллаш анча осон бўлади.

Ушбу фаолият натижасида кўникма ва малакалар янада ривожлантирилади. Индивидуал дастур педагогик техника малакаларининг етишмайдиган жиҳатларини тўлдириш учун хизмат қиласи. Бу дастур маълум машқлар ёки машқлар мажмуини ўз ичига олади.

5. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, педагогик техникани намойиш этишда ўқитувчининг умумий маданияти, маънавий ва эстетик дунёқараси муҳим ўрин тутади. Агар ўқитувчининг ташқи кўриниши қашшоқ, сўзларни талаффуз қилиш қобилияти паст, эстетик жиҳатдан оми, бўлар бўлмас воқеаларга нисбатан ўз ҳиссиётига эрк берадиган бўлса, тарбияланувчиларнинг эътиқодига, ақл-идрокига, билиш ва англаш тафаккурига салбий таъсир кўрсатади. Демак, ўқитувчи ўзидаги ана шу нуқсонларни қайта тарбиялаши лозим.

Таъкидлаш жоизки, педагогик техниканинг кўникма ва малакаларини эгаллаш йўллари тўғрисида билдирилган фикрларга эътибор бермаслик, педагогик фаолият жараённида уларнинг бекиёс аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик, шунингдек, педагогик техника малакаларини танқидий, ҳар бир ўқитувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмай иш юритиши педагогик маҳоратни эгаллашга салбий таъсир кўрсатади ва ўкув-тарбия жараённида ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятида нуқсонларнинг кўпайишига олиб келади.

Педагогик техникани эгаллашнинг асосий йўллари ўқитувчининг малака ошириш курсларига иштироки, устоз мураббийлар раҳбарлигидаги машғулотлар (улардан педагогик техника сирларини ўрганиш) ва мустақил (касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш) ишлашdir. Педагогик техника кўникма ва малакаларини эгаллаш индивидуал-шахсий салоҳият эканлигини ҳисобга олиб, педагогик техникани эгаллашда ва уни такомиллаштиришда касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, яъни талабалик йилларида ўзида моҳир ўқитувчининг шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият етакчи рол ўйнайди, деб айтиш мумкин. Касбий идеал сари интилишда бу ҳаракат педагогик техникани эгаллашда муҳим рол ўйнайди.

Ташкилий-методик жиҳатдан педагогик техника машғулотлари индивидуал, гурух ёки кетма-кетликда ўтказилади. Масалан, зарур билимлар маърузаларда ёки тегишли адабиётларни мустақил ўқиш асосида, интеграцион билимларни эгаллаш, порталъ, компьютер технологиялари ёрдамида эгалланиши мумкин. Автоматлаштиришга доир айрим оддий ҳаракатлар (турли артикуляция, фонацион нафас олиш усуслари, релаксация усуслари ва шу кабилар) ўқитувчи томонидан муентазам машғулотлар асосида эгалланади. Тегишли

күнімаларни ишлаб чиқиши, индивидуал ишлашни дастлаб ўқитувчининг назорати ва раҳбарлигига, кейин эса мустақил ишлаш талаб қиласы.

Педагогик техника малакаларини шакллантиришда ўқитувчининг жамоада фаолият олиб бориши ва машғулотларда ўз-ўзини назорат қилиши алоҳида рол ўйнайды. Педагогик техника машғулотларининг бу шаклини анча батафсироқ очиб бериш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳозирга қадар ўқитувчилар учун мұлжалланган ўкув ва методик адабиётларда маълум даражада күрсатыб берилмаган.

Хар қандай жамоада, хоҳ ўқитувчилар, хоҳ ўқувчилар жамоаси бўлсин, ўқитувчи улар олдида ўзини бошқа кишилар кўзи билан кўриши, ҳулқ-автор ва муомаланинг янги шаклларини излаши ва синаб кўриши, ўзининг жамоа билан бирга бажарадиган иши хусусиятларини англаши ва педагогик фаолиятининг индивидуал услубларини онгли равишда шакллантириш имконияти пайдо бўлади. Жамоа шахснинг ўз-ўзини билиши ва ўз-ўзини тарбиялаш лабораторияси, педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг янги усусларини текшириб кўрадиган, назарий ва амалий масалалар, турли муаммолар муҳокама қилинадиган тажриба майдони бўлиб қолиши мумкин.

Психологлар педагогик техниканинг кенг имкониятларини жамоа бўлиб ўрганишни, ўқитувчилар орасида бундай жамоаларнинг энг қулай микдорини 10—14 кишидан иборат этиб белгилашни таъкидлаб ўтадилар. Қатнашчиларнинг худди шундай микдори улардан ҳар бирининг бошқа ўқитувчилар билан бирга фаолият олиб боришида индивидуал психологик муаммоларини жуда тўлиқ равишда аниқлаб ҳал этиш, рефлексив ва эмпатик даражасини жиддий ошириш, касбий педагогик фаҳм-фаросатини ривожлантириш, бошқаларга таъсир этиш воситаларининг кенгайтириш имкониятларини очиб беради.

Шу нарса муҳимки, гуруҳ қатнашчилари, бўлажак ўқитувчилар касбий жиҳатдан бирга ишлаш малакаларини эгаллашга фаол интилишлари, ўз-ўзини билиш ва касбий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш бўйича муваффақиятли иш олиб боришига психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Барча ҳолларда ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий машғулотлар бошланишидан олдин педагогик техникани эгаллашнинг индивидуал дастури тузиб чиқилиши лозим. Бундай дастурни тузиш учун аввало педагогик техника малакалари шаклланишининг бошланғич даражасини аниқлаб олиш зарур. Бироқ, тажрибаларнинг кўрсатишича, одатда, мазкур босқичда факат малакалар ҳақидагина эмас, шу билан бирга дастлаб автоматлаштирилган (таълимни бошлаш вақтига келиб) кўнімалар ҳақида ҳам мулоҳазалар олиб бориш мумкин. Масалан, нафас олиш ва овознинг табиий йўлга қўйилиши, тўғри талафуз, бундан олдинги тарбиянинг натижаси бўлган саводли, ифодали нутқ, мимик ва пантомимик аниқлик ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бундай кўнімаларнинг мавжудлиги педагогик техника малакаларини шакллантиришни анча осонлаштиради. Шунга қарамасдан барча ҳолларда ана шу кўнімаларни тегишли малакалар таркибига киритиш юзасидан муайян фаолият олиб бориши зарур. Педагогик техника малакаларини шакллантиришнинг бошланғич даражасига қараб уни эгаллашнинг индивидуал дастури етишмайдиган малакаларни шакллантиришга қаратилган айrim машқларни ёки уларнинг тўлиқ мажмуасини ишлаб чиқиши лозим.

Педагог ва психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўз фаолиятини эндиғина бошлаётган ўқитувчилар дуч келадиган қийинчиликларнинг асосийси айнан педагогик техникага оид маълумотларни билмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Педагогик техника тўғрисида юқорида айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларга эътибор қилмаслик, педагогик фаолиятда назарий ва амалий тажрибаларнинг йўқлиги, ўз фаолиятига танқидий назар билан баҳо беролмаслик оқибатида ҳамда ўқитувчидага индивидуал педагогик техникани ривожлантириш, таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган педагогик фаолиятнинг йўқлиги мазкур қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири эканлигини унутмаслик керак.

Педагогика олий таълим муассасаларидаги касбий тайёргарлик жараёнда педагогик техникани эгаллаш бўлажак ўқитувчига ўзининг касбий йўналишининг бошланишидаёқ

кўпгина хатолардан ҳоли бўлишда, талабаларга таълим-тарбия беришнинг юксак самарадорлигига эришишда ёрдам беради.

## 10 - БОБ. НУТҚ ТЕХНИКАСИ ВА НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИ

### 10.1. Нотиқлик санъатининг пайдо бўлиш тарихи

Нотиқлик санъатига эрамиздан олдинги VII асрда Юнонистонда асос солинган. Қадимги Юнонистонда болаларга билим бериш файласуфлар зиммасига юклатилар эди. Улар, нотиқлик санъатининг етук намоёндалари бўлиб, ўзларининг чиройли сўзлари, баланд ва таъсирчан овозлари билан одамлар тафаккурига, онгига кириб борганлар, таълим ва тарбияда улкан ютуқларга эришганлар. Шу сабабли, нотиқлик санъати ва нутқ маданиятининг назариясига, унинг чексиз тарбиявий аҳамиятига илк маротаба қадимги Юнонистонда асос солингланлиги илмий адабиётларда баён этилади. Юнонистонда эпос, лирика, драма, ҳайкалтарошлиқ, мусика ва меъморчилик билан бирга нотиқлик санъати ҳам мураккаб ва муҳим санъат асари сифатида тан олинган. Нотиқлик санъатини давлатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ишларига тааллуқли фаолиятдаги аҳамияти учун ҳамда ёш авлодни тарбиялашда улар онги ва тафаккурига қизғин таъсир этувчи мураккаб восита эканлиги учун Юнонистонда уни “Санъатлар шохи” деб аташган.

Эрамиздан аввалги V аср Юнонистонда “Нотиқлик санъати”нинг энг такомиллашган ва ривожланган даври хисобланади. Бу даврда нотиқлик санъатининг қуидаги учта қонуниятига айниқса жиддий эътибор берилган:

- тингловчига тушунтириш (маълум бир ғояни);
- тингловчининг тафаккурини ўйфотиш (фиқрини, онгини, мақсадини);
- тингловчини ўзига жалб қилиш (хузур ҳаловат ва қониқиши ҳиссини ўйфотиш асосида).

Нотиқлар ушбу қонуниятларга амал қилган ҳолда “tinglovchilariga ҳалovat bafishlaش” орқали одамларни эзгуликка, адолатпарварликка, ватан олдидағи бурчларига садоқатли бўлишга, энг яхши инсоний фазилатларга амал қилиб, уларни бажаришга, одоб ва ахлоқ қоидаларига риоя қилишга чорлар эдилар. Бу уларнинг асосий вазифаси ҳисобланарди. Нотиқлик санъатини чуқур эгаллаган, ўзларининг гўзал ва чиройли нутқлари ҳамда ноёб асарлари билан жамиятда ҳурмат ва эътибор қозонган Сократ, Платон, Динарх, Гиперид, Горгий, Исократ, Исеј, Эсхил, Демосфен, Цицерон, Квинтилиан каби намоёндалар Юнонистоннинг машҳур давлат арбоблари бўлиб етишганлар.

Юнон нотиқлари оғзаки нутқнинг шакл ва қонуниятларини, мулоҳаза ва исбот каби мантиқ илми қоидаларини чуқур ўзлаштирганлар. Улар ўз фикрлари ва туйғуларини руҳан ўқувчилар ҳамда тингловчилар тафаккури ва онгига чуқур сингдира олганлар ва кескин таъсир ўтказганлар. Ҳар бир нотиқ ўз устида йиллаб тинимсиз машғулотлар олиб борган, сехрли овоз соҳиби бўлиш учун нутқ техникасининг барча қонуниятларига амал қилганлар. Улар ўзларининг таъсирчан нутқларини намойиш қилиш билан нотиқлик санъатини “Мафкуравий ва сиёсий кураш ҳамда ёш авлодни тарбиялаш қуороли” деб ҳисоблаган ва буни ўз фаолиятларида исботлаб берганлар.

Машҳур файласуф олим Сократ (эрамиздан аввалги 469 – 399 йиллар) ўқувчиларга таълим-тарбия беришда савол-жавоб усулини жорий қилиб, ушбу усул орқали сухбат методига асос солганлиги барчага маълум.

Сократнинг шогирди Платон эса ўз устози ғояларини давом эттириб, савол-жавобни нотиқлик санъатининг бир шакли сифатидаги аҳамиятини ўз асарларида ёритади ҳамда уни инсон тафаккури ва онгини, дунёқарашини оғзаки нутқ билан бойитувчи ноёб услуб сифатида баҳолаб, уни мазмунан амалий ва назарий жихатдан янада бойитди.

Юнонистонда нотиқлик санъатининг ҳар томонлама такомиллашиши Демосфен (эрамиздан аввалги 384–322 йиллар) номи билан узвий боғланган. У ёшлиқ йиллариданоқ нотиқлик санъатига қизиқди. Туғма дудук бўлишига қарамасдан, ўқувчи ва тингловчиларнинг истеҳзоларига бардош бериб, қизғин ва шиддатли меҳнати билан нотиқлик маҳоратини намойиш эта олган. Фақат Демосфен Юнонистонда нотиқлик санъатининг етук намоёдаси, яъни ўз даврининг “нотиқлик санъати бўйича элитаси” сифатида машҳур бўлди. У давлат трибунасини нотиқлик санъатига асосланган сиёсий ва мафкуравий кураш майдонига айлантириди.

Демосфеннинг нотиқлик санъати ғояларини унинг шогирди Марк Цицерон (эрамиздан аввалги 106—43 йиллар) давом эттиради. Қадимги Юнонистонда нутқ маҳорати, уни такомиллаштириш йўллари, назарияси ва тарихи бўйича ўз тажрибаларидан келиб чиқиб Цицерон бир нечта асарлар яратди. Цицероннинг нотиқлик санъати тарихига бағишиланган “Брут”, “Нотиқлик санъати намоёндалари”, “Нотик”, “Нотиқлик ҳақида” каби асарлари шулар жумласидандир. Нотиқлик санъатининг улкан имкониятларини, одамларни ва жамиятни бошқаришда кудратли куч эканлигини таъкидлаб, уни давлатнинг сиёсий жиҳатдан бош қуроли деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳар бир давлат раҳбари ва давлат арбоби нотиқлик санъатининг чексиз имкониятларини чуқур эгаллаши лозимлигини айтади. Цицероннинг нотиқлик санъати назариясида “Идеал нотик” ҳақидаги ғоялари мухим аҳамиятга эга. Унинг фикрича, “Идеал нотик эгаси юксак маънавиятли, чуқур билимга эга, тафаккури бой файласуф бўлиши керак.” Идеал нотиқлар тингловчилар қалбига ва ҳис туйғуларига тез, чуқур кириб бориши, уларнинг кайфиятини, руҳиятини билиб, шодлик ва севинч туйғуларини, ёки аксинча, ғазаб ва нафратини таъсирчан нутқи асосида уйғота олиши лозим.

Цицерон томонидан ишлаб чиқилган ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан асосланган нотиқлик санъати ҳақидаги маълумотларни, тизимлар ва услубларни римлик *Квинтилиан* (эрамиздан аввалги 35-95 йиллар) маълум бир тартибга келтириб, табақалаштириб, ундан нотиқлик санъати соҳа бўйича фаолият кўрсатувчилар унумли фойдаланишлари учун қайта ишлаб чиқди. У нотиқлик санъатининг баландпарвоз, асабга тегувчи театр артистларига хос овоз риторикасига қарши эди. Квинтилияннинг фикрича, нотик ташки овоз натижалари билан эмас, балки илмий асосга эга бўлган, мазмунан бой, мукаммал ва “тиник” нутқ орқали улкан ютуқларга эришиши мумкин. У “Тарбия ҳақида” асарида ўз назарияларига асосланиб, нотиқлик санъатини ўрганиш методикасини яратди. Файласуф олим ўз асарида илк бор нотиқлик санъатининг таълим-тарбия масканларида болалар билими, онги ва тафаккурига ижобий таъсири ҳақидаги ғояларини илгари сурди. Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг қизғин фаолият олиб боришлари учун нотиқлик санъатини мукаммал ўрганишга доир ўзининг методикасини тақдим этди.

## 10.2. Шарқ мутафаккирлари нотиқлик санъати ҳақида

Мамлакатимизда нотиқлик санъатининг ривожланиши Ўрта Осиё маданияти тарихи билан боғлиқ бўлиб, нутқ маданияти ҳамиша ўзига хос мавқега эга бўлиб келган. Ўрта Осиёда нотиқлик санъатининг хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввал ўша давр тузумининг манфаатларига хизмат қиласи эди. Бу даврда нотиқлик санъати усталарини надимлар, киссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, кироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар деб юритилиши ҳам ана шундан далолат беради. Мовароуннаҳра нотиқлик санъати воизлик деб аталган. Воизлик, яъни ваъзхонлик ҳақида «Куръон»ни тарғиб қилиш билан муштарақ ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан ўринли фойдаланиш борасида яхши фикрлар айтилган. Аммо тилнинг яратувчиси ҳалқ эканлигини ва унинг, энг аввало, ҳалққа хизмат қилишини тўғри англовчи соғлом фикрли кишилар унинг ижтимоий моҳиятини доимо тўғри тушуниб келганлар.

Шарқ мутафаккирлари мударриснинг мулокотга киришиш одоби тўғрисидаги адабий меросларида кўплаб ижобий фикрларини баён қилганлар. Ана шу нуқтаи-назардан қаралса, «Нутқ одоби», «Муомала маданияти» номлари билан юритилиб келинган нутқ маданияти тушунчаси жуда қадимдан олимлар, зиёлиларнинг дикқатини жалб этган. Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Унсурул Маолий Кайкобус Абу Абдулоҳ Ал-Хоразмий, Махмуд Қошғарий, Замаҳшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман нотиқлик санъатига жiddий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматикага ва мантиқшуносликка оид асарлар ёздилар.

Буюк қомусий олим *Беруний* (973-1048) ўзининг «Геодезия» асарида ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тарақкий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага

келишини айтади. Унинг фикрича, нотиқлик санъатининг илдизлари бўлмиш грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эхтиёжнинг ҳосиласидир,

Улуғ ватандошимиз *Абу Наср Форобий* тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хulosалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти чексизлиги ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман...» Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида мударриснинг “сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин... Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан, осонлик билан ўзлаштира олсин” дейди.

Унсурул Маолий Кайқобус томонидан 1082-1083 йилларда яратилган, қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб намуналаридан бири ҳисобланган «Қобуснома»да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар айтилган. Муаллиф фарзандига қилган насиҳатлари орқали ўқувчини ёқимли, мулојим, ўринли сўзлашга, бехуда гапирмасликка ундаиди. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хulosаларни кўз олдига келтириб гапириш кераклигини, киши ақл-идрокли бўлиши, ўзини ҳалқ орасида омий, камтар тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини таъкидлайди,

“Одамлардаги ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир” дейди. «Эй фарзанд, агар сен ҳар қандай нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўз билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам, ҳалқ уни ақлсиз дейди...» - деб уктиради аллома. У ахлоқлиликнинг биринчи белгисини сухандонлиқда деб билади. “Сухангўйлар нотиқлиқда рост сўзлаш керак. Сўзлаганда андишалик бўлиш, совук сўзлик бўлмаслик, кам гапириш, камтарлик, бироннинг сўзини диққат билан эшитиш уларнинг бурчидир” деб таъкидлайди.

Улуғ шоир *Юсуф Хос Ҳожиб* туркий ҳалқларнинг XII асрдаги ажойиб бадиий ёдгорлиги бўлган «Кутадғу билиг» («Баҳт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида «Билиб сўзласа сўз билиг саналур» деган эди. Мутафаккир сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда, ҳовлиқмасдан, сўзниң маъноларини яхши англаб, нутқни равон қилиб тузишга чақиради ва сўзниң қудратини шундай ифодалайди:

Киши сўз туфайли бўлади малиқ,  
Ортиқ сўз қиласи бу бошни эгик,  
Тилингни авайла – омондир бошинг,  
Сўзингни авайла узаяр ёшинг.

*Адиб Аҳмад Юғнакий* (XII-XIII) ҳам мударрисларни сўзлаганда нутқни ўйлаб, шошилмасдан, ақл-идрок билан тузишга, кераксиз, бемаъни сўзларни ишлатмасликка, мазмундор сўзлар излаб топишга чақиради, Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагин, деб сўзловчини огоҳлантиради:

Уқув сўзла, сўзни эва сўзлама,  
Сўзинг кизла, кейин, бошинг кизлама.

(Сўзни уқиб сўзла, шошиб гапирма, кераксиз, ярамас сўзларни яшир, ярамас гапинг туфайли кейин бошингни яшириб юрма.)

Нутқ одоби деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламаликни қоралаш ва бошқа қонуниятлар тўғрисида фикр юритилади.

Буюк аллома *Абдураҳмон Жомий* ўз адабий меросида сўз ва нутқнинг қудрати нақадар улуглигини, тилдек инсонга чиройли либос кийдиргувчи восита ҳеч қаерда бўлмаслигини баён этган:

Тилдаги кетма-кет хатога ҳайҳот,  
Чиройли кийимлар беролмас нажот.  
Сўзни кийимингдек бекаму кўст қил,

Ёки кийимингни сўзингта рост қил.

Мутафаккир *Алишер Навоий* давлат арбоби сифатида, ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк шоирдир. Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузишнинг байрокдори сифатида, ўзининг бутун ижодий мероси билан ўзбек тили бойликларини намоён этди. Навоий ўзбек адабий тилида буюк асарлар яратиш мумкинлигини ва шу билан ўзбек халқини бутун жаҳонга машҳур қилишни исботлаб берди. Шоир ўзининг «Мухокаматул-лугатайн» асарида ҳар бир тилнинг ижобий ва салбий томонлари борлигини эслатиб ўтади. Алишер Навоийнинг «Мухокаматул-лугатайн», «Маҳбуб-ул-қулуб», «Назмул-жавоҳир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга, унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди. У ўзининг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида шундай ёзади: «Тил мунча шараф бирла нутқнинг ҳолатидир ва ҳам нутедурки, агар нописанд зоҳир бўлсақ, бошнинг оғатидир...» яъни, тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир, агар у ўринсиз ишлатилса бошнинг оғатидир. Навоий таълими бўйича сўз:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар неки ағёр дурур ёр айлар.  
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Хуллас, Шарқ мутафаккирлари, сўз ва нутқнинг инсон ҳаётидаги ўрни, вазни ва қадр қимматига катта аҳамият берганлар. Улар ҳар бир сўзининг нутқда ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, нутқни қудратли қилувчи сўздан кучлироқ ва буюкроқ нарса йўқлигини, тилга эътибор – элга эътибор эканлигини, сўз сехри ила одамзод мўъжизалар яратা олишини доимо таъкидлаб, исботлаб келганлар. Сўз орқали нутқ ва фикр ойдинлашади. Ўқитувчи таълимтарбиясининг самарадорлиги сўз бойлиги билан белгиланади. Демак, “Сўз тузади, сўз бузади, олқиши ҳам сўздан, қарғиши ҳам сўздан, омонлик ҳам, ёмонлик ҳам сўз билан, борлик ҳам, йўқлик ҳам сўздан, оламнинг яралиши ва гуллаб-яшнаши ҳам сўздан, йўқ бўлиши ҳам сўздан”(Р. Жуманиёзов).

### 10.3. Нутқнинг асосий хусусиятлари. Тил ва нутқ

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида нутқ техникасини мукаммал эгаллаш мухим аҳамиятга эга. Зеро, нутқ воситасида ўқитувчи боланинг ҳис-туйғуларини уйғотади, ўқувчилар билан онгли мулоқотни таъминлайди, таълим-тарбияга оид маълумотларни таҳлилий идрок этади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи аввало нутқ сирларини, унинг ўқувчилар билан бўладиган мулоқотда таъсир кучини пухта билиши керак. Нутқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун, нутқ техникасига оид талабларни билиш лозим. Бу талаблар нутқнинг мантиқ жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин ва мақсадга мувофиқ бўлишидир. Нутқнинг асосий хусусиятлари ушбу талаблардан келиб чиқади:

1. Нутқнинг тўғрилиги ва равонлиги.
2. Нутқнинг аниқлиги ва таъсирчанлиги.
3. Нутқнинг мантиқийлиги.
4. Нутқнинг тозалиги ва ифодалилиги.

**Нутқнинг тўғрилиги ва равонлиги** унинг адабий тил нормаларига тўғри келишидир. Бунда иккита жиҳатга эътибор берилади: ургу ва грамматик нормаларга амал қилиниши.

**Ургу** – сўзларнинг тўғри талаффуз этилишини таъминлайди.

**Грамматик норма** – нутқнинг мазмундорлигини, маъноли эканлигини билдириб, нутқ оқимидаги сўзларнинг ўзгариши, мазмунан бир-бирига бирикишини ифодаловчи хилма-хил қоидалар йиғиндисидир.

**Нутқнинг аниқлиги ва таъсирчанлиги** – мазмундор нутқнинг тингловчига таъсир этиш омилидир. Ўқитувчи сўз ва тилнинг равонлиги, нотиқлик қобилияти билан аниқ фактлар асосида ўқувчиларга билим беради, уларнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиради. Ўқитувчи нутқнинг аниқ бўлиши, ўз масъулиятини чуқур ҳис этиш шартидир. Аниқлик, ўрганилаётган мавзунинг ўқитувчи томонидан ифодаланаётган воқеликка, фактларга мувофиқ келишидир. Аниқликнинг чегарасини белгилашда ўқитувчи

сўзларни тўғри кўллай олиши, ўзбек тили грамматикасини мукаммал билиши, тўғри талафуз эта олиши тал-аб қилинади.

**Нутқнинг мантиқийлиги** – нутқнинг мантиқий бўлиши энг аввало ўқитувчининг сўз бойлиги, тафаккур юритиши қобилияти, идрок этиш маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи тилни жуда яхши билиши, сўз бойлиги кенг бўлиши мумкин. Аммо ўзи фикр юритаётган мавзуга нисбатан чуқур билимга эга бўлмаса, билимларини ўз тафаккури доирасида таҳлил қила олмаса нотиқлик санъати натижага бермайди. Сўзларнинг ўқитувчи ифодалайтган мавзуга мос равишда тўғри ифодаланиши, сўз бирималарининг, гапларнинг, матнларнинг бир-бирига тўғри келиши, фикрни изчил баён этиш учун бўйсундирилиши нутқнинг мантиқий бой эканлигини билдиради. Ўқувчиларга айтилаётган фикр мантиқан бир-бирига боғланган бўлиши керак. Гаплар ўртасида фикрий боғланиш, изчиллик йўқолиши билан ўқитувчи нутқнинг мантиқийлигига путур етади.

Ўрганилаётган мавзу матнлари ўртасида мантиқий боғланиш бўлиш учун, матнлар бошланма билан ажратилади (масалан, хулоса қилиб айтганда; шу билан бирга; таъкидлаш лозимки ва ҳоказо). Демак, ўқитувчи нутқнинг мантиқийлиги дейилганда, яхлит бир тизим асосида тузилган, фикр ва мулоҳазалар ривожи изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ мақсадга мувофиқ ишлатиладиган нутқ тушунилади.

**Нутқнинг тозалиги ва ифодалилиги** – Ўқитувчи нутқнинг тозалиги, аввало унинг адабий тил лисоний нормаларига мувофиқ ифодаланиши билан белгиланади. Ўқитувчининг чиройли ва мазмунан бой нутқи ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши, ғайриадабий тил унсурларидан ҳоли бўлишига қараб баҳоланади. Нутқнинг тоза бўлишига ҳалақит берувчи унсурлар: диалектизм ва варваризмдир. Зоро, ушбу унсурлар бадиий адабиётда маълум бир бадиий – эстетик вазифани бажарсада, ўқитувчининг дарс жараёнидаги ва тарбиявий фаолиятидаги нутқида ишлатилмаслиги керак. Ўқитувчи доимий равишда идоравий атамаларни, расмий сўз ва ибораларни ноўрин ишлатиши ўз нутқнинг нотабиилигига, ишончсиз чиқишига сабаб бўлади. Натижада ўқувчилар таълим–тарбиясида ўқитувчи томонидан ишонтириш методи орқали қўлланиладиган фикрларни баён этишга путур етади.

Нутқнинг тозалиги, унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат адабий тилда ифода этилишидир. Тил воситалари вазиятга қараб ишлатилган, сийқа сўз ва ибораларсиз ҳосил бўлган ўқитувчи нутқи табиий ва самимий бўлади, тингловичи ва ўқувчининг қалбига тез бориб етади.

Жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос бўлмаган сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, қўйполликда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш); паразит (ортиқча) сўзларнинг ишлатилиши нутқ тозалигига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳодисалар ўқитувчи нутқида учрамаслиги учун, ўқитувчи ўзини, фикрини бошқара олиши, доимий равишда нутқини бойитиши, машқ қилиши керак.

Одам тилни қанча чуқур билса ва унда сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, унинг тафаккури шунчалик бой бўлади. **Сўз барча далиллар, барча фикрлар либоси, ўқитувчи нутқнинг пойdevоридир.** Ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш лозим. Зоро дунёда сўз мулкидан ҳам ортиқ ва қимматли хазина йўқлигини Шарқ мутафаккирлари адабий меросларида баён этганлар:

Сўз ичра мудом ақл яшириндур.

Сўз чимилдиғу, ақл келиндар.

(Носир Хисрав)

Сўзни билган зарга бўлмайди муҳтоҷ,  
Зар қиммати сўз билан топар ривож.

(Абдураҳмон Жомий)

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,

Хам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.

(Алишер Навоий)

Агар бўлсанг ипак каби мулойим,  
Мулойим сен бўлсанг қулинг бўлойин.  
Қулоғимга берган пандинг олайин,  
Кишига қаттиқ сўз айтгувчи бўлма.

Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,  
Бир танда одам гоҳ семиз, гоҳ ориқ.  
Бир кўзи қародир бир кўзи ёруғ,  
Қора деб қаттиқ сўз айтгувчи бўлма.

(Махтумқули).

**Тил ва нутқ.** Нутқ маданияти – тил нормаларини эгалламоқ, талаффуз, урғу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонуниятларини чуқур билмоқдир. Шунингдек, тилнинг тасвирий воситалари ҳар хил шароитларга мос, мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Нутқда тил – фикр алмашиб қуроли, ўқитувчи қалбининг ойинаси, ўқитувчининг дарс бериш услубини, педагогик маҳоратини тўлиқ намоён қилувчи воситадир. Нутқда – тилдаги ранг-баранг воситалар ўз ифодасини топса, бундай нутқ – бой нутқдир.

Тил ва нутқ азалдан бир-бири билан чамбарчас боғланган воситалардир. Нутқ қайси тилда айтилмасин, ўша миллат тилининг қонун-қоидалари асосида рўёбга чиқади. Бироқ улар бир-биридан фарқланади.

Тил нутқ учун моддий материал. Шу материал асосида нутқ ташкил топади.

Нутқ – тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда реалликка айланган фикр бўлиб икки хилда намоён бўлади: ички нутқ; ташқи нутқ.

Ўқитувчи онгига ҳосил бўладиган, ҳали амалга ошмаган тил элементларидан ташкил топган, кишининг оғиз очмасдан фикрлаши, мулоҳаза юритиши, ўйлаши *ички нутқ*дир.

Ўқитувчи мулоҳазаси ва фикрининг тил воситасида нутқ органларига таъсири ва ҳаракати билан реал товушлар сифатида юзага келадиган нутқ – *ташқи нутқ* бўлиб, у ижтимоий ҳодисадир.

Ўқитувчи нутқий фаолияти: сўзлаш, мутолаа ва эшитишдан иборат.

Тил ҳодисаси фонемалар тизимида, морфемаларда, синонимия, омонимияларда, мавжуд грамматик қоидаларда, мураккаб терминлар ва фразеологик ибораларда намоён бўлади.

Тил ва нутқ қуйидагича қиёсланади:

1. Тил алоқа материали, нутқ алоқа шаклидир.

2. Тилни ҳалқ яратади, нутқни эса ҳар бир шахс яратади.

3. Тилнинг ҳаёти узок ҳалқ ҳаёти билан боғлиқдир; нутқнинг ҳаёти эса қисқа бўлиб, у айтилган пайтдагина мавжуддир.

4. Айрим шахснинг айни замонда бир нечта тили билиши мумкин, чунки у вақт ва ўрин билан бевосита боғланмаган. Айрим шахснинг нутқи айни замонда фақат битта бўлади, чунки у маълум вақтда ва маълум ўринда юз беради.

5. Тилнинг ҳажми ноаниқдир; нутқнинг ҳажми эса аник: нутқ монолог, диалог, полилог, декламация ҳамда айрим текст ва китоб шаклида бўлиши мумкин. Нутқ маҳсус белгиланган тартибда ўзининг ҳажми билан нотиққа ҳавола этилади.

6. Тил – турғун статик ҳодиса, нутқ эса ҳаракатда бўлувчи, динамик ҳодисадир.

Тил ҳатосида сўзнинг маъноси кескин бузилиши мумкин (Масалан: соф-сон, тиф-тип, фан-пан, дил-тил, нуфус-нуфуз, сервис-сервиз, хўб-хўп).

Нутқ ҳатосидаги бузилишлар кўпинча фақат акустик томондан ўзгаради (фикар-пикр, фабрика-пабрика, сафар-сапар кабилар).

Тил ва нутқ ҳодисаларининг қонун-қоидаларини мукаммал билиш, унинг қоидаларига доимо риоя қилиш, объектив шароитда тинимсиз машғулотлар олиб бориш – ўқитувчининг тил софлиги, нутқ маданияти ва одоби масалаларига оқилона ёндашишига олиб келади.

## **10. 4. Ўқитувчининг нутқ маданияти ва нотиқлик санъати**

Нутқ маданияти — ижтимоий маданиятни, кишилилк жамияти маданиятини акс эттирувчи бир кўзгудир. Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки шакли — ёзма ва оғзаки шакли учун зарурдир. Нутқ маданиятига эътибор ёлғиз ўқитувчидан эмас, балки ҳар бир фуқародан онгли равишда ўзлаштириш талаб қилинадиган инсоний фазилатлардан биридир. Уни эгаллаш ҳар бир ўқитувчининг ва шахснинг маданий савияси ва билимига боғлик. Ўқитувчи педагогик маҳоратида нутқ маданияти, унинг нафақат маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бойлигини, балки билимини, тафаккурини, илмий дунёқарашини, фикр ва мушоҳада юритишини белгиловчи меъёрдир. Ўқитувчининг нутқ маданияти бирданига шаклланиб маромига етадиган жараён эмас, у педагогик маҳорат билан, касб фаолияти давомида, тажрибали устозлар ўгити натижасида йиллар давомида такомиллашиб боради. Ўқитувчининг нутқий қобилияти маданий, касбий, педагогик талаблар асосида шаклланиб боради. Уни ривожлантириш фақат ўқитувчининг шиҷоатига боғлик. Шу қобилият туфайли ўқитувчининг нутқ маданияти ҳам шаклланиб боради. Қуйидаги нутқ маданиятига хос бўлган воситаларни ўқитувчи унутмаслиги керак:

1. Нутқ маданияти ўқитувчининг маънавий-ахлоқий камолоти таркибий қисмидир. Зоро нутқ, миллатимиз эришган маданият даражасини кўрсатувчи, ўз она тилимизга эътиқодни намойиш этувчи ёрқин ва ишончли далилдир.
2. Нутқ маданияти ўқитувчининг маънавий ва маданий савияси билан, ҳамда адабий тилни мукаммал билиши билан бошқа касб эгаларидан маълум маънода ажратиб туради.
3. Нутқ маданиятининг пировард мақсади эркин фикр эгаси бўлган баркамол авлодни қандай касб эгаси бўлиб етишишидан қатъий назар адабий жиҳатдан тарбиялаш эканлигини унутмаслик керак.
4. Нутқ маданияти — бу аввало, ўқитувчида нутқий қўникма ва нутқий малакаларни хосил қиласи. Бу қўникма педагогик фаолиятда такомиллашиб боради, маҳсус меҳнат ва машқлар эвазига малака оширилади ҳамда эришилган муваффақиятлар туфайли қобилият ва маҳорат шаклланади.
5. Нутқ маданиятига ўзбек адабий тилини мукаммал эгаллаш асосида эришилади. Бунинг учун ўқитувчи адабий тил қонуниятларини билиши, бадиий адабиёт асарларини доимий ўқиб бориши, шеърлар ёд олиши ва уни декламация билан ўқий олиши, радио ва телевидение эшиттиришларини кузатиб бориши лозим.
6. Нутқ маданиятини эгаллашнинг яна бир қўриниши нутқий тақлид бўлиб, ўқитувчи ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва таъсирчан нутқ сўзлайдиган устоз мураббийларнинг нутқий санъатига ҳавас билан қарashi ва тақлид қилиши асосида ўрганиши мумкин.

Нутқ маданиятининг ва нотиқлик санъатига умумий, ўхшаш томонлари бор. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутки билан алоқадордир. Ҳар иккаласи ўқитувчи нутқий фаолиятининг таъсирчан, чиройли бўлиши учун зарур ҳодиса бўлиб, унинг нутқий маданиятини ўстиришга хизмат қиласи. Нутқ маданияти ҳам, нотиқлик санъати ҳам нутқнинг маънолилиги, нутқий гўзаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озиқланади.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиқлик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолият туфайли эришилувчи алоҳида санъатдир.

Нутқ маданияти ва нотиқлик тушунчалари орасида баъзи ўхшашлиқ, умумий томонлар бор. Бу ҳар иккала соҳанинг пировард мақсади, иш фаолиятининг муштараклигига кўринади. Аммо шунга қарамасдан, нутқ маданияти тушунчаси билан нотиқлик тушунчаси айнан бир хил нарса эмас. Ўқитувчи нутқ маданияти ва нотиқлик орасидаги баъзи муҳим фарқли томонларни ва белгиларни билиши лозим. Булар қўйидагилар:

1. Нутқ маданияти, чинакам маънода адабий тил билан боғлик ҳодисадир. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг нормалари билан боғлик. Нотиқлик санъати учун булар асосий белгилар эмас. Нотиқлар орасида адабий тил талабларига тўла амал қилмайдиганлар, маълум вақтгача, шевада ҳам чинакам нотиқлик

санъатини намойиш қилиб кишилар қалбига таъсир қилувчилар учрайди. Сўзга чечанлик, нотиқлик, тил материалининг характеристига қараб эмас, нотиқнинг чинакам сўз устаси эканлигига, тингловчиларни ўзига жалб этишида, таъсирчан нутқий санъатига қараб белгиланади.

2. Нотиқлик – бу нутқнинг оғзаки шакли. Нотиқлик санъати оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли бўлган тушунчалардир.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини назарда тутади. Нутқ маданияти соҳасининг мақсади ва пировард орзуси ёш авлод нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Чин маънодаги нотиқлик санъати эса, алоҳида шахсларнинг нутқий маҳоратини ва санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан нутқ воситасида ўқитувчилар жамият талаблари асосида ёш авлодга муайян таълим ва тарбия беради, юқори малакали, рақобатбардош, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган кадрларни тайёрлади.

4. Санъаткор нотиқ нутқи, асосан, кўпчилик тингловчиларга, кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нотиқни бир кишидан ортиқ шахслар тинглайди. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари кишилар орасида одатий сухбатларни, якка кишига қаратилган нутқларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

5. Ўқитувчи адабий тилнинг кенг имкониятлари ва бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган тажрибали нотиқ бўлиши мумкин. Бироқ ҳамма ўқитувчи ҳам санъаткор маъносидаги мукаммал нотиқ бўла олмайди. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир ўқитувчи нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт.

6. Нутқ маданияти кўпчиликка мўлжалланган, маълум бир мақсадни кўзда тутиб иш кўрувчи соҳа. Бу маънода у кенг омма учун мўлжалланган талабдир, аммо нотиқлик – шахсий қобилиятдир.

7. Нутқ маданияти – бу факат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа эмас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг нормаларини ўрганиш ва бу нормаларни қайта ишлаш иши билан ҳам шуғулланади. Нотиқлик санъати эса бундай илмий – норматив фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиқлик, кўпроқ нутқнинг мазмунини, мантиқий асосларини, мундарижавий тузилишини эътиборга олади, нутқ маданияти эса, нутқнинг тил қурилиши – лисоний тузилишига эътибор қиласди.

9. Нотиқлик санъати нотиқ учун олдиндан қандай сўзлаш тизими ва режасини бермайди. Нутқ маданияти соҳаси эса жамият аъзоларини она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсаддага мувофиқ шароит ва услугуб тақозаси талабига кўра ўринли фойдалана олиш қўнимасини беради. Бундай кўникма, аслида ҳар қандай санъаткор нотиқ учун ҳам зарур.

10. Нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида мунтазам янгиланиб боради.

**Ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги ва ифодалилиги.** Ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ва нутқдаги тўғрилик ва аниқлик, мантиқийлик ва тозалик тингловчига таъсир этиш учун йўналтирилган бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, ўқитувчининг оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва ўқувчилар томонидан қабул қилинишида пайдо бўладиган руҳий вазият эътиборга олинади. Яъни нотиқ-ўқитувчи ўқувчиларни ҳисобга олиши, уларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёш хусусиятларигача, нутқ ижро этилаётган пайтдаги кайфиятларигача кузатиб туриши, ўз нутқининг ўқувчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини назорат қилиши лозим. Профессионал билимга эга бўлган ўқитувчилар жўн, содда тилда гапиришлари мақсаддага мувофиқ эмас, оддий, етарли даражада нотиқлик маълумотига эга бўлмаган ўқитувчилар ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилишлари керак эмас. Хуллас, нотиқ-ўқитувчидан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламоқчи бўлган ҳар қандай фикрини тўлалигича ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади.

Үқувчилар тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш ўқитувчи олдига күйиладиган асосий шартлардан бири хисобланади. Бунинг учун эса, ўқитувчидә юқорида айтилганидек, мавзуни яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, ўқувчиларни аввало нутқ режаси билан таништириб, сўзни бошлаш лозим. Вақтни хисобга олиш, нотиқлик фазилатларидан биридир. Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, ўқувчилар зерикишмайди.

Нутқнинг таъсирчанлиги ва ифодалилиги ҳақидаги гап маълум маънода нутқ сифатлари ҳақида айтилган гапларга якун ясашдир. Чунки яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоликларни таҳлил қилиш, пировард натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қиласи. Нутқдаги фикрларни ўқувчиларга мазмунли етказишнинг хилма-хил йўллари ва воситалари мавжуд. Уларни ёрдамчи воситалар деб ҳам аташ мумкин. Масалан, юмор ёки бирор ҳикоятни олайлик. Нутқдаги узлуксиз илмий-оммабоп фикр оқими, унинг бир маромда баён қилиниши ўқувчини ҳам, ҳар қандай тингловчини ҳам зериктириб кўйиши мумкин. Шундай пайтда, юмор, ҳикоят, қизиқарли воқеалар ҳақида гапириш ўқитувчига жуда қўл келади. Юморнинг нутқ мазмунига мос ҳолда келтирилиши яна ҳам яхшидир. Шундай қилинса, ўқувчи ҳам дам олади, ҳам ўрганилаётган мавзуга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади.

Нутқда мавзу доирасида баъзи фикр ва мулоҳазаларни келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай фикрлар нотиқ фикрининг тўғрилигини, ҳаққоний эканлигини исботлаш учун фойдаланилади, фақат улардан фойдаланишни сусистемол қилмаслик керак. Бадиий адабиёт намуналаридан, ҳикматли сўзлардан, тилдаги ифода – тасвир воситаларидан нутқда ўрни билан фойдаланиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нутқнинг ўқувчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида ўқитувчининг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам ўрни бор. Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилиқ, ўқувчиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг ўқувчилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Мукаммал нотиқлик санъатига эга бўлиш – ўқитувчилар учун улкан меҳнат талаб қиласиган мураккаб жараёндир. Нутқнинг ўтқирлиги, ёрқинлиги ва оригиналлиги тингловчи ва ўқувчидә ҳис-туйғу ва қизиқиш уйғотиши, унинг эътиборини қаратиши, айтилаётган нарсанинг мазмунини яхшилаб етказиш учун зарурдир.

Демак, нутқ аниқ ва равон бўлиши, грамматик жихатдан тўғри тузилган бўлиши, адабий талаффуз қоидаларига бўйсуниши, бошланишидан охиригача изчил баён қилиниши лозим. Ана шундай нутқ асосида ўрганилаётган билим ўқувчи қалбига бориб етади. Шундай нутқ маданий нутқ талабларига жавоб беради. Бунинг учун ўқитувчидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, филологик билим ва муттасил нутқий машқ талаб қилинади.

## 10.5. Нутқ техникасини эгаллаш

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида нутқ техникаси энг мураккаб ва доимий мунозараларга сабаб бўладиган жараён. Психологик тил билан айтганда нутқ техникаси, нотиқ нутқининг ўринли ёки ўринисиз эканлигини белгилашда намоён бўлади. Ўқитувчи ҳар хил вазиятларда, турли характердаги ўқувчилар билан мулоқотда бўлади. Демак у ўз нутқини ана шу вазиятлар асосида, ўқувчилар ҳолатига қараб тузиши, ўзгартириши, доимо нутқининг таъсирчан чиқишига эътибор бериши, ўқувчиларни зериктириб қўймаслиги учун тилнинг тасвирий воситалари бўлмиш метонимия, метафора кабилардан фойдаланиши лозим. Ўқувчилар дикқатини жалб этиш, ўрганилаётган мавзуга уларни қизиқтира олиш ўқитувчи нутқ техникасининг асосий хусусиятларидандир.

Ўқувчи хаёти давомида ўқитувчисининг нутқий хусусиятларини, ўқувчиларга мурожаат қилиш, саволларга жавоб бериш усуулларини хотирасида сақлайди. Ўқитувчи нутқи

ўқувчиларга таълим - тарбия бериш вазифасини бажариши керак. Шунинг учун унга фақат умуммаданий эмас, балки касбий ва педагогик талаблар ҳам қўйилади. Ўқитувчи ўз сўзининг мазмуни, сифати ва оқибати учун жамият олдида ижтимоий жавобгар шахсdir. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи нутқи педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўқитувчи нутқи дейилганда, ўқитувчининг оғзаки ва ёзма нутқи назарда тутилади. Ёзма нутқ ўқувчилар томонидан маълум бир ўрганилаётган материални ёзиб ўзлаштириши. Оғзаки нутқ – бу ўқитувчининг гапириш вақтида тузиладиган нутқи бўлиб, ўқувчилар онги, истак ва мотивларига, ҳис-туйғуларига таъсир этувчи муҳим омилдир. Ўқитувчи оғзаки нутқ асосида зарур бўлганда ўз камчиликларини тузатиб, коррекциялаб боради.

Тажрибали ўқитувчининг нутқи қўйидагиларни таъминлаши керак:

- ўқитувчи ва унинг тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабати ва маҳсулдор мулокотини;
- таълим жараёнида билимни тўла қабул қилинишини, англаниши ва мустаҳкамланишини;
- ўқувчилар фаолиятига, улардаги қобилият ва иқтидор инстинктини шакллантириш мақсадида онги ва хиссиётига ижобий таъсир кўрсатиш;
- ўқувчиларнинг ўкув ва амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш.

"Педагогик нутқ" тушунчasi ўқитувчининг коммуникатив хулқи тушунчasi билан узвий боғлиқ. Ўқитувчининг коммуникатив хулқи дейилганда, фақат унинг гапириш ва ахборот бериш жараёнигина эмас, балки, ўқитувчи ва ўқувчи мулокоти учун эмоционал психологик муҳит яратишга улар ўртасидаги муносабат ва иш услубига таъсир кўрсатувчи нутқни ташкил этиш ва унга мос ўқитувчининг нутқий назокати ҳам кўзда тутилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги нутқи монологик ва диалогик шаклда бўлади. *Монологик нутқнинг кенг тарқалган шакллари ҳикоя, мактаб маърузаси, шарҳ кабилардир. Диалогик нутқ турлари сұхбат, савол - жавоб шаклида бўлади.*

Педагогик фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун, ўқитувчининг нутқи маълум талабларга жавоб бериши, яъни нотиқлик маҳоратини шакллантириш учун лозим бўлган коммуникатив сифатларга жавоб бериши ҳамда нутқи бир нечта адабий нормаларга мос келиши лозим: чунончи, замонавий нормаларга, ифодали, адабий тил нормаларига.

Педагогик нутқнинг тўғрилик, аниқлик, мослиқ, лексик бойлик, ифодалилик ва тозалик каби коммуникатив сифатлари ўқитувчи нутқининг маданиятини белгилайди.

Мақсадга мувофиқ келадиган педагогик нутқ ўзининг мантиқийлиги, ишончлилиги, кузатувчанлиги билан характерланади.

*Педагогик нутқнинг биринчи функцияси* – ўрганилаётган билимларни тўлиқ ҳолда берилишини таъминлашдан иборатдир. Ўқитувчи нутқининг коммуникатив ўзига хослиги билан билимни ўқувчилар томонидан қабул қилиниши ва эсда қолиши ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Нутқ буни таъминлаши ёки қийинлаштириши мумкин.

Ўқитувчининг нутқи факат ахборот бериб қолмай, ўқувчининг онги, сезгисига таъсир килиши, уларни ўйлаш фаолиятига ундаши керак.

*Ўқитувчи нутқининг иккинчи функцияси*, ўқувчининг ўкув фаолияти жараёнида ўқитувчи нутқи асосида, дарсда ўрганилаётган билимларни самарали ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Ўқувчи, ўқитувчи нутқини эшита туриб қатор операцияларни бажаради: берилаётган ахборотни кўргазмали шаклда аниқлаштиради, ўзидаги билим билан унга нисбатан муносабат билдиради, эслаб қолади, нутқ мантиқини, фикрлар ривожини кузатиб боради.

Овоз тонининг баландлиги, товушнинг юқорилиги, бир хилда гапириш ўқувчиларни чарчатади. Ўкув – билув жараёнининг самарали бўлишига дарсда ўқитувчи танлаган коммуникатив хулқ услуби ҳам таъсир қиласи. ўқитувчи кўпинча "овозингни ўчир", "жим ўтири", "бошингни кўтариб ўтири", "машқни тугат", "китобни ёп" каби норозиликни билдирувчи сўзларни ишлатади, ёки ўқувчининг дарсда жавобини бўлади, "хар доимгидек ҳеч нарса билмайсан", "сен бу мавзуни қаердан ҳам тушунардинг" каби педагогик тактга хос бўлмаган гапларни ишлатади, бу ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабатнинг бузилишига, ақлий фаоллигини пасайишига олиб келади.

*Педагогик нутқининг учинчи функцияси – ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги маҳсулдор ўзаро муносабатни тўғри таъминлашдан иборат.*

Ўқитувчи нутқи – ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини бошқариш ролини ҳам бажаради. Бу ерда ҳамма нарса аҳамиятли: ўқитувчи ўқувчиларга қандай мурожаат қиласди, саломлашади, талабларини қандай қўяди, қандай огоҳлантиради, хоҳишини қандай баён қиласди; нутқ импотенцияси, юз ифодаси, қараши ҳам ўқувчига таъсир кўрсатади. Дарсдан ташқари мулоқотда буларнинг аҳамияти янада улкан бўлади. Кўп нарса ўқитувчининг индивидуал мулоқот услубига ҳам (кўркувга асосланган, ўйинга, дўстона алоқага асосланган), мулоқот доирасидаги ижтимоий характеристига ҳам боғлиқ.

Ўқитувчи нутқининг хусусияти, у аввало ўқувчиларга қаратилган ва йўналтирилган бўлади. Ўқитувчи монологи ҳам ўқувчилар билан ички диалог шаклида бўлади.

Ўқитувчи оғзаки нутқининг асосий хусусияти, унинг мазмуни ўқувчилар томонидан иккита канал орқали товуш ва визуал йўл билан қабул қилинишидадир. Визуал ҳаракатлар ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги, ифодалилигини оширади, у ўқитувчининг кайфияти ҳақида ҳам ўқувчиларга ахборот беради. Шунинг учун ёш ўқитувчи мулоқотда ўзининг ташки кўринишини бошқара олиш қўнимасини шакллантириши керак.

Ўқитувчи оғзаки нутқининг яна бир хусусияти, унинг импровизацион (хеч қандай тайёргарликсиз) характеристерда эга эканлигидадир. Тажрибали ўқитувчи текстга ёки конспектга қарамасдан, уйга маҳсус тайёрланмасдан гапиради, ўқувчи уни тинглаб туриб, сўз ва ифодаларда тутилаётганлигини, баъзан нутқий камчиликларини кўра олади. Шундай ҳолат вужудга келадики, гўёки ўқитувчи нотиқ сифатида ўзлиги ҳақидаги ҳақиқатни, фикрларини биринчи марта ўқувчилар билан очаётгандек бўлади.

Коммуникатив нутқининг муваффақиятли бўлиши учун, ўқитувчи ўзида нотиқлик санъатига хос, катор маҳсус қобилиятларни ривожлантириши талаб қилинади:

- ижтимоий перцептив қобилияти;
- ижтимоий тасаввур қобилияти;
- ўзини бошқара олиш қобилияти;
- мулоқотда ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олиш қобилияти;
- иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- ишонтира олиш қобилияти.

Нутқ малакалари ва кўнималарини муваффақиятли эгаллаш учун шароит яратувчи нотиқнинг умумий руҳий, жисмоний хусусиятларини ривожлантириш, бунда тасаввурни, образли хотира ва фантазияни ривожлантириш кўзда тутилади. Бундай фаолиятда товуш, диапазон, тембр, дикция, ритмика мухим рол ўйнайди.

**Товуш.** Баъзи ўқитувчиларга товуш туғма қобилият сифатида берилган, лекин бу ҳам машқ қилиб турилмаса бузилади. Ўқитувчи ўз товушини кучли, эгилувчан, эмоционал таъсирчан қила олиши мумкин. Ўқитувчи товушининг ўзига хослиги нимада?

Аввало, товушининг баландлигига ҳамда унинг кучли нутқ аппарати органларининг фаоллигига боғлиқ. Товуш эшитилишининг учувчанлиги, (полётность) бу овозни масофага мослай олиш, товушни бошқара олишидир.

Товушнинг эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги товушни енгил бошқариш ва тингловчиларга мослаштира олишидир.

**Диапазон** - товушнинг ҳажми. Унинг чегараси жуда юқори ва паст тон билан аниқланади.

**Тембр** - товуш бўёғи, ёрқинлигини намоён қилиб, шу билан бирга нутқининг чиройли, майин, жозибали, ўзига хослигини таъминлайди.

Ўқитувчида касбий касаллик келиб чиқмаслиги учун, товуш гигиенасига амал қилиш керак. Ўқитувчи иш вақтининг 50 фойзи давомида гапириб туради. Ўқитувчи иш вақти тугагач, 2-3 соат давомида узоқ вақт кишилар билан сўзлашишдан қочиши талаб қилинади. Зарур бўлиб қолса қисқа ва секин гапириши керак.

Дарс жадвали қўйилишида шунга эътибор бериш керак. 3-4 соат дарсдан сўнг нутқ аппарати чарчайди, шундан сўнг 1 соат товуш дам олиши керак. Тажрибали, кўп йиллар ишлаган ўқитувчи 2-3 соатда чарчайди ва 2 соат дам олиши керак. Юқори нафас йўллари, асаб тизимлари, овқатланиш режимига эътибор бериш керак.

Үқитувчи нутқининг тезлиги, индивидуал сифатига, унинг нутқ мазмуни ва мулоқот ҳолатига боғлиқ. Турли миллатларда нутқ темпи турлича бўлади. Русларда минутига 120 та сўз атрофида, инглизларда 120-150 та сўзгача. Тадқиқотларга кўра 5-6 синфларда ўқитувчи минутига 60 та сўз, 9 - 11 синфларда 75 тагача сўз гапириши тўғри бўлади.

Материалнинг мураккаб қисмини ўқитувчи паст темпда, кейин эса тезроқ гапириши керак. Мавзуга оид қоидалар ва қонуниятлар айтилганда, хулоса қилинганда нутқ секинлашади.

Сўзлаётганда тўғри нафас олиш, овозни йўлга қўйиш ва унинг товланиши, сўзларни хатосиз талаффуз қилиш, нотиклик санъатини такомиллаштириб бориш ўқитувчининг нутқ техникасини шакллантирувчи хусусиятлардир. Овоз ўзгариши, тўғри нафас олиш, дикция, ритмика асосида нутқнинг қўйикма ва малакалари йиғиндисини мукаммал ривожлантириш ўқитувчининг нутқ техникасида такомиллашади.

**Овоз ўзгариши, тўғри нафас олиш** нутқ техникаси бўйича ишлаб чиқилган машқлар туркумiga кириб, ўқитувчи равон нутқининг мунтазам шаклланишини таъминлайди.

**Дикция** - сўз, бўғин, товушнинг айтилишидаги тўғри ва аниқлик. Дикцияни такомиллаштириш нутқ органларининг ҳаракатини қайта ишлаш билан боғлиқ. Махсус машқлар орқали бошқарилади.

**Ритмика** - айрим бўғинларни гапиришдаги тўлиқ давомийлик, шу билан бирга нуткни ташкил қилиш жараёни. Бу нутқнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, баъзан интонация ва пауза ўрнига сўздан кўра кучли эмоционал таъсир қилади.

Ўқув вақтининг кўп қисми (1/4, 1/2) ўқитувчининг нутқи билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўқув материалини ўқувчилар тушуниши ўқитувчи нутқининг мукаммаллиги билан боғлиқдир.

Баъзилар товуш ва унинг тембри туғма деб билишади. Лекин хозирги экспериментал физиология товушни тўлиқ қайта куриш мумкинлигини исботлаб берган.

Тарихдан ҳам маълумки, баъзи кишилар ўзларининг нутқ товушларини такомиллаштириб борганлар. Чунончи, Демосфен ўзининг бу соҳадаги камчиликларини тугатиб бориб, қадимги Юнонистоннинг сиёсий ораторларидан бирига айланган. Ёки Владимир Маяковский ҳам 20 ёшидан бошлаб расмий чиқишилар учун оғзига тошчалар олиб, Рион дарёси бўйида нутқ сўзлашни машқ қилган.

Нутқий нафас организм учун муҳим ҳаётӣ манба бўлиши билан бирга у нутқнинг энергия базаси сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Нутқий нафас **фоноционал** нафас дейилади (фоно-товуш).

Кундалик ҳаётда нутқимиз **диалогик** тарзда бўлиб, нафас қийинчилик туғдирмайди. Лекин дарсда ўқитувчи кўп гапирган, маъруза ўқиган вақтларида ўзгармаган нафас, машқ қилинмаса қийинчилик туғдиради: юз қизарип кетиши, нафасни тез-тез олиш ҳолати пайдо бўлиши мумкин.

Нафас олиш жараёнида қайси мускуллар иштирок этишига қараб, нафас олишнинг қуйидаги функциялари ажратилади:

1. Елка ва кўкрак қафасининг юкори қисмини кўтарувчи мускуллар иштирокида нафас олиш. Бунда кучсиз, юкори нафас олиниб, ўпканинг фақат юкори қисми фаол ишлайди.

2. Кўкрак орқали нафас олишни қовурғалар орасидаги мускуллар амалга оширади, диафрагма кам ҳаракатда бўлиб, нафас чиқариш кучсиз бўлади.

3. Диафрагмали нафас олиш кўкрак ҳажмининг ўзгариши, диафрагма қисқариши ҳисобига ҳаракатланади.

4. Диафрагма ва қовурға орқали нафас олишда – диафрагманинг ҳар томонлама ҳажми ўзгариши, қовурғалар орасидаги ва қориндаги нафас мускуллари ҳам қатнашади. Шу нафас тўғри бўлиб, бу нутқий нафас учун асос бўлиб ҳисобланади.

**Бўлажак ўқитувчи нутқини такомиллаштириш.** Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи нутқини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ўз-ўзини назорат қилиш;
- нутқ маданиятини ривожлантириш;
- нутқий мулоқотнинг барча ҳолатларида адабий нутқ қоидаларини эгаллаш учун ўзига шароит яратиш.

Ўз-ўзини назорат ва ифодали нутқ малакаларини ривожлантириш учун ўқитувчи ўз нуткий фаолиятини кузатиши, у жонли, хилма хил, ҳиссий бўёқлими ёки бир хил монотонлими, билиб бориши лозим.

Нутқингизни тайёрлаш ва машқ қилиш жараёнида ўзингиз мустақил равишда қуидаги саволларга жавоб топинг: Тингловчиларда қандай фикр уйғотмоқчиман? Уларда ижобий муҳитни қандай кайфият асосида яратмоқчиман? Нутқ мазмуни ва шароити қандай интонация ва ритмни талаб этади? Бир неча бор нутқингизни қайтариб кўринг.

Нутқингизни бадиий адабиётлардаги турли лавҳаларга ўз таассуротларингизни қўшган ҳолда бойитиб, тўлдириб боринг.

## **11 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ МАҲОРАТИ**

### **11.1. Ҳозирги замон ўқитувчининг педагогик фаолияти**

Ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги бўйича маҳсус маълумотга эга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга бой таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсdir.

Ўқитувчи таълим жараёнида ўқитиши шаклларини оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Ҳозирги кунда ўқитувчининг педагогик маҳоратида “*Билиш, тушунши, қўллаш, таҳлил қилиши, синтез қилиши, баҳолаши*” каби дидактик қонуниятлар таълим беришнинг муҳим категориялари сифатида эътироф этилган. Шахсга таълим–тарбиялаш бериш нюхоятда мураккаб жараён, қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, уни ташкил этиш мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгиловчи муҳим аҳамиятга молик бўлган омил эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилган. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиши, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириши учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».

Бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни йил сайин янгиланиб, замон талабларига мослашиб бормокда. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

- Аввало у ўз мутахассислиги бўйича таълим берадиган фанлардан педагогик технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини мазмунан яхлитлигини таъминлаши.
- Педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқувчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаши, ўқув машғулотларида педагогик ва ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини уйғунлаштириш малакасига эга бўлиши.
- Таълим муассасаларида фанларни ўқитиши мазмунига мос равишда педагогик тизимни лойиҳалай олиши.
- Таълим берадиган фанлар туркумини ривожлантириш истиқболларини очиб беришга қаратилган илмий изланишларни мунтазам амалга ошира олиши.
- Таълим-тарбиявий фаолиятда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида педагогика ва психология соҳасида эришилаётган илғор тажрибаларни амалда модернизация қилган ҳолда қўллаши.
- Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик қарашлари ва маънавий меросларидан таълим-тарбиявий фаолиятда фойдалана олиши.
- Дарснинг барча турларида, машғулотларда замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиши методларидан фойдаланиши.
- Ўқитадиган фан туркуми бўйича автоматлаштирилган таълим тизими учун амалий дастурлар пакетини яратиши лозим.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи қиёфасидаги шахс педагогик-психологик жиҳатдан юксак тайёргарликка эга бўлиши учун, унда қуидаги фазилатлар намоён бўлиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятнан ўқитувчи томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулиятларни ифодалайди):

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютукларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чукур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши шарт.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбиявий фаолиятда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз фаолияти ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбиявий фаолиятда педагогик ва ахборот технологияларининг энг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши давр талабидир.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникатив лаёқатни, педагогик техника сирларини (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) чукур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

Айниқса, ўқитувчи ўзининг индивидуал нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуидаги хусусиятларни акс эттириши керак:

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг соғлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос бўлмаган сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этиладиган, ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилишда қўлланиладиган қўпол сўзлар) ҳамда концепциализм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзларидан ҳоли бўлиши;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (хикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш). ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак.

Ўқитувчи педагогик-психологик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларни таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босик, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни ўз ирова кучи билан бартараф этишнинг улдасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкаслари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкаси, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан сұхбатдошига нисбатан хайрихохлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкаслар ҳамда ота-оналар орасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

## 11.2. Дарс – таълим жараёнининг асосий шакли

Дарс –таълим жараёнининг асосий ташкилий усули бўлиб, унда синф дарс тизимининг барча хусусиятлари акс этади. Дарсда ўқитувчи ташкилий тартибни ва ўқув ишларининг мунтазамлигини таъминлайди.

Дарс бевосита ўқитувчи раҳбарлигига аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шаклидир. Ўқитувчининг ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати дарс жараёнида намоён бўлади.

Ўқитувчи дарсда бир хилдаги муайян тайёргарликка эга ўқувчилар синфи билан фаолият олиб боради. Дарсда ўқитувчи ўзига тегишли мутахассислик фанининг маълум билан режа асосида белгиланган мавзуси бўйича ишлайди. Билимларни таълим методлари асосида ўқувчилар онгига сингдиради, ўқувчиларнинг олган билимини мунтазам равишда баҳолаб боради. Дарс доирасида оммавий, гурухли ва индивидуал таълим шаклларини бирлаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Дарсда ўқитувчи раҳбарлигига хар бир ўқувчининг билим олиш хусусиятлари ҳисобга олинади, ўқувчиларнинг машғулот жараёнда ўрганилаётган фан асосларини эгаллаб олишлари, уларнинг идрок этиш қобилиятларини ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш ҳамда шакллантириш учун қулай шароитлар яратилади.

Дарснинг тузилиши оддий ва анча мураккаб бўлиши мумкин. Бу ўқув материалининг мазмунига, дарснинг дидактик мақсадига, ўқувчилар ва синф жамоасининг хусусиятларига боғлиқ.

Замонавий дидактикада дарснинг қуидаги **турлари** ажратиб кўрсатилган:

- аралаш дарслар;
- янги материаллар билан танишиш дарслари;
- билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари;
- ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари;
- кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарслари;
- билимларни текшириш дарслари;

**Аралаш (комбинациялашган) дарслар**, ёки мураккаб тузилишга эга бўлган ушбу дарс жараёнда ўқитувчи қуидаги комбинацияни қўллаши мумкин: *уй вазифаларини текшириши ва ўқувчилар билан савол-жавоб, янги материални ўрганиши, билимларни мустаҳкамлаш, ўқувчилар билимларини текшириши ва баҳолаши, уйга вазифа берии.*

Ўқувчиларнинг **янги материаллар билан танишиш дарси** ёки янги билимларни бериш (ўрганиш) дарсида ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчиларнинг мустақил ишлари олиб борилади, ўқитувчи дарснинг тузилиши ва олиб борилишини қуидагича таъминлайди: *янги материални ўрганиши учун асос бўлган аввалги материални такрорлаш, ўқитувчининг янги материални ва дарслерни билан ишланиши тушиуниши, билимларни текшириши ва мустаҳкамлаш, уйга вазифа берии.*

**Билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарсида** ўқитувчи дарснинг асосий мазмунини илгари ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлашга қаратади. Ўқитувчи асосий эътиборни ўрганилган мавзуларни такрорлаш тарзида машғулот олиб боришга қаратади. Тузилиши бўйича бундай дарсларни ўқитувчи қуидаги босқичда ташкил этади: *ўқувчиларнинг билиши қобилиятини ва тафаккурини текшириши, оғзаки ва ёзма машқларни бажарии, топшириқни бажарилишини назорат қилиши, уйга вазифа берии.*

**Ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарсларида** бевосита ўқитувчи раҳбарлигига ўрганилган ўқув материалларидан мураккаб саволларни такрорлаш ва тизимлаштириш асосида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг мавжуд камчиликлари тўлдирилади ва ўрганилаётган янги мавзунинг мухим гоялари очиб берилади. Ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарсларини ўқитувчи ўрганилган мавзунинг, бўлим ёки ўқув курсларининг якунида ўтказади.

**Кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарси** эгалланган билимларни ўқувчилар томонидан мустаҳкамлаш ҳамда амалиётда қўллай олиш билан боғлиқдир. Бу жараён бир неча маҳсус дарсларда амалга оширилади. Янги мавзуларни ўрганишда давом эттирилади. *Бунда ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг назарий билимлар асосида эгаллаган малака ва кўникмаларини, ҳаётий амалиётларида турли вазиятларда қўллашни ўзлаштириб олишларини назорат қилишидан иборат.*

**Билимларни текшириш (назорат) дарсида** ўқитувчи ўқувчиларнинг фанлар юзасидан ўзлаштирган билимларини эгаллаш, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини, ўқув материалларининг ўзлаштиришдаги камчиликларини аниқлаш, шунингдек, навбатдаги топшириқларни бажарии ўйларини белгилаб олишига ёрдам беради.

Юқорида ифодаланган барча дарсларнинг самарадорлигига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига, педагогик-психологик методларни қўллай олиш тажрибасига боғлиқ.

Дарсларнинг мажбурий элементи ташкилий ва якуний босқич ҳисобланади. Ташкилий босқич мақсадларни қўйиш ва уларни ўқувчилар томонидан қабул қилиш шароитларини таъминлаш, билимларни идрок этиш, англаш, эслаб қолиш юзасидан бериладиган кўрсатмаларни шакллантириш кўзда тутилади. Дарсга якун ясаш босқичида мақсадларга эришиш қайд этилади. Шу билан бирга ўқитувчи янги, замонавий, одатдан ташқари дарс беришнинг дарс—маъруза, дарс—семинар, дарс—мунозара, дарс –конференция, дарс—саёхат, дарс—мусобақа, мустақил иш дарслари каби ноанъанавий методларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи ўз тажрибаларидан ва касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда, синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини эътиборга олиб замонавий дарсларнинг қўйидаги комбинацияларига алоҳида эътибор бериши лозим:

- интеграл фанларнинг илғор ютуклари, компьютер, педагогик технологиялар ва ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, дарсни ҳозирги замон ўқувтарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш;

- дарсда барча дидактик тамойил ва қоидаларнинг оптимал нисбатларини таъминлаш;  
- ўқувчиларнинг қизиқишилари, иқтидори ва талабларини эътиборга олган ҳолда, улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;  
- ўқувчиларда фанларнинг ўзаро алокадорлиги асосида билишга қизиқиши ривожлантириш;

- ўқувчилар томонидан эгалланган билим ва малакаларга, шунингдек, улар онги ва тафаккурини ривожлантириш даражасига таяниш;

- ўқувчининг ўзи қизиқкан, орзу қилган касби бўйича маҳоратини ҳар томонлама шакллантиришни мотивациялаш ва фаоллаштириш;

- ўқувтарбиявий фаолиятнинг барча босқичларида мантиқийлик ва эмоционалликни таъминлаш;

- педагогик технологияларнинг энг сўнгги ютукларидан ўз ўрнида самарали фойдаланиши билиш;

- зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолиятнинг рационал усусларини шакллантириш;

- мавжуд билимларни дунёвий билимлар билан доимо бойитиб бориш ва ўз эҳтиёжи даражасида фойдаланиш;

- ҳар бир дарсни юксак маҳорат билан пухта лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташхислаш ва тахмин қилиш.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, қўйидаги учта асосий мақсадга эришиш учун ўз имкониятларидан фойдаланиши лозим:

- таълимий;
- тарбиявий;
- ривожлантирувчи.

**Таълимий талабларга** ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни турли ахборот воситалари билан бойитиши, янги ўрганилаётган мавзуни ижтимоий ҳаёт билан, турмуш тарзи билан боғлаб мазмунан бойитиши ва оптималлаштириш, сўнгги педагогик технология ютукларидан оқилона фойдаланиш, турли таълим шакли, методлари ва кўринишларини қўллаш, дарс тузилишини шакллантиришга ижодий ёндашиш, дарсни юксак педагогик маҳорат талаблари асосида ўтказишни таъминлаш кабилар киради.

**Тарбиявий талаблардан** асосий мақсад, дарс жараёнида ўқитувчи томонидан янги ўқув материали асосида эгалланган билимлардан ташқари унинг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятни ҳис этиш, интизомлилик, эркин фикр юритиш, қобилиятлилик, эътиборлилик, ҳалолликни шакллантиришdir.

**Ривожлантирувчи талаблар** дарс жараёнида ўқитувчи ўз имкониятларини ўқувчиларда ўқув-билиш фаолиятининг ижобий сифатларига нисбатан қизиқиши оширишга, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг

мудроқ қобилияларини уйғотишга, онг ва тафаккурларини дарс жараёнида шакллантиришга қаратади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, таълимнинг ёрдамчи шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан ўқитувчининг педагогик ташаббускорлиги натижасида ташкил этилади. Таълимнинг ёрдамчи шакллари қуйидагилар: турли тўгараклар, практикум, семинар, конференция, маслаҳат (консультация), факультатив машғулотлар, ўқув саёҳатлари, ўқувчиларнинг мустақил уй вазифалари.

### **11.3. Таълим жараёнида ўқитувчига қўйиладиган талаблар ва ижодий қайфиятни бошқариш**

Таълим жараёни ўқитувчи ижодий қобилиятини намойиш этувчи саҳнадир. Юкорида таъкидлаб ўтилган ўқитувчилик маҳорати ҳеч қачон бир йўналишда қотиб қолмаслиги керак. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати жамиятда фан оламида рўй бераётган янгиликлар ҳодисалар билан доимо чамбарчас боғланган ҳолда шаклланиб боради. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар таълим соҳасида ўқитувчи олдига юксак вазифаларни қўймоқда. Замонавий таълим ўқитувчидан қуйидаги вазифаларни эътиборга олишни талаб қиласди:

- ўз мутахассислиги бўйича энг сўнгги билимлардан хабардор бўлиб бориш, таълимни педагогик технологиялар ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиб амалдаги ўқув тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиши;

- таълимда ўқувчиларнинг ёш ва психологияк хусусиятларини эътиборга олиб ўз маҳоратини, билимини ва қобилиятини намойиш этиши;

- ўқувчиларнинг қизиқишилари, лаёқати ва талабларини хисобга олган ҳолда, улар томонидан билимларни пухта ўзлаштирилишига шароит яратиш;

- ўқувчилар томонидан ўрганилаётган ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлини таъминлаш;

- таълимни тарбиявий жараён билан ўзаро алоқадорлиги асосида шахсни ҳар томонлама камол топишини фаоллаштириш;

- ўқув тарбиявий фаолиятнинг барча босқичларида таълимнинг эмоционаллигини таъминлаш;

- компютер ва ахборот технологиялари асосида фаннинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиб бориш;

- таълимда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари, фикрлаш ва фаолият турларини бойитиш мақсадида улар руҳиятини доимий ўрганиб бориш;

- ҳар бир дарсни пухта лойихалаштириш, режалаштириш, ташхис ва тахмин қилиш.

Таълим жараёнида ўқитувчи эришиши лозим бўлган ютуқлар кўп жиҳатдан унинг ижодий қайфиятини бошқара олиши билан боғлиқ. Ижодий қайфият ўқитувчи касбида муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятлардан биридир. Ижодий қайфият, ўқитувчи ақл идрокини намоён этувчи педагогик маҳоратнинг муҳим қирраси ҳисобланади. *Ижодий қайфият – ўқитувчининг руҳий ҳолатини бир маромда ушлаб турувчи, касбий жиҳатдан ижодкорлигини таъминловчи, касбий хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини қўрсатувчи, ўқувчилар жамоасига тез киришиб кетишини таъминловчи воситадир.*

Ўқитувчи ўз ижодий қайфиятини вужудга келтириш учун психологик йўналишларнинг хилма-хил усулларини билиш керак. Бу, дарсни фикран хаёлдан ўтказиш ва лойихалаш, ҳар бир ўқувчи қалбига осон йўл топа олиш маҳорати, мулоқот маданияти. Ўқитувчи ижодий қайфиятини аввало ўзи яратади, бу унинг характер хусусиятидан, ўз касбига нисбатан муносабатидан пайдо бўлади. Кўйида тажрибали устозлар синовидан ўтган, ижодий қайфиятни таълим жараёнида шакллантиришнинг баъзи воситаларини ҳавола этамиз:

- Янги ўрганилаётган ўқув мавзусидан ўз ижодий қайфияти учун воситалар қидириш.
- Синф ўқувчилари билан бўлаётган ҳар бир мулоқотдан ижодий қайфият учун мотивлар топа олиш.
- Ҳис туйғу ва кечинмаларини яхшиликка, ижодий қайфиятга йўналтира олиш.

- Ўқувчиларнинг ножӯя ҳатти-ҳаракатларига доимий эътибор бермаслик ва қулай вазиятда расмий, таъсирчан танбех бериш.
- Дарс жараёнида асло ғазабланмаслик, ўқувчилар кулгисини аччиқ сўз билан тўхтатмаслик, аксинча тўғри қабул қила олиш.
- Дарс жараёнида мулойимлик, меҳр шафқатли бўлиш улкан педагогик ютуқлар калити эканлигини унутмаслик.
- Доимий жиддийлик ва асабийлашиш, асаб юрак тизимини тез чарчатишни унумаслик.

Болалар билан бўлажак муомала олдидан ўқитувчининг ижодий кайфиятини ҳосил қилишида унинг ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалига ўз ҳиссий муносабатини ифодалашнинг ташқи шаклларини олдиндан топишга интилиши муҳим рол ўйнайди: булар тегишли имо-ишоралар, юз ҳаракатлари, гапириш оҳангидир.

Муомалада ижодий кайфиятни вужудга келтириш ва сақлашнинг муҳим вазифаси ўқитувчининг ўрганилаётган янги ўқув материалига нисбатан ўз ҳиссий муносабатини ифодалашда топган ташқи шаклларни мустаҳкамлашдир, у ўқитувчи томонидан қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади: дарснинг боришини, тадбирни фикран ёдга тушириш; кўзгу олдида такрорлаш; намуна сифатида санъат (адабиёт, кино, рангтасвир) асарларидаги вазиятлардан фойдаланиш.

Ижодий кайфиятни бошқариш—ўқитувчи меҳнатининг энг муҳим касбий жиҳатдан талаби бўлиб, у ўқитувчининг синфда, болалар билан муомалада эркин бўлишини, хулқатворининг самарали бўлишини таъминлайди. Педагогик ижодкорликнинг асосий босқичларига нисбатан ўқитувчининг ижодий кайфиятига муомала таъсирининг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Ўқитувчи синф жамоаси билан бўладиган дастлабки муомалани олдиндан пайқаши, унинг ижодий кайфиятини сақловчи омил эканлиги.
- 2) Синф жамоаси билан дастлабки алоқа бевосита муомала пайтида содир бўлиши, ўқитувчи ижодий кайфиятини рағбатлантирувчи омил сифатида.
- 1) Ўқитувчининг синф жамоаси билан мулоқоти тизими, педагогик фаолият жараёнида ўқитувчининг ижодий кайфиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.
- 4) Ўқувчилар билан муомаладан қаноат ҳосил қилиш, кейинги педагогик фаолиятда ўқитувчининг ижодий кайфиятини рағбатлантирувчи омил эканлиги.

Педагогик ижодкорлик ва муомала жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай зўриқишини, шунингдек бошқа нохуш ҳолатларни енгиш учун ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаш юзасидан доимий фаолият олиб бориши зарур. Ўз-ўзига таъсир қилишнинг бир қатор усуслари мавжуд бўлиб улардан энг муҳимлари қуйидагилардир: Ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзига буйруқ берииш, ўз-ўзини мажбур қилиши, ўз-ўзига мажбурият юклиш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз-ўзини жазолаш, ўз-ўзини машқ қилдириш, ниҳоят ўз-ўзига таъсир қилиши. Ўқитувчининг ўз-ўзига таъсир қилиши ва унинг самарали жиҳатлари алоҳида мавзу асосида ўрганилади.

#### **11.4. Ўқитувчининг таълим жараёнида касбий омилкорлиги**

Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини юқори савиядаги умумий ва касбий маданиятга эга, методология ва педагогика соҳасида фундаментал билимларни чуқур биладиган, таълим жараёнида педагогикмуаммоларни тизимли равишда олиб борувчи маҳоратли ва омилкор ўқитувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу жиҳатдан педагогика олий таълим муассасаларида асосий эътибор бўлажак ўқитувчиларда ижодий педагогик фаолиятнинг ўзига хос усусларини шакллантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган.

Ўқитувчилик касбининг моҳир устаси бўлиш, аввало шахснинг ўз индивидуал хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиш ва индивидуал ишлай олиш қобилиятиниң қандай шаклланганлиги билан боғлиқ. Бу усул олий ўқув юртида ўқув ва амалий машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва келажакда таълим-тарбиянинг муваффакиятини таъминловчи индивидуал, ўзига хос усуллар тизимидан иборат бўлади. Педагогика олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳорат ва омилкорликни шакллантириш ғояси етакчи ўринда бўлиши керак. Юқори малакали касбий маҳоратни шакллантириш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлажак ўқитувчи ўз касбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи касбий билим, малака ва кўникмалар йигиндисига, педагогикмуомала маданиятига эга бўлишлик касбий – педагогик омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланниб, ўқитувчининг касбига нисбатан шахсий тавсифномаси ҳисобланади.

Таълим тизимида амалга оширилётган ислоҳотларнинг муваффакияти ўқитувчи кадрларнинг касб маҳорати ва саводхонлигига бевосита боғлиқ. Шу ўринда Президент И.А.Каримов қўйидаги фикрларни баён этади: “Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирав эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак”. Бу сўзларда улкан маъно бор. Негаки барча ривожланган жамиятда бўлгани каби, ўқитувчининг касбий маҳорати мактабда – таълим жараёнида ва иш фаолиятида шаклланади. Шу нуқтаи назардан педагогика олий таълим муассасаларида таълим олаётган бўлажак ўқитувчи талабалар ўз маҳоратларини икки томонлама – амалиётда ҳамда педагогика олий таълим муассасаларида таълим олиш жараёнида шакллантирадилар. Бўлажак ўқитувчилар кўпроқ амалий жихатдан ўз малакаларини оширишни хоҳлайдилар. Чунки иш фаолияти жараёнида пайдо бўладиган муаммолар кўп. Уларнинг ечимини олий таълим муассасаси партасида, етакчи олимлар ҳамкорлигига топишни орзу қилишади.

Бўлажак ўқитувчиларга аввало, касб маҳорати ва уни қандай қилиб шакллантириш мумкинлиги тўғрисида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, барча соҳаларда бўлганидек, касб маҳорати ҳам ўқитувчида йиллар давомида шаклланиб такомиллашади. Шу нарса алоҳида эътиборга лойиқки, ўқитувчининг касбий маҳорати, амалий ва услубий тажрибага эга бўлиши учун асосий замин иш фаолияти жараёнида шаклланади. Чунки касб маҳорати ўта мураккаб ва миллий хусусиятга эга жараён бўлгани боис, уни эгаллаш, юқорида таъкидланганидек, ўқитувчининг узоқ йиллар самарали изланишлари, ижодкорлик меҳнати эвазига рўёбга чиқади. Аммо педагогик маҳорат сирларининг илмий ва амалий негизи ўз вақтида берилмас экан, уни олий таълим муассасасидан кейинги касбий фаолияти жараёнида кашф этиш ҳар доим ҳам ўз самарасини бермайди.

Ҳар томонлама камол топган, жамиятда илгор турмуш тарзига мослашган, таълим ва касб ҳунар дастурларини ҳамда педагогик ва ахборот технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан доимо хабардор, онгли равишда ижтимоий-сиёсий, хукукий, педагогик-психологик жихатдан билимларга эга бўлган, давлат ва оила олдида жавобгарликни ҳис этадиган фуқароларни тарбияловчи ўқитувчида юксак назарий ва методологик тайёргарлик бўлиши лозим. Ҳозирги замон талабларига мос, ахборот технологиялари ҳамда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, миллий ва маънавий қадриятларимизни таълим тизимида татбиқ эта оладиган ўқитувчидан янгича касб маҳорати талаб қилинади.

Ўқитувчи ўз касбининг моҳир устаси бўлиши учун, аввало ўзининг индивидуал касбий хусусиятларидан юқори савияда фойдаланиши ва индивидуал ишлай олиш қобилиятиниң қандай шаклланганлиги билан боғлиқ. Бу усул олий таълим муассасаси фаолиятида ўқув ва амалий машғулотлар жараёнида шакллантирилади ва келажакда муваффакиятни таъминловчи индивидуал, ўзига хос усуллар тизимидан иборат бўлади.

Педагогика олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда касбий маҳорат ва омилкорликни шакллантириш ғояси етакчи ўринда бўлиши керак. Юқори малакали касбий маҳоратни шакллантириш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бўлажак ўқитувчи ўз касбий маҳоратининг шакллантирилганлигини билдирувчи касбий билим, малака ва кўникмалар йигиндисига, педагогик муомала маданиятига эга бўлиши касбий – педагогик

омилкорликнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, ўқитувчининг касбий маҳоратини намоён қилувчи асосий восита ҳисобланади.


Педагогика олий таълим муассасаларида юксак маҳоратли омилкор ўқитувчини шакллантириш учта йўналиш бўйича амалга оширилади:

- ўз мутахассислиги бўйича базавий пухта тайёргарлик (касбий ва педагогик-психологик билимлар);
- методологик билимларни эгаллаш маданияти;
- педагогик ижодкорлик ва креативлик.

Педагогика олий таълим муассасаларида касбий таълим тизими бўлажак мутахассисни шакллантиради ва уни мураккаб касбий фаолиятга тайёрлайди. Ҳозирги кунда замонавий мутахассис лозим бўлган касбий сифатларнинг мураккаб тўпламини анъанавий таълим жараёнида қисқа фурсатда эгаллаши лозим. Касбий тайёргарлик жараёнида барча ижобий хусусиятлар амалдаги таълим тизимидағи камчиликларни бартараф этиб борган ҳолда улар янги замонавий билимлар билан тўлдирилиб борилса, унга рационал ёндашувлар жорий этилган интеграл билимлар тизими бир-бирини тўлдириб қўлланилганда шакллантирилиши мумкин.

Ушбу жадвалда ўқитувчининг таълим жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган педагогик маҳоратини белгилаб берувчи юқорида келтирилган учта йўналишдан ҳар бирининг (базавий, методологик, ижодий) ташкил этувчи муҳим жиҳатлари қўрсатилган:

# ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ОМИЛКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ХУСУСИЯТЛАР



## 5 - чизма. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида касбий маҳорат ва омилкорликни таъминловчи хусусиятлар.

Бўлажак ўқитувчиларни касбга ижодий йўналтирилганлигининг муҳим жиҳатларидан бири унинг педагогик маданияти бўлиб, у педагогик-психологик фанлар тизимининг турли йўналишларида татбиқ қилинган. Чунончи: методологик жиҳатдан В.А.Сластенин, В.В.Краевский, ахлоқий - эстетик жиҳатдан Э.А.Гришин, Д.С.Яковleva, коммуникативлик жиҳатларини А.В.Мудрик, О.О.Киселева, Т.Н.Левашева, технологик жиҳатларини М.М.Левина, Н.Е.Шуркова каби олимлар ишлаб чиқканлар.

Айниқса, ўқитувчининг технологик маданияти унинг технологик фаолияти жараёнида касбий маҳоратнинг муҳим жиҳати сифатида индивидуал педагогик фаолиятини очиб берувчи муҳим ижодий кўникмасидир. Ўқитувчининг технологик тайёргарлиги “педагогик омилкорлик” категориясини тушунишнинг муҳим қисми ҳисобланади ва у педагогик воқеликни идрок этиш ва сақлаш вазифаларини бажарувчи педагогик маданиятнинг

моҳиятини акс эттиради. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятидаги муваффақиятларнинг асоси сифатида қаралаётган ўқитувчининг технологик маданияти ўқувчиларнинг ички имкониятларини ижодий томонга йўналтирувчи жараёндан иборат.

Ўқитувчининг технологик маданияти унинг технологик фаолияти жараёнида касбий маҳоратнинг муҳим жиҳати сифатида индивидуал педагогик фаолиятини очиб берувчи ижодий усулларидан иборат. Ўқитувчининг таълим жараёнига тайёргарлиги “педагогик омилкорлик” категориясини тушунишнинг муҳим қисми ҳисобланади ва у педагогик воқеликни идрок этиш ва сақлаш вазифаларини бажарувчи педагогик маданиятнинг моҳиятини акс эттиради. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятидаги муваффақиятларнинг асоси сифатида қаралаётган ўқитувчининг технологик маданияти талабаларнинг ички имкониятларини ижодий томонга йўналтирувчи жараёндан иборатdir.

Хар бир бўлажак олий маълумотли мутахассис-ўқитувчи ўз касбий фаолиятининг ихтисослиги ва хусусиятидан қатъий назар фундаментал билимларга, касбий малака ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Ана шу билим, малака ва кўникмаларни эгаллашда, бўлажак мутахассисга ўз касбига оид у ёки бу савол ёки муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини аниқлаб олиш имкониятини берувчи ижодкорлик, тадқиқотчилик ва мустақил фаолият тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Касбий педагогик билимлар таълим жараёнининг самарадорлигига замонавий таълим муҳити талаблари билан талабанинг ўзгариб турувчи ўкув дастурлари шароитида етарлича йўналиш ола билмаслиги натижасида салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Олий педагогика таълим муассасаларида таълим олувчининг юксак тайёргарлик дарражасига ва маънавий ахлоқий савиясига қўйиладиган талаблар ҳам янгиланиб боради. Ижодкор ўқитувчи эса ўз соҳаси бўйича янги педагогик технология методикаларини ажратади олмоғи ҳамда уни амалда самарали қўллай билиши лозим.

## **11.5. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаолияти ва дарсга тайёргарлиги**

Хар қандай таълим муассасасида ташкил этилувчи таълим жараёнида ўқувчининг фаолияти ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида кечади. Ўқитувчининг вазифаси педагогик маҳорат имкониятларидан фойдаланиб, ўқувчиларни фан асосларини чуқур эгаллашга йўналтириш, билим олишга ва касбий маҳорат сирларини билишга нисбатан қизиқиш уйғотиши, ижтимоий борлиққа эркин ва онгли муносабатни тарбиялашдан иборатdir.

Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш кўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин ва ўқитувчи ўзининг ижодкорлиги, педагогик маҳорати нуқтаи назаридан ушбу жараённи ташкиллаштиради:

- 1) Режалаштириш.
- 2) Ташкил этиш.
- 3) Ўкув ҳаракатлари.
- 4) Натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ўқитувчи фаолиятида **режалаштириш** босқичи календар-тематик ёки дарсларнинг режаларини тузиш билан якунланади. Режалар, режа-конспектлар ёки конспектларни тузиш учун узоқ, жиддий ижодий фаолият лозим бўлади. Ўқитувчи мустақил равища ўқувчиларнинг тайёргарликлари даражасини, уларнинг ўкув имкониятларини, моддий база ҳолатини, шахсий (касбий) имкониятларини ўрганиб чиқиши, ўкув материали мазмунини танлаб олиши, дарс олиб бориши шакли ва методини ишлаб чиқиши керак.

Ўқувчиларга дарс ўтиш фаолиятини **ташкил этиш** учун ўқитувчи ўқувчилар олдига ўрганилган мавзу асосида ўкув масалаларини қўйиши ва уни бажариши учун имкониятлар яратиши лозим. Бунда ўқувчиларнинг фаолияти билим олишдан иборат бўлади. Билим олиш фаолиятининг ўзига хос хусусияти фаолият қонуниятларига эгалигидир. Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажрибалар асосида хулқ-атвор ҳамда кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланиб бориши, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориши жараёнидир. Билим олишнинг ушбу компоненти таълимий характерга эга бўлган фаолият натижасида рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир.

Билим олишнинг яна бир компоненти **ўқув ҳаракатлари** саналаб, улар белгиланган мақсадга биноан амалга оширилади. Ўқув ҳаракатлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (кузатиладиган) ва ички (кузатилмайдиган) кўринишда бўлади.

Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (tinglash, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички, яъни мнемоник (юонончадан «mnemonikon» — эслаб қолиш маданияти) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, шунингдек, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари киради.

**Натижаларни баҳолаш ва таҳлил** этиш ўқув ҳаракатларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчи томонидан ўзини назорат қилиш, ўзини баҳолаш ва ўзини таҳлил қилишни амалга ошириш ўқитувчининг ўргатувчи ҳаракатлари асосида шаклланади. Бу ҳаракатларни шакллантириш ўқувчиларни ўз тенгдошлари фаолиятини кузатишга жалб этиш, ўзаро назоратни ташкил этиш, ўрнатилган мезонлар асосида ўз фаолияти натижаларини ўзаро баҳолаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

**Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.** Дарснинг самарадорлиги уни самарали ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Яхши режалаштирилмаган, етарлича ўйлаб чиқилмаган, шошилинч тузилган ва ўқувчилар имкониятларига мослаштирилмаган дарс сифатли бўла олмайди. Дарсга тайёргарлик аниқ шароитларда энг юкори якуний натижага эришишни таъминловчи ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этувчи тадбирларни ишлаб чиқишидир.

Ўқитувчининг маълум бир фан асосида дарсга тайёргарлик кўришида қуйидаги учта босқич муҳим аҳамиятга эга: ташхислаш, башоратлаш, лойихалаштириш (режалаштириш).

- **ташхислашда** ўқитувчи дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштиради, унинг натижаларини белгилайди. Ўқитувчининг ташхислашида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш имкониятлари, уларнинг фаолиятлари ва хулқлари, мотивлари, талаб ва лаёқатлари, қизиқиш ва қобилиятлари, билимдонлик даражаси, билим, қўникума ва малакаларини назорат қилиш ҳамда тузатиш каби ҳолатлар намоён бўлади.

- **башоратлаш** ўқитувчи томонидан бўлажак дарсни самарали ташкил этилишининг турли вариантларини танлаб олиб баҳолаш ва қабул қилинган мезонларга мувофиқ дарсни ташкил этишнинг энг маъқул вариантини танлаб олиш ва қўллашдир.

- **войихалаштириши** (режалаштириш) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Лойиха (бошқариш дастури) қисқа ва аниқ, эркин тузилган, ўқитувчи ўзи учун бошқариш жараёни (кимдан ва қачон сўраш, қаерда мавзуни киритиш, машғулот кейинги босқичига қандай ўтиш)ни белгилаб олишга имконият берувчи фаолиятдир.

## 12 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИНГ ТАРБИЯЧИ СИФАТИДАГИ МАҲОРАТИ

### 12.1. Тарбиячилик маҳоратининг мазмуни ва жараёни

Ҳар қандай жамиятда баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етказиш ва уни маълум бир касбга йўналтириш оғир ва машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилади. Бу машаққатли меҳнат узлуксиз таълим ва тарбиявий фаолиятнинг маҳсулидир. Жамият тараққиётида тарбиянинг ўрнини изоҳлаб, Президентимиз И.А.Каримов қуидаги фикрларини баён этади: “*Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онги, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди*”. Ёшларни ўқитиши тарбиялаш, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрларни тайёрлашда айниқса ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги ўрни бекиёсдир. Хусусан, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “*Юксак маънавият – енгилмас куч*” асарида ўқитувчининг касбий фаолиятига шундай таъриф беради: “*Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл, аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждододларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижсаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз... Мухтасар қилиб айтганда, мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун ҳалқимиз келажагини ҳал қиласидиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди*”.

Мамлакатимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан тарбиячи ўқитувчига, унинг савиасига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодга таълим бериш ва баркамол инсон даражасида тарбиялаб, вояга етказишга нисбатан шиҷоатига боғлиқ. Ҳар қандай таълим муассасасида тарбиявий жараён бевосита ўқитувчи томонидан ташкил қилинади ва олиб борилади. Янгича ижтимоий шароитда таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари хилма-хил тарбиявий фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, ватанпарвар, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ва касбга йўналтириш ўқитувчи зиммасига юқлатилган.

Кўпчилик ёш ўқитувчиларда, таълим бериш маҳоратига қараганда тарбиячилик маҳоратини эгаллаш жараёни қийин кечади. Албатта бунинг объектив сабаблари бор: тарбия тушунчаси, инсоннинг ақлий имкониятларини ривожлантириш, ахлоқан пок, эстетик дидли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш омили бўлиб, таълим бериш кўниқмаларини эгаллашга қараганда кенг маънодаги тушунча бўлганлиги учун доимо зиддиятларга ва тасодифий ҳодисаларга бой. *Тарбия – ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи педагогик фаолият бўлиб, тарбияланувчини маълум бир мақсадга мувофиқ тақомиллаштириши учун шахсга мунтазам ва тизимили таъсири этиши, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларига ёндашиб шахсни ҳар томонлама шакллантириши, унинг хулқ-атвори ва дунёқарашини, ижтимоий онгини таркиб топтиришида ҳалқнинг бой мағкураларига йўналтирилган қизғин фаолият жараёнидир*. Тарбия асосида тарбияланувчининг онги шаклланади, маънавий бойлиги ва ҳис-туйғулари ривожланади, ўзида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиш учун зарур бўлган, кишилар билан ўзаро муносабатни тўғри ташкил этишга хизмат қиласидиган ахлоқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида жамиятнинг шахсга нисбатан ахлоқий талабларига мувофиқ келувчи хулқий малака ва одатларини ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига ўқитувчи томонидан педагогик маҳорат қонуниятлари асосида таъсири этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбиянинг моҳияти ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларини ифодалайди, жамиятнинг фуқаролар олдига қўядиган талабларидан келиб

чиқиб асосланади. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиги қадимдан ўз исботини топган.

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбиянинг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Зеро, “Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон хаёт асосларини қуриш деганидир”. Баркамол авлод тарбияси эркин ва демократик жамият тараққиёти учун нақадар долзарблиқ касб этишини мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай ифодалайди: “*Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз*”.

Тарбия хусусида таникли ўзбек адиби Абдулла Авлонийнинг “Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё фалокат, ё саодат – ё разолат масаласидур”<sup>7</sup> деб айтган фикрлари барча миллат вакилларининг тарбиясига мос келувчи ҳақиқатdir. Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ва давлат ишидир.

Ўзининг касбий маҳоратини эндиғина бошлаган ёш ўқитувчиларда тарбиячилик маҳоратининг кўникма ва малакаларни эгаллаш қийин шаклланади. Бунга асосан, ёш ўқитувчиларда касбий сифатлар тизимини эгаллаш ҳаракати билан боғлиқ субъектив сабаблар мавжуд бўлади. Бу нимани назарда тутади? Бошловчи ўқитувчининг зиддиятли вазиятларда ўқувчилар орасида ўзини тута билиши, хилма-хил тарбиявий усуллардан фойдаланиб, кўзланган мақсадига эришиши тарбиячилик маҳорати билан боғлиқ. Педагогик фаолиятни эндиғина бошлаган тарбиячи-ўқитувчи жазолаш усулларини кўпроқ эгаллашга ҳаракат қиласи. Улар олдида тарбиявий мақсадларга эришишнинг омили сифатида «қандай жазоламоқ керак?» муаммоси барча тарбиявий масалаларни ҳал қелувчи восита сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчи тарбиячилик фаолиятининг мазмунида олдинга кўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулқ-автори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Ўқитувчи тарбия мазмунини шахснинг шаклланишига кўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мағкураси ғоялари асосида белгилайди. Шу билан бирга, тарбиявий фаолият аввало ўқитувчининг педагогик маҳорати, юксак ташкилотчилик фаолиятига ҳам боғлиқдир:

1. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати – ўқувчилар дунёсига кириб боришида, уларнинг меҳрига сазовор бўлишида, таълим муассасасидаги педагогик фаолиятни тўғри ва маълум бир мақсадга йўналтира олишида намоён бўлади.

2. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати – бу мактаб ўқувчисини ҳар тарафлама ривожлантирувчи педагогик вазиятларни тўғри ташкил қила олиш малакасидир.

3. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати – бу «ўқитувчи-ўқувчи» муносабатини бир зумда ижобий томонга ҳал қилиш эмас, балки ўқувчилар жамоаси ва алоҳида шахсга тарбиявий таъсир этиш, жамоада тарбиявий мухитни бир маромда ташкил қилишdir.

4. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати – бу факат касбий билимларни мукаммал эгаллаш эмас, балки тарбия қонуниятлари ҳамда ўқувчилар жамоаси ҳаётини ташкил қилиш қонуниятларидан келиб чиқадиган усул ва методларнинг амалиётга ижодий татбиқ этишидир.

5. Билим ва унга асосланган кўникма ва малакалар – ўқитувчи тарбиячилик маҳорати моҳиятинииг асоси ҳисобланади. Ўқитувчидан тарбиячи сифатида интеллектуал қобилияtlар тизимиға эга бўлиш талаб этилади. У тарбиячи сифатида ўзида ушбу қобилияtlарни йиллар давомида шакллантириб бориши зарур.

<sup>7</sup> Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

Президентимиз И.А.Каримов ўқитувчидаги тарбиячилик қобилиятининг асосий моҳиятини шундай таърифлайди: «*Тарбиячи – устоз бўлиши учун, бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиши, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етишиши учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб берииши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак*». Демак, ўз фаолиятини эндигина бошлаётган ўқитувчи ва доимий изланишда бўлган тажрибали ўқитувчи ҳам тарбиячилик маҳоратига замин яратувчи қуидаги жараёнларни билиши керак:

- ҳар қандай педагогик вазиятларда ўқувчининг ички ва ташқи дунёсини тўғри тушуниш малакаси;
- педагогик вазиятларни тўғри идрок қилиш учун дикқатни жамлаш;
- тарбияланувчиларга ишонч ва талабчанлик;
- тарбиявий вазиятни ҳар томонлама пухта баҳолай олиш қобилияти;
- хилма-хил педагогик тақтлардан ўзи учун энг муҳимини ажрата олиш қобилияти;
- зиддиятли тасодифий ҳолатларда иккиланмасдан тўғри қарор қабул қилиш;
- тарбияда таъсир этишининг турли усулларидан фойдалана олиш қобилияти;
- фикр ва мулоҳазаларини сўз билан, мимика ва пантомимик ҳаракатлар билан ўқувчи онгиға аниқ етказа олиш;
- дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда ўқувчилар билан коммуникатив алоқа ўрната олиш қобилияти;
- ўқувчилар онгида эркинлик ва ташаббускорликни, ўз фикр мулоҳазаларини кўркмасдан баён қилиш кўнгилмаларини тарбиялаш;
- қийин ҳолатларда ўқувчиларга ёрдам бера олиш;
- тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқувчилар жамоаси билан доимо маслаҳатлашиш;
- ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар юзасидан ўқувчиларнинг фикрларини ўрганиш;
- ўз-ўзини бошқаришнинг турли шаклларидан унумли фойдаланиш;
- ҳар бир ўқувчининг яширин ижобий фазилатларни кўра олиш ва такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқишига қараб тоифаларга ажратмаслик, бир хил муносабатда бўлиш.

## **12.2. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмлари**

Педагогикада ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати доимий ўзгариб турадиган, жамият талабларидан келиб чиқиб, тўлдирилиб бориладиган бир бутун тизимга эга. Унинг бир-бiri билан боғлиқ қуидаги таркибий қисмлари ўқитувчининг тарбиявий фаолиятида муҳим йўналишлар бўлиб доимо, мазмунан бойитилиб борилади:

*Тарбияда мақсаднинг аниқлиги.* Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбиявий мақсад аниқ белгилаб олинган ва ўқитувчи зиммасига улкан масъулият юклangan. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига кўра ўқитувчига жамиятимиз томонидан кўйилаётган мақсад – эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишидан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий вазифа – бу шахсда умумий маданият унсурларини, яъни, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, хукуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялашдан иборат.

*Технологик тизим* ёки тарбия технологияси бу педагогик метод, усул ва воситаларни режали ва кутилган иатижаларга эришишга имкон берадиган, шахсга ва жамоага аниқ таъсир кўрсатадиган жиҳатларини танлаш тизимиdir. Бу тарбиячи-ўқитувчининг ўқувчилар амалий фаолиятини тўғри ташкил қила олиши ва бошқаришининг кўникма ва малакаларига эга бўлишидир. Технологик жараён натижаларидан асосий мақсад, тарбиячи ижодий изланишлар туфайли, ўқувчилар ташаббускорлигини таъминлайди. Тарбиячи-ўқитувчининг ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш уюшмалари билан ҳамкорликда ишлаши билан мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун вақт ажратади. Технологик тизимда тарбиявий аҳамиятга эга

тадбирларни муваффақиятли уюштириш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлик. Уюшқоқлик билан ўтказилган тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини, билиш тафаккурини, касб танлашга нисбатан қизиқишини, эркин фикрлашларини, ўз фикр мулоҳазаларини чўчимасдан тўғри тасаввур билан баён этиш тушунчаларини шакллантиради.

Тарбиячи-ўқитувчининг маҳорати ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашувни топиш, ўқувчи истеъдодида намоён бўладиган ҳолатларда унинг фаоллигини оширишга каратилади. Тарбиячи-ўқитувчи томонидан уюштириладиган тарбиявий тадбирларга қўйиладиган асосий талаблар: **тарбиявий тадбирлар ҳеч қачон тасодифий бўлмаслиги ва ҳар бир тадбирга пухта тайёргарлик кўрилиши лозим.**

Ижтимоий психологияк тизим. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати – бу тарбияланувчиларни маълум бир мақсадга мувофиқ тарбиялаш учун мўлжалга олиш санъатидир. Ўқувчилар ҳар куни қувончли дақиқаларни, катта ва кичик кўнгилсизликларни биргаликда бошдан кечирадилар. Улар тарбиячи ўқитувчининг ўзларига нисбатан яхши ва ёмон, ёки инсоний муносабатларини тез ажратса оладилар ва бунга дархол ўз “жавобларини” қайтарадилар. Ижтимоий ва психологик билим ва малакага эга бўлиш тарбиячи-ўқитувчидаги уддабуронликни ва сезгириликни шакллантиради. У ўқувчилар жамоасини уюштира олади, ўқувчилар қалбига йўл топади. Чунки ўқувчилар жамоаси умумий мақсад асосида ташкил топган, юқори даражада уюштирилган бирлашма бўлиб, шахс шаклланишининг етакчи омили сифатида ижтимоий муносабатлар ичida муҳими ҳисобланади.

Болалар орасидаги муносабатларга моҳирона раҳбарлик қилиш учун тарбиячи жамоанинг ички ва жамоалараро зиддиятларни ҳам билиши керак. Бу зиддиятларнинг барҳам топиши тарбиячи шахси, унинг тарбияланувчилар билан яқин муносабатларига боғлик. Ҳақиқий моҳир тарбиячи-ўқитувчи бу зиддиятларни бартараф этишда ўқувчилар жамоаси, ўқувчилар ўзаро муносабатларининг кучидан фойдаланади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг ижтимоий ва психик оламига эга. Уни билиш, ўрганиш ўқитувчидан психологик нуқтаи назардан ёндашишни талаб қиласди. Ўқитувчининг жамоа билан яхши муносабатда бўлиши учун ўқитувчи қуидаги омилларга эътибор бериши шарт:

- ҳар бир ўқувчига алоҳида педагогик топшириклар қўйиш;
- жамоада ўзаро хайриҳоҳлик, ўзаро ёрдам мухитини шакллантириш;
- оиласининг тарбиявий таъсиридан ўз ўрнида фодаланиш;
- ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларини кучайтирувчи, ижодий фаолиятини ривожлантирувчи фаолиятларини ташкил қилиш;
- ўқувчиларга ўзаро тенг, адолатли муносабатда бўлиш.

Эстетик тизим. Агар тарбиявий восита, усул ва методлар орқасида етакчи ғоя турмаса, технологик тизим ва ижтимоий психологик муносабатлар тизими мақсадли тарбиявий натижалар бермайди. Ўқитувчининг ҳар бир харакати, ўқувчиларнинг эстетик маданиятини шакллантиришга хизмат қиласди. Тарбиячи фаолияти ҳаётй меъёр ва қадриятлар асосида олиб борилиши керак, шундагина, ўқитувчининг тарбия жараёнидаги фаоллиги таъминланади. Дунёқараши ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ўқувчилар учун ўқитувчининг ҳаётй тажрибалари, шахсий намуналари ҳам эстетик тарбиявий таъсир кучига эгалигини унутмаслик керак. Шунинг учун ўқитувчининг жамоага нисбатан дикқат мотивларини шакллантиришда аввало тарбиячининг эстетик жиҳатдан тарбияланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Эстетик тизим тарбияланганликнинг юқори даражасини белгиловчи восита бўлиб, унинг талбларини бир маромда ўқувчи онгига сингдириб бориш учун ҳар бир ўқувчи, синф, мактаб жамоаси ҳаракат қиласди. Эстетик тизимда улкан тарбиявий мақсадларга эришиш учун ўқитувчидан ниҳоятда моҳирона талабчанлик, ижобий таъсир этиш воситаларининг бирлигига эришиш талаб этилади:

- тарбияда ўқувчилар жамоаси мухитининг бирлиги;
- ўқувчилар мустақиллиги ва ўз-ўзини тарбиялашнинг бирлиги;
- фуқаролик ва инсонийликнинг бирлиги;
- талабчанлик ва ишонч бирлиги;
- ўқувчи шахсига эҳтиёткорона муносабат;
- жинсий тафовутларни ҳисобга олиш;

- болаларнинг ахлоқий ва жисмоний соғлиги ҳақида қайғуриш;
- ахлоқ меъёрларига амал қилиш.

Ўз-ўзини англицизмидан. Мамлакатимиздан кейин жорий этилган “Таълимнинг янги модели, жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланнишига олиб келади. Ўзининг қадр қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаши имкониятига эга бўламиз”. (“Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “Мулоқот” журнали, 1998 йил, 5-сон). Ўқитувчининг вазифаси ва бурчи тарбия натижасида ўқувчида миллий қадриятларга эътиқод, миллий мафкура, демократик қарашлар ва ҳаётий позицияни шакллантиришдан иборат. Тарбия мазмунининг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу инсоннинг ҳаётий жиҳатдан ўз-ўзини англаши, унинг шахсий ҳаёти ва фаолияти ўзи яшаб турган муҳитнинг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Инсон камолотида фуқаролик, касбий ва ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини англаш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчиларни, ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўз устида онгли, батартиб ишлашга ўргатсагина тарбия жараёни самарали натижалар беради. Ўқувчиларни ўз-ўзини тарбиялаш методларида кўникма ҳосил қилдириш ўқитувчининг маҳоратига, тарбиявий фаолиятни тўғри ташкил этишига боғлиқ. Ўқувчилар одатда яқин кишиларининг, баъзан ўқитувчиларининг хулқ-авторига тақлид қиласидар. Шунинг учун ўқитувчи ўз педагогик маҳоратига таяниб, ўқувчи қалбида ўзига нисбатан ишонч, меҳр туйғуларини ўйғота олиши лозим. Ўқувчилар ўқитувчининг дарсда ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, кийиниши, муомаласини, кишилар билан ўзаро муносабатини кузатиб борадилар. Бу ҳам ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашда таъсиран восита ҳисобланади ва ижтимоий мавқеини оширишнинг муҳим усулидир. Ўқувчилар ўқитувчининг бевосита назоратида таълим ва тарбия жараёнида, дам олишда, жамоат ишларида, ўз-ўзини тарбиялаш усулларига кўникма ҳосил қиласидар, бу усуллар ўқувчиларни ташаббускорликка, мустақил фикр-мулоҳаза юритишга ундаиди. Ўқитувчи тарбия жараёнида қуидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиши мумкин:

- ўз-ўзини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;
- ўз-ўзини баҳолаш;
- изоҳлаш (ўқувчининг маънавий-ахлоқий сифатлари изоҳланади);
- мунозара (ўқувчиларга сиёсий, маданий, эстетик, хуқуқий мавзуларда оғзаки таъсири ўтказиш);

Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирова эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ва таълим-тарбияни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор хужҷатларда шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга бирламчи эътибор берилган. Зоро, эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади, фикр ривожланиши эса жамиятнинг кучли бўлиши гаровидир. Эркинлик туфайли ўқувчи иродаси шаклланади, у бир неча имкониятлардан бирини ихтиёрий танлаб олади, таълим тизимида ўқувчиларга ушбу имкониятлар яратилган, уларнинг эркинлик хуқуқлари таъминланган.

Тарбия жараёни кўп кирралари жараёни бўлиб, унда тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташки субъектив ва объектив омиллар кўзга ташланади. Ўқитувчи субъектив омиллар асосида ўқувчиларнинг ички эҳтиёжлари, қизиқишилари, ҳаётий муносабатлари мазмунини англашга ёрдам берса, объектив омиллар эса шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларни ижобий ҳал этиши учун шароит яратади. Тарбия фаолиятининг мазмуни, йўналиши ва шакли объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, ўқувчи шахсини мақсадга мувоғиқ шакллантириш борасида ўқитувчи муваффакиятга эришади. Ўқитувчи тарбия жараёнининг кўп кирралилигини, уни ташкил этиш ва бошқаришда нафақат тарбиячи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятлари, шахсий ўзига хос жиҳатлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслиги керак.

Тарбиянинг узлуксизлиги. Тарбиянинг яна бир хусусияти узоқ муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез суръатда ёки яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоний сифатларни намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Шахснинг муайян вақтнинг ўзида, турли қарашлар мавжуд шароитда ҳаракат қилиши тарбия

жараёнини мураккаблаштиради. Таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбия шахс онги, дунёкарашини шакллантиришга қаратилган. Бинобарин, ёшлиқ йилларида инсоннинг асаб тизими юкори даражада таъсирчан ҳамда бекарор бўлади. Шу боис тарбияда муваффақиятга эришиш учун ўқитувчи болаларни ўқувчилик йилларида тўғри тарбия бериш лозимлигини талаб этади. Таълим муассасасида олиб борилаётган тарбия жараёни бу — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргалиқдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб борувчи, такомиллаштирувчи фаолият алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларнинг узлуксиз ўтказилишига эришиш лозим.

Таълим муассасаларида ўқитувчининг тарбиявий фаолияти етакчи ўрин эгалласа ҳам, ўқувчиларга узлуксиз тарбиявий таъсир ўтказа олмайди, чунки, ўқувчилар таълим муассасаларида маълум муддатгина ўқитувчининг тарбиявий таъсири ва назорати остида бўлиб, қолган бўш вақтининг асосий қисмини оиласда, кўчада, дўстлари даврасида, ҳар хил ташки мухитда ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айниқса, ёзги таътиллар даврида ўқувчилар таълим муассасаси ўқитувчиси таъсиридан четда қоладилар. Демак, таълим муассасасида болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқарида амалга ошириладиган тарбиявий фаолиятлардан ҳоли вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг таъсири ҳамда назоратида бўлишлари керак.

Тарбиявий ишларни режалаштириши. Тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун режа тузиш ва уни бажариш тарбия самарадорлигини таъминлашнинг асосий йўлидир. Ўқитувчининг тарбиявий ишларни режалаштириши – ижодий жараён. Ўқитувчи тарбиявий ишларни режалаштиришда асосан «Гаълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» фояларига таянади. Унинг мазмунини ўқувчиларни ўқишига, илмга ижобий муносабатни тарбиялаш эгаллаши керак.

Тарбиявий иш режасида меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият берилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси режасини тузар экан, ўқувчилар меҳнатининг манаққати, чарчоқ ва ҳордик ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишларини ҳисобга олишлари керак. Отагоналар билан ишлаш бўлимида оила, мактаб тарбиясини тавсифлайдиган кисқа маълумотлар берилади. Моҳир ўқитувчи тарбиявий иш режасига аниқ бир мақсадни қўяди. Тарбиявий иш амалиётида хулқ меъёрларидан четта чиқкан ўқувчилар ҳам учрайди. Улар тарбияси «қийин» ўқувчилар. Улар билан тарбиявий фаолият олиб бориш – бу алоҳида эътиборни, сабр-тоқат ва маҳоратни, қалб сезгирилгини талаб қиласидиган мураккаб ишдир. Тарбиячи бундай ўқувчиларни педагогик жиҳатдан ўрганиш дастурини тузишда қўйидаги жиҳатларга эътибор бериши лозим: шахснинг ижтимоий келиб чиқиши; оиласда умумий ривожланиш даражаси; ахлоқан тарбияланганлик даражаси. Даствур асосида қўйидаги йўналишлар бўйича алоҳида тарбиявий ишлар режаси тайёрланади:

1. Ўқувчи оламининг ҳаётий йўналишларини диққат билан ўрганиш.
2. Характери ва хулқидаги оғишганлик сабабларини ўрганиш.
3. Ижобий йўналишга, ўзгаришга таъсир этувчи ҳаётий кўринишларни танлаш.
4. Мулоқотни ўсмирнинг «психологик худуд»идан излаш.
5. Ўқувчилар хулқида намоён бўладиган ҳар хил ўзгаришлар устидан доимий назорат ўрнатиш.

Маълумки, тарбияланганлик натижаларини ҳисобга олиш ўқувчилар хулқида, уларнинг ўқиши ва меҳнатга муносабатларидағи ўзгаришларни ифодалайдиган педагогик ўлчамдир. Тарбиявий фаолият самарадорлигини аниқлаш масаласи мураккаб масаладир. Ҳеч қачон тарбия натижаларини ўтказилган тадбирлар, иштирок этган ўқувчилар сони билан белгилаб бўлмайди. Тарбиявий иш самарадорлиги ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси билан баҳоланади.

Тарбиячи-ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларини чуқур ҳис этган ҳолда, вазиятни ҳисобга олиб мавзу танлаши, уни тайёрлаш ва ўтказишда ўқувчиларни кенг кўламда жалб этиши, юксак самарадорликни таъминланишига эътибор бериш билан бирга, ҳар бир ўқувчининг хоҳишини ҳисобга олиши, кескин рад этмасдан, яна ўйлаб кўриш, қизиқарлироқ, соддалироқ йўлларини топишинг мумкин деб умидвор қилиш ўринлидир.

Тарбиячи ижодкор бўлиши, ўқувчиларни ҳам ижодий фаолият юритишга жалб этиши, ҳар бир тарбияланувчида ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилишга ишонч ҳосил қилиши лозим.

## **13 – БОБ. ЎҚИТУВЧИННИГ ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШИ**

### **13.1. Ҳозирги кунда баркамол шахсни тарбиялаш муаммолари**

Баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда аввало ўқитувчилар зымасига юклатилган энг олижаноб вазифадир. И.А.Каримов Олий мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай дейди: “*Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганимиз. Комил инсон дегандা биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз*”. Комил инсон, ўқитувчининг мashaқатли меҳнати намунасидир. Шарқ алломалари илмий меросларида ҳам комил инсон тарбияси доимо мунозарали мавзу бўлиб келган. Жумладан, Азизиддин Насафий ўзининг “Комил инсон” номли китобида шундай ёзади: “*Билгилки, комил инсон қуидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси, яхши сўз, иккинчиси, эзгу фаолият, учинчиси, гўзал ахлоқ, тўртинчиси, илм*”. Ушбу мукаммал шаклларга эга бўлган инсон буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосларини қуради. Комил инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш жараёни – педагогик фаолиятнинг узлуксиз жараёни бўлиб, педагогик технологиянинг сўнгги намуналари доирасида амалга ошириладиган ҳамда тарбияланувчиларнинг ижобий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилган ташкилий фаолиятдан иборат. Бу фаолиятда ўқитувчи тарбиявий жараённинг қуидаги асосий хусусиятларини билиши керак:

- тарбиянинг яхлитлиги;
- тарбиянинг тизимлилиги;
- тарбиянинг даврийлиги;
- тарбиянинг технологиявийлиги.

**Тарбиянинг яхлитлиги** тарбиялаш ва ўқитиш жараёнларининг, шунингдек ўқувчиларни жамият талаблари асосида камолотга етказиш ва шакллантиришга қаратилган мақсаднинг ажralmas бирлиги тушунилади. Тарбиялаш ва ўқитиш, гарчи илм-фан уларни фарқласада, бир-бирига боғлиқ ва кўп умумийликка эга. Шу маънода узоқ тарихга эга миллатимиз “*таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратмаган – бу шарқона қараши, шарқона ҳаёт фалсафаси*” (И.А.Каримов.). Ўқитишнинг мазмунини асосан дунё ҳақидаги илмий билимлар ташкил этади. Тарбиянинг мазмунида меъёрлар, қоидалар, қадриялар, маънавий бойликлар устунлик қиласи. Ўқитиш асосан ақл-идрокка таъсир кўрсатади, тарбиялаш эса, биринчи навбатда шахснинг доимий истеъмол соҳасига айланган. Иккала жараён шахснинг онги ва хулқ-авторига бирдай таъсир кўрсатади ва ижтимоий ривожланишига замин яратади. Қанчалик яқин бўлишига қарамай, бу ўзига хос жараёнлар бўлиб, илм-фан уларни тарбия назариясида ва дидактикада алоҳида кўриб чиқади. Бунда ўқитувчи томонидан замонавий шарт-шароитларга асосланган ҳолда услубий тамойил ва айникса долзарб хисобланган бутун педагогик жараённинг яхлитлиги таъминланади.

**Тарбиянинг тизимлилиги** тарбиявий жараёнда умумийликни ташкил этади, чунки тарбиявий жараёнлар бир нечта тизимларнинг турли хусусиятларидан иборат. Айтиш мумкинки, тарбиявий жараёнлар — бу тарбиявий тизим ҳолатларининг кетма-кет алмашинувидир. Тарбиявий жараённи тизимли равишда кўриб чиқиши, тизим ва жараённинг тузилмавий хусусиятларини, шунингдек улар ўртасидаги функционал алокаларнинг ажратиб кўрсатилишини ифодалайди. Ўқитувчи учун ҳар бир тарбиявий услубнинг ўзига хос хусусиятини, моҳиятини, бирининг бошқасига таъсири натижасида ўзгаришини англаб этиши мухим аҳамият касб этади. *Масалан, тарбиялаши мақсади унинг мазмунини белгилаб беради, тарбия қўрганлик даражаси эса тарбиялаши усулларини танлашга таъсир кўрсатади ва ҳоказо.*

Педагогик жараёнда **тарбиянинг даврийлик** тузилиши — бу тарбия технологияларининг асосий хусусиятларига мувофиқ бўлган, унинг таркибий қисмлари

йиғиндисидир. Ўқитувчи бунинг натижасида унинг даврийлик тузилмасини белгилаб олиши мүмкін:

1. Мақсадни белгилаш — тарбиялашдан келиб чиқадиган мақсадларни маълум бир муддатли жараёнларга бўлиб чиқиши.

2. Мазмунни танлаш — тарбиялаш мазмунини жамият талаблари даражасида мустакил ишлаб чиқиши.

3. Демократик фаолиятли — тарбиявий жараён иштирокчиларини тарбиялашда ва ўзаро муносабатда эркин фикрлилик ва умуминсонийлик меъёрларига риоя қилиш қонуниятлари.

4. Баҳолаш — тарбиялаш жараёнида эришилган натижалар самарадорлигининг ўқитувчи томонидан баҳоланиб бориши ва доимий таҳлил қилиниши.

Педагогик фаолият ҳам ўқитувчи томонидан тарбиявий жараённинг тузилмасига мувофиқ қурилади: фаолиятнинг мақсадлари, мазмуни, усуллари ва турлари ишлаб чиқилади ва натижалари таҳлил қилинади. Тарбиялаш мақсадларини аниқлаш педагогик аниқлашни (диагностика) — тарбиявий жараён ҳолати, биринчи навбатда ўқувчиларнинг тарбия кўрганликларини, шунингдек, жараённинг бошқа шартларини ўрганишни талаб этади.

Тарбиявий жараён босқичларининг ўзаро муносабатида тарбиявий жараёнларнинг кетма-кетлиги унинг даврийлигини ва қайтарилиб туришини белгилайди. Шахс ривожланишида тарбиявий мақсадлар ўқитувчи томонидан унинг ёшига қараб белгиланади ва режалаштирилади. Тарбиявий жараённинг даврийлиги шахснинг ёш хусусиятларини ҳисобга олади. Бунда асосий эътибор қуйидаги фаолиятга қаратилиши керак:

- шахснинг муайян бир ёшига хос бўлган анатомик, физиологик ва психологияк хусусиятларнинг чукур ўрганилиши;

- даврийлик тизими асосида тарбиявий иш фаолиятининг ташкил этилиши;

- муайян бир ёшга хос бўлган тарбияланганликнинг доимо аниқланиб (диагностика), лойихалаштирилиб борилиши;

- ижобий натижалар берадиган тарбиявий ўзаро таъсирнинг ўқитувчи томонидан турли шакл ва методлари даражаларининг белгиланиб (диагностика) амалга оширилиши.

**Тарбиянинг технологиявийлиги** таълим муассасаларида тарбиявий мақсадларни амалга ошириш ва унга эришишга шароит яратади, назарий асосланган узлуксиз давом этадиган тарбиялаш жараённинг шакллари, методлари, усуллари ва воситаларини ўқитувчи тўғри танлаб натижаларга эришишини таъминлайди. У илмий моделлаштириш (LOYIХАЛАШТИРИШГА) асосида амалга оширилади, моделлаштиришда тарбиявий мақсадлар бир хил маънода берилади ҳамда ўқитувчи томонидан инсоннинг шахсий хусусиятлари ва сифатларини ривожлантиришнинг муайян босқичларини объектив равишда ўлчаш ва баҳолаш имкониятларини яратади.

Тарбиянинг технологиявийлиги ҳар қандай педагогик тизимда — илмий муаммолар билан ўзаро муносабатда бўлган тушунчадир. Бироқ, агар илмий муаммо тарбияланувчига билим бериш, илмий тафаккурини ошириш ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантириш каби мақсадларни ифодалайдиган бўлса, у ҳолда тарбия технологияси ўқитувчига ўқувчиларни тарбиялаш йўл-йўриқлари ва уларга эришиш воситаларини тўғри йўналтиришга ёрдам беради.

Тарбиянинг технологиявийлиги тарбиялашга йўналтирилган илмий муаммо сифатида ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун лозим бўлган ва комил инсонга хос барча инсоний фазилатларни муайян шарт-шароитларда узлуксиз тарбиялаш асосида такомиллаштиришни назарда тутади, бу эса таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилайди.

Шу муносабат билан тарбиявий жараённи ҳаракатга келтирувчи куч, туртки асосан нимада эканлиги тўғрисида савол пайдо бўлади. Педагогикада инсон тарбиясига кўйиладиган, унинг ҳаётида юзага келадиган талаблар ва унинг хукукий имкониятлари, ижтимоийлашуви, шахсий ривожланиш даражаси ўртасидаги зиддиятлар бунда асосий манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу талаблар унинг ёш хусусиятларига мувофиқ келгандагина, инсонни тарбиялаш ва уни шахс сифатида ривожлантириш жараённинг бошланишига туртки бўлади. Л.С.Виготский боланинг бирор ҳаракатни катталарнинг ёрдамисиз қила

олиши мумкин бўлган ҳолатини долзарб ривожланиш ҳудуди деб атаган. Бола ўқиш жараёнида бирор янги нарсани ўқитувчининг ёрдами билан салоҳиятли тарзда ўзлаштиришга қодир бўлган даража яқин ривожланиш ҳудуди билан белгиланган. Ҳудудлар орасидаги масофа зиддиятли тарбиявий ҳолатни вужудга келтиради — тарбиявий жараённинг бундай ҳолати шахсни шакллантиришда вужудга келадиган ва эришиладиган ютуқлар ўртасидаги тафовут мавжуд бўлганда юзага келади. Бундай қарама-каршиликларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун ўқитувчи-тарбиячи белгиланган тарбиявий мақсадларни ўз маромида узлуксиз, мукаммал амалга ошириши лозим. Шундагина тарбиявий нуқсонларни босқичма босқич бартараф этишга шарт-шароит яратилади.

Ўқитувчининг тарбиявий мақсадларни тўғри танлаши волюнтаристик (кўнгилчанлик) характерга эга бўлмаслиги лозим. У педагогиканинг услубиёти, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, ушбу жараён юзасидан қабул қилинган Қонун ва қоидалар асосида белгиланадиган мақсадлар ва миллий қадриятлар тўғрисидаги фалсафий тасаввурлар, шунингдек жамият ва давлат тараққиётининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Тарбия технологиясида ўқитувчи томонидан белгиланадиган мақсадлар турли даражада бўлиши ва босқичма босқич бир бирига бўйсуниши, кетма кет бажарилиши мумкин. Бироқ тарбиявий мақсаднинг асосий моҳияти — давлат мақсадлари, ижтимоий буюртмалардан келиб чиқиши лозим. Айтиш мумкинки, асосий даража — мамлакатда инсон ва унинг фуқаролари қадр-қиммати тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларни акс эттирадиган мақсадлардир. Улар мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади, ҳукумат томонидан қабул қилинади, қонунлар ва бошқа ҳужжатларда қайд этилади. Кейинги даража — таълим дастурлари ва стандартларида акс этадиган мақсадлар, яъни давлат таълим стандартлари, махсус таълим тизимларининг ва таълим босқичларининг мақсадлари. Энг қуи даража — муайян ёшдаги кишиларни тарбиялашда мақсаднинг бирлиги.

Шахсни шакллантириш, бошқариш, тарбиявий фаолият натижасида юксак маънавий ва ахлоқий ҳислатларга эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки, олдиндан белгиланган ва пухта ўйлаб тузилган тарбиявий мақсадлар асосида олиб борилади. Тарбиявий технологияда унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари мухим аҳамият касб этади. Шундай экан, ўқитувчининг тарбиялаш мақсадларини тўғри белгилаши ва йўлга қўя олишига нисбатан ғоявий ёндашув ижтимоий буюртма асосида белгиланиб, амалга оширилишида мавжуд шарт шароитларни яратиш талаб этилади.

### 13.2. Тарбия технологияларини моделлаштириш

Моделлаштириш — объектларда ижтимоий реалликнинг муайян қисмларини тадқиқ этиш услуби ҳамда предметлар ва ҳодисаларнинг реал мавжуд бўлган ҳамда қуриладиган моделларини ўрганиш ва ишлаб чиқишидир. Шундай экан, тарбия технологияларини ҳам ишлаб чиқиш ва амалга оширишда моделлаштиришдан фойдаланиш уларни яхлит педагогик ҳодиса сифатида услубларини ўрганиб чиқиш мухим аҳамият касб этади.

Моделлаштиришнинг шакли ва қўлланилиши фойдаланиладиган моделлар ва уларни қўллаш соҳаларига боғлиқ. Тарбия технологияларининг самарадорлигини олдиндан кўра билиш ёки лойиҳалаштиришда ва тадқиқ этишда моделлаштиришдан фойдаланиш тўғрисидаги муаммо “педагогик моделлаштириш” номини олган.

Моделлар характеристига кўра предметли ва белгили (информацион) моделлаштиришга бўлинади. Шартли равишда улар асл объектнинг белгиланган функционал хусусиятларини ифодалайди.

Педагогик фаолиятда махсус режа асосида олиб бориладиган тадқиқот моделлари **предметли моделлаштириш** деб аталади.

Жадваллар, чизмалар, формулалар каби моделлар **белгили моделлаштириш** сифатида намоён бўлади.

Моделлаштирилиши лозим бўлган объектнинг характери ва ёш хусусиятларига кўра аввало, унинг хулқ-атвори (унда кечадиган тарбиявий жараёнларга амал қилиниши) моделлаштирилади. Бунда тарбия технологиясининг қўйидаги иккита муҳим жиҳатини эътиборга олиш зарур:

1. Барча тарбияланувчилар ўзлаштириши лозим бўлган тарбиявий жараённи моделлаштириш.

2. Педагогик фаолиятда мұжкаммал тарбияланиши мүмкін бўлмаган тарбияси оғир ўқувчилар билан ўзаро тарбиявий фаолиятни моделлаштириш.

Тарбиявий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда моделлаштиришдан фойдаланишининг баён этилган назарий асосларидан ташқари яна бир нечта мустақил, бироқ ўзаро таъсир кўрсатувчи кучга эга бўлган тарбиявий жараённинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мүмкін:

- тарбиявий фаолиятда обьект ва субъектнинг ўзаро коммуникатив муносабати;
- бир мақсадга қаратилган ва аниқ мазмунга эга тарбиявий методлар;
- узлуксиз фаолиятли тарбиявий жараён ва унинг ижобий натижалари;
- гурух жамоаси норасмий етакчиси (лидери)нинг тарбиявий жараёнга таъсири.

1) **Объект ва субъектнинг ўзаро коммуникатив муносабати** тарбиявий технология моделида асосий фаолият кўрсатувчи деб эътироф этилади. Унда тарбиялашни амалга оширадиган ўқитувчи ёки шахслар гурухи, шунингдек манфаатлари доирасида тарбиявий ўзаро таъсир кўрсатишни ташкил этувчи шахс ёки ижтимоий мухит гурухи (масалан: синф гурухи) тушунилади.

2) Тарбиявий технология унсурларини моделлаштиришда ўқитувчи томонидан белгиланган тарбиявий режа асосида тарбиялашнинг бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда обьектни тарбиялашдан маълум бир мақсадни кўзлаш ёки фараз қилиш асосида ўқитувчи иштирокида олиб бориладиган тарбиявий фаолият бир мақсадга қаратилган ва аниқ мазмунга эга тарбиявий воситаларда, шакл ва методларда ифодаланади.

3) **Узлуксиз фаолиятли тарбиявий жараён** тарбиявий технологиянинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, таълимнинг узлуксизлигини ва нафакат таълим муассасаларида олиб борилишини билдиради. Ота-она ёки авлод-аждодларга хос бўлган нутқ, тафаккур, меҳнат, ижод қилиш қобилияти ва бошқа истеъодод алматларининг ирсият орқали болага ўтишини таъминловчи биологик омилларнинг (лаёқат ва истеъодод мудроқ ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши учун оиласа ва таълим-тарбия муассасаларида кулагай шароит яратиш талаб этилади) ҳамда шахсга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мүмкін бўлган, шахснинг шаклланишига таъсир этувчи оила, мактаб, дўйстлар ва тенгқурлар давраси кабиларни ўз ичига оловчи **микромуҳитнинг** узлуксиз тарбиявий жараёнда таъсири бекиёслигини таъкидлайди. Айниқса, оила мухити шахснинг шаклланишида ўзига хос муҳим тарбиявий маскан бўлиб, ниҳоятда кенг тармоқли таъсир этиш кувватига эга. Ота-онанинг тарбияланганлиги ва тарбиявий тажрибаларни мұжкаммал билиши, бола тарбиясида доимий назорат ва жавобгарлик хисси ўзбек оиласи учун энг қадрли бурч сифатида эъзозланади. Буларнинг барчаси тарбияланувчи субъектга нисбатан комил инсон шахсига хос сифатларни шакллантиришга қаратилган.

4) **Гурух жамоасида норасмий етакчининг (лидер) ҳатти ҳаракати ва хулқ-атвори билан тарбиявий жараёнга таъсир этиши** гурухда тарбияланувчиларнинг барча ҳаётий фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Болалар ва ўсмирлар жамоасидаги лидер (етакловчи, бошловчи) ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан гурухда расман тайинланмайди. Жамоадаги болаларга норасмий етакчилик қилувчи ўқитувчилар олдида эътибордан четда юради, ўзининг қаттиқўллиги, характеристидаги гурухга етакчилик қилишга хос туғма қобилияти, мустаҳкам иродага эгалиги, кўрқмаслиги билан гурух аъзоларининг ҳурматини қозониб, жамоадан ажralиб чиқади ва ўзи билан ҳаммаслак, ҳамфир болаларни етаклайди. Норасмий лидернинг ҳар қандай фаолияти салбий оқибатларга олиб келиши ёки ижобий натижалар бериши ҳам мүмкін. Бунда ўқитувчининг маҳорати, психологик тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг норасмий лидерга нисбатан қаттиқўллиги, тарбиянинг жазоловчи методларини қўллаши фойда бермайди, аксинча заرارли оқибатларга олиб келиши мүмкін.

Үқитувчи ўзининг зийраклиги ва чуқур психологик билими, юксак педагогик маҳорати билан аввало ўқувчилар гурухи жамоасидаги лидерни аниқлаши, керак бўлса, унга ён босиб, ўз томонига оғдириб олиши лозим. Педагогик маҳоратнинг ишонтириш ва таъсир этиш усуллари асосида норасмий лидер онгига сездирмасдан кириб бориб ўз таъсирини ўтказа олган ўқитувчи гурух жамоасида бир хил тарбиявий мувозанатни сақлай олади. Шундан кейин тарбиявий технологиянинг маъқул бўлган унсурларини моделлаштириб қўллаши ва чўчимасдан тарбиявий фаолият олиб бориб, белгиланган мақсадга эришиши мумкин.

Ўқувчилар жамоасида норасмий етакчилар билан бирга расмий, ўқитувчилар томонидан тайинланган йўлбошчилар ҳам мавжуд. Одатда расмий йўлбошчилар таркибини аъло баҳоларга ўқийдиган, жамоа ишларида фаол иштирок этувчи ўқувчилар ташкил этса, норасмий лидерлар гарчи бу каби сифатларни намоён этмасаларда, айрим сифатларига кўра тенгдошларини ўз ортларидан эргаштирадилар. Норасмий лидерларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси бошқа ўқувчиларга жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис синф раҳбари билан бирга ўқув муассасаси педагогик жамоаси норасмий лидерларни аниқлаб улар фаолиятини бевосита назорат қилиб боришлари зарур.

Ўқувчилар уюшмасига педагогик раҳбарлик, юкорида қайд этилганидек, аксарият ҳолатларда гурух раҳбари томонидан амалга оширилади. Шу сабабли гурух раҳбари гурухнинг умумий ҳамда ҳар бир аъзосининг индивидуал хусусиятларини билиши, хулқ атворидаги ҳар бир ўзгаришни инобатга олган ҳолда жамоага ёндашиши зарур. Гурух раҳбарининг норасмий лидерлар ва уларнинг шахси ҳақида тўлақонли маълумотларга эга бўлиши, ота-оналари билан мунтазам алоқада бўлиши педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Ўқитувчи тарбиявий фаолиятининг барча унсурлари ўзаро алоқадорлигини ва ўзаро боғлиқлигини назарий ва амалий жиҳатдан тушунишга тарбиявий жараённи тўғри йўналтиришга имкон беради. Бунда педагогикада тарбиявий ўзаро таъсир кўрсатишнинг шакллари, методлари, усуллари ва воситаларини очиб берадиган ҳамда тарбиявий технологияларнинг “педагогик воситалари”ни шакллантирувчи фаолияти ва натижаларига, таркибий қисмларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчи аввало тарбиядан келиб чиқадиган мақсадга тўғри баҳо бера олиши керак.

### 13.3. Тарбиявий жараён ва тарбия мазмуинини моделлаштириш

Тарбиявий жараённи моделлаштиришда ўқувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини таълим муассасаларида педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш учун, уларнинг ташқи таъсир этувчи омилларга нисбатан таъсирчан муносабатда бўлишини унутмаслик керак. Педагог ва психолог олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, шахсга ташқи омилларнинг ўзаро (хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин) таъсири аввало ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Ўқувчиларнинг тарбиявий фаолиятини уюштираётганда ўқитувчи ёки тарбиячи ташқи таъсир этувчи омилларга нисбатан тарбияланувчининг муносабатини, кечинмаларини, қандай англашини, баҳолашини улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур.


Тарбия жараёнини моделлаштиришда ўқувчининг нафақат онги, балки хис-туйғуларини ҳам ўстириб боришга эришиш лозим, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келувчи хулқий малака ва одатлар ҳосил қилинади. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиласи. У ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги тарбиявий фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараёнга фаол кириб боришларини ўз хоҳиши истаклари билан тарбиявий фаолиятга фаол иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратади.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Ушбу фаолиятни моделлаштиришда ўқитувчи ўқувчилар жамоасининг манфаати ва талаб истакларини эътиборга олиши зарур. Бола ўз хулқи, ҳатти-харакати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач, ижрочи эмас, балки умумий ишнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Ушбу ҳолатлар тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Жамиятда ахборот коммуникацион технологияларининг жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида ўқувчилар кўп вақтларини таълим ва тарбияга мутлақо алоқаси бўлмаган коммуникацион технологик маълумотларга сарфламоқдалар (модул телефонлар, интернет, компьютер, DVD фильмлар ва бошқалар). Ушбу воситалардан оқилона фойдаланишни ўқувчига ўргатиш, таъқиқланган техник воситалардан фойдаланишни ман этиш, уларни назорат қилиш ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги вазифаларига киради. Ўқувчиларнинг кўп вақтларини олаётган кераксиз техник маълумотларни бартараф этиш учун фақат моделлаштириш асосида иш олиб бориш мумкин. Ўқитувчининг тарбиявий ишлар режасида ушбу муаммолар юзасидан турли мавзудаги сұхбатлар уюштириш ўрин олиши лозим.

Бу жиҳат унтилса, муайян қарама-қаршиликлар вужудга келади. Акс ҳолда хулқ меъёрлари, ахлоқ талабларини яхши тушунмай қолиши натижасида ўқувчи ижтимоий муносабатларда бекарор, тасодифий маълумотларга ва ташқи таъсирларга тез берилувчан бўлиб қолиши мумкин.

Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари мухим ўрин тутади. Ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланган тарбиявий фаолиятни амалга оширишда маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғоялар яхлит тарзда қуйидагича акс этади:



## **6 - чизма. Тарбиявий жараённи моделлаштириши**

Тарбияни самарали моделлаштириш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, ҳар бир ўқувчининг тарбия жараёнидаги фаолиятини яхши билиш керак. Бунинг учун ўқитувчи қуйидаги ҳолатларни унутмаслиги лозим:

- тарбияланувчи руҳиятини пухта билиш;
- ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлиб, улар иштирокида ўқувчи билан тарбиявий мазмунда сұхбатлар ўтказиш;
- ўқувчининг ички дунёсини, характеристини билмасдан у билан қўйол музомалада бўлмаслик, содир этилган хатоликларни кечира олиш;
- ўқувчининг қизиқишиларини, уни ўраб турган ташқи мухитни доимий назорат қилиш;
- ўқувчини қатъий кундалик режимга ўргатиш ва уни кузатиб бориш;
- истеъдодини, қобилиятини ва ўзи танлаган касбга мойиллигини эътиборга олиб уни такомиллаштириш;
- унинг бола эканлигини, адашишга, баъзан хатоликларга йўл қўйишини унутмаслик, ушбу салбий ҳолатларни кечиктирмасдан тузатиб бориш.

Шахсни шакллантириш, бошқариш, назорат характерига эга бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан моделлаштирилган ва пухта ўйланган режалар асосида белгиланиб ҳал этиб борилади.

Тарбиявий жараённи моделлаштиришда ўқитувчи билимли, рақобатбардош етук кадрларни тарбиялаш учун жавобгар шахс эканлигини унутмаслиги керак. Ушбу вазифалар тарбия технологиялари мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун тарбиянинг қуидаги умумий вазифаларини ҳал этиш ўқитувчи-тарбиячи зиммасига юклатилган:

а) ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунёқарашибни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва мақсад бирлиги хиссини уйғотиш;

б) ўқувчилар онгини мустақил давлатчилигимиз сиёсатининг туб моҳияти мужассамлашган миллий мафкурамиз ва умуминсоний қадриятлар, чуқур билим ва тафаккур, кенг дунёқарашиб билан бойитиб бориш;

в) умуминсоний ахлоқ меъёрлари (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, муруват, адолатли бўлиш, инсонпарварлик, ахлоқсизликка нисбатан нафрат ва ҳоказолар)нинг моҳиятини англашига, муомала одоби, юксак маданиятни қарор топтиришга эришиш;

г) ўқувчиларда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашиш хисси ва фуқаролик туйғуси, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

д) табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасида масъулият хиссини ривожлантириш;

е) ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва ҳалқларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш;

з) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, раҳм шафқатли бўлиш, унинг шаъни, орномуси, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга ўргатиш.

Шу билан бирга тарбия мазмунининг асосий йўналишлари бўлмиш, ахлоқий, ақлий, жисмоний, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиянинг ғоя ва мақсадлари ўқитувчи томонидан моделлаштирилиб, бажариладиган вазифалар белгилаб олинади ва амалга оширилади. Ушбу тарбиявий вазифалар мазмунини англаган ҳолда ўқитувчи қуидаги фаолиятни олиб бориши лозим:

1) Ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор бўлиши, уларга миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиздан келиб чиқиб белгиланган ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини билиши, ижтимоий-ахлоқий меъёрлар (талаб ва таъқиқлар) асосида ўқувчиларда ахлоқий онг ва маданиятни шакллантириши.

2) Ақлий тарбияни йўлга қўйиш асосида – ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янгилик ва қашфиётлардан боҳабар этади, уларга ижтимоий ва табиий фанлар бўйича билимларни бериш билан тафаккури шакллантирилади, дунёқарашибни ривожлантирилади.

3) Жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида – ўқувчиларни ўз соғлиқларини саклаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жихатдан тўғри ривожланиши ҳамда унинг ишchanлик қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш туйғусини юзага келтиради, уларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёши, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик, сабот, меҳнат, ироди ва характерни қарор топтириш) жисмоний ҳаракат сифатларини ривожлантириш.

4) Эстетик тарбияни олиб бориши жараёнида ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялайди, уларнинг ижодий қобилияtlари, эстетик эҳтиёjlари ва гўзалликни севиш, гўзалликка интилиш туйғуларини ривожлантиради, эстетик маданият ривожлантирилади.

5) Экологик тарбияни олиб бориши чоғида – ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат уйғунлиги ҳамда алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар

тушунтирилади, уларда экологиянинг инсоният, жамият тараққиётидаги ўрни ва моҳияти борасидаги тушунчалар қарор топтирилади, ўқитувчи табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш каби туйғуларни тарбиялайди.

6) Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолиятга фаол иштирок этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилдиради, инсон меҳнати билан асрлар давомида бунёд қилинган моддий ва маънавий бойликларни асрash борасида қайғуриш туйғуларини қарор топтиради, иқтисодий маданиятни шакллантиради.

7) Хукукий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлатимиз Конституцияси, давлат ҳақидаги таълимот, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий суд ишларини юритиш ва бошқариш хукуқларининг маъноси тушунтирилади, улар онгига ижтимоий-хукукий меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тушунчалар сингдирилади, ҳукукий муносабат ва маданият моҳияти юзасидан тасаввурга эга бўлишни таъминлади.

8) Фоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамиятия асослари, миллий давлат тузилиши, давлат органлари фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати мазмунини тўғри тушунишни таъминлаш асосида сиёсий фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни таркиб топтиради, сиёсий маданият меъёрлари шакллантирилади.

### **13.4. Тарбия қонуниятлари ва тарбия мазмуни тамоилларини моделлаштириш**

Тарбия технологиясида тарбия жараёни, мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб белгиланган вазифаларни ўқитувчи амалга ошириши учун унинг ўзига хос қонуниятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Унинг энг муҳим қонуниятларидан бири аник мақсадга йўналтирилганлигидир. Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муайян мақсадга эришишга қаратилган самарали ҳамкорлик. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Ягона мақсадга эришиш йўли замонавий тарбия жараёнининг мақсадини тавсифлайди.

Тарбия жараёни кўп киррали жараён бўлиб, унда тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташқи (субъектив ва объектив) омиллар кўзга ташланади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, кизиқишилари, ҳаётину муносабатлари мазмунини англашга ёрдам берса, объектив омиллар шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётину муаммоларни ижобий ҳал этиш учун шароит яратади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологик шахсий хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётин қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнининг яна бир қонунияти унинг узоқ муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез суръатда яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоний сифатларни намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Шахснинг муайян вақтнинг ўзида, турли-туман қарашлар мавжуд бўлган бир шароитда ҳаракат қилиши тарбия жараёнини мураккаблаштиради. Таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбия шахс онги, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, ёшлик йилларида инсоннинг асаб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда бекарор бўлади. Шу боис тарбияда муваффақиятга эришиш учун ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлиги талаб этилади.

Тарбия жараёнининг яна бир қонунияти унинг узлуксизлиги саналади. Таълим муассасасида олиб борилаётган тарбия жараёни бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг

биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб борувчи, такомиллаштирувчи фаолият аҳамият касб этади. Шу боис оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ҳамкорлигига ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларнинг узлуксиз ўтказилишига эришиш максадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни тарбиялашда таълим муассасаси етакчи ўрин эгалласа ҳам, ўқувчиларга узлуксиз тарбиявий таъсир ўтказа олмайди, чунки, ўқувчилар маълум муддатгина таълим муассасасида, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтининг асосий қисмини оиласда, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айниқса, ёзги таътиллар даврида ўқувчилар таълим муассасаси ўқитувчиси таъсиридан четда қоладилар. Демак, таълим муассасасида ўқувчиларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташкарида амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан холи вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг таъсири ҳамда назоратидан узоқлашадилар. Айни вақтида республикада ўқувчиларнинг таълим муассасаларидан узоқлаштираслик максадида қўшимча таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Қўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ҳамда хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришлари, техник ва бадиий йўналишлар бўйича билим олишлари, амалий фаолият кўнишка ва малакаларига эга бўлишлари мумкин. Қўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган турли йўналиш ва мавзулардаги учрашувлар, кўргазмалар, кўриктанловлар, суҳбатлар ўқувчиларнинг тафаккурини бойитишда, уларда мустаҳкам характер ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.


Тарбия жараёнининг яна бир қонунияти – бу унинг яхлит ҳолда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг максади, мазмуни ва методларини бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки. Шахс маънавий-ахлоқий сифатларни навбатма навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштира боради, шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитлик, тизимлилик характеристига эга бўлиши лозим. Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти қатор педагогик талабларга амал қилиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликни қарор топтиришни талаб этади.

Тарбиянинг яна бир қонунияти шундан иборатки, бу жараён икки томонлама алоқа хусусиятига эга бўлиб, унда ўқувчининг ўзи ҳам фаол иштирок этади. Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тескари алоқа) тарзида ташкил этилади.

Тарбиянинг педагогик технология назарияси ғоясига мувофиқ, эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг обьектигина бўлиб қолмасдан, субъекти сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ички имкониятлари, унга нисбатан бўлаётган ташки таъсирлар ва ахборот манбаларини инобатга олиши зарур. Агарда мазкур талаб унтилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз якун топади. Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир хусусияти – тарбияда қарама-қаршиликнинг мавжудлиги келиб чиқади. Ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларга ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар ўртасида ёки ўқувчиларга кўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўртасидаги зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Ундан ташқари ушбу қарама-қаршиликлар кўпинча ўқувчининг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар ёш психологик, физиологик хусусиятларини (феъл-атвори, характеристи, қизиқишилари, жисмоний, руҳий ҳамда физиологик жиҳатдан соғломлиги) яхши билмасликлари оқибатида содир бўлади.

Демак, тарбия жараёнида қуйидаги қонуниятлар моделлаштириш хусусиятини намоён этади:



### **7-чизма. Тарбия қонуниятларини моделлаштириши**

Ўқитувчи тарбия мазмунини шахснинг баркамол инсон даражасида шаклланишига кўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятини англаган ҳолда моделлаштиради. Ушбу моделлаштирилган моҳият ижтимоий-иктисодий тараккиёт, ижтимоий мухитда кишилар билан ўзаро муносабатлар даражаси, шунингдек, жамият мафкураси ғоялари асосида белгиланади. Моделлаштириш асосида ўқитувчи қуидаги замонавий тарбия мазмунининг тамойилларини белгилаб олади:

1. Мақсаднинг аниқлиги. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликка эришган дастлабки йилларда ёш авлодни тарбиялашда аниқ мақсадлар белгилаб олинди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да кўрсатилган вазифаларга асосан тарбиянинг асосий мақсади – эркин, ижодкор, мустақил фикрга эга бўлган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий вазифа – бўлажак кадрлар салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш, уларда маданият ва маънавият унсурларини шакллантириш, яъни, ҳар бир шахснинг касбий билимларни пухта эгаллашда ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий жиҳатдан кўнкма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

2. Биргаликдаги фаолият. Ўқитувчилар ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришнинг энг яхши намуналарини излаши, шу асосда тарбиявий фаолиятни ҳаётий меъёр ва қадриятлар билан мутаносиблигини таъминлаши, ўқувчиларнинг тарбиявий дунёсига чукур кириб бориб, ўзаро яхши муносабатлар асосида уларнинг ахлоқий тафаккурини шакллантириши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, тарбиявий фаолиятда доимо ўрнак бўлиши ўқувчилар фаолигини таъминлайди. Зоро, дунёқараши ҳали мукаммал шаклланмаган ўқувчилар учун ўқитувчиларнинг маънавий дунёси, ҳаётий тажрибалари, уларнинг шахсий намуналари улкан тарбиявий таъсир кучига эга.

3. Ўз-ўзини англаш. Баркамол авлодни тарбиялашдан асосий мақсад, ёшларда эътиқод, демократик қарашлар ва ижтимоий ҳаётда ўз мустақил фикрига ва мустаҳкам позициясига эга бўлиш шакллантирилади. Инсоннинг ҳаётда ўз-ўзини англаши, тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири саналади. Ўқувчилар ўзларининг шахсий ҳаёти ва фаолиятларини субъект сифатида эътироф этиб, ўз-ўзларини қандай англаши билан тавсифланадилар. Инсон камолотида фуқаролик, касбий ва ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини англаши муҳим аҳамиятга эгадир.


4. Ирода эркинлиги. Тарбия жараёни ўқитувчи томонидан оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчи маънавиятини бойитади. Агар ўқитувчи ўқувчининг қизиқишини, фаолиятини, ўртоқлик ва фуқаролик бурчини хис этишини, мустақилликка интилиш туйғуларини англаб, уни такомиллаштириб борса, ўқувчидан юксак ирода ва эркинлик туйғулари шаклланиб боради.

5. Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги. Мазкур ғоя барча таълим муассасалари амалиётининг марказий нуктасида ўқитувчиларнинг тарбиявий ишлар дастурида, турли тарбиявий мақсадларга йўналтирилган тадбирларда, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларида асосан ўқувчи шахси турганлигини англатади. Тарбиявий жараёнда унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлиари, ўзига хос характеристи, ўз қадр-қимматини англаш туйғулари

моделлаштириш асосида ривожлантирилиб борилади.

6. Жамоанинг таъсири. Ўқувчиларда баркамол инсонга хос хусусиятлар аввало синф жамоасида ривожлантирилади. Синф жамоасининг тарбиявий таъсири остида ўқувчининг бир-бирларига нисбатан ижобий муносабатлари қарор топади, жамоа ёрдамида ўқувчи ҳар томонлама камолотга эришади, дунёқараши шакллантирилади, инсонпарварлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғулари ривожлантирилиб борилади.

Замонавий тарбия мазмунида илгари сурилган ғояларни модельлаштирилиши яхлит тарзда қуидаги кўринишга эга:



#### 8 - чизма. Тарбия мазмунини модельлаштириши.

Тарбия мазмунининг мукаммал белгиланган қонуниятлари мавжуд бўлиб, у асрлар давомида ҳар бир даврнинг талабларига мос равишда такомиллаштирилиб келинган. Тарбия мазмунида тарбияланувчининг ёши ва ижтимоий келиб чиқишига қараб белгиланган тарбиявий мақсад ва вазифаларга мувофиқ улар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўнікма ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда ахлоқий сифатлари мужассамлашган.

Ўқувчини юқорида қайд этилган тарбиявий жараёнларнинг нима учун кераклиги, уларнинг инсонга нима бера олиши каби масалалар қизиқтиради. Ушбу тарбиявий фаолиятларнинг ҳар бирини оқилона, жамият тараққиёти ва миллийлигимизга хос равишда модельлаштириб ўқувчилар онгига сингдириш керак.

### 13.5. Тарбия технологияларини қўллашда педагогик воситалардан фойдаланиш

Тарбияланувчиларнинг ҳаракати фаол бўлиши, улар билан олиб бориладиган тарбиявий фаолият функциялари эса доимо алмашиниб, янгиланиб турилиши лозим. Шунинг учун ҳам тарбияланувчиларнинг фаолияти устидан раҳбарлик қилишда, ўқитувчи педагогик маҳоратнинг бой тажрибаларига эга бўлиши зарур. Сўнгги йилларда педагогика фанида тарбиявий фаолиятни тўғри ташкил этишда етакчи ёндашув сифатида турли педагогик воситалар ва методлар қўлланилмоқда. Мазкур фаолиятни мукаммал йўналтириш учун қуидаги педагогик воситалар ва методлардан фойдаланиш мумкин:

**Педагогик талаб** жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор, ижтимоий қоидалар, анъана ва урф-одатларнинг муайян меъёрларини бажариш учун ўқувчига қўйиладиган талаблар мажмуи тушунилади. Талаб ижтимоий хулқ-атвор меъёрларининг йигинидиси, реал масала ёки бирор-бир ҳатти-харакатларнинг бажарилиши тўғрисидаги аниқ кўрсатма сифатида ифодаланиши мумкин. Ушбу талаблар бажарилиш шартига кўра бевосита ёки билвосита бўлади. Бевосита кўрсатма ёки йўриқномалар ахлоқ меъёрларига сўзсиз бўйсуниш кўринишига эга бўлиши лозим. Билвосита талаблар эса, илтимос, маслаҳат, имо-ишора

кўринишида тақдим этилиб, бажарилиши, ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола этилади. Баркамол, ҳар жиҳатдан камолотга эришган жамоада кўпинча билвосита талаблардан фойдаланилади.

**Жамоада ўзаро муносабатни тарбиялаш** методи жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолияти ва хулқ-атворларига қўйиладиган талабларнинг акс этишидир. Жамоа бўлиб ва айрим кишилар томонидан жамоанинг фикр-мулоҳазаларини ифода этиш уни амалга ошириш воситаларига ўқитувчи раҳбарлик қиласи. Тарбияланувчиларнинг фаолиятини, хулқ-атворидаги ижобий ҳислатларни баҳолаш асосида уларни рағбатлантиради, жамоада соғлом фикрни, ўзаро яхши муҳитни таркиб топтиради, дўстона муносабатларни шакллантиради.

**Ўргатиш** – бу тарбияланувчилар учун белгиланган ахлоқий меъёрларни уларнинг хулқ-атворига сингдириш, кўникмалар ҳосил қилиш кундалик фаолиятга айлантириш ва доимий бажарилишини ташкил этишдир. Ўқитувчи ушбу барқарор одатларнинг шаклланишига ўқувчиларга ёрдам беради. Белгиланган ахлоқий ва маънавий меъёрларни кузатиш, шунингдек мавжуд қоидаларнинг (шахсий гигиена, муомала ва бошқалар) бажарилиши шахс ривожланишининг илк босқичларида яхши самара беради. Тарбиявий воситалар тарбияланувчиларга нимани, қандай ва нима учун бажариш кераклигини тушунтириш ўқитувчидан талаб этилади. Бир вақтнинг ўзида ўқитиш, ҳатти-харакатлар бажарилишининг текширилишини ҳам кўзда тутади.

**Машқ қилиш** феъл-атворга хос одатларни, аниқ соҳада фаолиятнинг мақбул алгоритмини шакллантириш мақсадида ҳаракат усусларининг маълум бир тартибда қайтарилишидан иборат. Машқ қилиш методининг воситаларига оиласа, таълим муассасасида ва бошқа жамоат жойларида белгиланган тартибга риоя қилиш, тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти, бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий топшириқномалар киради.

Бу кенг маънода ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлигига ижтимоий меъёрларга мувофиқ ҳатти-харакатлар учун шарт-шароитлар яратувчи, ўқувчилар хаёти ва фаолиятининг тўғри ташкил этилишидир. Машқ қилиш ўргатишга таянади, шунинг учун ўқитувчи асосий вазифани бажаради. Режалаштириш, ижро этиш, баҳолашда жамоада фаол бўлиш ўқувчининг иқтидорини ривожллантиради ва ахлоқий сифатларини шакллантиради. Бироқ ўргатиш ва машқ қилишда ўқувчилар фаолиятининг ижобий томонларига таяниш лозим ва ўз навбатида уларни шакллантиргандагина самара беришини ҳисобга олиш зарур.

**Тарбияланадиган ҳолатлар** – бу ўқитувчи томонидан зиддиятли ҳолатларда мустакил тарзда амалга ошириладиган ўқувчиларда ижобий феъл-атвор кўникмаларини шакллантирувчи мураккаб воситалардан биридир. Бунинг учун тасодифий зиддиятли ҳолатларни моделлаштириш, гуруҳда низоларни бартараф этишда фойдаланиш, муаммони тўғри ҳал қилиш йўлларини танлаш каби воситалардан фойдаланилади.

**Рағбатлантириш** – тарбияланувчиларнинг қизгин фаолиятга мойиллик кўрсатишга жалб этиш мақсадида маънавий ва моддий рағбатлантириш усуслари ва воситаларининг йиғиндисидир. Мазкур метод тарбияланувчи ёки гурухнинг ижобий баҳоси, хусусиятларини маъқуллаш ва эътироф этиш, ҳатти-харакатлари ва хулқ-атворининг ифодаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. У ўқувчиларнинг ўз фаолиятидан қониқишини, ўз кучига ишонч ҳиссини, ўз-ўзига ижобий баҳо беришни юзага келтиради, ўқувчиларни ахлоқий меъёрлар асосида хулқ-атворини яхшилашга томон рағбатлантиради. Рағбатлантириш воситаларига ўқитувчи ва ота-оналарнинг, таълим муассасаси ходимларининг мақтови, миннатдорчилиги, турли мукофотлар, “Фахрий ёрлиқ”лар билан тақдирлаш ёки бошқа моддий мукофотлар киради. Бунда тарбиячининг сўз билан мақтови, миннатдорчилик билдириши, имо-ишоралари, мимикаси ва баҳолаш муҳокамалари, рағбатлантириш воситалари кўринишида намоён бўлади. Рағбатлантириш нафақат натижани, балки фаолиятнинг сабаби ва усулини ҳам маъқуллашни, тарбияланувчилар ижобий фаолиятини маъқуллашнинг далилини эмас, балки унинг моддий ҳиссасини қадрлашга ўргатишни тавсия этади. Рағбатлантиришни айниқса, кўпинча кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига ва ўзларининг имкониятларига ишонмайдиган ўсмирларга бериш талаб этилади. Катта ёшдаги ўқувчилар учун ҳам улардан фойдаланиш тарбиявий самара беради.

**Танқид** асосида ўқитувчи томонидан тарбияланувчилар шахсий сифатларида намоён бўладиган салбий одатларига баҳо берилади ёки жамоа фаолиятида рўй берадиган тасодифий салбий ҳодисалар ўқувчилар билан таҳлил қилиниб кўриб чиқилади. Бунда, ўқитувчи маълум бир мақсадга боғлиқ ҳолда танқиднинг турли усусларини вазиятга қараб кўллайди. Чунончи, синф жамоасида бир шахсга тааллуқли бўлган ёки синф жамоасига нисбатан танқид, камчиликларни бартараф этишга ундовчи рағбатлантирувчи танқид, кутилмаган ҳодисаларни баён этувчи афсусли танқид, жамоа билан биргаликда рўй берган камчилик учун қайғуриш танқиди, таънали танқид кабилар.

**Мажбурлаш** — бу ўқувчининг хулқ-авторига қўйиладиган салбий баҳолашнинг ифодаси, хулқ-автор меъёларига зид бўлган ҳатти-харакатлари ва бемаъни қиликларининг муҳокамасидир. Педагогика фанида ушбу восита тарбиялашнинг энг сўнгги методи сифатида ифодаланади. Ушбу метод турлари, қўлланилаётган бошқа тарбиявий методлар исталган тарбиявий мақсадга эришишда имконият бермагандагина, қўлланилиши мумкин.

XX асрнинг ўрталарида педагогикада мажбурлашдан шахсни камситувчи ва салбий оқибатларга олиб келувчи тарбиялаш методи сифатида фойдаланиш рад этилган. Бироқ, кейинчалик мажбурлашдан педагогик жиҳатдан тўғри фойдаланиш қонуний деб эътироф этилди: у уят, ор-номус туйғулари ўқувчидаги бўлмаганда, унинг ҳатти-харакати салбий оқибатларга олиб келадиган ҳолатларда, тарбияланувчининг хулқ-авторини тузатади, унга хатосини тушуниб этишга имконият беради.

Тарбиявий фаолиятда мажбурлаш методи шахснинг қадр-қимматини камситмайдиган пухта ўйланган ҳатти-харакатлар асосида олиб борилади ва уни амалга оширишда бундай воситаларининг танланиши чуқур таҳлил талаб қилинишини ҳисобга олиш зарур. Улар қаторига ўқитувчининг танбеҳлари ёки қатъий талаблари, янада қатъий масъулиятга эҳтимолли жалб этиш тўғрисидаги огоҳлантириш, жамоада муҳокама қилиш ёки педагогик кенгашга чақириш, бошқа синфа га ёки мактабга ўтказиш, умумтаълим муассасасидан ҳайдашни киритиш мумкин.

Илмий педагогик адабиётларда тарбиялашнинг кўриб чиқилган педагогик воситаларидан ташқари шахс билан тарбиявий ўзаро таъсир кўрсатишнинг айрим умумий усуслари ҳам ўз аксини топади. Улар қаторига *педагогик фаолиятнинг янги турларини жорий этиши, муомала маъносини ўзгартириши*, кабиларни киритиш мумкин. Бироқ уларнинг мазмуни тарбияланувчиларнинг онгига таъсир кўрсатишдан иборат ҳамда маъно жиҳатидан юқорида кўриб чиқилган тарбиялаш методларини ўз ичига олади.

Тажрибали ўқитувчи бир вақтнинг ўзида психологик тарбиявий таъсир методларидан ҳам фойдаланиш етарли даражада самара беришини билади. Таъкидлаб ўтилганидек, ўқитувчи томонидан қўлланиладиган педагогик воситалар ўқувчиларнинг онгига йўналтирилган. Педагогик тажрибанинг кўрсатишича, оғзаки бўлмаган таъсир кўрсатиш методлари (мимика, пантомимика, имо-ишора, ҳолат, ҳатти-харакатлар, кўзларнинг ифодаси, овоз интонацияси), ҳис-туйғуга йўналтирилган таъсир кўрсатиш методлари (биргаликда қайғуриш, ғазбланиш, хурсанд бўлиш) ва оқилона таъсир кўрсатиш методлари (асосий восита — ишонтириш) жуда самарали ҳисобланади. Шу билан бирга психологик методлар ҳам, педагогик методлар билан бир вақтда қўлланилиши ўқитувчининг ўқувчи шахсига тарбиявий таъсирини кучайтиради.

Тарбия технологияларида фойдаланиладиган, кўриб чиқилган методлар унинг масалаларини янада тўлиқроқ ҳал этиш учун шарт-шароитларни яратган ҳолда, тарбиялашнинг барча шаклларида амалга оширилади. Бироқ уларни танлаш, ўзлаштириш ва амалга оширишда кўпгина омилларга, жумладан, миллий анъаналар, урф-одатлар, педагогикага хос бўлган ҳолатларга эътибор бериш зарур.

Барча педагогик ҳолатларда мутлақо “тўғри” бўлган тарбиявий методлар мавжуд бўлмайди. Ўқитувчи тарбиявий мақсадларга эришиш учун, одатда, муайян вақтга мўлжалланган, ўзининг педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш стратегиясини яратган ҳолда тарбиявий методлар мажмуасидан фойдаланади. Моҳир ўқитувчи ўзининг ранг-баранг тарбиявий методларига эга бўлади ва муайян бир ҳолат учун уларнинг муқобил варианtlарини топиб кўллайди. Тарбиявий методларни қўллашнинг ўз техникаси мавжуд бўлиб, у ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. А.С.Макаренко айтганидек, ‘‘ўқувчилар

ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги таъсирини, унинг ташқи кўринишидан, бой маънавиятидан, нотиқлик санъатидан, сўз интонациясини мукаммал ўз ўрнида қўллай олишидан, юз ифодасидан ўзларига қабул қиласидар”.

### 13.6. Тарбия кўрганликни аниқлаш (диагностика)

Ўқувчининг тарбия кўрганлигини аниқлаш (диагностика) — бу ўқитувчи томонидан шахслараро муносабатлар тизимида амалга ошириладиган ўқувчининг шахсий хусусиятлари ва сифатларининг шаклланганлик даражасини белгилаш жараёнидир. Унинг натижаларини таҳлил қилиш асосида тарбиялаш технологияси асосий унсурларининг йўналтирилганлиги ва мазмунини аниқлаштириш ёки тузатиш амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда тарбия кўрганликни аниқлаш (диагностика) муаммоси педагогик аниқлашнинг (диагностика) янги йўналишларидан бири бўлиб, назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши босқичи ҳисобланади. Тарбия кўрганликни аниқлаш, педагогик илмий адабиётларда мукаммал даражада ўз аксини топмаган, бу эса унинг тарбиявий технологияларда илмий асосланган ҳолда амалга оширилишини мураккаблаштиради. Бир вақтнинг ўзида ота-оналар каби ўқитувчилар ва турли тоифадаги тарбиячилар ҳам, ҳар доим унинг натижаларига етарлича субъективликни киритган ҳолда, ушбу муаммони ҳал этишга ҳаракат қўймоқдалар. Бунинг натижасида айнан бир хил ҳарактердаги ўқувчиларнинг тарбия кўрганлик даражаси ҳар хил ўқитувчилар томонидан турлича баҳоланмоқда. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳолатларга таянмасдан туриб, ушбу камчиликни ҳал этиб бўлмайди.

Энг аввало, “тарбия кўрганлик” тушунчасининг моҳиятини англаш этиш зарур. Афсуски, у ҳеч бир луғатда ушбу даражада бевосита муаммо сифатида қўйилиб таъриф берилмаган. Шу билан бир вақтда бир қатор педагогик тадқиқотларда шахсни ўраб турган ижтимоий, биологик ва географик мұхит, кишилар билан ўзаро муносабатида намоён бўладиган энг олижаноб шахсий хусусиятлар тарбия кўрганликни белгилаб бериши таъкидланади. Тарбия кўрганликни аниқлаш асосида шахслараро муносабатлар тизимида амалга ошириладиган ўқувчининг шахсий хусусиятлари ва сифатларининг шаклланганлик (ривожланганлик) даражасини ҳам ўрганишга имконият яратилади.

Тарбия кўрганлик даражасини аниқлаш жараёнининг асосий хусусиятлари педагогика ва психологияда, шунингдек бошқа фанларда ишлаб чиқиладиган маҳсус методлар тизимини кўллаш натижасида белгиланади. Бир қатор педагог олимлар уларни уч гурухга бирлаштирадилар: **оммавий, анъянавий ва диагностик** методлар.

**Оммавий** метод сифатида диалектиканинг асосий қонуниятлари — миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор этиш қонуниятларидан фойдаланилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, улар ҳеч қандай истисносиз, объектив реаликнинг барча ҳодисаларини таҳлил қилиш учун қўлланилади, бирор ўқитувчиларга факат сўнгги натижаларни аниқлаштириб олишини талаб этадиган ва ўрганиладиган обьект тўғрисида аниқ маълумотларни беради.

Тарбия кўрганликни аниқлашнинг **анъянавий** методини амалга ошириш янада аниқ натижаларни олишга имконият яратади. Улар аллақачон етарли даражада ишлаб чиқилган ва турли тоифадаги ўқитувчилар томонидан қўлланилмоқда. Амалиётнинг кўрсатишича, уларнинг ичидаги кузатиш услуби бирмунча мақбул ҳисобланади. Ушбу метод инсоннинг шахсий соҳаси хусусиятларини, уларнинг табиий (илмий, ўйинли, касбий фаолият ва бошқалар) шарт-шароитларда намоён бўлишини таҳлил қилиш асосида ўрганиб чиқиш тушунилади. У ўқувчиларнинг тарбия кўрганлик даражаси тўғрисида хулоса чиқаришга имконият берадиган ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворини мухокама қилиши, шахсий хусусиятларида намоён бўлишини тавсифлайдиган далилларнинг тизимли, мақсадга мувофиқ жамланишини кўзда тутади.

Тарбия кўрганликнинг энг кўп фойдаланиладиган услуби **диагностик** метод бўлиб, унда фаолият индивидуал диагностик сухбат тариқасида олиб борилади. Ушбу метод педагогик аниқлаш (диагностика) нуқтаи назаридан ўқувчининг тарбия кўрганлик

даражасини ўзи, атроф мұхитдаги кишилар ва объектив реал ҳодисалар тұғрисида билдирган фикрлари асосида бақолаб мазмунини таҳлил қилиш асосида ўрганишдан иборат. Диагностик метод асосида ўқитувчи нафақат ўқувчининг ички дүнёси, унинг қарашлари, ишончлари, идеалларини чуқур анграб етиши, балки ижобий интилишларини қўллаб-қувватлаши, уни мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтириши, фойдали ишларга руҳлантириши, йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратиши ва уларни бартараф этишга ёрдам бериш имкониятига эга бўлади.

Умумий гуруҳнинг сўнгги методи сифатида фаолият натижаларини таҳлил қилиш услуби иштирок этади. У ўз моҳиятига кўра, ўқувчининг тарбия кўрганлик даражасини у амалга ошираётган ижтимоий ва бошқа фойдали меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш асосида ўрганишдан иборат. Мазкур услуб ўқитувчи томонидан тарбияланувчиларнинг ҳатти-харакатлари ва қизиқишилари, таълим-тарбия жараёнида, ҳар-хил мажбуриятларни бажаришдаги юксак натижалар ва камчиликларнинг ҳисобга олининин назарда тутади, бу эса муайян бир ўқувчининг касбга йўналтирилганлиги хусусиятлари, унинг характеристи, ҳаётий ҳолатининг шаклланганлик даражаси ва бошқа фаолиятлари тұғрисида хulosаси чиқаришга имкон беради.

Баён этилган методлардан ташқари ўқувчининг тарбия кўрганлигини аниқлаш (диагностика)да бошқа бир қатор методлар ҳам педагогик-психологик адабиётларда батафсил ёритиб берилган. Улардан ҳар бири, умумий мақсадга эга бўлган ҳолда, маҳсус ҳодисаларни таҳлил қилиш асосида унга эришилишини назарда тутади:

- ҳужжатларни таҳлил қилиш методи — ўқувчи шахсини ўрганишга оид ҳужжатларнинг мазмуни (тавсифномалар, тақризлар, тавсияномалар ва бошқалар);
- тажриба методи — ўқитувчиларнинг фикрларига кўра, зарур бўлган сифат албатта намоён бўладиган маҳсус ташкил этилган шарт-шароитларда тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши;
- анкеталаштириш методи (интервью) — олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларга ўқувчи томонидан бериладиган ёзма ёки оғзаки жавобларнинг мазмуни;
- мустақил хусусиятлар методи — бошқа шахсларни муайян бир инсоннинг тарбия кўрганлиги тұғрисида фикр ва мулоҳазаларини бақолаш ва муҳокама қилиш;
- таржимаи ҳол методи — шахс ҳаётида олдинги меҳнат фаолияти даврининг ижтимоий-психологик нұқтаи назардан ёритилиши.

Шуни ҳисобга олиш жоизки, қўриб чиқилган умумий методларни қўллаш ўқитувчига тарбия кўрганлик даражаси тұғрисидаги ўқувчи ҳақидаги хulosани шакллантириш учун етарли даражада мукаммал маълумотларни беради. Бироқ, улардан ҳар бири алоҳида натижаларнинг тұлық объективлигини таъминламайды. Мазкур кўрсаткич уларни тизимли қўллашда шарт-шароитларни ошириш мумкин.

Тарбия кўрганликни аниқлаш (диагностика) натижаларининг ишончлилигини оширишнинг яна бир шарти сифатида учинчи гуруҳ методларидан — маҳсус хусусий методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Улар кўпинча профессионал психологлар томонидан психология тармоқларидан бири бўлган психологик диагностика (психодиагностика) доирасида қўлланилади. Ушбу мақсадда кўпинча ўқувчининг маҳсус ишлаб чиқилган сўровномада баён этилган саволларга жавобларини таҳлил қилиш асосида тарбия кўрганлик даражасининг диагностикасини кўзда тутадиган сўров услуби қўлланилади. Ҳозирги вақтда Г.Айзенк, Р.Кеттел, Дж.Тейлор, Я.Стреляу каби хорижлик психологларнинг ҳар бир миллат менталитетига мослаштирилган шахсий сўровномалари ҳамда маҳаллий психологларнинг бир қатор ишланмалари кенг тарқалган.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда компьютер технологиялари ёрдамида амалга оширилаётган сўров услубиётлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу уларга кира олиш ва унинг нафақат профессионал психологлар, балки турли тоифадаги ўқитувчилар томонидан қўлланилиши имкониятини кенгайтиради. Улардан ўз-ўзини диагностика қилишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Юкорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда ўқитувчи тарбиячи сифатидаги фаолиятида қуйидаги жараёнларни билиши лозим:

1. Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тариҳий тажриба асосида шахсни ҳар

томонлама ривожлантириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни бўлиб, ҳар қандай тузум ва замонда ижтимоий муносабатлар мазмунини аниқлаш, уларни ташкил этиш асоси бўлиб келган.

2. Ёш авлод тарбияси турли макон ва замонда муайян мақсад асосида ташкил этилади. Ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузум моҳияти, тараққиёт даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, жамият фуқароларининг дунёқараши, интилишлари, орзу ниятлари асосида белгиланади.

3. Тарбия жараёнининг хусусиятларини чуқур англаш ва уларни инобатга олган ҳолда тарбияни ташкил этиш олдинга қўйилган мақсадга эришиш, шунингдек, белгиланган вазифаларни ижобий ҳал этиш имкониятини беради.

4. Ўқитувчи педагогик технология билан бир қаторда тарбия технологиясига эга бўлиши лозим: ҳатти-харакатларнинг алгоритми, тарбиялаш шаклларини билиши, ҳар қандай тарбиялаш методини амалга ошириш бўйича барча операцияларни бажара олиши лозим.

## **14-БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **14.1. Педагогик маҳоратни оширишда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти**

Таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва бунда ўқитувчиларнинг кўнкима ва малакаларини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июнданги 200-сонли, «Ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли Қарорларининг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш таълим методларнинг самарадорлигини оширишга, ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг ўзгаришига, уларнинг педагогик маҳоратларини такомиллаштиришга, педагогик тизимларнинг таркибий ўзгаришига самарали таъсир этади. Бу эса педагогик жараёнларни ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос вазифаларни қўяди.

Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этиш:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоа ўқитувчилар, компьютер дастурчилари, тегишли мутахассисларнинг биргаликда фаолият олиб боришини;
- ўқитувчилар ўртасида вазифаларнинг бир маромда тўғри тақсимланишини;
- таълим ва тарбия жараёнини янада мукаммал ташкил қилишни такомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мониторингини ташкил этиш имкониятини яратади.

Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитувчининг педагогик фаолиятида:

- таълимнинг технологик асосини замон талаблари даражасида ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён енгиллашади;
- дарс жараёнини замонавий техник воситалар асосида ташкил этиш учун маҳсус малакалар шакллантирилади;
- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талаблар ва ўқув материалларининг сифатини назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолияти такомиллашади, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчидан ўқувчига кўчади;
- ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқувчининг ташкилотчилиги ва шахсий иштироки ортади;
- замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчи педагогик фаолиятида ҳар бир ўқувчи билан тескари алоқаси вужудга келиши таъминланади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда турли ахборот ресурсларидан фойдаланади. Доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятдаги интеллектуал салоҳиятнинг ошишига хизмат қиласи. Модомики шундай экан, ўқитувчи ҳам ўз касбий ва педагогик маҳоратини замонавий ахборот технологиялари оқими асосида ошириб бориши мумкин. Ҳар бир ўқитувчи меҳнат фаолияти жараёнида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиши учун аввало ўз ахборот муҳитини шакллантиришга замин яратиши керак. Замонавий ахборот технологиялари ўз муҳитида ахборот объектларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлаш, тўплаш технологиялари ва воситаларини, шунингдек ахборот жараёнларининг ташкилий ва хуқуқий таркибини мужассамлаштиради.

Хозирги кунда ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг имкониятлари ва талабларини инобатга олиши зарур. Ўқитувчи томонидан тарғиб этилаётган таълим ва тарбия тизими шахсга йўналтирилган характерда эга бўлиши, яъни шахснинг ҳар хил хусусиятлари ва сифатига эътибор қилган ҳолда табақалаштирилган бўлиши керак.

Ҳар қандай таълим ва тарбия тизими маълум бир ижтимоий, илмий-техник, иқтисодий, маданий ва ниҳоят, сиёсий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Бу муҳитларнинг энг устувори ижтимоий-иқтисодий омиллардир. Илмий-техник тараққиёт, маданий ва сиёсий муҳит ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ривожлантириши ёки секинлаштириши мумкин. Таълим тизими жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг асосий вазифаларини амалга оширишга хизмат қиласи, чунки умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасалари инсонни иқтисодиёт, маданият, сиёсий ҳаётда қизғин фаолият кўрсатиши учун тайёрлайди. Шунинг учун ҳам таълим муассасалари ўқитувчиси таълим-тарбия жараёнининг таянч бўғини сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва илмий-техник тараққиёт ўзининг ифодасини кечикиб топмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фикрлаши ва қабул қилиш фаолиятида янги ғоялар, янги замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш маълум бир вақтни талаб этади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш, биринчи навбатда, таълимнинг парадигмасини ўзгартиради. Агар таълим тизимида ўқитиш устувор саналган бўлса, ҳозир кунда жамиятнинг ахборотлашуви даврида устуворлик ўқишига ва ўргатишига йўналтирилган. Шу сабабдан таълимнинг ўқитувчи-дарслик-ўқувчи парадигмаси ўқувчи-дарслик-ўқитувчи парадигмаси билан ўрин алмашмоқда. Ўқитувчи эндиликда янги статусга эга бўлади, энди унинг вазифаси ўқувчиларда мустақил билим олиш имкониятларини яратиш ва ижодий фаолиятларини ташкил этиш, билимларни мустақил эгаллаш ва уларни амалиётда қўллашга ўргатишдан иборат. Ўқитувчи бундай мақсадларда ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаши керакки, у ўқувчиларга нафақат тайёр билимларни ўзлаштиришларида, балки билимларни турли манбалардан излаш, мустақил эгаллаш, ўзларида шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши ва аввалги эгалланган билимлардан янгиларини олишда фойдаланиш имкониятини яратиши керак. Бундай ўқитишни “ривожлантирувчи” ҳам деб аташ мумкин.

Билимларни ўзлаштириш фикрлашни ривожлантирувчи муҳим омил ҳисоблансада, билимларни ҳар қандай ўзлаштириш ёки эгаллаш ўқувчининг фикрлашига ривожлантирувчи таъсир кўрсатмайди. Бунинг учун билимларни ўзлаштиришнинг фаолият шаклларини фаоллаштириш лозим. Эгалланган билимларни оддийгина қайтариш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантиришда етарли манба бўлолмайди. Фаол билиш, мустақил фикрлаш фаолияти жуда зарурдир. Билимларни мустақил эгаллаш фаолияти ва олинган билимларни қўллаш жараёни янги билимларнинг шаклланишига, ўқувчининг самарали фикрлаш манбаига айланади.

Шу сабабдан мамлакатимизда ва жаҳоннинг ривожланган давлатларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида педагогик технологияларнинг ривожланиши, зарур ахборотларни мустақил излаб топиш, муаммони қўя билиш ва унинг ечимини ҳал этиш, олинган билимларни танқидий таҳлил эта олиш ва ушбу билимлар асосида янги масалаларни ечишда қўллаш учун йўналтирилган. Эндиликда шахсга йўналтирилган таълимнинг зарурийлиги барчага аён бўлмоқда.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш – бу ўқувчининг ёш ва шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятларини инобатга оловчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан ўқувчи шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи ўқитишdir. Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган ўқитишда ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш асосий тамойил сифатида қаралади.

Замонавий ахборот технологиялари шакл ва мазмунининг ранг-баранглиги – ўқувчининг қизиқиши, имконияти ва шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб таклиф этилаётган ҳолатлардан танлаш имкониятини беради. Бундай имконият таълим тизимида ҳам

ўз аксини топиши зарур. Ўқитувчининг ҳар хил сатҳли ўқитишни замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиши бундай муаммонинг ечими бўла олади.

Ўқув машғулотларини ўқувчиларнинг кундалик фанлар мажмуаси ва улар бўйича берилган кундалик топшириқлар мажмуаси асосида белгиланиши, ҳар бир ўтилган мавзуни кейинги дарсда сўраб баҳоланадиган қилиб ташкил этилиши қўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолда ўқувчилар бирон бир фанга ўзларининг асосий дикқат эътиборини тўлиқ қаратади. Бундай нотугалликларни бартараф этишда, модулли ўқитиш энг яхши ечим ҳисобланиши мумкин.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу инсоннинг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолият асосида интеллектуал ва ахлоқий ривожланишидир. Бунда учта асосий вазифага эътибор қаратилади:

1. Таълим тизимини ислоҳ этиш.

2. Мустақил фаолият тамойилини таълим ва тарбиянинг асосий тамойили сифатида эътироф этиш.

3. Таълим ва тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Замонавий инсоннинг ўқиши жараёни фақат боғча, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ёки касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари билан тугамайди. Инсон бутун умри давомида таълим олиши зарур, яъни таълим узлуксиз бўлиши керак. Демак, узлуксиз таълим – давр талабидир. Демак, бу муаммо замонавий ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжни янада шакллантириши шубҳасиз.

XXI аср – ахборотлаштириш асирида таълим соҳасини ахборотлаштириш, ҳар бир таълим муассасасидан:

- ўқитиш ва ўқиши жараёнининг;
- таълим муассасаси бошқарилишининг;
- таълим муассасаси бўлинмаларининг;
- таълим муассасаси фаолияти мухитининг ахборотлаштиришини талаб қиласди.

Хозирги таълим муассасаларида компьютер технологияларидан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш, таълим жараёнида бундай технологияларни қўллашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири эканлиги педагог олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, У.Ш.Бегимқулов таълим муассасаларида компьютер ахборот мухити ва хозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасини яратиш зарурлигини, гиперматн ва мультимедиа, ўқитишида имитация, коммуникация тизимларини ривожлантиришни, зарур ахборотларни компьютер техникаси ёрдамида киритиши, тизимлаштириш, саклаш ва фойдаланиш учун тавсия қилинадиган маълумотлар базасини яратишни таклиф этади. Шу боисдан, ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб билим, кўнинка ва малакаларини шакллантириш мақсадида ҳамда ўқитувчилар педагогик маҳоратларини хозирги замон талаблари асосида такомиллаштиришга мўлжалланган масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқади.

У.Ш.Бегимқулов замонавий ахборот коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқларни ҳисобга олиб, компьютер технологиясини қўйидаги жиҳатларда таълим муассасалари педагогик фаолияти жараёнларида қўллаш самарали бўлишини таъкидлайди:

- таълим муассасаси ҳужжатларини киритиши ва шакллантириш;
- дарс жадвалларини тузиш;
- таълим муассасаси ўқитувчилари ҳамда ўқитувчилар бўйича маълумотлар банкини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ўқитувчилар фаолиятининг мониторингини яратиш;
- ўқув муассасаси фаолиятини тезкор бошқаришнинг интерфаол телекон-ференция, виртуал маслаҳатлар, муҳим ахборотларни ўқитувчиларнинг жамоавий ёки шахсий компьютерлари дисплейи экранига ташлаш орқали тез ташкил этиш;
- таълимни бошқариш ёхуд бошқа мутасадди ташкилотлар билан электрон почта орқали боғланиш шароитини яратиш;

- бошқа ўқув муассасалари, жумладан чет эл муассасалари билан ижодий боғланишини ташкил этиш;

- интернет тизими ёрдамида ахборот излаш ва уни танлаш.

*Таълим муассасасининг ўқув фаолиятида эса:*

- ахборот коммуникацион ва ахборот технологияларини мажбурий ўрганишини ташкил этиш;

- барча фанлар бўйича ўргатувчи дастурлардан фойдаланиш;

- компьютерда ёзилган тестлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш;

- кутубхоналар каталогларидан фойдаланиш ва оммабоп кутубхона-лардаги китобларга интернет орқали буюртма бериш;

- ўқитувчиларнинг методик ишланмалари, маъруза матнлари ва бошқа ўқув кўлланмаларини нашрга тайёрлаш;

- интернет тизимидағи маълумотлардан фойдаланиб, ўтилган мавзуу асосида ўқувчилар томонидан маъruzalar ва рефератларни мустақил тайёрлашга эришиш;

- ўқув ва бадиий адабиётларнинг электрон матнларидан фойдаланиш;

- кўникма ва малакаларни оширишда маҳсус энциклопедик луғатлардан фойдаланиш имкониятини яратиш лозим.

## **14.2. Таълим-тарбия жараёнида компьютер имкониятларидан фойдаланиш**

Компьютер технологияларидан фойдаланишда, ўқитувчи унинг мазмунига кўра бир қанча вазифаларни бажариши мумкин. Фаол фойдаланиш имкониятига эга компьютер технологиялари қўйидаги асосий дидактик функцияларни бажаради:

- мультимедиа технологиясини қўллаш эвазига ўқувчиларда фанларга кизиқишини ривожлантиради;

- бунда таълимнинг интерфаоллиги туфайли ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини фаоллаштириди ва ўқув материалини ўзлаштирилишининг самарадорлиги ошади;

- реал ҳолатларда намойиш қилиниши қийин ёхуд мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кўриш имкониятини бериши билан муҳим хисобланади;

- ўқув материалларини ўзлаштирилиши фақат даражасига кўра эмас, балки ўқувчилар эришган мантиқ ва қабул қилишларининг даражасига кўра ҳам самарали хисобланади;

- масофадан туриб таълим олишни фақат ўзлаштирувчи ўқувчилар ёки интернет таълими учунгина эмас, балки сабабсиз дарс қолдирган ўқувчилар учун ҳам ташкил этиш имкониятини беради;

- ўқувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни излаш, топиш ҳамда муаммоли масалаларга жавоб топиш орқали маълум тадқиқот ишларини бажариш учун имконият яратади;

- ўқувчиларнинг янги мавзуни ўзлаштириши, мисоллар ечиши, иншо, баён ёзиш ишларида, ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаш ва ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил этиш каби масалаларни тез бажариш учун шароит яратади.

Маълумки таълим мазмунини такомиллаштиришнинг бош хусусиятларидан бири компьютер билан мулоқот жараёнида унинг доимий мурожаат қилинадиган «қўллаб-куватловчи ахбороти»ни кўпайтириш, компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасининг яратилганлиги, гиперматн ва мультимедиа, ўқитишда иммитация, коммуникация тизимлари қабул қилинган.

Маълумотлар базаси деганда, ахборотни компьютер техникаси ёрдамида киритиши, тизимлаштириш, сақлаш ва фойдаланиш учун тавсия қилиш тушунилади.

Бир қатор ахборотларни анъанавий қайта ишлаш учун уларни тайёрлашнинг стандарт шакллари мавжуд бўлиб, уларга библиография, статистик маълумотлар, рефератлар киради. Маълумотлар базаси ахборот таркибига статистик, матнли, график ва қўринишли ахборотларни чексиз кўп микдорда ва албатта, белгиланган шакллардаги қўринишиларини қабул қиласди.

Билимлар базаси эса, ёпиқ тизимда, мазкур мавзу бўйича қўшимча ахборотларга эҳтиёж сезмаган ҳолда ва унинг ҳар бир элементи, мантиқ жиҳатдан боғланган бошқа элементларга чиқа олиши бўйича тузилмали ахборотлаштирилган тизимга эга бўлади. Бунда ушбу билимлар базасига киритилмаган, яъни ундан ташки элементларга мурожаат қилинишига имкон бўлмайди. Билимлар базасининг бирламчи библиографик ўхшашлари сифатида турли энциклопедиялар, луғатлар хизмат қиласди.

Ўқувчилар билими сифатларини тест саволлари ёрдамида аниқлаш ва психофизиологик ривожланаётганлигини ташхис қилиш мақсадида компьютер тизимига экспорт тизими қўшимча киритилган бўлиб, бу тизим ёрдамида электрон тармоқ орқали билимларни баҳолаш ва бу масала бўйича етарлича натижаларни аниқлаш мумкин.

Бундай дастурий воситалардан, таълимдаги ҳолат ва унинг мақсадига кўра, баъзан ўқувчиларнинг эҳтиёжларини чуқурроқ англаш зарурияти нуқтаи назаридан, уларнинг маълум фан соҳасида билимларини таҳлил қилиш бўйича бошқа бир ҳолларда эса, ўқитишнинг психологик тамойилларини ҳисобга олиш мақсадида кенг фойдаланилади.

Компьютер ёрдамида турли илмий ахборотлар, ўкув материаллари бўйича ахборотларни тавсия этишнинг бой имкониятлари, хусусан уларга интегратив курсларни киритиш, фаннинг тарихи ва методологияси билан танишиш, турли фанлар бўйича уларнинг замонавий даражасига оид билимлар, маданият ва ижтимоий онгга дахлдор билимларни киритиш, таълим мазмунини сезиларли ўзгартириш ва кескин бойитишга ёрдам беради, уни фаоллаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Компьютер воситалари ёрдамида мустақил таълимни ташкил этиш нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, аксарият унинг интерфаоллигини, бевосита мулоқот ёрдамида ўқувчи ўкув режасида кўрсатилган исталган фан соҳасида маҳсус ўкув дастурлари ёрдамида билим олиш имконига эга эканлиги маълум бўлади. Компьютер воситаси, ўқувчи ёхуд ўқитувчи мурожаатларига «жавоб беради», улар билан бемалол «мулоқотга киришади», булар компьютер таълими методикасининг асосий хусусиятларидан бири саналади.

Айниқса, компьютер технологиясининг маълум мавзуни ўқитиш бўйича ёхуд алоҳида дидактик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш каби ҳолатда («кириб борувчи» технология номи билан машҳур), шунингдек ўқитишда маълум технологиянинг асосий, аниқловчи ва энг муҳим тавсифловчиси сифатида компьютерни қўлланиш ҳолатида компьютер ва бошқа технологиялар орасидаги муносабатлар масаласи жуда долзарб саналади.

Компьютерли ўқитиши методикасининг бошқа бир муҳим хусусияти, у ўқитиши жараёнининг барча босқичларида, жумладан янги ўкув материалини тушунтиришда, қайтаришда, умумлаштиришда, ўқувчиларнинг маълум фан бўйича эришган билим, малака ва кўнкимларини текширишда намоён бўлади. Бундай жараёнда ўқитувчи компьютернинг ўқувчи учун турли вазифаларни, хусусан ўқитувчилик, ишчи курол, таълим обьекти, ўзаро мулоқот каби функцияларни бажаришини билиши керак. Бунда ўқитувчининг вазифаси дарс жараёнида ўқувчиларни компьютердан тўғри фойдаланишларини назорат қилишдан иборат:

Компьютернинг ўқитувчилик вазифасини бажариши қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- ўкув ахборотининг манбаи (ўқитувчини ёки дарсликни қисман, баъзан тўла ўрнини босувчи сифатида);
- кўрсатмали қўлланмалар (мультимедиа-телекоммуникация имконияти бўлган янги сифат даражасида);
- индивидуал ахборот фазосининг яратилганлиги;
- машқ қилдиргич;
- ўқувчи билими, кўнким ва малакаси ташхиси ва назорати муҳити.

Ишчи курол сифатида компьютер қуйидаги вазифаларни бажаради:

- матнларни тайёрлаш ва сақлаш муҳити;
- матнлар муҳаррири;
- графиклар қурувчи ва уларнинг муҳаррири;
- кенг имкониятли ҳисоблаш машинаси (олинган натижаларни турли кўринишда ифода этувчи);

- моделлаштириш воситаси.

Компьютернинг таълим обьекти сифатидаги воситачилик вазифаси:

- дастурлаштириш (вазифали жараёнлар бўйича компьютер ёрдамида ўқитиш);
- дастурий маҳсулотларни яратиш;
- турли ахборот мухитидан фойдаланиш.

Компьютер ва интернет ёрдамида кенг аудитория билан боғланиш ва унинг натижаси сифатида ўзаро мулоқотлашувчи жамоа мухити яратилади.

Компьютер технологиялари асосида ўқитувчи ўзининг касбий маҳоратини ошириш учун мустақил фаолиятида қуийдаги вазифаларни бажариши лозим:

1. Ўқув жараёнини бир бутун гурух ва бир бутун фан (ўқув жараёнининг графиги, ташки ташхис, жорий, оралиқ ва якуний назорат ва бошқалар) сифатида ташкил этиш.

2. Ўқув жараёнида гурухни фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш, иш жойларини тақсимлаш, кўрсатмалар, гурух ичидаги бошқалирни башкарунга ўқитиши.

3. Ўқувчиларни индивидуал кузатиш, индивидуал ёрдам кўрсатиш, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал мулоқот олиб бориши. Компьютер ёрдамида эшлиши ва кўриш имкониятлари, индивидуал ўқитишининг энг самарали шаклларига эришилади.

4. Ахборот мухитини ташкил этувчилари (шахсий компьютер, ўқув ва намойиш курилмаларининг ҳар хил турлари, дастурий воситалар ва тизимлар, ўқув-методик кўрсатма, кўлланмалар ва бошқалар) маълум ўқув курсининг мазмуни билан аниқланган боғлиқлик асосида тайёрланади.

Мустақил таълимни таъминлашда ўқитувчи компьютер технологияси (компьютер саводхонлиги) мазмунининг қуийдаги тузилмалари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак:

- информатика ва хисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини билиши;
- компьютер техникасининг функционал имкониятларини билиши;
- замонавий операцион тизимларни билиш ва уларнинг вазифаларини ўзлаштириши;
- замонавий дастурний воситалар ва операцион тизимларни (Norton Commander, Windows, уларнинг версияларини) билиш ва уларнинг вазифаларини ўзлаштириши;
- камидаги битта матн мухаррири билан таниш бўлиши;
- алгоритмлар, тиллар ва дастурлаштириш ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўлиши;
- амалий дастурлардан фойдаланиш тўғрисида дастлабки тажрибага эга бўлиши.

Таълимни жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади, бунда:

- ўқитувчилар, илмий ходимлар жаҳоннинг салмоқли илмий, методик адабиётларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;
- узоқ худудларда жойлашган етакчи таълим муассасаларининг илмий лабораториялари билан танишадилар;
- турли мавзуларда видеоконференциялар ташкил қилиш ва амалга оширишга эришилади;
- ўқитувчиларнинг ўзаро семинар ва тренинглари ўтказилади;
- масофавий таълим, ахборотлар алмашиниш ва шунга ўхшаш жуда кўп имкониятларга эга бўладилар.

Замонавий ахборот технологияларини таълим муассасалари тизимида татбиқ этиш ўқув жараёнида замонавий ўқитиши методларини қўллашга ҳамда ўқитувчи педагогик маҳоратини намойиш этишга кенг имкониятлар очади.

#### **14.3. Ўқитувчининг компьютер технологиялари асосида ўқувчилар билимини назорат қилиши**

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш учун аввало, замонавий таълим тизимида ўқитишининг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга,

таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ўқувчиларнинг якунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга ҳақиқатан мослигини назорат қилиш мумкин.

Бунда педагогик ташхис, ўқувчиларнинг билим, кўнкма ва малакаларини шакллантириш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Методик адабиётларда ўқувчилар ўзлаштиришларининг ташхиси, улар томонидан эришилган ютуқларнинг даражаси сифатида қайд этиш эканлигига эътиборни қаратсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришининг таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади.

Маълумки, таълим жараёнини бундай баҳолаш, факат ўқувчининг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан ўқувчи шахсига кучли таъсир этади. Шу хилда ўқувчини объектив баҳолаш асосида унда адекват равища ўз-ўзини баҳолаш имконияти туғилади ва ўз муваффақиятларига танқидий муносабатнинг шаклланиши қайд этилади. Шу нуқтаи назардан ўқувчи билим, кўнкма ва малакаларини баҳолаш, айникса, билимларини назорат қилишнинг компьютерлаштирилган тизими, замонавий ахборот-педагогик тизимларида, уларда билимни назорат қилишни ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлигини самарали бажариш мақсадида тинмай изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб бориш тақозо қилинади. Мазкур масаланинг ечими ўқитишнинг мақсадга мувофиқ ва ҳаққоний бўлишида, иложи борича аниқ ва асосланган усул сифатида қайд қилинган.

Компьютер технологиялари асосидаги ўқувчилар билимини назорат қилиш факат мутахассис-ўқитувчилар томонидан эмас, балки педагогик жараён иштирокчилари томонидан ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай технологияларни мониторинг тизимида жорий қилишда педагогик жараён иштирокчиларининг ахборотга, билимга бўлган эҳтиёж ва иштиёқларини фаоллаштиришга эришиш зарур.

Ўқувчилар билими, кўнкма ва малакаларини назорат қилиш компьютер тизимининг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларни аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш, шу асосда ўқувчиларга самарали ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, кўнкма ва малакаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқ. Иккинчи томондан, компьютер назоратининг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро, шунингдек, ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни амалга ошириш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан эса, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

Ўқувчилар билимини компьютер технологиялари орқали ўқитувчи томонидан назорат қилишнинг қуйидаги воситалари мавжуд:

- назорат функцияси;
- ўқитиш;
- ташхис;
- баҳорат;
- ривожлантирувчи;
- йўналтирувчи;
- тарбия қилиш.

Булар ичida энг муҳими – **назорат функцияси** бўлиб, ўқувчилар эришган билим, кўнкма ва малакаларнинг даражасини, уларнинг билиш фаолияти бўйича ёндашувларини, билимларни ўзлаштирганлик кўрсаткичларига кўра уларнинг ақлий фаолиятлари ривожланиш даражасини аниқлаштириш имкониятини беради.

Унинг иккинчи муҳим вазифаси **ўқитиши** бўлиб, у ўқувчи эришган билимлар, кўникма ва малакаларни такомиллаштиради, унинг тизимлилигини назорат қилишни таъминлайди. Бундай назорат жараёнида ўқувчилар ўрганилаётган материални қайтариш ва мустаҳкамлаш билан шуғулланадилар. Билимларни компьютер технологиялари асосида текшириш, ўрганилаётган материалдан асосийини ажратиб олиш, шунингдек, эришилаётган билим, кўникма ва малакаларнинг мазмунини аниқлаш имкониятини беради.

Назоратнинг учинчи – **ташхис қилиши** вазифаси, ўқувчиларнинг ўзлаштираётган билим, кўникма ва малакаларида камчиликлар, етишмовчиликлар, хатолар ҳақида, хатоларнинг сони ҳамда характеристики ҳақида маълумот олишга ёрдам беради. Ўқитиши жараёнида ташхис қилиш орқали назорат маълум даражада таълимнинг самарали методикасини танлашга ёрдам бериши билан муҳим саналади.

Компьютер технологиялари асосида ўқитувчи ўқувчилар билимини назорат қилишда, унинг **башорат этувчи** вазифасидан, яъни, таълим-тарбиявий жараён ҳақида, унинг келажаги, олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолатлари тўғрисида ахборотларни олади.

У ўқув жараёнининг маълум босқичида ўқув материалининг маълум қисми бўйича мўлжалланган аниқ билим, кўникма ва малакалар етарлича шакллангани, ёхуд шаклланмаганлигини башорат қилиш асосида назорат олиб бориш имкониятини беради. Маълум илмий башорат бўйича эришилган натижалар ўқувчиларнинг келажакдаги фаолиятлари моделини яратиш учун кўлланилади. Бундай башорат ўқитувчининг келажакда ўқитиши режалаштириш ва амалга ошириш учун аниқ хуносалар олишига ёрдам беради.

Билимларни назорат қилишнинг **ривожлантирувчи** вазифаси, ўқувчиларнинг билишга бўлган фаолликларини, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда намоён бўлади. Компьютер технологиялари асосида амалга оширилувчи назорат жараёнида ўқувчиларда нутқ, хотира, дикқат, тасаввур, ирода ва фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши яққол сезилади. Назорат қилишнинг ривожлантирувчи вазифаси, шахснинг қобилияти, мойиллиги, қизиқишилари ва эҳтиёжлари каби хусусиятларининг шаклланишига таъсир қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ўқувчилар эришаётган билимларни назорат қилишда унинг **йўналтирувчи вазифаси** ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчи унинг моҳиятини, алоҳида ўқувчи ёки бутун гурух томонидан ўқитишининг мақсадига қай даражада эришилганлиги, яъни ўқув материали қандай миқдорда ва қанчалик чуқур ўзлаштирилганлиги билан белгиланади. Бундай назорат туфайли ўқитувчи йўл қўйилган хатоликларни ва камчиликларни ўрганиб, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда қандай ёндашувларга ургу бериш лозимлигини англаб олади. Назоратнинг йўналтирувчи вазифаси ўқувчининг турли хусусиятлари бўйича ўз ўзини яхши билишга, ўзи эришган билимлари, қобилияти ва имкониятларини англаш ва одилона баҳолашига катта ёрдам беради.

Ўқувчиларни назорат қилишнинг яна бир **муҳим вазифаси уларни тарбия қилиш** билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларда ўқишга жавобгарликни, интизомни, саранжомлик ва саришталиктини, ахлоқий хис-туйғуларни тарбиялайди. Уларда меҳнатга лаёқатлиликни, гурур ва иродани ҳамда меҳнатга нисбатан мунтазам кўникмаларни шакллантиради.

Бундай жиҳат ҳаққоний бўлиши учун интернетнинг таълим ресурслари талабгорларининг сўровлари ва талабларига тўла жавоб бера оладиган даражада бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам эксперталар томонидан таълим веб – сайтларнинг сифатларини баҳолаш компьютер ташхисининг ҳаққонийлигига муҳим ўрин тутади.

Таълимда веб-сайтларнинг сифати таълим жараёнининг ахборот фазосининг ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим жиҳатлардан саналади. У мазкур фазода таълим олишнинг сифатига ва мазкур тизимнинг маданиятли ташкил этилганлиги даражасига бевосита таъсир этади.

Ташхис ва мониторингни таълимда жорий этишда мавжуд методологияни қўллаш орқали ахборотли ўқитиши муҳитининг ташхисий вазифасини аниқлаш имконияти туғилади.

Айни пайтда ўқувчилар эришган билимлар, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг кенг тарқалган йўли – тестлар ёрдамида текшириш бўлиб, у компьютернинг ундан фойдаланувчи билан ўтказадиган мулоқотига асосланган. Мазкур тизим “Ўқитувчининг техник қайта қуролланиши, унинг механизациялаштирилган меҳнати” ёки

“ўқитувчи машина” деган шиорлар остида ўқитувчининг ўқувчи билан индивидуал ишлаш жараёнини мужассамлаштирувчи сифатида дунёга келган. Баъзан ўкув жараёнидаги сунъий интеллект тизимининг кўлланилиши баҳолаш жараёнининг мураккаблиги, хусусан ўкувчани баҳолаш учун ўқувчига катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаши, баҳоловчи ва баҳоланувчи орасидаги ўзаро таъсир жараёнининг мураккаблиги бу масалани осон ҳал қилиш имкониятини бермади. Хусусан, ўқувчи билим ва малакасини компьютерлаштирилган ҳолда назорат қилиш, талаб қилинадиган билимлар мажмуасининг сифатини аниқлаш муаммосини ҳал қилиш лозимлигини, бусиз эришилган билимларни баҳолаш мезонларини ва уларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш қобилиятларини белгилаш мумкин эмаслиги ойдин бўлди.

Ўқитувчилар томонидан ўқувчилар билими, малака ва қўникмаларини назорат қилишнинг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларни аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш ва шу асосда ўқувчиларнинг фаол ижодий фаолият кўрсатишлари учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, қўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқ. Иккинчи томондан, назоратнинг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни ўрганиш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан эса, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

Ўқувчиларнинг билимларини интеллектуал назорат қилиш ўқитувчидан зийракликни, адолат билан фаолият юритишни талаб қилади. Билимларни интеллектуал баҳолашнинг турли методлари мавжуд бўлиб, булар ичida кенг тарқалган методлар:

- оғзаки йўл билан текшириш;
- ёзма-график усуlda текшириш;
- амалий-лаборатория машғулотларини бажариш орқали текшириш.

**Билимларни оғзаки усул билан текшириш** методи асосан икки қисмдан: биринчиси, текшириш саволлари ва вазифаларини, иккинчиси эса, қўйилган савол ва вазифаларга жавоблар, талаблардан ташкил топади. Бунда савол ва топшириқларнинг мазмунини белгилашда, ўрганилаётган ўқув материали мазмуни билан илгари ўтилган материаллар мазмуни орасидаги боғланишни таҳлил қилиш, ўтилган мавзуни назорат қилишда эса етакчи билимларни ажратиш зарур бўлади.

Савол ва топшириқларнинг сифати ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларининг характеристига боғлиқ бўлганидан, улар ўқувчиларнинг хотирасини фаоллаштириш, фикрлаш (солишириш, умумлаштириш, яхлитлаш ва ҳоказо) ва нутқини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

### **Ёзма – график усуlda текшириш, ўқувчиларнинг**

- назарий билимларини;

- уларни масалалар ва бошқа экспериментал топшириқларни бажаришда қўллай олиш қўникмаси ва малакасини;

- уларда бу масалалар бўйича шаклланган қўникмаларни текширишни назарда тутади.

Ёзма – график ишларни бажариш методикаси куйидаги тўрт этапда бажарилади:

- назоратни ўтказишга тайёргарлик;
- уни ташкил этиш;
- ўтказиш;
- натижаларни таҳлил қилиш.

Назоратни ташкил этишда, назорат этапларининг мақсадларини белгилаш, назорат объектларининг мазмунини танлаш, текшириш вазифаларини тузиш лозим бўлади.

**Амалий - лаборатория машғулотларини бажариш орқали текшириш.** Ушбу усул ёрдамида, ўқувчиларнинг эришган назарий билимлари асосида амалий масалаларни ечиш, турли жадваллардан, формуулалардан, чизмалар ва ўлчаш асбобларидан унумли фойдаланиш қўникмаси ва малакалари текширилади.

Амалда масалалар ечишда ўкувчидан масалаларни ечишнинг алгоритмини тузиш талаб этилади, чунки бундай текширишда ўкувчи фаолиятининг мантиқий кетма-кетлиги тўғри ёки нотўғри эканлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, ўқитувчи томонидан текширишнинг турли методлари қай даражада муваффакиятли эканлиги танланганлиги, ўкувчилар билимларини одилона баҳолашда мухим кўрсатгичлардан саналади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик жараёнларни қуидагича самарали ташкил этиш мумкин:

- ўқитувчилар ўртасида меҳнат тақсимотини тўғри ташкил этиш;
- масофавий ўкув курслари ва электрон адабиётларнинг яратувчиси бўлган жамоага ўқитувчилар, компютер дастурчилари ва мутахассисларининг бирлашуви;
- педагогик жараённинг ташкил қилинишини такомиллаштириш ва ўқитувчи фаолияти самарадорлигининг мониторингини олиб бориш.

*Янги замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитувчининг педагогик фаолияти:*

- таълимда технологик асосларнинг тез ривожланиши билан боғлиқ бўлган янги курсларни яратиш;
- ўкув курсларини яратиш асосида ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талабларнинг ва ўкув материаллари сифатини назорат қилишга оид эҳтиёжларнинг қондирилиши;
- ўкув жараёнида ўкувчи фаолиятининг устувор мавқе тутишини, ўкув жараёни салмоғининг ўқитувчидан ўкувчига кўчишини таъминлаш;
- янги коммуникацион технологиялардан фойдаланиш асосида, ўқитувчининг ҳар бир ўкувчи билан тескари алоқасининг вужудга келишини амалга ошириш.

#### **14.4. Ўқитувчида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш малакаларини шакллантириш**

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири, бу таълим жараёнларига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш бўлиб, республикамиз Президенти И.А. Каримов бу масалада “...буғун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган интернет тизимини кенг жорий этиши, ёшлиаримизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадрияларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиласидиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириши, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиши масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим”лигини таъкидлайди.

Бундай вазифаларни бажариш «Кадрлар тайёрлаш миллий модели»ни амалга оширишнинг босқичларида белгилаб берилиган, унинг келажакдаги истиқболи Президентимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга татбиқ этиш ўкув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир каторда таълим соҳасига ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боис, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “ўкув-тарбиявий жараённи илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш“ зарурияти эътироф этилди, унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Нима учун бугунги кунда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди? Биринчидан, ўқитувчини ўкув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқитиши жараёнида фойдаланиши учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек, ўкувчиларни касбий фаолиятга мукаммал тайёрлаш талаблари таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири –ахборот ва телекоммуникация технологиялари билан таълим жараёнини тизимли интеграциялаш ва уни бошқариш ҳисобланади. Ислоҳотлар жараёнида бош вазифа қилиб ўқув жараёнини ташкил этиш, унинг мазмунини тубдан янгилаш, компьютерлашган муҳитда ўқитувчининг педагогик фаолияти ва ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини ташкил этиш билан белгиланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кадрлар тайёрлаш тизимини мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида таълим тизимининг яхлит ахборот маконини яратиш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унда таълимнинг замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида ривожланиб бориши белгиланган.

Замонавий ахборот технологияларининг таълимни интенсивлаштириш ва оптималлаштириш имкониятлари масофавий малака оширишни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчи кадрлари малакасини оширишдан мақсад ўқитувчиларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик маҳоратларини шакллантиришдир.

Бугунги кунда педагогик таълим самарадорлигини ошириш билан бевосита алоқадор бўлган бир қатор, ҳозиргача ечими топилмаган муаммолар мавжуд. Бу муаммолар таълим соҳасини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари соҳасида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш малакасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ.

Бу муаммоларнинг муҳим қирраларидан бири сифатида ўқитувчиларнинг ўзларида таълимни замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашга бўлган муносабатларини кўрсатиш мумкин. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг педагогик маҳорати янада ошади.

Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларни жорий этилиши, ўқитувчини техник воситалар томонидан сиқиб чиқишига эмас, балки унинг вазифалари, ролини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятини янада серқирра касбга айлантиради.

Компьютер ва замонавий ахборот технологияларининг жадал суръатда ривожланиши эндилиқда ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик маҳорати нақадар серқирра эканлигини намоён этмоқда. Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчидан:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларининг яратувчиси;
- фасилитейтор – ўқитиши методлари бўйича маслаҳатчи;
- тьютор – ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис;
- инвигилатор – таълим натижаларини назорат қилиш усуслари бўйича мутахассис бўлишни талаб этмоқда.

Замонавий технологиялар, масофавий олий педагогик таълимни янгича ташкил қилинишига замин яратади. Бундай таълимда ўқитувчилар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида ўқитувчиларнинг янгича малака ошириш курсларини ташкил этиш талаб қилинади. Масофавий ўқитиши курсларини яратишда дастлаб:

- курсларнинг мақсади;
- мақсадга эришиш ўйллари;
- ўқув материалларини тақдим этиш усуслари;
- ўқитиши методлари;
- ўқув топшириқларининг турлари;
- муҳокамалар учун саволлар;
- мунозара ва баҳсларни ташкил этиш ўйллари;
- ўзаро алоқа усуслари ва коммуникация сингари омилларни аниқлаш лозим.

Ўқитувчи кадрлар педагогик маҳоратларини ошириш мақсадида масофавий малака оширишлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тингловчиларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдалана олиш билим, кўникма ва малакаларини

шакллантиришга қаратилған «Таълимда ахборот технологиялари» курси У.Ш.Бегимқұлов томонидан тақлиф этилди, у мазмун ва меңгер жиҳатидан ишлаб чиқылған бўлиб, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ҳозирги замон талаблари асосида.

Шунингдек, курснинг мақсади – ўқитувчиларда замонавий ахборот технологиялари, касбий фаолият ва ахборот жамияти учун зарур бўлган техник воситалар ва дастурий таъминот борасидаги билим, кўнишка ва малакалари шакллантирилади, замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнида, шунингдек, касбий фаолиятларида ҳар қандай муаммоларни ечишда қўллашни ўрганадилар. Дастрлаб ўқитувчилар бошланғич тайёргарлик даражасида қўйидаги талабларни ўзлаштирадилар:

- матн муҳаррирининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши;
- матнни таҳрирлаш ва форматлаш учун матн муҳарририни қўллай олиши;
- график ахборотларни тақдим этишнинг растр ва вектор усулларини ўринли қўллай олиши;
- график муҳаррирнинг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши;
- тасвирни яратиш ва таҳрирлаш учун график муҳаррирни қўллай олиши;
- электрон жадвалларнинг имконият ва вазифаларини тушунган ҳолда ишлата олиши;
- диаграммалар яратишни билиши;
- электрон жадвалларни масалалар ечишда қўллаши;
- маълумотлар базасининг имконияти ва вазифаларини тавсифлаши;
- маълумотлар базасининг турларини тавсифлаши;
- маълумотлар базасининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши;
- оддий маълумотлар базасини яратса олиши;
- ёзувларни саралаш ва қидиришни амалга ошириши.

Курснинг модул тузилишини қўйидагилардан иборат этиб белгилаш мумкин:

1-модул. Таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари.

2-модул. Педагогик дастурий воситалар.

3-модул. Электрон ўқув материалларини яратиш технологиялари.

4-модул. Ўқитишининг замонавий техник воситалари.

Бунда ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини қўйидаги модуллар мазмунини ўзлаштирган ҳолда бойитиб борадилар:

**1. Таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари.** Ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари, уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари, шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалар, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини яратиш, уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари, ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва фойдаланишдаги педагогик-эрғономик талаблар ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва таълим муассасаси ташкилий-бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон-ўқув материаллари базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий Интернет ресурслар ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш, электрон ўқув-методик материаллар мажмусаси, унинг тузилмаси ва таркиби, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларидан таълимий мақсадларда самарали ва қулаг фойдаланишнинг педагогик-эрғономик шарт шароитлари, информатика ва ахборот технологиялари хонасига кўйиладиган талаблар ва унда таълим жараёнини ташкил этишнинг методик жиҳатлари, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.

**2. Педагогик дастурий воситалар.** Асосий тушунчалар: педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий

воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари. Педагогик-дастурый воситалар яратиш тамойиллари: талабаларнинг психофизиологик хусусиятларини ва компьютернинг техник имкониятларини ҳисобга олиш, ўқитиш стратегия-сининг устуворлиги; педагогик, психологик ва функционал тўлалик, мотивацияли фаоллаштиришнинг таъминланганлиги, кўллашдаги универсаллик ва модул тузилишга эгалик. Педагогик-дастурый воситалар сценариясини яратиш технологияси: фойдаланиш мақсадини аниқлаш, ўқув материалларини таҳлил қилиш ва танлаш, уни структуралаш ва формаллаштириш, педагогик сценарийни тақдим этиш. Педагогик-дастурый воситалар асосида ўқув фаолиятини бошқариш. Дастурлаш тилларида педагогик-дастурый воситалар яратиш технологияси. Автоматлашган ўргатувчи тизимлар. Ўқитиш учун ахборот ресурсларининг интеграцияси: дидактик воситаларнинг уйғунлиги, анъанавий ва педагогик-дастурый воситалардан комплекс фойдаланиш. Педагогик-дастурый воситаларни яратишнинг техник воситалари. “Лектор” тизими ва ундан педагогик-дастурый воситаларни яратишда фойдаланиш. Педагогик-дастурый воситалар бўйича практикум.

**3. Электрон ўқув материалларини яратиш технологиялари.** Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари: электрон дарслик, электрон ўқув кўлланмаси, электрон маълумотнома, электрон мажмуа, электрон каталог ва бошқалар. Электрон ўқув материалларини яратиш босқичлари ва технологияси; электрон ўқув материалларини яратиш принциплари; HTML ва JavaScript асосида электрон ўқув материалларини яратиш. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш (Delphi, Visual Basic, C++ ва бошқалар). PowerPoint ва FrontPage муҳитида иловалар яратиш. Hypermethod муҳитида мультимедиали иловалар ва электрон ўқув материалларини яратиш. Ўқув материалларига овоз бериш технологияси ва унинг воситалари.

**4. Ўқитишнинг замонавий техник воситалари.** Аудиовизуал ахборот: манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Аудиовизуал маданият: тарихи, концепциялари, тузилмаси, фаолият кўрсатиши. Инсон томонидан аудиовизуал ахборотни кабул килишнинг психофизиологик асослари. Аудиовизуал технологиялар: расм ва расмга олиш, оптик проекция (статик ва динамик) ва унинг воситалари, товуш ёзиш (аналогли ва рақамли) ва унинг воситалари, телевидение ва видеоёзув (аналогли ва рақамли) ва унинг воситалари, компьютерлар ва мультимедиали воситалар. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар, уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерактив технологиялари.

Мазкур курс яқунида ўқитувчилар замонавий ахборот технологияларини таълим ва тарбия жараёнида қўллай олиш бўйича педагогик маҳоратларини оширадилар, билим, кўнинма ва малакаларга эга бўладилар. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва намойиш қилиш тамойилларини билиши;
- таълимда қўллаш мумкин бўлган техник воситалар ва уларнинг тавсифларини билиши;
- таълим жараёни ва илмий изланишларда Интернетдан фойдаланиши;
- таълим жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш методологиясини билиши;
- дастурый таъминотнинг асосий турларини билиш ва улардан фойдаланиши;
- фан соҳасида илмий изланишларнинг дастурый таъминотидан фойдаланиши;
- таълим жараёнида амалий масалаларни ечишда ахборот тармоқларини қўллаши;
- масофавий таълим электрон ўқув-методик ресурсларидан фойдаланиши;
- мультимедиали хужжат ва лойиҳаларни яратишни билиши;
- интерактив интерфейснинг асосий хоссалари ва вазифаларини тавсифлаши;
- турли даражадаги компьютер тармоқларининг имконият ва вазифаларини тавсифлаши;
- компьютер тармоқлари орқали олинадиган ахборот хизматлари турларини тавсифлаши;

- электрон почта ишининг асосий тамойилларини тушуниши;
- гиперматн технологияси асосини тушуниши;
- Интернетнинг асосий технологик тамойилларини тушуниши;
- HTML асосларини билиши;
- Web-саҳифа ва Web-сайтлар яратади олиши;
- фанларни ўқитища янги ахборот технологияларидан фойдаланиши;
- педагогик дастурий воситалардан фойдалана олиши;
- замонавий дастурлаш тиллари ҳақида тушунчаларга эга бўлиши;
- фанларни ўқитища замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг мақсади, мазмуни ва вазифаларини билиши;
- ахборот технологияларини ўқитища жорий этишнинг дидактик тамойилларини билиши;
- ахборот технологияларидан дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиши ва унинг мазмунини яратади олиши;
- ахборот технологияларидан мустақил таълимни ташкил этишда фойдаланиши;
- илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва улардан дарс жараёнида фойдаланиши;
- ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш, назорат қилиш кўникмасига эга бўлиши;
  - ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш соҳаларини билиши;
  - ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари ва уларнинг дидактик имкониятларидан фойдалана олиши;
  - Интернет таълими ресурслари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
  - ахборот ва коммуникация технологиялари тузилмаси ва таъминотини, техник ва дастурий воситаларини эгаллаши;
  - педагогик дастурий воситаларни ва уларни яратиш тамойилларини билиши;
  - педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини ўзлаштириши;
  - педагогик дастурий воситаларни танлай олиши;
  - педагогик дастурий воситалардан ўқув жараёнида самарали фойдалана олиши.

Ўқитувчилар масофавий ўқитиши курсларини яратища таълим олувчилар мотивацияси, ўқув мақсадларининг қўйилиши, ўқув материалларини қабул қилишга шароитлар яратиш, ўқув материалларини етказиш, тескари алоқа, баҳолаш каби талабларни инобатга олишлари зарур.

Таклиф этилаётган «Таълимда ахборот технологиялари» курсини малака ошириш тизимида жорий этилиши ўқитувчи кадрларнинг инновацион билимларни эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни ҳамда ўқувчиларда омилкорликни шакллантириш мақсадида интернет – ресурслардан кенг фойдаланишни кўзда тутади, бу эса ўз навбатида ўқитувчи касбий маданиятининг бир қисми ва умумтаълим мактабларида таълим муҳитини тегишли ўзгариши сифатида ўқитувчиларнинг юқори савиядаги ахборот маданиятига эга бўлишини кўзда тутади.

#### **14.5. Ўқитувчининг “ахборот маданияти” тушунчасини ўзлаштириши**

Ўқитувчининг “ахборот маданияти” педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаб боришнинг муҳим бир йўналиши сифатида тан олинмоқда. Ўқитувчининг “ахборот маданияти” қуидаги мезонлар асосида шаклланиб боради:

- ўз касбий фаолиятига тегишли ахборотларни олиш, уни қайта ишлаш ва фойдаланиш методлари ва усувларини ўзлаштириши;

– атроф оламдаги ахборот жараёнлари ҳақида билимлар ва тасаввурларни акс эттирувчи ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштирувчи сифатлар йиғиндиси, ахборот воситаларига эга бўлиш, ахборот маданияти билан боғлиқ ахлоқий – этик ва касбий маҳорат меъёрлари тизимини ўзлаштириш, шунингдек компьютер саводхонлигига эга бўлиши;

– компьютер саводхонлиги ва ахборотни излаш малакаси, ахборотдан фойдаланиш ҳамда баҳолаш, компьютер коммуникацияси технологияларига эга бўлиш, педагогик фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот технологиялари имкониятларини эгаллаш ва фойдаланишдан иборат ахборот омилкорлиги.

Замонавий ахборот ресурслари ўқитувчига ўзининг касбий маҳоратини оширишга ёрдам беради. Бундай шароитда ўқитувчи:

- Таълим берувчи сифатида – машғулотлар ўтказади, дарс жараёнини ўқув-методик жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этилишини таъминлади;

- Маслаҳатчи сифатида – билиш жараёнини бошқаради, гурух бўлиб маслаҳат ва коммуникатив машғулотларни олиб боради, ўрганилаётган мавзунинг ҳар хил масалалари бўйича ўқувчиларга якка тартибда маслаҳатлар беради;

- Менеджер сифатида – машғулотлар ўтказилишини бошқаради, тўла қонли мақсадга эришилишини назорат қиласи (тестлар, имтиҳонлар ва шу кабилар).

Хозирги пайтда ўқитувчининг ахборот маданиятини шакллантиришнинг фақатгина биринчи, бошланғич босқичи – замонавий компьютер саводхонлигини шакллантириш босқичи кузатилади. Умумтаълим мактабларини ахборот-компьютер воситалари билан таъминлаш ўқитувчининг компьютер саводхонлигини шакллантириш учун шароит яратади. Билиш жараёнини ташкил қилишнинг ўзгартирилиши, компьютерда ахборот маҳсулотларини, ўқув дастурларини яратиш малакаларини шакллантириш – ўқитувчининг ахборот омилкорлигини ривожлантириш йўлидаги кейинги қадам ҳисобланади.

Ўқитувчининг ахборот маданияти **ахборот моделини** қуриш малакасини назарда тутади.

Моделлаштиришни реал оламдаги ходисалар, жараёнлар ва обьектларни тадқиқ қилишнинг универсал усули сифатида қараб, ахборот моделини қуриш методига эга бўлган ўқитувчи ўқувчини тадқиқот ишларига жалб этади, унинг моделлаштириладиган ҳолатларда фаол иштирок этиши учун шароит яратади.

Ўқитувчининг ахборотларни моделлаштириш методларига эга эканлигини кўрсатувчи яна бошқа вариантлардан бири – бу дарсда мультимедиали презентацияларни яратади олиши ва улардан фойдалана билишидир. Улар ўқув материалини алгоритмик тартибда мукаммал маълумотлар билан тўлдириб, ёрқин таянч образлар тизими сифатида ифодалаш имкониятини беради.

Шу ўринда Microsoft Offisedan фойдаланиш ўқитувчиларга ўзининг мультимедиа маърузаларини яратиш, топшириқлар, тестлар ва бошқа турли хил материалларни яратиш имкониятини беришни таъкидлаб ўтамиз. Компьютерда маъзуза ўқиш ўқитувчи учун янги иш қуролига айланмоқда: намойиш қилиш воситалари (слайдлар, видеороликлар, анимациялар) ўқувчиларда образли тасаввурларни ва улар асосида тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқув-методик қўлланмада мавжуд бўлган ўқув-намойиш материаллари коллекциясидан фойдаланиб, ўқитувчи турли хил ахборот ресурсларидан фаол материал излашни бошлайди, бу жараёнга ўқувчиларни ҳам жалб этади. Бундай ҳамкорликдаги фаолият ўқувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантирибгина қолмай, балки ўқувчи ва ўқитувчини ягона лойиха устида ишловчи маслакдошлар сифатида бирлаштиради.

Замонавий ўқитишини Интернет ресурсларидан фойдаланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интернет тармоғи таълим хизматларининг жуда катта потенциалига эга. Электрон почта, излаш тизимлари, электрон конференциялар, электрон олимпиадалар ва викториналар замонавий таълимнинг таркибий қисмига айланмоқда. Ушбу таълим хизматларидан, ҳам дарсда, ҳам дарсдан ташқари фаолиятда фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратади. Интернет таълим ресурсларидан фойдаланиш ўқитувчини таълим жараёнининг менеджерига айланишга унрайди.

Педагогик маҳорат таркибий тузилишида ахборот маданиятининг имкониятларини ошириш, қуидаги омиллар билан аниқланади:

- ахборот хажмининг кескин ортиши;
- замонавий фан интеграцияси ва дифференциацияси туфайли юзага келган ахборот тарқалишининг мукаррарлиги;
- илмий ва ижтимоий парадигмалар алмашинуви туфайли билимларнинг жуда тез эскириши.

Ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисми эканлиги шубҳасиздир.

Компьютерда ишлашнинг оддий кўникмалари ўқитувчининг касбий ахборот фаолиятини такомиллаштиришдаги биринчи қадамдир.

Ўқитувчининг ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш таълим муассасаси маъмурияти, хусусан, директорнинг ахборотлаштириш ишлари бўйича муовини, муниципиал методик хизматлар, малака ошириш институтлари зиммасига юклатилади.

Таълим муассасаси даражасидаги фаолиятлар **таълим муассасасини ахборотлаштириш дастури асосида** қуилган бўлиши керак.

Ахборот технологияларини фаол татбиқ қилиш орқали таълим сифатини ошириш бундай дастурнинг мақсади ҳисобланади.

Куидаги масалаларни ҳал қилиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин:

- методик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мактабнинг ягона ахборот муҳитини яратиш, ўқитувчилар эҳтиёжларини бажариш ва илмий–методик ҳужжатларда ахборот оқимини аниқ бошқариш;
- узлуксиз касбий таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ўқув жараёнини фаоллаштириш;
- ўқитувчиларда ва ўқувчиларда ахборот маданиятини шакллантириш учун шароит яратиш.

Бундай дастурни амалга ошириш ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш, бутун жамоа ва ҳар бир иштирокчининг ўқув жарёнидаги фаолияти натижаларини таҳлил қилиш, ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Дастурга ахборот технологияларини ўзлаштириш ва татбиқ этишнинг барча босқичларида ўқитувчиларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашга қаратилган фаолиятини ташкил қилишда, қуидаги таълим интернет–ресурсларидан фойдаланиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси педагогик таълим муассасаларининг ягона ахборот макони – [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) портали бўлиб, ҳозирги кунда [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) портали қуидаги ахборот-таълим ресурсларидан ташкил топган:

- ягона электрон таълимий ва илмий ресурслар;
- ягона битиравчилар базаси ва кадрларга электрон буюртма бериш тизими;
- масофавий таълим ресурслари;
- масофавий малака ошириш курслари;
- тарбияга оид электрон ресурслар;
- электрон ўқув-методик мажмуналар;
- педагогика бўйича Ихтисослашган ҳимоя кенгашлари фаолияти очиқ электрон тизими;
- ёш ўқитувчиларни методик қўллаш электрон тизими;
- электрон конференция-форум;
- республикада педагогик таълимнинг электрон тарғибот тизими расмий сайти.

Маълумки, ахборот эскириши, айниқса, шиддат билан эскириш хусусиятига эга, демак, ўқитувчи узлуксиз таълим олиши, ижод қилиши (мустакил ва маҳсус ташкил этилган) зарур.

Таълимни модернизациялаш шароитида узлуксиз педагогик таълим тизимида ўқитувчи кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда.

Ўқитувчи замонавий ахборот технологиялари асосида ўз–ўзини такомиллаштиришида масофавий курслар бебаҳо ёрдам кўрсатади. Интернет орқали тайёргарлик мавзусини

танлаш, вақтни тежаш, ўқитиши самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Ўзини, ўз тажрибасини очиб бериш қобилияти ўқитувчи ахборот маданиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Баъзан ўқитувчилар маъмуриятнинг ишчи дастурларни, иш юзасидан ҳисботларини, иш юритишнинг замонавий талабларидан келиб чиқиб компьютерда расмийлаштиришни талаб қилишини түғри қабул қилмайдилар. Бирок, ҳужжатларни ҳам техник, ҳам дастурий замонавий воситалардан фойдаланиб тайёрлашнинг кўнкма ва малакалари аниқроғи, истаги ўқитувчига инновацияларга тайёр туродиган маҳоратли ўқитувчи сифатида тавсифнома беради.

Ўқув фаолиятини диагностика ва мониторинг қилиш ишларида компьютердан фойдаланиш шунингдек, ўқитувчининг ахборот коммуникацион технологияларни билиш савиёсини тавсифлайди. Компьютердан фойдаланишда ҳам ўқувчиларнинг, ҳам ўқитувчининг соғлигини сақлаш меъёрларига риоя қилиш ўқитувчи ахборот маданиятининг ажралмас қисмидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, янги ахборот технологияларининг татбиқ қилиниши ўқитишнинг анъянавий технологияларини бекор қилмайди.

Компьютер воситалари ва ахборот технологиялари дидактик жараёнга катта таъсир кўрсатади, унинг фаоллигини оширади, бироқ шу билан бирга ўқув жараёнида ахборот–компьютер воситаларидан фойдаланишда педагогик мақсадга мувофиқлик принципига амал қилиш талаб этилади.

## 15 - БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ РЕФЛЕКСИЯНИНГ ҮРНИ

### 15.1. Касбий рефлексия ва педагогик фаолият

Давлат ва жамият ҳаётини модернизациялаш жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи, Ўзбекистоннинг бугунги ва истиқболдаги изчил тараққиётининг бош омили бўлган инсон маънавияти ва салоҳиятини юксалтиришда ўқитувчиларнинг тажрибаси ва маҳоратини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи бугунги кунда ўзи таълим ва тарбия берәётган шогирдларининг камолоти билан мамлакатимиз келажагига пойдевор қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўқитувчи меҳнатини юксак баҳолаб шундай дейди: “*Ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зод – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижсаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз. Биз юртимиизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишида биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суннамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшлиарнинг маънавий дунёсини шакллантиришида уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини яхши тасаввур қиласиз*”. Демак, бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илгор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган ижодкор шахсга, ёшлиарнинг юрагига чуқур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда ўқитувчининг педагогик маҳоратини янада ошириш муаммоси давр талабидир. Педагогик маҳорат қирраларининг турли жараёнларини кўриб чиқар экан, олимлар ўқитувчининг педагогик фаолиятида фикрлаш ҳамда аналитик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Бу қобилиятлар асосини эса, ўқитувчининг касбий рефлексияси ташкил этади.

Рефлексия (лот. «reflexio» - орқага қайтиш) – «ҳар томонлама баркамол ривожланган инсоннинг ўз ҳатти – ҳаракатлари ва уларнинг қонуниятларини англашга қаратилган назарий фаолият шаклидир; инсон маънавий дунёсининг ўзига хос яширин хислатларини очиб берадиган ўз–ўзини билишга ва англашга қаратилган фаолиятдир».<sup>8</sup>

Илк бор рефлексия тушунчаси қадимти Юнон фалсафасида юзага келган ва инсоннинг ўз онгода кечеётган мулоҳазалари ҳақида ўзи фикр юритиши жараёни, ўз фикрлари мазмунини таҳлил қилишга эътиборини жалб қилишни англашган (Декарт). Сократ, Платон, Локк ва бошқа Юнон файласуфлари рефлексияни инсоннинг ўз – ўзини билишга, нималарга қодир эканлигини эътироф этишга қаратилган фаолияти эканлигини таъкидлашади. Кант, Гегел, Фихте, Шеллинг каби европа файласуфлари эса рефлексияга инсоннинг билиш қобилиятларини ривожлантириш асоси сифатида қарашганлар. Лейбниц концепциясига мувоғиқ рефлексия инсоннинг апперцепцияга (идрокнинг инсон ўтмишидаги тажрибасига ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги) қодирлик хусусияти сифатида тилга олинади.<sup>9</sup>

Бугунги замонавий фалсафада эса рефлексия назарий ва амалий жиҳатдан фарқланади. Биринчиси, инсон томонидан тушунчаларнинг ривожланиш жараёни, ягона тушунча доирасида бир таърифдан бошқасига ўтиш имкониятини берадиган метод сифатида; иккинчиси эса, индивидуал ҳаракат ёки фикрни тушунча билан нисбатлаш жараёни, бунда нисбатлаш ўлчови устидан назорат таъминланиши<sup>10</sup> керак.

Фалсафий категория сифатида ўрганилаётган рефлексия ҳозирги кунда психология, социология, синергетика, мантиқ, андрологика, эвклистика, кибернетика ва бошқа кўплаб мураккаб фанларнинг тадқиқот обьекти сифатида эътироф этилмоқда. Биз «рефлексия» категориясига педагогика ва психология нуқтаи назаридан таъриф бериб, унинг моҳиятини ўрганишга ва таҳлил қилишга батафсил тўхталамиз.

<sup>8</sup> Қаранг: Философская энциклопедия. – М.: Советская энциклопедия. 1967. – 4-т. 499 б.

<sup>9</sup> Қаранг: Ўша ерда.

<sup>10</sup> Современная философия. Словарь и хрестоматия. – Ростов – дон. Феникс. 1996. – 67 б.

Психологияда рефлексия «субъект томонидан ўзининг ички психик жараёни ва ҳолатларини билиш, назорат қилиш» мазмунида талқин қилинади.<sup>11</sup> Ўқитувчининг педагогик фаолиятида, рефлексиянинг шахсга нисбатан аҳамиятини ўрганишда бу тушунчанинг ижтимоий психологик нуқтаи назардан таърифи мукаммал эканлиги эътироф этилади, унда рефлексия инсоннинг борлиқда бошқа инсонлар томонидан қандай қабул қилиниши ва баҳоланиши сифатида қаралади: рефлексия – «шунчаки субъектнинг ўз–ўзини билиши ёки тушуниши эмас, балки бошқалар томонидан «рефлексияланувчини»<sup>12</sup> қандай билиши» ва унинг шахсий хусусиятларини, эмоционал<sup>13</sup> реакцияларини ва когнитив тасаввурларини ҳам тушунишини ўз ичига олади.<sup>14</sup>

Шахснинг психик ривожланишини бошқариш имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганиб, С.Л.Рубинштейн инсоннинг мавжудлигини ва унинг ижтимоий борлиққа нисбатан муносабатларини рефлексия билан боғлайди:

«Рефлексия – бу инсоннинг узлуксиз хаёт жараёнини гўё бир дақиқага тўхтатиб, узиб қўяди ва инсонни хаёлан унинг сарҳадларидан олиб чиқиб кетади, шу вазиятда инсоннинг ҳар бир ҳаракати хаёт ҳақида фалсафий фикр мулоҳазалари муайян бир характер касб этади».

Инсоннинг ижодий муаммоларни ҳал этишда рўй берадиган фикрлашидаги рефлексияни ўрганиб, олимлар уни фикрловчи субъектнинг ўз – ўзини бошқариш усули (Ю.Н.Кулюткин, С.Ю.Степанов ва бошқалар), танқидий фикрлаш омили (И.Н.Семёнов), назарий жиҳатдан фикрлашнинг юқори кўрсаткичи (А.З.Зак, В.В.Давидов ва бошқалар) сифатида таъриф бериб баҳолайдилар.

И.С.Ладенко рефлексияни интеллектуал тизимларнинг ўз – ўзини ташкил қилишидаги аҳамиятини интеллектуал фаолиятнинг малака ва кўнималарини такомиллаштириш эҳтиёжи ҳамда нутқ, хотира, тасаввурларнинг ички ва ташқи шакллари ҳақида психологик қарашларни ишлаб чиқиш зарурияти билан боғлайди. У «Рефлексия ички тасаввурдан ташқи тасаввурга ва аксинча биридан бошқасига ўтиш, фикрлаш жараёнида ушбу жараёнларнинг интериоризация (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши)си ҳақидаги фикрларни шакллантириш асоси... Рефлексия асосида нафақат психологик билимлар, балки хотира, малака ва кўнималар шакллантирилади ва амалда кўллаш усуллари такомиллаштирилади» деб ҳисоблади.

Хозирги замонавий педагогик илмий тадқиқот ишларида кўплаб олимлар рефлексиянинг И.Н.Семёнов томонидан таклиф қилинган таснифига таянадилар. У рефлексиянинг қуйидаги турларини таклиф этиб шарҳлади:

1. Муаммоларни фикрлаш асосида ижобий ҳал қилишни белгилайдиган интеллектуал рефлексия.
2. Низоли (конфликтлар) педагогик зиддиятлардан жанжалсиз чиқишини фикран изланиш асосида бартараф қилишни таъминлайдиган шахсий рефлексия.
3. Мулоқот жараёнида шерикларининг ўзаро бир-бирларини тушунишни таъминлайдиган коммуникатив рефлексия.
4. Жамоа аъзоларининг биргаликдаги ўзаро мунтазам меҳнат фаолиятларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган кооператив рефлексия.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятида рефлексия жараёнини ўрганиб, кўплаб олимлар унинг коммуникатив ҳамда кооперетив турларини устун қўядилар, айнан ушбу усуллар ўқитувчининг педагогик фаолиятида ва ўқувчилар билан мулоқотида кўпроқ намоён бўлади, деб ҳисобладилар (В.А.Кривошеев, Г.П.Шчедровицкий ва бошқалар). Бироқ, бизнингча, педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари хилма хил бўлганлиги сабабли рефлексиянинг ҳар бир турини алоҳида ўрганиб таҳлил қилиш мумкин эмас, зеро улар маъно жиҳатидан бир – бирлари билан ўзаро боғлиқ.

<sup>11</sup> Краткий психологический словарь. / Ред. – сост. Л.А.Каренко.1998. – 318 б.

<sup>12</sup> Рефлексиялаш – онгни ўз – ўзига қаратиш, ўзининг психик ҳолати ҳақида фикрлаш. Қаранг: Философский словарь. /под ред. И.Т.Фролова. !986. 410 б.

<sup>13</sup> Краткий психологический словарь. / Ред. – сост. Л.А.Каренко.1998. – 318 б.

Н.В.Кузьминанинг фикрича, рефлексиянинг «мазмуни, шеригининг ички дунёсини ўзаро ҳамкорлик асосида субъектив қайта яратишдан иборат бўлган индивидлар бир – бирларини кўзгудаги каби акс эттириши, ўзаро акс эттиришнинг ўзига хос икки томонламалик жараёни, қолаверса, бу ички дунёда, ўз навбатида, биринчи тадқиқотчининг ички дунёси акс этишидир».

У рефлексияни педагогик қобилияtlар нуқтаи назаридан ўрганиб, илк бор ўқитувчининг рефлексив – перцептив қобилияtlарини алоҳида компонент сифатида ажратади. Н.В.Кузьмина педагогик интуициянинг шаклланиши рефлексив педагогик қобилияtlарнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. «Яхши интуиция ўқитувчининг изланган натижаларга эришишида таяниши мумкин бўлган ўқувчининг энг олижаноб, ижобий сифатлари ҳақидаги ахборотларни экстраполяциялаганда (бир ҳодисани кузатиш асосида олинган хулосаларни бошқа вазиятларга татбиқ этиш) намоён бўлади».

Олимнинг ушбу хулосаларига таяниб, фараз қилиш мумкинки, экстраполяция жараёни ўз қасбий заҳираларидан, ўз–ўзини қасбий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш имкониятини беради.

Рефлексив қобилияtlарни ўқитувчи педагогик фаолиятининг зарур таркибий қисми сифатида ҳисоблаган қатор муаллифлар (А.А.Бизяева, В.В.Ветрова, Е.Н.Пехота, И.А.Стеценко, И.Г.Татур, А.В.Христева ва бошқалар) уларни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогика олий таълим муассасаларида ўқиши давридаёқ шакллантириш зарурлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурадилар.

А.В.Христева рефлексив вазиятлар моҳиятига қасбий фаолиятда ижодий тизимлар ҳосил қилувчи компонент сифатида қарайди. У бўлажак ўқитувчининг рефлексив тизими니 шакллантириш ва ривожлантириш педагогик фаолиятда ўз имкониятларининг зарур ижодий қисми деб билади ва рефлексив тизимсиз ўқитувчининг юксак маҳоратли педагог сифатида такомиллашуви мумкин эмас деб таъкидлайди олима.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини ўқитиш жараёнидаёқ рефлексия механизmlарини ўзлаштириши ўқитувчининг қасбий тайёргарлиги учун янги имкониятлар очиши таъкидланади. Ўқитувчининг рефлексив индивидуаллиги моделини яратишни ҳозирги кунда кўплаб олимлар таклиф қилмоқдалар. Маълум педагогик – психологик шароитларда бўлажак ўқитувчининг шахсий қасбий ўз – ўзини ўрганишини талқин қилиши бошланғич назарий асос ва жадвал вазифасини ўтайди. Бўлажак ўқитувчининг профессионал рефлексиясини олий педагогик таълим муассасалари таълим–тарбия жараёнини индивидуализациялаштириш асосида ривожлантириш мумкин.

Коммуникатив ва шахсий рефлексияни ўрганган В.А.Кривошеевнинг таъкидлашича, ўқитувчи ўз фаолиятида педагогик маҳоратни ўзлаштиргани сари ҳамкаслари ва ўқувчилар у ҳақида нима ўйлашларини анча яхши тушуна бошлайди, чукур ўзлаштирилган билим ва педагогик маҳорат туфайли ўқитувчи ўз–ўзини баҳолашга киришади. **Коммуникатив рефлексия шахсий рефлексиянинг мазмунини, тизимини ва айнан бир хиллигини белгилайди, деган хулосага келади муаллиф.**

Баъзан педагогик коммуникацияда рўй берадиган узилишлар, яъни ўқувчилар жамоасидаги фаолиятни «тушунмаслик ҳолатлари» туфайли давом эттира олмаслик, педагогик фаолиятдан рефлексив чиқишига олиб келади, зеро иккинчи ўқитувчи, биринчисининг фаолияти мазмунини англай олмайди ва натижада уларнинг иккаласи ҳам низо сабабларини таҳлил қилишларига тўғри келади. Индивидуал рефлексия, индивидлараро рефлексиянинг алоҳида маҳсус шакли, деб ҳисоблайди баъзи олимлар.

А.А.Бизяева ўқитувчининг қасбий рефлексиясидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганар экан, диққатини ўқитувчи рефлексиясининг бошқа инсон фаолиятини таҳлил қилиш ва англаш, шунингдек ўзини таҳлил қилиш ва ўз – ўзини баҳолаш зарурияти билан боғлиқ бўлган асосий омилларига қаратади. Олиманинг тадқиқотларида аниқланишича, ўқитувчиларнинг интеллектуал рефлексия даражаси уларнинг қасбий рефлексиясига бевосита эмас, балки унинг маҳорат компонентлари орқали билвосита боғлиқ. Бу олимага интеллектуал рефлексияни ўқитувчиларнинг қасбий рефлексияси ривожланиши учун асос сифатида

баҳолаш имкониятларини беради. Бизнингча, булар ўқитувчининг узлуксиз касбий ўсишини таъминлаш учун таянч сифатлар саналади.

Рефлексив қобилият ўқитувчига педагогик билимларни ўзлаштириш ва амалиётда ундан фойдаланиши жараёнида муҳим аҳамиятга эга. «Бу ҳолда, - деб ёзди Ю.Н.Кулюткин, - ўқитувчи ўзининг педагогик маҳоратидан фойдаланиб амалий қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши жараёнларини» рефлексия предметига айлантириши лозим. «Бунинг учун эса ўқитувчидаги бу жараёнларни таҳлил қилишнинг тегишли тафаккур усувлари шаклланган бўлиши керак».

Ривожланган педагогик рефлексиясиз, ўқитувчи доимий таҳлил ва ўз – ўзини таҳлилсиз амалий ва назарий педагогик фаолиятда юзага келадиган муаммоларни ва зиддиятларни чуқур англаши, уларни доимий таҳлил қилишнинг йўлларини тўғри танлаши, олинган натижаларни танқидий баҳолаши ва уларни коррекциялаши мумкин эмас.

Г.М.Коджаспирова педагогик рефлексияни инсоннинг ўз-ўзини англаши деб, бунда «нафақат ўқитувчи ўз ҳатти-ҳаракатларига тўғри баҳо бериши, балки, ўқитувчи билан педагогик мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик қиласиган ўқувчилар жамоаси, педагогик жамоа, таълим-тарбияга масъул шахслар ва ота-оналар уни қандай қабул қилишини тушуна олиш қобилияти ҳамдир» деб таърифлайди. Демак, рефлексия – ўқитувчининг ўз-ўзини англаши ўзининг камчилиги ва заиф томонларини билиб ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши, ўз тарбияланувчиларининг ҳамда ўз – ўзини такомиллаштиришга зарур шарт-шароитлар яратиши учун мавжуд ички имкониятларини кашф этишидир.

## **15.2. Ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантиришда педагогик рефлексиянинг аҳамияти**

Ю.Н.Кулюткина, Я.С.Турбовский, П.В.Худоминский каби тадқиқотчиларнинг фикрича, ўқитувчининг педагогик фаолияти, мазмунан рефлексив хусусиятга эга бўлиб, у барча рефлексив жараёнларни қамраб олади. Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунгача педагогик рефлексия тушунчасининг мукаммал таснифи мавжуд эмас. Эҳтимол мазкур ҳодисани ўрганиш психология, педагогика, педагогик психология, фалсафа каби фанларнинг ўзаро алоқадорлигига амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда ҳал қилинар. Б.З. Вульфов, В.Н.Харькин каби олимлар рефлексияни – инсоннинг ўзини англаши..., касбий рефлексияни эса – ўзини касбий фаолияти давомида англаши, ўқитувчи маҳоратида педагогик рефлексияни – педагогик касбий омилкорликда ўзини англаши деб таърифлайдилар.

Г.М.Коджаспирова ўқитувчининг педагогик фаолияти барча қирралари билан рефлексив ҳодиса бўлса, демак бу педагогик рефлексия, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг касбий фаолиятида рефлексия муҳим рол ўйнайди. Б.З.Вульфовнинг фикрига кўра, *касбий рефлексия* жараёнида ўқитувчи ўзи танлаган педагогик касби талаб қиласиган даражада ўз имкониятларини, у ҳақдаги мавжуд тасаввурларини педагогик тажрибасининг муҳим жиҳатлари билан нисбатлайди, ва «ихтиёрий равишда шахсий педагогик маҳорат занжири»ни ҳосил қиласиди. Унинг фикр мулоҳазаси Л.С.Рубинштейннинг педагогик фаолиятдаги ташки сабабларнинг ички шарт-шароитлар асосида билвосита ҳаракати ҳақидаги машҳур қоидасини тасдиқлайди.

Ўқитувчи педагогик маҳоратнинг асосий хусусиятларидан бири унинг ривожланишида узлуксизликнинг мавжудлигидир. Демак, рефлексив жараёнда ўқитувчининг касбий маҳорати, касбий сифатлари мавжудми ёки йўқми деб қайд этиш керак эмас, балки уларнинг *ривожланишини, бойиб боришини, кучайшини разбатлантириши инобатга олинши* лозим. Таълим жараёни айнан шунга хизмат қилиши керак, қачонки билимлар, кўникма ва малакалар онгли равишда ўз-ўзини такомиллаштиришга ички ундов билан қабул қилинсагина у ишланади.

Ўқитувчининг «ўз-ўзини касбий жиҳатдан ҳар томонлама мукаммал такомиллаштириши», ҳамиша амалга ошадиган фаолият эмас. Шунга қарамай, ўқитувчининг ўзи ҳақидаги деярли ҳар қандай фикр-мулоҳазаси, касбий рефлексиянинг деярли ҳар бир жараёни, касбий фаолиятни қизиқарли қилиш учун муҳим аҳамиятга эга: чин кўнгилдан

бажариладиган оғир меҳнат ҳам касбий фаолиятни осонлаштиради, бу эса рефлексиянинг мазмун моҳияти асосларидан биридир.

Педагог олимлар Г.А.Голицин ва Г.П.Шедровицкийнинг ишларида рефлексияга ўқитувчи педагогик фаолияти ривожланишининг асосий омили ва табиий механизми сифатида катта аҳамият берилган. Г.П.Шедровицкий рефлексияни инсоннинг «ижобий фаолиятлари мажмуаси» нуқтаи назаридан ўрганишни таклиф қилади. У қандайдир педагогик фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлмаса, бу ғоя асосида ушбу фаолият доирасидан ташқарига «рефлексив чиқиши» тизими қурилади, деб ҳисоблайди. Бунда инсон амалга оширилмаган фаолиятдан, янги фаолият позициясига ўтади ва «фикран маънолар қуриш» воситаларига эга бўлади, улардан келиб чиқиб, бирламчи фаолиятни тушунади ва тавсифлайди, бунда иккинчи янги фаолиятда биринчисидан муҳим «материал» сифатида фойдаланади.

Олимларнинг бу каби хulosалари **касбий рефлексия** ўқитувчининг ўз–ўзини ривожлантиришда (бу унинг ўз ижодий меҳнати натижасидан қониқмаслиги асло мумкин эмаслиги билан белгиланади) шижоати, касбий фаолиятига оид янгиликларни мунтазам изланишида, ижодкорлигига намоён бўлиши билан асосланади, демак рефлексия ўқитувчининг ўз–ўзини касбий такомиллаштиришига ҳам асос бўлади, деб айтиш мумкин.

Касбий педагогик фаолиятда рефлексив жараёнларни ўрганиб таъкидлаш мумкинки, рефлексия нафақат педагогик фаолиятни режалаштириш билан боғлиқ ҳодиса, балки рефлексия моҳиятини касбий фаолиятни оптималлаштириш мақсадида ҳам қўлланади. Баъзи олимларнинг фикрича, рефлексия – асрлар давомида ўқитувчининг касбий фаолиятида тўпланиб келинган тажрибаларида, унинг хулқ–автори, мулоқот маданияти, тафаккурида йиғилган эски андозаларни, камчиликларни бартараф этиш имкониятини беради (Г.Ф.Пожмелкина, Е.Ю.Колошина, Е.В.Фролова).

Ўқитувчининг касбий рефлексиясига педагогик фикрлашнинг зарур таркибий қисми сифатида қараши мумкин, у ўқитувчига ўз касбий фаолиятига таҳлили ёндашишини, ўзининг педагогик фаолиятдаги ўрнини аниқлаши ва режалаштирилаётган ишларда ижобий натижсаларга эришиши учун педагогик фаолиятни мақсадли ўзгартиришининг оптимал йўллари ва конструктив воситаларини топиш имкониятини беради.

Рефлексиянинг касбий қийинчиликларни енгишдаги ролини ўрганган В.А.Метаеванинг ишлари ҳозирги куннинг энг долзарб тадқиқотларидан бири саналади. Олима рефлексиянинг ривожланганлик даражаси «ўқитувчининг касбий фаолиятидаги қийинчиликларни самарали ҳал қилишнинг асоси бўлмиш» педагогик маҳорат натижасида муваффақиятларга эришишига боғлиқ, деган хulosага келади. Бироқ, бизнинг фикримизча, ўқитувчи педагогик фаолиятида муваффақиятларга эришиши унда рефлексиянинг мукаммал ривожланганлик даражасини белгиламайди, аксинча таълим-тарбияда ўқитувчининг муваффақиятга эришиши, ўз фаолияти натижсаларидан қониқиши, ўқитувчининг шакланган касбий педагогик рефлексиясига боғлиқ.

Педагогик рефлексия ўқитувчига ўз–ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириши манбаларини ўз билими ва имкониятларидан излаб топишда кўмаклашади ҳамда унинг ривожланишини таъминлайди.

Инсон психикаси ички тизимлари ташки ижтимоий фаолият структурасини қизғин ўзлаштириш жаравнида шаклланишини, ташки фаолиятнинг ички фаолиятга ўтишини таъминлайдиган интериоризация (ташки омилларнинг ички омилларга ўтиши) назариясига (П.Жане, Ж.Пиаже, А.Валлон, А.А.Леонтьев ва бошқалар)<sup>15</sup> асосланиб, айтиш мумкинки, касбий рефлексиянинг ривожланиши муаммоси ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириши асоси сифатида ўрганилади.

Ўқитувчи ўз фаолиятини мунтазам таҳлил қилмаслиги асло мумкин эмаслиги исботланган, бу ўқитувчидан касбий фаолияти давомида атрофидаги инсонлар (ўқувчи, отаона, ҳамкаслари) билан мунтазам коммуникатив муносабатни ташкил этиш позициясида

<sup>15</sup> Қаранг: Краткий психологический словарь /Ред – сост. Л.А.Карпенко; Под общ.ред. А.В.Петровского, М.Г.Ярошевского. – Ростов –на – Дону.1998, -106, 137, 257. Ж.Пиаже. Избранные психологические труды. Психология интеллекта. Генезис числа у ребенка. Логика и психология. –М.1969; А.А.Леонтьев. Деятельность.Сознание. Личность. –М. 1975.

тура олишини талаб қиласы, ўқитувчидар бу фаолият субъекти сифатыда ўзига рефлексив муносабатни шакллантиради, бу эса ижтимоий муносабатлар интериоризациясы (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши) натижаларини ўзида акс эттиради. *Демак, рефлексия, гарчи онг функцияси саналсада, кишиларнинг ўзаро муносабатлари ийгиндиси таъсирида шаклланади ва инсон психикасига сездирмасдан ўтади, у ўз навбатида, инсон фаолиятини онгли равишда ўзгартириши мазмунини белгилайди.*

Маълумки, ҳар қандай касбий фаолият объектни ўзгартириш жараёни бўлиб, айни пайтда субъектнинг ўзини ҳам ўзгартириш жараёнидир, фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини ошириш эса шахснинг фаолият субъекти сифатида такомиллашувига олиб келади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бу қоида А.А.Леонтьевнинг “шахсни тадқиқ қилишнинг тўғри йўли ижтимоий муносабатларда субъект фаолияти натижасида ўзи – ўзини ҳаракатлантириш эвазига ҳосил бўладиган трансформацияларни (шакл ёки қиёфанинг ўзгариши) ўрганишдан иборат” эканлиги ҳақидаги холосаси рефлексив жараёнларни ўрганиш учун ҳам асос саналади.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини ўрганишга бағишлиган кўп йиллик тажрибалар асосида қилинган назарий холосалар педагогик маҳоратнинг ривожланиш жараёнини бешта элементдан иборат тизим асосида ўрганиш имкониятини беради. Бу ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожлангани сари кечадиган ва унинг асосида узлуксиз педагогик касбий маҳоратини ва ўз – ўзини такомиллаштириш имкониятини таъминлайдиган жараёнларни чуқурроқ тушунишни таъминлайди (*чизмага қаранг*).



*9–чизма. Ўқитувчининг касбий рефлексия асосида педагогик маҳоратининг ривожланиши.*

Ўз–ўзини билиши жараёни ўқитувчининг педагогик маҳорати доирасида маълумотларни қайд қилиш даражасида кечади, бунда рефлексиянинг пассив шакли устуворлик қиласы. Ўқитувчи педагогик фаолиятида юзага келаётган турли қийинчиликлар ва муаммоларнинг сабабларини, эришилаётган ютуқлар ва натижаларни шунчаки қайд қилиб боради.

Ўз – ўзини англаш жараёни ўқитувчининг ўз фаолияти ва унда ўзига нисбатан «метапозиция» (ноаниқ позицияда)да туриб, ўзига ташқаридан қараш, ўзини кузатиш малакасини кўзда тутади. Бунда, интериоризация (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши) ҳодисаси амалга ошади, касбий қийинчиликларни келиб чиқиш сабаблари

расмийлаштирилди; фаолиятдан кўзланадиган асосий мақсад аниқланади, рефлексив – «МЕН» шаклланади. Бу ўқитувчининг долзарб ривожланиш зонаси билан боғлиқ.

Ўз – ўзини белгилаши жараёнида бошлангич даражада касбий эҳтиёжларни ҳисобга олиб белгиланади ва жадал имкониятлар асосида фаолият режалаштирилди. Стратегик, тактик ва тезкор вазифалар шакллантирилди. Ҳақиқий «МЕН» ва идеал «МЕН» нисбатланади<sup>16</sup>. Бу ўқитувчининг энг яқин ривожланиш даражаси<sup>17</sup> билан боғлиқ.

Ўз – ўзини ривожлантириши жараёнида ўқитувчининг касбий фаолияти давомида такомиллаштирилган педагогик маҳорати, рефлексияланган (яъни аввал фойдаланилган ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш натижасида тобора оптимал бўлиб чиқсан методлар) ҳаракат усуллари ва методларининг ўсиши содир бўлади.

Ўз – ўзини назорат қилиши ўқитувчи педагогик фаолияти жараёнида назарий ва амалий тажрибалар асосида, ўз – ўзини касбий жиҳатдан назорат қилиб, педагогик маҳоратини янада такомиллаштириб боришнинг иккинчи шакли бошланишини назарда тутади.

Юқорида таъкидланганидек, рефлексия муаммоси нафақат педагогика, психология, фалсафа, мантиқ каби фанларда, балки бошқа фанларда ҳам ўрганилади. Бу тушунча талқинига биз таълим ривожланишининг фалсафий концепцияси (В.В.Краевский, Б.Т. Лихачёв, Я.С.Турбовский ва бошқалар.) ғоялари нуқтаи назаридан ёндашамиз. *Бу ҳолатда кишининг дунё, жасамят, ўзининг бу дунёдаги ўрни ҳақидаги тобора умумий, кенг тушунчаларининг педагогик воқелик билан алоқаси рефлексия предмети саналади.* Таъкидлаш жоизки, дастлаб онга билимларнинг фалсафий рефлексия оқимидағи таҳлили кечади, кейин у педагогик назария таркибиға киради ва унинг бир қисмига айланади, сўнгра фаолиятни назарий жиҳатдан англашнинг бошлангич нуқтаси бўлиб қолади. Шу тариқа инсон ўз онгини, фаолиятини ривожлантириш механизмларини эгаллаш ва уларни мақсадли бошқариш имкониятини кўлга киритади.

Б.Г.Ананьев, инсон ҳарактерининг шаклланниш жараёнини таҳлил қилиб, рефлексив хоссалар шахснинг бошқа сифатларига қараганда анча кеч шаклланнишини айтади. Унинг фикрича: «инсон ҳаётি давомида ўзаро муносабатларнинг кўплаб обьектлари орқали ўтади, натижада унинг онги ўз–ўзини англаш обьектига айланади. Ўзининг хулқ–автор субъекти сифатида кўп маротаба англаш тажрибасини тўплаш ва унга муносабатлар, биз рефлексия деб атайдиган ҳарактерга айланиши учун, хулқ–авторда уни мунтазам қўллаш талааб қилинади».

Ушбу фикр касбий рефлексиянинг ривожланиши, бунинг натижаси ўлароқ, шахснинг фаолият хусусиятлари билан балгиланган рефлексив қирралари шаклланнишини таъминлайдиган маълум шароитлар, вазиятларни яратиш зарурияти ҳақида хулоса қилиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, олимларнинг тадқиқотларига таяниб, таъкидлаши мумкинки, ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратини ривожлантириши муаммосини фақат унинг касбий рефлексиясини такомиллаштириши асосида ҳал қилиши мумкин. Касбий педагогик рефлексия нафақат касбий фаолият, балки, билим, кўнукма ва малакаларнинг ўсишини таъминлайди ҳамда ушибу фаолиятни такомиллаштириши асоси ҳам саналади.

Хар қандай ўқитувчи ўз–ўзини тарбиялаш ва ўз–ўзини ривожлантиришга ҳатто жуда кучли интилиши бўлса ҳам, ўзининг шахсий ривожланиш дастурини маҳсус малакаларсиз белгилай олмайди, бу педагогик фаолиятдаги муваффақиятга эришиш, ўқитувчининг ўз устида ишлашга тайёргарлиги, унинг ўз–ўзини таҳлил қила олиши, ўз–ўзини ташхислаш қобилиятининг қанчалик шаклланганлиги билан боғлиқ.

### 15.3. Педагогик ташхислаш асосида ўқитувчининг касбий ривожланишини таъминлаш усуллари

<sup>16</sup> Қаранг: Берис Р.В.Развитие Я – концепции и воспитание. –М., 1986

<sup>17</sup> Қаранг: Краткий психологический словарь / Ред. –сост. Л.А.Карпенко; Под общ. Ред. А.В.Петровского, 1998. – 117.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ошириш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда кўплаб олимлар педагогик маҳоратни ривожлантириш ҳақида фикр билдиришиб, бу жараённинг асосий заҳираси ўқитувчининг ўз фаолияти таҳлилига доимий интилишида (В.И.Загвязинский, Ю.К.Конаржевский, Ю.П.Львова, И.П. Раченко, Л.И.Рувинский, В.П.Симонов, В.А.Сухомлинский, Я.С.Турбовский, Т.И.Шамова ва бошқалар); унинг рефлексив қобилиятларини такомиллаштириш (А.А.Бизяева, В.В.Ветрова, Н.В.Кузьмина, Е.Н.Пехота, И.А.Стеценко ва бошқалар); рефлексив позициясини (А.В.Христева) ривожлантиришнинг ўзига хос педагогик рефлексиясига боғлиқ бўлганлиги учун уни педагогик фикрлашни шакллантириш билан боғлаб, шу тариқа (Ю.Н.Кулюткин, Г.С.Сухобская) ўқитувчи педагогик рефлексиясини ривожлантириш мумкин (Б.З.Вульфов, Г.М.Коджаспирова, Н.В.Кузьмина, Ю.Н.Кулюткин, И.Н.месёнов, С.Ю.Степанов, Г.С.Сухобская, Н.В.Харькин, А.В.Христева ва бошқалар.) деб таъкидлайдилар.

Кўпчилик олимлар рефлексияни ўқитувчи томонидан ўзининг фаолияти ва унинг натижаларини таҳлил қилиш ва ўзини баҳолаш жараёнида ривожланишини айтади ва «рефлексияни бошқариш имконияти ва зарурияти шундан иборатки, ўқитувчи узлуксиз таълимнинг қайси соҳасида фаолият кўрсатмасин, ўзининг онгли равишда ички таъсирини (ўзини ўйлашга ва фикрлашга мажбур қилиш) ва ташқи таъсирини, шахсий ўқув жараёнида бошқариб қўллай олади» деб таъкидлайдилар.

Илмий адабиётлар таҳлили ва касбий рефлексияни ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркиби қисми ва унинг педагогик маҳоратини ривожлантириш асослари сифатида қараш (15.2. - бўлим), шунингдек қайд қилувчи эксперимент натижалари касбий рефлексияни ривожлантириш усусларини излаш заруриятини келтириб чиқаради. Касбий педагогик фаолиятнинг турли соҳалари билан шуғулланган олимлар ташҳис (диагностика) ва ташҳислаш (диагнозлаш) мазмунига янада батафсил тўхталганлар.

Ташҳислашга, яъни диагностикага билишнинг алоҳида усули сифатида қараш қабул қилинган (грекчадан таржима қилганда, *diagnosis* – таниб олиш демакдир<sup>18</sup>). Биз педагогик ташҳислаш сўзининг ўрнига педагогик диагностика сўзини ишлатишни лозим топдик.

Педагогик диагностика мазмун ва моҳиятига қараб кўплаб функцияларни бажаради. Жумладан:

1. Педагогик диагностиканинг таҳлилий вазифаси.
2. Педагогик диагностик функциялар.
3. Педагогик диагностиканинг баҳолаш вазифаси.
4. Педагогик диагностиканинг коррекцион вазифаси.
5. Педагогик диагностиканинг ориентацион вазифаси.

Унинг *таҳлилий вазифаси* ўқув–тарбиявий жараёндаги ютуқ ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини, уларнинг ўзаро боғланишларини аниқлаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Аслида *диагностик функция* ўқувчининг таълим олганлиги, тарбияланганлиги ва ривожланганлигини аниқлаш учун қўлланилади, бироқ, ўқитувчининг ҳам касбий компонентлик даражасини ўрганишда муҳим аҳамият қасб этади.

Педагогик *диагностиканинг баҳолаши вазифаси* маъмурият томонидан олиб борилиб, алоҳида ўқитувчи ёки алоҳида ўқувчи фаолиятида эришган ютуклар ва камчиликлар юзасидан сифат кўрсаткичларни миқдор жиҳатдан баҳолайди.

*Диагностиканинг коррекцион вазифаси* ўқув – тарбиявий жараённи ўқитувчининг педагогик фаолияти юзасидан коррекциялашни (тўғри йўналтириш) таъминлайди ва ўқитувчининг касбий жиҳатдан ўз – ўзини ривожлантириш ва педагогик маҳоратини ошириш учун сидқидилдан киришишга фаоллигини таъминлайди.

*Диагностиканинг йўналишини аниқлаши вазифасининг мақсади* педагогик жамоа ва алоҳида ўқитувчилар фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларни узлуксиз ҳал этишни мувофиқлаштириб боришдир. Педагогик диагностиканинг ориентацион вазифаси натижалари ҳақида доимий хабарларни информацион (ахборот) вазифа таъминлайди.

<sup>18</sup> Краткий психологический словарь. /Ред. – сост. Л.А.Карпенко;Под общ.ред. А.В.Петровского, М.Г.Ярошевского. -Ростов- на -Дону. 1998.-286 б.

Шу ўринда диагностика (ташхис) ва диагностикалаш (ташхислаш) тушунчаларининг фарқи ва қандай маъно беришини билиш лозим. Диагностикани соддалаштирилган кўринишда «ташхисни аниқлаш»<sup>19</sup> деб қарасак, унда диагностикалаш (ташхислаш) бу жараённинг ташхисни қўйиш методлари йифиндисидир. Шу боис педагогик фаолиятнинг ўзига хос жихатларини эътиборга олиб, уни ўрганишда диагностикалаш (ташхислаш) терминини қўллаш ўринлироқ кўринади. Умуман диагностикалаш терминини ташхислаш деб аталса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик ташхислаш деганда педагогик тизимни (шунингдек унинг алоҳида таркибий қисмларини) тадқиқ қилиш методларининг жамланмасини тушунамиз, улардан фойдаланиш самарадорлиги маълум ташкилий – педагогик шарт – шароитлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Педагогик ташхислашнинг яхлитлиги<sup>20</sup> унинг нафақат ўқитувчи педагогик фаолиятини ўрганишнинг диагностик жихатларини, балки аниқланган сабаб ва оқибатларнинг бир–бири билан ўзаро боғланиши асосида ҳар бир ўқитувчининг педагогик қийинчиликларни бартараф этишнинг оптималь йўллари ва воситаларини топиш имкониятини берадиган конструктив – прогностик нуқтаи назардан таъминлайди, ўқитувчи педагогик маҳоратининг ривожланиш истиқболларини белгилаб, унинг фаолият юритиш динамикасини кузатиш орқали танланган меҳнат шакллари самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Ўқитувчи педагогик фаолиятини ташхислашнинг турли аспектларини ўрганишга бағишлиган илмий тадқиқот ишларининг сони кўп.

Айни пайтда ўқитувчилар учун энг зарур ҳислатларни аниқлаб олиш имкониятини берадиган, ўқитувчилик касбининг профессиограммаси (*маълум тизимга келтирилган, меҳнатни психологик томондан ўрганиб, келгуси амалий фаолиятда фойдаланишига қаратилган, касбни ҳар томонлама батофсил ёритиб берувчи йўналиши*) психолог олимлар (Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов) томонидан ишлаб чиқилиб амалда қўлланилмоқда. Олимлар ўқитувчи профессиограммаси, муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олишини, ўқитувчи ўзи танлаган фан юзасидан қандай талаблар қўйилишини мукаммал билишини айтиб, шу асосда ўқувтарбия жараёнини ташкил қилишни, педагогика олий таълим муассасаларида муайян мутахассислик бўйича “Ўқитувчи профессиограммаси” ишлаб чиқилиши зарурлигини таъкидлайдилар. Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган профессиограммага асосланиб, ўқитувчиларни ташхислашнинг ушбу методидан фойдаланиб келинади. Бироқ ушбу профессиограмма ўқитувчининг кун сайин ўзгариб турувчи жамият талабларига мувофиқ шахсий дунёқарашини, онгини, мафқурасини бойитиш динамикасини тўлиқ акс эттирамайди.

Педагогик фаолиятни тадқиқ этиш мантиқи, педагогик ташхислашнинг турли методикаларини бирлаштириш зарурияти Н.В.Кузьминанинг ишларида кенг ёритилган. Тадқиқотнинг сўров, кузатиш, баҳолаш (рейтинг), ўз – ўзини баҳолаш, жуфт қиёслаш, социометрия ва эксперимент каби методларини ўрганар экан, у айнан «ўз–ўзини баҳолаш, ўз–ўзини англаш усуllibаридан бири сифатида шахснинг барча имкониятларини намоён қилишга, унинг хулқига, характеристига, фаолият суръатига таъсир этишини» таъкидлайди. Ўқитувчининг педагогик билим ва малакалари тизимини тавсифлаб, Н.В.Кузьмина ўқитувчининг билиш ва ўрганиш малакалари ичидан унинг педагогик фаолияти учун зарур бўлган афзалликларни ва нуқсонларни онгли равишда билиб тузатиш ёки такомиллаштириш мақсадида *таҳлил қила олиш* қобилиятини ажратиб кўрсатади.

И.П.Радченконинг фикрича, ўқитувчининг ўзи, ўз шахси ҳақидаги тасаввури, ижобий МЕН – концепциясини шакллантира олиши унинг *ижодий фаолигини* ривожлантиришнинг кафолати саналади.

<sup>19</sup> Қаранг: Ожегов С.И. Словарь русского языка/Под ред. Н.Ю.Швединой. –М. , 1980.- 167.

<sup>20</sup> Яхлитлик – объект, жараённинг ички бирлиги. Қаранг: Философский словарь. /Под ред. И.Т.Фролова. – М.:Политиздат. 1986. 533 б.

Юқорида баён қилинган фикрлар ўқитувчининг касбий рефлексияси, ўз – ўзини юқори даражада баҳолашни таъминлаб, ўқитувчига ўз педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўлидан мақсадли фаолият олиб бориш имкониятини беради.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишнинг асосий йўли – бевосита таълим муассасасида илмий асосда ташкил қилинган тадқиқотчилик иши, деб хисоблаган В.П.Симонов моҳир ўқитувчи шахси ва фаолияти самарадорлигини ташҳислаш учун асосий касбий аҳамиятли кўрсаткичларнинг тизимини ва тахминий мазмунини ишлаб чиқди. У таклиф қилган методикалар, муаллифнинг фикрича, нафақат ўқитувчининг таълим фаолияти, балки у билан ўзаро фаолият олиб борадиган ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини ҳам аниқлаш имкониятини беради. Ўқитувчининг аҳамиятга молик бўлган касбий сифатларини ташҳислаш натижаларини олим уч хил йўналишда баҳолайди: *оптимал, йўл қўйиладиган ва танқидий даражса бўйича*. В.П.Симонов ҳамма вақт ҳам ижобий натижажа беравермайдиган текширувчиларнинг юзаки ёндашуви ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини маълум даражада бузади ёки нотўғри категориялади, уларнинг педагогик ташаббускорлигини ва мустақиллигини сўндиради, олим ҳар бир ўқитувчидаги ўз педагогик фаолиятини «ишончли ва исботли» натижалар билан баҳолаш ва унинг натижалари ҳамда самарадорлиги ҳақида гапириш малакасини ривожлантириш зарурлигини айтади.

Касбий педагогик фаолиятни таҳлил қилиш ва ўз–ўзини таҳлил қилишни ўқитувчи фаолияти ва рефлексив позицияси нуқтаи назаридан тузатиш ва такомиллаштириш мақсадида педагогик вазифаларни ҳал қилишга қаратилган педагогик малакалар йиғиндиси сифатида қараб, А.В.Христева аналитик малакалар тизимини аналитик фаолият тизими билан нисбатлади. У касбий педагогик фаолиятни таҳлил ва ўз – ўзини таҳлил қилишнинг қуидаги босқичларини ажратиб кўрсатади:

1. Мазмунли – диагностик (тайёрлов - мослашув) босқич;
2. Мақсадли лойиҳалаштириш (таҳлил ва ўз–ўзини таҳлил қилишдан мақсадни аниқлаштириш) босқичи;
3. Технологик (касбий педагогик фаолият жараёнини ва ўз–ўзини таҳлил қилиш) босқич;
4. Таҳлил ва ўз–ўзини таҳлил қилишнинг назарий (педагогик фаолиятнинг моҳияти, натижалари билан педагогик фаолият жараёни ўртасидаги алоқаларининг сабаб ва оқибатларини назарий англаш) босқичи;
5. Фаолиятни рефлексив баҳолаш (фаолиятни баҳолаш ва рефлексив таҳлил) босқичи;
6. Коррекциялаш (ижодий босқич бўлиб ўз педагогик фаолиятини назарий жиҳатдан англаш ва баҳолаш асосида такомиллаштириш ва ҳамкасларининг самарали педагогик тажрибаларидан ижодий фойдаланиш йўллари ва усуслари белгиланади) босқичи.

Муаллиф таклиф қилган аналитик фаолият алгоритми интериоризация (ташқи омилларнинг ички омилларга ўтиши) жараённида ташқи фаолиятнинг ички фаолиятга ўтиш механизми қандай ривожланиши, ичкиси эса, ўз навбатида, ташқи фаолият орқали ўз–ўзини ўзгартиришини (унинг давомида ўқитувчилар касбий рефлексиясининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган аналитик даражаси ўзгаради) тушуниш имкониятини беради.

Н.А.Эверт, А.И.Сосновский, С.Н.Кулиев педагогик маҳорат тизимидан учта асосий: эстетик (ахлоқий), ижтимоий–психологик ва технологик каби таркибий қисмларни ажратиб, ўқитувчи педагогик маҳоратининг диагностик дастурини ишлаб чиқишида ва қуидаги блокларни фарқлайдилар:

- юксак маънавий баркамоллик;
- ўқитувчининг индивидуал – психологик хусусиятлари;
- ҳамкаслари билан педагогик ҳамкорлик;
- педагогик техникани ўзлаштириш;
- шахсий касбий хусусиятлари;
- ижобий натижаларга осон эришиш.

Ўқитувчининг ижтимоий–психологик шаклланишида ўз устида ишлаши мураккаб тизимга эга. Бунда ўқитувчи экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик ҳамкорликда ижодкорлик вазифаларини бажаради. Диагностик дастурда ўқитувчи касбий тайёргарлик жараённида тадқиқотчилик, моҳирлик, репродуктив (хотирада сақлаш), расмий –

ижрочилик каби фаолият бўйича мунтазам иш олиб боради. Ушбу фаолият дастурлари айниқса, ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида дуч келадиган ижтимоий муносабат, синфдан қўрқиши, ўқувчилар билан ўзаро муносабатда зиддият ҳосил бўлиши каби психологик тўсиқларни енгишда муҳим аҳамият касб этади.

Олимларнинг педагогик маҳорат таҳлилига бу каби чукур ёндашувида барча ўзаро боғланган тизимларни бирданига қамраб олиш амалда мумкин эмас. Натижалар ҳаддан зиёд катта ҳажмда, тарқок бўлади, энг асосийси, бу ҳолда педагогик меҳнатнинг алоҳида бўғинлари таҳлилига чукур ёндашиб бўлмайди. Умуман педагогик фаолият доимий равища ўз-ўзини таҳлил этиш, ўқитувчи рефлексияси ривожланишининг ташаббускори бўла оладиган ўзига хос «тезлаштирувчи» ролини ўйнамоғи керак.

#### 15.4. Ўқитувчи фаолиятини педагогик ташхислаш

В.А.Сухомлинский педагогик фаолиятга шундай таъриф беради: «педагогик раҳбарликнинг сирларидан бири ўқитувчиларда мунтазам изланиши ва ўз ишининг таҳлилига қизиқиши уйготишдан иборат. Кимки ўз дарсларида, тарбияланувчилар билан ўзаро муносабатларда яхши ва ёмонни фарқлашига, ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида билишига уринса, педагогик фаолиятнинг ярим муваффақиятига эришган бўлади».

Худди шу нуқтаи назардан илгари сурилган ғояни В.И.Загвазинскийда кўрамиз: у «ҳар бир ўқитувчи мустақил равишида ўз имкониятларини аниқлаши, ўз қобилиятларини ва педагогик маҳоратини ривожлантириши керак. Ўзида кўп нарсани кашиф қилиши, тавсия қилингандардан кўпини синаб кўриши, баҳолаш лозим... ўқитувчи ўзини ўзи яратади, косиб ёки ижодкор бўлишини ҳам ўзи белгилайди».

Ўзининг педагогик тажрибасини таҳлил қилиб, ўқитувчи ўз диққатини тобора муваффақиятли жиҳатларга қаратади, ўзининг иш самарадорлигини пасайтираётган педагогик муаммоларни ва қийинчиликларни ҳам кўра олиб, уни бартараф этиш йўлларини топади.

Педагогик фаолиятдаги қийинчиликларнинг дастлабки тадқиқларидан бирини Н.В.Кузьминада кўрамиз. У ўқитувчи дуч келадиган дастлабки қийинчиликларни «педагогик фаолиятнинг ташки омиллари келтириб чиқарадиган ва ички омилларнинг характеристида, кишининг фаолиятга таълими, маънавий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлигига пайдо бўладиган кескинлик, бепарволик, қониқмаганликнинг субъектив ҳолатидир» деб таърифлайди.

Т.С.Полякованинг иши эндиғина ўз фаолиятини бошлиётган ўқитувчилар дуч келадиган типик дидактик қийинчиликларга бағишлиган. У дидактик қийинчиликларга шундай таъриф беради: «Дидактик қийинчиликлар – ўқитувчининг таълим жараёнидаги қийинчилиги бўлиб, уни ҳал қилиши учун шарт-шароитлар йўқлиги, кескинлик, бепарволик, ўз ишидан қониқмаганликнинг психологик ҳолати ёки аксинча, уни бартараф қилиши учун шароитлар таъминлангани ҳолда педагогик маҳоратни такомиллаштириши, педагогик «фикрлашни», малака ва қўникмаларни ривожлантиришини таъминлайдиган тетиклик, мобилизацион тайёргарлик, эмоционал кўтаринкилик ҳолатининг мавжуд эмаслиги».

Т.С.Полякова педагогик фаолиятдаги қийинчиликлар ва зиддиятлар узоқ муддат ҳал қилинмаганда, муваффақиятсизлик вазиятида нафақат психологик узилишлар, балки ўз-ўзини баҳолашнинг пастлиги, педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг тормозланиш манбаси сифатида салбий рол ўйнашини айтади. Педагогик вазифаларга фаол муносабатнинг зарур шарти бўлган разбатлантирувчи вазифа эса ижобий рол ўйнашини таъкидлаб, ўқитувчининг шахсий педагогик маҳорати заҳирасини сафарбар қиласи, уни ижодий фикрлашни рағбатлантириш манбаи деб ҳисоблайди.

Қийинчиликларнинг позитив роли унинг индикаторлик (ҳисобловчи) вазифаси билан ҳам белгиланади. «Индикаторлик вазифаси педагогик маҳоратнинг шаклланиши жараёнини тормозловчи объектив омилларни ажратади, бироқ у ўз – ўзини баҳолаш тарзида субъектив намоён бўлиши, шу шахс учун фаолиятнинг тобора қийин жиҳатларини аниқлаб берииши мумкин».

Демак ўз педагогик фаолиятини эндигина бошлаган ёш ўқитувчи асло жисмонан ва рұхан бўшашиши, бутунлай осойишталикка берилиши мумкин эмас. Бу түйғу психология фанида релаксация деб аталиб, кишиларнинг иш фаолиятида салбий ҳолатларига бериладиган баҳо сифатида эътироф этилади.

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлили, қийинчилик – инсоннинг субъектив психологик ҳолати эканлигини, у ҳамма вақт ҳам ташқи кузатувчи таҳлил учун қулай эмас деган холоса қилишга имкон беришини, бу эса ҳеч ким ўқитувчининг касбий қийинчиликларини унинг ўзидан кўра яхшироқ аниклай олмаслигини ва уларни бартараф қилиш йўлларини ҳам ўзидан бошқа киши топа олмаслигини таъкидлайди. Демак, ўқитувчининг педагогик фаолиятида касбий қийинчиликларини тадқиқ қилишининг янада қулай йўли бу, ўз–ўзини ташхислаш ҳисобланади.

Шу билан бирга педагогик машғулотлардан бири бўлган “Аутоген тренировка” ҳам мухим аҳамиятга эга. “Авто – ўз–ўзига таъсир” маъносини билдириб, ўқитувчи ўз–ўзига таъсир ўтказган ҳолда касбий фаолиятида дуч келадиган қийинчиликларни енгиб бориши мумкин.

Я.С.Турбовскийнинг фикрича, касбий такомиллашувнинг салбий «энергетик асоси» бўлган қониқмаслик ҳисси, ривожланишда тўхтаб қолганликни чин кўнгилдан ҳис этиш саналади. *«Буйруқ, чақириқ ва назорат эмас, балки айнан ўқитувчининг ўз фаолиятидан қониқмаслик ҳисси, юзага келган педагогик зиддиятни бошқача қилишга, бунинг учун янги воситаларни излаб топшишга ва уни ўзлаштиришига онгли раввишида интилишини таъминлайди, қийинчилик ва зиддиятларни бартараф этишидан, шахсан ўзи ҳал қилган тадқиқотчилик вазифасидан ижодий қувонии, қониқиши ҳисси – ўқитувчи касбий компонентлигининг асосий манбасига айланади, аниқроги, айланиси мумкин».*

Я.С.Турбовской томонидан ишлаб чиқилган, педагогик тажрибани диагностик ўрганиш назарияси ва методикаси ҳар бир педагогик жамоада ва жамоанинг ҳар бир аъзосида педагогик касбий фаолият хусусиятларини ўрганишда ягона максад учун ҳаракатланишга имконият беради, бу ўз навбатида ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошириш механизмини яратиш учун замин ҳозирлайди.

Педагогик ташхислаш концепцияси педагогика фани ва умумтаълим мактаблари амалиётининг ўзаро ҳамкорлик жараёнини бошқариш имкониятини таъминлайдиган учта методологик асосни ўз ичига олади:

- маълум бир педагогик маҳорат позициясини эгаллаш;
- маълум бир мақсадга йўналганлик;
- педагогик маҳоратни эгаллашга бўлган эҳтиёж.

Турли бошқарув тизимлари нуқтаи назаридан айнан бир хил натижалар у ёки бу муаммонинг долзарблиги билан белгиланадиган турлича аҳамият касб этиши мумкин. Иш тажрибасидан фойдаланиш ҳажми ва миқёси ҳам ҳар хил бўлади. Концепция муаллифлари интеграцион фан ютуқларидан фойдаланиш самарадорлиги, олимлар эришган натижалар, амалиётчилар унга эҳтиёж сезган жойга бориб етиши, илмий билимларнинг маълум бир мақсадга йўналганлигини таъкидлайдилар.

Фаннинг у ёки бу тарздаги тавсиялари педагогикада маълум бир мақсадга йўналтирилган ғоялар билан таъминлашдан аввал амалиёт асосида аниқланган эҳтиёж бўлиши керак. Ўқитувчи меҳнатини ўрганиш жараёнида қатор шарт шароитларга риоя қилиш кўзда тутилади. А.К.Маркованинг фикрича, нафақат ўқитувчилик касбida узоқ ўтмиш тажрибаларидан фойдаланиш даркор, балки ўқитувчи касбий ривожланишининг энг яқин ва олис истиқболларини ҳам белгилаш зарур.

Шу муносабат билан педагогик ташхис педагогик фаолиятда эришиладиган ютуқларни белгиловчи (прогностик) характер касб этганида самарали бўлишини таъкидламоқчимиз. Олимлар томонидан олиб борилган тажриба ишлари жараёнида шу нарса аниқландик, педагогик маҳоратни тадқиқ қилишнинг белгиловчи (прогностик) характери бевосита ўқитувчининг касбий рефлексиясига таянади.

Бу ўқитувчининг таълим–тарбия жараёнида пайдо бўладиган муаммоси айнан нимадан иборатлигини ва унинг сабаби айнан нима эканлигини аниқлаш, сабаб ва оқибатларини педагогик қийинчилик оқибати билан қориштирмасликка имкон беради. Бунда педагогик

ташхислашнинг ўқитувчи касбий фаолиятини тезкор коррекциялаш имкониятини берадиган ўзига хос индикаторлик (хисоблаш) вазифаси намоён бўлади.

Ўқитувчининг ўз потенциал имкониятларини баҳолаш диагностика давомида ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиборга олиниши лозим, - деб таъкидлайди А.К.Маркова, - унга ишонч билдириш керак, унинг касбий фаолиятига баҳони ошириб ёки пасайтириб қўйиш ўқитувчи касбий ривожланишини тўхтатиб қўйиши мумкин. Ушбу ўқитувчининг индивидуал ривожланиш мантиқини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчининг ютуқларини бошқа ўқитувчиларнинг ютуқлари билан эмас, балки ўзининг олдинги ютуқлари билан ҳам таққослаш керак.

Шахсий педагогик фаолиятни ўз–ўзида таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи ўзининг таълим–тарбиявий фаолияти натижалари ва хусусиятларининг ҳолатини ўрганади, педагогик зиддиятлар ўртасидаги сабаб ва оқибатли боғланишларни аниқлайди, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайди, - деб таъкидлайди Л.Е.Плескач. Олимнинг фикрига кўра, *“Рефлексия – ўз–ўзини таҳлил қилиши бўлиб, ўз–ўзича белгиланган мақсадга эришиши эмас, балки билим олиш, тажриба орттириши усули, ижодга, касбий жиҳатдан такомиллашишига нисбатан рагбатлантиришидир”*.

Илмий адабиётлар таҳлили, шунингдек ўқитувчи фаолиятида педагогик тажриба ўқитувчилар педагогик маҳоратини оширишнинг диагностик методикаларидан фойдаланиш ва олинган натижалар таҳлили педагогик ташхислашни ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожланишини таъминлайдиган усуллардан бири сифатида баҳолашга имконият беради.

Зоро, ўқитувчи илфор педагогик тажрибаларни ўрганишда “тажриба ўрганишдан мақсад ва унинг вазифаларини режалаштириш, долзарб мавзуни аниқлаш, мактаб амалиётида моҳир ўқитувчиларнинг ютуқларини ўрганиш, материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш” каби воситалардан фойдаланадилар.

Шунингдек, таъкидламоқчимизки, педагогик ташхислаш қайд қилувчи эмас, балки мақсад ҳосил қилишни белгиловчи (прогностик) характерга эга бўлганлигига самарали бўлади, бу ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожланиши асосида амалга оширилади. Айни пайтда айнан таълим–тарбия жараёнида мақсад ҳосил қилувчи ташхислаш унинг ривожланиш қобилиятини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтилганда, ўқитувчи томонидан ўз касбий фаолияти натижаларини англаб етиши унинг педагогик фаолиятни амалга оширишини янада такомиллашган усулларини излаш ва уларни ўзлаштириш заруриятини таъминлайди. Фаолиятни ўзгартириш эса, маълумки, фаолият субъективнинг ўзгаришига олиб келади. Ўқитувчининг аналитик (таҳлил қилиш) қобилияtlари ривожланиши жараёнида унинг касбий рефлексияси ҳам ривожланади, бу ўз навбатида, ўқитувчининг ўз–ўзини ривожлантириш жараёнини маълум бир йўналишга солиб, унинг шахсий ижодий фаоллигини оширади.

**“Педагогик маҳорат” фанидан ўрганилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун тест саволлари.**

**1 – ВАРИАНТ**

**1. Баркамол шахсни ривожлантириш, таълим-тарбия бериш хақидаги фан... бу?**

- a. Психология.
- b. Педагогика.
- c. Тарих.
- d. Фалсафа.

**2. Педагогик маҳорат тизимиға қўйидагилар киради...?**

- a. Ҳис-ҳаёжонни англатувчи сўзлар ишлатиш, ўзгаларни тушуниш, ёлғон хушомад қилиш.
- b. Тадбирни танлаш, уни тайёрлаш ва ўтказиш, таҳлил қилиш.
- c. Касбга оид билимлар, инсонпарварлик, педагогик қобилият, педагогик техника.
- d. Нафас олиш, овоз ўзгариши, равон нутқ маданияти.

**3. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси IX сессиясида (1997) сўзлаган "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" нутқида тарбиянинг мақсади қандай ифодаланади?**

- a. Тадбиркор шахсни тарбиялаш.
- b. Умуминсоний ва миллий тарбия.
- c. Баркамол, эркин фикрловчи шахсни тарбиялаш.
- d. Мехнатсевар инсон тарбияси.

**4. «Ўқитувчи атамаси»га берилган таърифнинг қайси бири мукаммал?**

- a. Ўқитувчи – ёшларга таълим-тарбия берувчи киши.
- b. Ўқитувчи – инсон қалбининг муҳандиси (инженери).
- c. Ўқитувчи – зиё нурини тарқатувчи шахс.
- d. Ўқитувчи – мураббий, устоз.

**5. Нотиқлик санъатини Юнонистонда қандай номлашган?**

- a. “Юксак иқтидорли овоз соҳиби”.
- b. “Тингловчига ҳаловат бағишивчи”.
- c. “Сиёсий трибуна”.
- d. “Санъатлар шоҳи”.

**6. Таълим муассасаларида дарс беришининг ноанъанавий методлариға қайсилар киради?**

- a. Дарс-маъруза, дарс-семинар, дарс-мунозара, дарс-конференция, дарс-мусобақа, мустақил иш дарслари.

- b. Аралаш дарслар, конференция дарслар, якка машғулот дарслари, амалий дарслар.
- c. Маъруза дарс, такрорий дарс, репетиторлик дарслари. Якка ҳолда дарс ўтиш, уйга вазифа бериш.
- d. Дарс-маъруза, дарс-билим, дарс-экскурсия, назарий билимларни мустаҳкамлаш дарслари.

**7. Нутқ техникаси бўйича ишлаб чиқилган машқлар туркумига қайсилар киради?**

- a. Овоз ўзгариши, нафас олиш, равон нутқ.
- b. Ёзма ва оғзаки нутқ, ички нутқ.
- c. Ички нутқ, ташқи нутқ, диалогик ва монологик нутқлар.
- d. Нутқ органлари, нутқ аппарати, нутқ одоби.

**8. Педагогик касбини танлаган киши қандай шахсий фазилатларга эга бўлиши керак?**

- a. Соғлом бўлиши, барча қобилиятларга эга бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши.
- b. Иймон-эътиқодли, дунёқарашининг кенглиги, одоб-ахлоқи, фуқаролик бурчини хис этиши, маънавияти, дилкашлиги.
- c. Болаларни ёқтириши, ўз фанини мустаҳкам эгаллаши, нутқининг равонлиги.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**9. И. А. Каримов тавсифи бўйича педагогнинг асосий мақсади нималардан иборат?**

- a. Ҳар бир талабанинг мустақил фикрлашини ривожлантиришдан.
- b. Муқаммал билим беришдан.
- c. Билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришдан.
- d. Ўз маҳоратини узлуксиз ошириб боришдан.

**10. Педагогик таълим жараёнлари замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилса... ?**

- a. Масоғавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчи жамоа ўқитувчилар, компьютер дастурчилари билан биргаликда фаолият олиб боради.
- b. Ўқитувчилар ўртасида вазифалар бир маромда тўғри тақсимланади.
- c. Таълим ва тарбия жараёнини янада муқаммал ташкил қилиш такомиллаш-тирилади ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мониторинги ташкил этилади.
- d. Барча жавоблар тўғри

**11. Педагогик маҳорат фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?**

- a. Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни инсонпарварлик ҳамда демократик тамойилларга асослаб олиб бориш.
- b. Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан дунёқарашини ривожлантириш.
- c. Таълим мазмунини фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари билан бойитиб бориш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**12. Ўқитувчи педагогик назокатининг асосий моҳиятини белгиланг?**

- a. Этнопедагогик туйғулар, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, ўзбекона тавозе ва мумомала маданияти.

- b. Ихтисосликка доир виждон, адолатпарварлик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиши, педагогик орият.
- c. Ўқитувчи ташқи қиёфасининг гўзаллиги, ўқувчиларга демократик талаблар асосида дарс ўтиши.
- d. Тўғри жавоб кўрсатилмаган.

**13. Педагогик маҳорат – бу:**

- a. Муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.
- b. Ўқитувчи томонидан педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омилидир.
- c. Дидактик ҳамда тарбиявий жараённинг ўқитувчи томонидан самарали, маҳоратли тарзда ташкил этишдир.
- d. Таълим ва тарбиявий фаолиятда юқори даражага эришишни ва уни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолият бўлиб, ҳар бир ўқитувчи фазилатида намоён бўлади.

**14. Ўқувчига “педагогик таъсир кўрсатиши” деганда тушуниладиган  
ғояни белгиланг?**

- a. Тарбияланувчига онгли интизом ва мустақил фикр юритиши  
кўникмаларини ҳосил қилиш, унга мунтазам ва тизимли таъсир кўрсатиши.
- b. Тарбиявий ва амалий фаолиятни доимий назорат қилиш, ўқувчилар  
тафаккурини шакллантириш.
- c. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг тарбияланувчисига нисбатан  
шахсий муносабатларида намоён бўладиган фаолият.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**15. Таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик маҳоратини намоён этувчи асосий  
воситалар?**

- a. Таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро фаолияти.
- b. Стандарт ва ностандарт машғулотларни ўтқазиши.
- c. Ўқувчининг назарий ҳамда амалий фаолиятида эришадиган ютуқлари ва ижобий  
натижалари.
- d. Ўқув материалларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириши.

**16. Педагогик жараённинг ҳаракат воситаси ?**

- a. Фаолият.
- b. Педагогик ўзаро таъсир.
- c. Педагогик вазият.
- d. Педагогик ҳодиса.

**17. Нутқнинг вазифаларини аниқланг?**

- a. Нутқ воситасида боланинг хис-туйғулари, ўқувчилар орасида мулоқот олиб боирш,  
олинган маълумотларни онгли таҳлилий идрок этиш.

- b. Лугавий, грамматик, лексик, жиҳатдан нутқнинг тўғрилигини ва равонлиниги таъминлаш.
- c. Ўқитувчи нутқининг ифодалилиги, образлилиги, ёрқинлиги, ҳис туйғуларга бойлиги.
- d. Ўқитувчининг нутқида, ҳатти-харакатида, ўқувчилар шахсига нисбатан хурмат эҳтиром.

**18. Дарснинг анъанавий методларини кўрсатинг?**

- a. Оғзаки кўргазмали, ўз-ўзини назорат қилиш методлари.
- b. Кўргазмали, мантикий, оммавий методлари.
- c. Аралаш дарслар, билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари. Билимларни умумлаштириш дарслари.
- d. Мантикий, ўз-ўзини назорат қилиш методлари.

**19. Тарбиячи позициясига нималар киради?**

- a. Буйруқ бера олиш, ўзаро ҳамкорлик, бепарволик.
- b. Ташкилотчилик, буйруқ бера олиш.
- c. Муомала маданияти, ижодкорлик.
- d. Жамоанинг шахсга таъсирини таъминлай билиш.

**20. Педагогик фаолиятнинг объекти?**

- a. Инсон
- b. Бола
- c. Ўқувчи
- d. Барча жавоблар тўғри

**21. Ўқитувчининг дилкашлиги учта таркибий қисмни бирлаштирувчи жараён бўлиб, у ... ?**

- a. Мулоқотда заруриятнинг мавжудлиги; яхши кайфият; коммуникатив қўникма ва малакаларга эга бўлиш.
- b. Ўқитувчилик қобилияти; перцептив қобилият; таълимни оқилона ташкил этиш.
- c. Ўқувчини ишонтира олиш; мулоқот маданиятига эришиш; педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаш.
- d. Синф жамоасини мукаммал бошқара олиши; ота-оналар билан коммуникатив муносабат; ўз-ўзини доимий назорат қилиши.

**22. Педагогик жараённинг вазифаси нималардан иборат?**

- a. Билим, қўникма, малака ҳосил қилиш.
- b. Ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш.
- c. Билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш.
- d. Билиш фаолиятини ривожлантириш.

**23. Ўқувчиларнинг мулоқот асосида маънавий маданиятини шакллантириш мезонлари ифодаланган жавоб?**

- a. Ҳар бир инсоннинг қизиқишларини хурмат қилиш, миллий-маънавий маданият манбаларини ўрганиш.
- b. Инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрнини тушуниш, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, иймон, эътиқод, миллий қадриятларни эъзозлаш.
- c. Ватанга мухаббат, садоқат, ўз манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан устун қўймаслик.

d. Барча жавоблар тўғри.

**24. “Устоз муаллимсиз қолганда замон**

**Нодонликдан қора бўларди жаҳон” байтининг муаллифи ким?**

- a. Абу Райхон Беруний.
- b. Абу Наср Форобий.
- c. Абу Али ибн Сино.
- d. Абдураҳмон Жомий.

**25. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчига зарур бўлган қобилият тизимини аниқланг?**

- a. Билим, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, обрў орттира олиш, мулоқот қилиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш.
- b. Аниқ мақсадни кўзлаш, қатъиятлик, камтарлик, кузатувчанлик, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш.
- c. Диққатни тақсимлай олиш, янгиликка интилиш, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, ташкилотчилик, обрў орттира олиш.
- d. Ҳамма жавоб нотўғри.

## 2 – ВАРИАНТ

**1. Педагогик маҳоратга тўғри тавсиф берилган жавобни белгиланг?**

- a. Педагогик-психологик билимларни мукаммал эгаллаш.
- b. Ўқитувчининг шахсий ва касбий фазилатларини ривожлантиришни белгиловчи хусусиятлар.
- c. Ўз касбий билимларини, кўникма ва малакаларни доимий ўзлаштириб бориш.
- e. Сўнгги ахборот технологиялари ва замонавий билимлар билан куролланган бўлиши.

**2. Ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлувчи хусусиятлар?**

- a. Ўз касбини, болаларни севиши, зийраклиги ва ҳозиржавоблиги.
- b. Педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, илмий савияси.
- c. Нотиқлик маданияти, ижодкорлиги, интеллекти, маънавий эҳтиёжи.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**3. “Ўқитувчи мунтазам фан билан шуғулланмоғи лозим, акс ҳолда у қуриган дараҳт ва тошга ўхшаб қолади”. Ушбу фикр муаллифи ким?**

- a. Абдулла Авлоний.
- b. Сухомлинский В.А.
- c. Адольф Дистерверг.
- d. Ян Амос Коменский.

**4. Педагогик маҳорат фанининг асосий таркибий қисмларини белгиланг?**

- a. Нутқ малакаси ва техникаси, педагогик қобилияти.
- b. Тушунарли ва таъсирчан фикрни аниқ ифодалаш, мулоқот маданияти.
- c. Мимик ва пантомимик ҳаракатлар, самимийлик, муомала одоби.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**5. Ўзбекистон Республикаси “Ёш ўқитувчилар ассоциацияси” қачон ташкил этилган?**

- a. 1992 йилда.
- b. 2001 йилда.
- c. 2009 йилда.
- d. 2004 йилда.

**6. Касбий педагогик маҳорат мазмунини “Илгор ўқитувчи”, “Ижодкор ўқитувчи”, “Новатор ўқитувчи ” тимсолида тасаввур этган олим ким?**

- a. Комил Зарипов.
- b. Ҳикматулла Абдуллаев.
- c. Малла Очилов.
- d. Чўлпон.

**7. XI-XV асрларда, Шарқ мамлакатларида нотиқлик санъати мактабларини ривожлантириш ҳамда ўша давр нотиқлари ҳақида маълумотлар берилган асар ва унинг муаллифи.**

- a. Кайқобус: «Қобуснома ».
- b. Алишер Навоий: "Маҳбуб ул-қулуб".
- c. Равшонбек Маҳмудов: “Дегонимни улусқа марғуб эт …”.
- d. Мирзакалон Исмоилий: “Одамийлик қиссаси”.

**8. Шарқ мутафаккирларидан муомала маданияти, мулоқотга киришиш маҳорати, мударрисларни танлаш ҳақида ўз асарларида ноёб фикрларни баён этган донишмандларни кўрсатинг?**

- a. Кайқобус, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Улугбек, Алишер Навоий, Кошифий.
- b. Амир Темур, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳаким ат Термизий.
- c. Кайқобус, Мирзакалон Исмоилий, Исмоилбек Гаспирали.
- d. К.Д.Ушинский, Ян Амос Коменский, Абдулла Авлоний.

**9. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг асосий, таркибий қисмлари белгиланган, қайси жавобда миллий моделнинг асосий, таркибий қисмлари тўлиқ кўрсатилган?**

- a. Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.
- b. Таълимнинг узлуксизлиги, фан ва таълим жараёнлари алоқаларининг ривожланиши, таълим тизимини молиялаш.

- c. Иқтидорли болалар ва истеъодли ёшлар, фан, узлуксиз таълим, ишлаб чиқариш.
- d. Шахс, фан ва таълим, жамият, иқтисодиёт, узлуксиз таълим тизими.

**10. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг таъминловчи омиллари?**

- a. Таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш.
- b. Таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиш.
- c. Фанларни ўқитиши жараёнида техник воситалар имкониятларидан кенг фойдаланиш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**11. Антик давр мутафаккирларидан кимлар педагогнинг касб маҳорати ва нотиқлик санъати ҳақида фикр билдирганлар?**

- a. Сократ, Платон, Демосфен.
- b. Аристотель, Гегель, Исей.
- c. Цицерон, Эсхил, Форобий.
- d. Фарғоний, Исокрад, Гиперид.

**12. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида пайдо бўладиган турли зиддиятли вазиятларни бартараф этиши учун...?**

- a. Ўзи ишлаётган ўқув муассасаси раҳбариятига ёрдам сўраб мурожаат қилиши керак.
- b. Аввало ўз иқтидорига, педагогик ва психологик маҳоратига таяниши лозим.
- c. Дарҳол тартибсиз ўқувчини топиб унга нисбатан тарбиявий жазо методини қўллаши шарт.
- d. Ота-онасини ўқув муассасасига чақиртириши ва сухбат ўтказиб огоҳлантириши керак.

**13. Ўқитувчи ўзининг қандай хусусиятлари устида кўпроқ шуғуланиши керак?**

- a. Хис-туйғуси.
- b. Билими, нутқи.
- c. Ҳатти-ҳаракати.
- d. Барчаси тўғри.

**14. “Буюк дидактика” асарининг муаллифини белгиланг?**

- a. Я.А.Коменский.
- b. Беруний.
- c. К.Д.Ушинский.
- d. Демосфен.

**15. Қўйида педагогик маҳорат фанининг асосий вазифаларини белгиланг?**

- a. Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни инсонпарварлик демократик тамойилларга асослаб олиб бориш.
- b. Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан дунёқарашини ривожлантириш.
- c. Таълим мазмунини фан, маъданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқлари билан бойитиб бориш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**16. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади, бу:**

- a. Инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топиши.
- b. Ҳаёт ва табиатда экологияни яхшилаш.
- c. Илм, фан ва маданиятни янада ривожлантириш.
- d. Дунёвий алоқаларни бир-бири билан боғлаш.

**17. Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” номли рисоласида маъруза ўқиладиган жойни қандай номлайди?**

- a. Саҳна.
- b. Марака жойи.
- c. Илм маркази.
- d. Билим ўчоги.

**18. “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”. Тарбия ҳақидаги ушбу фикрлар муаллифи ким?**

- a. Алишер Навоий.
- b. Амир Темур.
- c. Абдулла Авлоний.
- d. Абу Али ибн Сино.

**19. Узлуксиз таълим тизими турларини белгиланг?**

- a. Ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими, олий таълим, кадрлар малакасини ошириш.
- b. Болалар боғчаси, умумтаълим мактаби, институт, академия, малака ошириш университетлари.
- c. Боғча, мактаб, қасб-хунар коллежлари, академик лицейлар, университетлар, малака ошириш институтлари.
- d. Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юритидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим.

**20. Алишер Навоийнинг қайси асарида устоз-мураббий ҳақида фикрлар баён этилган?**

- a. «Қуш тили» асари.
- b. «Махбуб ул-қулуб» асари.
- c. «Хазойинул маоний» асари.
- d. «Ҳайрат ул аброр» асари.

**21. “Устоз шогирдларига қаттиқ зулм ҳам, ҳаддан ташқари қўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим”. Ушбу фикр қайси алломага тегишили?**

- a. Абу Райхон Беруний.
- b. Алишер Навоий.
- c. Абу Наср Форобий.
- d. Абу Али ибн Сино.

**22. Ўқитувчининг нутқий фаолиятида асосан нималарга эътибор берилади?**

- a. Диапозон, тембр, генераторга.
- b. Сўзлаш, мутолаа қилиш ва эшишишга.
- c. Энергетик овознинг тембри ва ҳажмига.
- d. Диапозон ҳажми ва генераторига.

**23. К.Д. Ушинскийнинг асосий психологик-педагогик асарини белгиланг?**

- a. Педагогик адабиётнинг аҳамияти тўғрисида.
- b. Ўқитувчилар семинариясининг лойихаси.
- c. Она тили.
- d. Болалар дунёси.

**24. Педагогик фаолиятда меҳнат малакаси деб нимага айтилади?**

- a. Бир хил тарзда, ишчининг танаси, оёғи, қўли, бармоқлари билан предметни кўчириш ёки ушлаш учун кетадиган жараён.
- b. Танаффузиз битта ёки бир нечта инсон ҳаракат органларининг иш бажариши.
- c. Эгаллаган билимларини ўзларининг ҳаётий ва амалий фаолиятида қўллай билиши.
- d. Кам вакт ва меҳнатни сарф қилган ҳолда хатосиз, назоратсиз операцияларнинг бажарилиши.

**25. “Муаллимнинг юксак сифати, унинг ақли, илми, фикри, сўзи, ахлоқу-одобидадир”. Ушбу сўзлар муаллифи ким?**

- a. Ҳабиб Абдуллаев.
- b. Абдулла Авлоний.
- c. Малла Очилов.
- d. Комил Зарипов.

### **3 - ВАРИАНТ**

**1. Замонавий мактаб ўқитувчисининг вазифалари нималардан иборат?**

- a. Ўқитувчи энг аввало тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчиси.
- b. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори, ёш авлод келажаги учун жавобгар шахс.

- c. Ўқитувчи синф жамоасининг ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисидир.
- d. Барчаси тӯғри.

**2. “Билим ва тарбия инсон ҳаётининг энг муҳим тиргагидир”. Ушбу гоя қайси муқаддас китобда келтирилган?**

- a. Ҳадислар.
- b. Авесто.
- c. Этнопедагогика.
- d. “Куръони Карим”.

**3. Педагогик назокатда такт сўзи қандай маънони билдиради?**

- a. Ўқитувчининг ўқувчилар олдида ташқи қиёфасини намоён этиши.
- b. Демократик талаблар асосида ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш.
- c. Ихтисосликка доир виждонлилик, адолатпарварлик..
- d. Ўқитувчининг адолат мезони, ор-номус, иззат-нафс, маънавий билим.

**4. “Авесто”да болаларни ўқитиши ва тарбиялаш қоидалари тӯғри кўрсатилган жавобни белгиланг?**

- a. Диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиши ва ёзишга ўргатиш.
- b. Ер, сув, ҳаво, осмон тӯғрисида билимларни билиш.
- c. Яхши фикр, яхши сўз, яхши амалларга ишониш.
- d. Ахлоқ-одоб, маърифатли, диёнатли, меҳнатсевар инсонни шакллантириш.

**5. Ўқитувчининг ўқувчилар билан коллектив ижодий ишни тайёрлашдаги ташкилотчилиги?**

- a. Ўқувчиларда ижодий ишларга нисбатан қизиқиши пайдо қилиш, эркин ҳолда дарс ўтиш.
- b. Ўтказиладиган тадбирни ўқувчилар билан биргаликда танлаб режасини тузиш, режа асосида гурухларга бўлиш, тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш, ўтказилган тадбирни таҳлил қилиш.
- c. Дарсни ранг-баранг, янги услубларда ташкил этиш, дарсгача, дарсдан кейинги ҳолатни ташкил этиш.
- d. Ўрганилаётган ҳар бир мавзуни исботлаш, янгиликлардан хабардор қилиш, мавзуларни тӯғри тушунтириш.

**6. Касбий билимлар мукаммал бўлиши учун нималар талаб этилади?**

- a. Фан методологияси, назарий билимлар, педагогик қобилияят, кўникма ва малакалар.
- b. Методик билимлар, таълимнинг технологик томони, касбий қобилиятларга эга бўлиш.
- c. Педагогик қобилиятга асосланган таълим ва тарбиявий режаларни мукаммал тузиш.
- d. Фаннинг методологиясини билиш, назарий билимлар, методик билимлар, таълимнинг технологик томонини ўрганиш.

**7. “Устоз муаллим бўлса беозор,  
Гўдак эли бозорда харсанг ўйнар”.  
Шайх Саъдийнинг ушбу байт билан илгари сурган гояси?**

- a. Ахлоқийлик ва меҳрибонлик ғоясини илгари сурган.
- b. Таълим беришда қатъиятликни афзал кўрган.
- c. Ўқитувчи ширинсухан ва беозор бўлиши лозим.
- d. Мударрис бола тарбиясида маънавиятли ва одил бўлиши керак.

**8. Юноностонда эрамиздан аввалги X асрда “Нотиқлик санъати”нинг асосий қонуниятлари шаклланган. Улар... ?**

- a. Сиёсатни давлат трибунасига айлантириш, халқни ўзига оғдириш.
- b. Тингловчига тушунтириш; онгини уйготиш; ҳузур-халоват бағишлиш.
- c. Болаларга таълим-тарбия бериш, кишилар онгига таъсир этиш.
- d. Фуқароларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш.

**9. “Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин эмас. Синф саҳнасида рол ўйнашни билмайдиган ўқитувчи касбий фаолият олиб боролмайди.” Ушбу фикрлар муаллифини белгиланг?**

- a. Толстой Л.Н.
- b. Коменский Я.А.
- c. Макаренко А.С.
- d. Сухомлинский В.А.

**10. Индивидуал педагогик техникани шакллантиришда нималар эътиборга олинади?**

- a. Ўқитувчининг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, саломатлиги, анатомик ва физиологик хусусиятлари.
- b. Ўқитувчининг ўз-ўзини бошқаришда эришадиган ютуқлари, педагогик маҳорати.
- c. Устозларнинг меҳнат тажрибасини ўзлаштириши, таълим-тарбияни тўғри йўналтира олиш.
- d. Педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаш учун меҳнат кўникмаси ва малакаларини шакллантириш.

**11. К.Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, ўқитувчи қалбининг болаларга нисбатан меҳрини билдирувчи ахлоқий ҳислатларидан бири.... ?**

- a. Ўқитувчининг педагогик такти ва психологияк билими.
- b. Юксак педагогик маҳорати, ўқувчиларни сева олиши.
- c. Чукур билими, маданияти, маърифатли бўлиши.
- d. Муаллимнингтарбиявий кучи ва қобилиятини кўрсатадиган ойина.

**12. “Таълим тўғрисида”ги Конун Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисining IX сессиясида қаҷон қабул қилинган?**

- a. 1997 йил 29 август.
- b. 1998 йил 28 август.
- c. 1992 йил 25 август.
- d. 1991 йил 1 сентябрь.

**13. Педагог ўзининг қайси томонларини бошқаришни ўрганиши керак?**

- a. Диқкат ва мускулларини.
- b. Руҳиятини, маҳоратини.
- c. Оёқ-қўлларини.
- d. Ҳаммаси тўғри.

**14. Ўқитувчи ўқувчиларни ўзи билан ҳамкорликка жалб эта олиши учун нима қилиши керак?**

- a. Педагогик фаолият ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва қизиқишлиринга тўғри келиши лозим.
- b. Ўқитувчи ўқувчиларга педагогик ва психологияк жиҳатдан тўғри вазифа кўяди.
- c. Синф жамоасида ўқитувчи ҳам иштирокчи, ҳам маслаҳатчи вазифасини бажаради.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**15. “Рефлексия ўз-ўзини таҳлил қилиш бўлиб, ўз-ўзича белгиланган мақсадга эришиш эмас, балки билим олиш, тажриба орттириш усули, ижодга, касбий жиҳатдан такомиллашибашга нисбатан рағбатлантиришдир”. Рефлексияга ушбу таъриф қайси олим томонидан берилган?**

- a. Турбовский Я.С.
- b. Плескач Л.Е.
- c. Сухомлинский В.А.
- d. Давлетшин М.Г.

**16. Инсон қобилиятига тўғри тавсиф берилган жавоб?**

- a. Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йигиндисидир.
- b. Қобилият – ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини мукаммал режалаштира олиши демакдир.
- c. Қобилият – одамларнинг юксак психик ҳолатини тушуниш ва касбий жараёнда муваффақиятларга эришиши.
- d. Қобилият – ўқитувчининг педагогик фаолияти жараёнида пайдо бўладиган маҳоратидир.

**17. Олий таълим неча босқичдан иборат?**

- a. 6 босқичдан.
- b. 5 босқичдан.
- c. 3 босқичдан.
- d. 2 босқичдан.

**18. Педагогик қобилиятнинг асосий сифатларини белгиланг?**

- a. Ўз касбига мухаббат, ўқувчиларни сева олиш, мутахассислиги бўйича пухта билимга эга бўлиши.
- b. Педагогик тракт ва педагогик назокатга эга бўлиш, педагогик техникани қўллай олиш.
- c. Ўқувчилар жамоасига сингиб кета олиши, ўз меҳнатига ижобий ёндашиши.

d. Барчаси түгри

**19. Ўқитувчининг жонли муроқотини ташкил этувчи омиллар?**

- a. Нутқнинг жозибадорлиги, билим савияси, тафаккурнинг кенглиги, юксак педагогик маданияти.
- b. Ўткир дунёқараши, маънавий маданият даражасининг юксаклиги, педагогик қобилияти.
- c. Таълим-тарбияда педагогик жиҳатдан белгиланган мақсадни түгри йўналтира олиш.
- d. Барча жавоб түгри.

**20. Ўқитувчи педагогик қобилиятини намоён этувчи ёрдамчи хусусиятларни белгиланг?**

- a. Ақл-идрокнинг муайян турлари: ҳозиржавоблик, сабитқадамлик.
- b. Ўқитувчининг нутқи: нотиқлик санъати, сўз бойлиги.
- c. Актёрлик хусусияти: мимика ва пантомимика, хаёлий фантазия.
- d. Барчаси түгри

**21. Интроверт шахсларга хос ҳислатли инсонлар?**

- a. Ўз– ўзини назорат қилишга, ички хавотирга мойил кишилар.
- b. Жанжалкаш, маҳмадона кишилар.
- c. Хушмуомалали, қувноқ, доимо хушчақчақ инсонлар.
- d. Баджаҳл, менсимайдиган.

**22. Олимларнинг фикрича педагогик фаолиятда нечта қобилият етакчилик қиласи?**

- a. 2 та қобилият.
- b. 5 та қобилият.
- c. 6 та қобилият.
- d. 4 та қобилият.

**23. Ўқитувчининг таълим жараёнини муқобиллаштириш қобилияти нималарда намоён бўлади?**

- a. Кам куч сарфлаш эвазига ўқувчиларга таълим бериб, ўқитиш мақсадларига эришишида.
- b. Таълимнинг дидактик масалаларини белгилашда фаннинг абстракция поғоналаридан тўғри фойдаланиш хисобига эришишида.
- c. Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактикага оид янгиликлар ва фаол методларни жорий этишда.
- d. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги база яратилишида.

**24. Онгли равища юзага келтирилган педагогик вазият босқичларини олдиндан режалаштириш нима?**

- a. Педагогик техника.
- b. Креативлик;
- c. Конструктив қобилият.
- d. Педагогик маҳорат.

**25. Перцептив қобилияят нима?**

- a. Ташқи оламни ва муҳитни сезиш ва идрок этиш.
- b. Шахслараро ва техник тизимлараро алоқа.
- c. Дарс олиб бориш жараёнида мулоқотни түғри ташкил этиш.
- d. Ўқувчилар билан ҳамжиҳатлиқда фаолият олиб бориш.

**4 – ВАРИАНТ**

**1. Шахсларнинг ҳис-туйғуси ва психологияк ҳолатларини қалдан ҳис этиш қандай номланади?**

- a. Педагогик техника.
- b. Перцепция.
- c. Эмпатия.
- d. Симпатия.

**2. Инсон қобилиятини интеллектлар тўплами деб, унинг еттига сифатини ажратиб кўрсатган психолог олим ким?**

- a. Давлетшин М.Г.
- b. Рубинштейн С.Л.
- c. Говард Гарднер.
- d. Фозиев Э.

**3. Ўқитувчининг мантиқий қобилияти...?**

- a. Мулоҳаза юритиш, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни ечишга қизиқиши.
- b. Оҳангни, мусиқани яхши ҳис этади, декламация асосида ўқийди
- c. Вақтни, ҳаракат суръатини хис этиши.
- d. Ўз-ўзини билиш, тушуниш ва ҳис этиш, ички ҳис туйғу билан яшаш.

**4. Берилган жавоблардан қайси бири ўқитувчининг авторитар усулида синф жамоасини бошқарувига тегишли?**

- a. Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қиласи, аммо талабчанликни сусайтиради.
- b. Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди, синфни ўқитувчи эмас, ўқувчилар ўз истаганларича бошқарадилар.
- c. Ўқитувчи якка ҳолда гурух фаолиятини белгилайди, ўқувчиларнинг сўзсиз бўйсунишини даъво қиласи.
- d. Педагогик фаолиятда синф жамоасининг фикр мулоҳазаларига таяниб, таълим-тарбиявий ишларни ташкил қиласи.

**5. Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотини боғловчи асосий восита?**

- a. Диалог.
- b. Декламация.
- c. Сўз.
- d. Нутқ.

**6. Қобилият билимдан фарқ қиласы, билим...?**

- a. Игна билан қудук қазишидир.
- b. Илмий мутолаа натижасидир.
- c. Инсон умрини безовчи безак.
- d. Қоронғи йүлларни ёритгувчи чирок.

**7. Ўқитувчининг педагогик назокатида муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни белгиланг?**

- a. Мулоқотни эркин демократик усулда шакллантириш.
- b. Синф жамоасида онгли интизомни вужудга келтириш ва ҳақиқий мулоқот маданиятига эришиш.
- c. Якка хукмонликдан эркин мулоқотга ўтиб, демократик принциплар асосида педагогик фаолият олиб бориш.
- d. Барча жавоб тўғри.

**8. Инсоннинг касбий билим, қўникма ва малакаларни қийинчиликсиз, осонлик билан мукаммал эгаллаши ва бирор фаолият билан муваффақиятли шугулланиши бу...?**

- a. Коммуникатив қобилият.
- b. Психологик қобилият.
- c. Перцептив қобилият.
- d. Шахснинг ички қобилияти.

**9. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими нечта қисмдан иборат?**

- a. 5 та қисмдан иборат.
- b. 2 та қисмдан иборат.
- c. 3 та қисмдан иборат.
- d. 4 та қисмдан иборат.

**10. Ўқувчи ижодкорлигида намоён бўлувчи компонентлар...?**

- a. Эвристик ижодкорлик.
- b. Махсулдор ижодкорлик.
- c. Креатив ижодкорлик.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**11. Кейинчалик педагогик қобилиятга айланадиган лаёқат нишоналарининг мажмуи бу...?**

- a. Инсоннинг истеъоди.
- b. Инсоннинг интеллекти.
- c. Инсоннинг иқтидори.
- d. Инсоннинг лаёқати.

**12. Педагогик маҳорат фанининг таркибий қисмлари?**

- a. Кўникма ва малака.
- b. Таълим-тарбия, маълумот.
- c. Нутқ малакалари, мимика ва пантомимика, хиссий психик ҳолат.
- d. Педагогик техникалар.

**13. Рассомга, математика ўқитувчисига, адабиётшуносга хос бўлган қобилиятнинг етакчи хусусияти бу...?**

- a. Фантазияни ишлата олиш.
- b. Сўз бойлигининг теранлиги.
- c. Атроф-мухитни кузатиб баҳолаш.
- d. Ижодий тасаввур қилиши.

**14. Бирор фаолиятнинг муваффиятли, мустақил ва мукаммал бажарилишини таъминлайдиган ноёб қобилиятлар бирикмаси бу...?**

- a. Моҳирликдир.
- b. Истеъдоддир.
- c. Маҳоратдир.
- d. Талантдир.

**15. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг асосий мақсади нимадан иборат?**

- a. Шахсни ҳаётга тайёрлаш.
- b. Таълим тизимини қайта ислоҳ қилиш.
- c. Таълим соҳасини янгилаб, тубдан ислоҳ қилиш.
- d. Мукаммал билимга эга кадрларни тайёрлаш.

**16. Педагогик маҳоратни ташкил этувчи компонентлар берилган?**

- a. Ўқитувчининг ўз касбига садоқати.
- b. Ўз фанини ўқитиш методикасини пухта билиши.
- c. Педагогик қобилиятынин намойиш эта олиши.
- d. Барчаси жавоблар тўғри.

**17. Ўқувчилар қалбига йўл топа олиш, уларга ёндашиш учун меҳрини қозониш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билан ўзаро алоқа боғлашга қаратилган ўқитувчининг педагогик қобилияти...?**

- a. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятидир.
- b. Ўқитувчининг педагогик маҳоратидир.
- c. Педагогик мулоқот қила олиш иқтидоридир.
- d. Муомала маданиятидир.

**18. Таълим ва тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари?**

- a. Талаб; истиқбол; рағбатлантириш ва жазолаш; жамоатчилик фикри.
- b. Диқкат; хотира; фикрлашни ва билиш қобилиятынин ривожлантириш.
- c. Ўқувчининг муайян ҳислатлари; характер ҳусусиятларини билиш; ишонтириш.
- d. Техник фикрлаш; мимика ва пантомимика, нотиқлик санъати.

**19. Ўқитувчининг таълим жараёнини бошқариш босқичлари?**

- a. Ўқитишига муаммовий-фанлараро ёндашиш, эътиборни амалиётга ёки қўллашга қаратилганлиги.
- b. Режалаштириш, ташкил этиш, ўкув ҳаракатлари, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.
- c. Ўқитувчи тўғри жавобни формал ҳолатда деб қабул қиласди, асосий эътибор ўқитишининг мазмунига қаратилган.
- d. Ҳолатлар «юқоридан пастга» қаралади, асосий эътибор назарияга қаратилган, фаолият продуктив шаклда.

**20. Коммуникатив қобилиятни намоён этувчи асосий компонентни белгиланг?**

- a. Педагогик таъсир кўрсатиши.
- b. Мимика ва пантомимика.
- c. Ўз соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиш.
- d. Нутқ маданиятига доир билимлар.

**21. “Ўқитувчи сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйлаши керак”. Ушбу ғояни қайси муаллиф ўз асарларида баён этган?**

- a. Коменский Я.А.
- b. Авлоний А.
- c. Павлов И.П.
- d. Ушинский К.Д.

**22. Кинестетик қобилият нима?**

- a. Моҳирлик билан дарс ўтиш.
- b. Ўз ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш.
- c. Мускулларнинг бўшашиши.
- d. Ҳаммаси тўғри.

**23. Педагогик фаолиятнинг таркибий қисмларига нималар киради?**

- a. Педагогик фаолиятнинг мақсади;
- b. Педагогик фаолиятнинг объекти ва субъекти;
- c. Педагогик фаолиятнинг воситаси;
- d. Барча жавоблар тўғри.

**24. Коммуникатив муносабатда ишонтиришнинг қўйидаги фаолият шакллари мавжуд:**

- a. Овознинг ўзгариши, талаффуз, нутқ оҳанги асосида ўқувчилар онгига сездирмасдан таъсир қилиш..
- b. Нутқ маданияти, муносабатга киришиш маданияти, ўз-ўзини бошқариш муносабати.
- c. Мавзу бўйича топшириқ бериш, уни машқ қилиш, ўқувчиларни баҳолаш ва рағбатлантириш.
- d. Баҳс, мунозара, сухбатда ўқитувчининг далиллаши, исбот ва мантиққа таяниш.

**25. “Релаксация” қандай ҳолат?**

- a. Жисмонан ва руҳан бўшашиш, бутунлай осойишталик.
- b. Жиззакилик ва асабийлик, ўзини бошқара олмаслик.
- c. Жисмоний чарчашиб, бақириш ёки сўкиш.
- d. Жисмонан ва руҳан тетиклик, жиззакилик.

**5 - ВАРИАНТ**

**1. Коммуникатив таъсир этишнинг қандай шакллари мавжуд?**

- a. Олдиндан ўқувчиларни огоҳлантириш, тезлик билан ўқувчилар тафаккурига таъсир этиш.
- b. Таҳлил этилган иборалар, андозага киритилган нутқлар асосида маҳорат билан дарс олиб бориш.
- c. Ўқитувчининг ташқи қиёфасини ифодаловчи маданияти, муносабатга киришиш маданияти, нутқ маданияти.
- d. Ўз касбига бўлган салбий муносабат, чиқиша олмаслик, тадбирни танлаш, режасини тузиш, таҳлил қилиш, гурухларга бўлинниш.

**2. Педагогик маҳорат компонентларини белгиланг?**

- a. Ўқитувчининг ўз касбига садоқати.
- b. Ўз фанини ўқитиши методикасини пухта билиши.
- c. Педагогик қобилиятынни намойиш эта олиши.
- d. Барчаси жавоблар тўғри.

**3. Бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик билдириш ўқитувчи қобилиятынинг қайси турига киради?**

- a. Перцептив.
- b. Дидактич.
- c. Коммуникатив.
- d. Эмпатик.

**4. Коммуникатив тушунчасининг моҳиятини белгиланг?**

- a. Диагностик ва билим олиш иштиёқини ўстириш, шахсий хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш функциялари.
- b. Таҳсил, тарбиявий, ақлий фаолиятни назорат қилиш.
- c. Анъанавий ва ноанъанавий усуслар асосида назорат қилиш.
- d. Ўқувчилар билан таълим-тарбиявий ижобий алоқа ўрнатиш.

**5. Ўқувчиларни лаёқатли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашда қўпроқ нималарга эътибор бермоқ лозим?**

- a. Ахлоқий тарбияга.
- b. Ишбилармон кишини тарбиялашга.
- c. Меҳнатда машқ қилдиришга.
- d. Иқтисодий тарбияга.

**6. Педагогик муносабатлар тизимини аниқланг?**

- a. Ўқувчилар жамоаси билан доимо ўзгармайдиган ижобий муносабат, суст

- холдаги ижобий муносабат, барқарор салбий муносабат.
- b. Ўқитувчи ав ўқувчининг педагогик фаолиятда бир-бирини тушуниб олиши, турли ролларда бўлиши, ўзини намоён қилиши, хамдард бўлиши.
  - c. Тарбияланувчиларни олдиндан огоҳлантириш, тезлик билан таъсир этиш, педагогик андозага қаратилган ҳаракатлар.
  - d. Бўлажак муносабатни моделлаштириш, муносабатда бўладиган гуруҳни олдиндан билиш, бевосита муносабат ўрнатиш, муносабатни бошқариш, муносабатни таҳлил этиш.

**7. Педагогик муносабатлар тизимида бажариладиган вазифаларни белгиланг?**

- a. Ўрганилаётган мавзуларни исботлаш, ҳикоя қилиш, шахсий намуна қўрсатиш, ижобий ҳолатларни маъқуллаш.
- b. Ҳар бир ўқувчи руҳиятини билиб олиш, тушуниб олиш, ахборот бериш, фикр алмашиш, ўзгалар қайғусини тушиниш, хамдард бўлиш.
- c. Тадбир режасини тузиш, гуруҳларга бўлиниш, топшириқлар олиш, тадбирни ўтказиш, таҳлил қилиш.
- d. Янги дарс турларидан фойдаланиш, дарс турларини такомиллаштириш, дарсни ранг-баранг усуулларда ташкил этиш.

**8. Ўзаро фикр алмашишда ўқувчи онгига таъсир қилиш бу...?**

- a. Ўқувчи ўқитувчининг ёки бирор шахснинг таъсирида хулқ-авторини шакллантиришга ҳаракат қиласди.
- b. Ўқувчиларнинг тафаккури ва дунёқараши таълим-тарбия жараёнида шакллантирилади.
- c. Ўқувчининг психикаси ва хулқ-авторга назоратсиз кириб бориб, таъсир қўрсатади.
- e. Таълим-тарбия жараёнида алоҳида ўқувчи билан суҳбат ўтказилиб, унга таъсир қилинади.

**9. Ўқитувчининг оғзаки нутқи қандай шакллардан иборат?**

- a. Диапазон ва тембр.
- b. Монологик ва диалогик.
- c. Маъруза ва ваъзхонлик.
- d. Равон нутқ ва овоз тизими.

**10. Педагогик таъсир қўрсатишда “Рағбатлантириш ва жазолаш” усулини қўллашдан мақсад...?**

- a. Ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, маълум бир мақсадга, орзуга эркин интилиш ҳиссини такомиллаштириш.
- b. Ўқувчилар хулқ-авторига, ҳатти-ҳаракатига, топшириқларнинг сўзсиз бажарилишига ижобий таъсир этиш.
- c. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат воситаларидан унумли фойдаланиш.
- d. Тарбиявий таъсир қўрсатишнинг энг муҳим ва синаалган усули бўлиб, мақсадли фаолият олиб бориш.

**11. “Сўзларнинг маъноларини, қудратини одамларга аниқ ифодалаб, тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини барча англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз.” Ушбу фикрлар муаллифи ким?**

- a. Аристотель.
- b. Форобий.
- c. Демосфен.
- d. Р. Декарт.

**12. Педагогик жараённинг субъектлари?**

- a. Ўқитувчилар, тарбиячилар, педагогик жамоа.
- b. Ўқитувчилар ва ўқувчилар.
- c. Оила, мактаб ва жамоатчилик.
- d. Синф жамоаси ва алоҳида ўқувчи.

**13. Сўзнинг оғзаки таъсир этиш компонентларини белгиланг?**

- a. Огохлантирувчи сўзлар, нотиқлик санъати асосида таъсир этиш.
- b. Вазифани ижро этишга ундовчи буйруқлар, таъқиқланган ибораларни ишлатмаслиқ.
- c. Ўқувчининг эркин мулоҳазаларини маъқуллаш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**14. Ўқитувчи бирор мавзуни ўқувчилар олдига чиқиб гапиргандада нимани ҳис этиши лозим?**

- a. Мавзунинг мазмуни ва моҳиятини бемалол сўзлаш.
- b. Касбий жиҳатдан мураккаблашган педагогик фаoliятни ҳис этиш.
- c. Мулоқотнинг табиий шаклларини қўллаш.
- d. Маълум бир мақсадга қаратилган мулоқотни қўллаш.

**15. Касбий педагогик мулоқот деганда...?**

- a. Педагогик маҳоратни дарс жараёнида мукаммал қўллай олиш ва ютуқларга эришиш.
- b. Ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёни объектларининг ўзаро ҳамкорлик тизими, ўзаро ахборот алмашиш, тарбиявий таъсир ўтказиш.
- c. Нотиқлик қобилиягини қўллаган ҳолда ўқувчилар онгига таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш.
- d. Коммуникатив қобилиятнинг кўникма ва малакаларини мукаммал эгаллаш асосида ўқувчилар билан суҳбатлашиш.

**16. “Педагогик мулоқот шунчаки психологик, педагогик ёки комуникатив ҳодиса эмас, аввало касбий-ахлоқий ҳодисадир”. Ушбу фикр муаллифи ким?**

- a. Мунаввар қори.
- b. Сухомлинский В.А.
- c. Макаренко А.С.
- d. Коменский Я.А.

**17. Ўқитувчининг ижодий педагогик фаoliяти тизимини белгиланг?**

- a. \*Таълим-тарбиявий мақсадларга қаратилган ижодкорлик; ўқувчилар билан

- ўзаро ҳамкорлик асосида олиб бориладиган ижодкорлик.
- b. Ўз педагогик маҳоратини оширишга қаратилган ижодкорлик; ўқитувчилик қобилиятини такомиллаштирувчи ижодкорлик.
  - c. Узликсиз малакасини ошириб боришни белгиловчи ижодкорлик; ахборот технологияларини мукаммал эгаллаб бориш.
  - d. Педагогик мулоқот қилиш қобилиятини белгиловчи ижодкорлик; ўз соҳаси бўйича илмий муаммолар билан шуғулланишдаги ижодкорлиги.

**18. Коммуникатив вазифанинг функцияси қандай белгиланади?**

- a. Педагогик вазифадан келиб чиқиб, ўқитувчи томонидан танланади.
- b. Ишлаб чиқарувчи характерга эга, мураккаб вазифани ҳал этади.
- c. Комуникатив вазифа педагогик вазифанинг асосини акс эттиради.
- d. Барча жавоб тўғри

**19. Педагогик таъсир кўрсатиш методлари қандай амалга оширилади?**

- a. Ўқитувчи томонидан танланиб, тарбия тамойилларига асосланади.
- b. Ўқитувчи томонидан танланиб, таълим ва тарбия категориялари бўйича белгиланади.
- c. Ўқитувчининг коммуникатив қобилиятини намоён этувчи функция бўлиб, дарс жараёнида амалга оширилади.
- d. Ўқитувчи томонидан танланиб, бевосита мулоқот орқали амалга оширилади.

**20. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад?**

- a. Инсонни ҳар томонлама ривожланишини ва камол топишини таъминлаш.
- b. Ҳаёт ва табиат бирлиги бўлган экологияни янада яхшилаш учун болаларга экологик тарбия бериш.
- c. Илм, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, таълим соҳасини босқичма бочқич ислоҳ килиш.
- d. Дунёвий маданий алоқаларни бир-бири билан узвий боғлаш, кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш.

**21. Педагогик таъсир кўрсатишида ўқитувчининг коммуникатив таъминоти?**

- a. Ўқувчилар ички дунёсини, индивидуал хусусиятларини ўрганади.
- b. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб коммуникатив мулоқот ишлаб чиқилади.
- c. Хушмуомалалик билан психологик муҳит ташкил қилинади; объектни психологик жиҳатдан забт этиш амалга оширилади.
- d. Мулоқотда демократик тизимдан фойдаланилади; эркин мулоқот қилишга имконият берилади.

**22. Педагогик фаолиятнинг турли методларидан, синф жамоасининг шаклланиб улгурган даражасидан, мулоқотни бошқариш тамойилларидан, ўқувчиларнинг индивидуал ёш хусусиятларидан, таъсирнинг режалаштирилган методларидан келиб чиқувчи вазифа...?**

- a. Таълим-тарбия вазифаларни бажариш.
- b. Коммуникатив вазифаларни бажариш.

- c. Педагогик маҳорат функцияларини бажариш.
- d. Педагогик-психологик вазифаларни бажариш.

**23. Ўқитувчи томонидан мунтазам бажарип бориладиган коммуникатив вазифалар?**

- a. Мулоқотнинг узлуксиз жараёнлари, қонуниятлари, тизими ва тамойилларини ўрганиш.
- b. Педагогик коммуникацияни таълим жараёнида бевосита қўллаш тартиби ва технологияларини эгаллаш.
- c. Педагогик мулоқотнинг кўникма ва малакаларини узлуксиз ўзлаштириб бориш, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**24. Ўқитувчининг нутқига қандай талаблар қўйилади?**

- a. Маънавий, қасбий, педагогик.
- b. Маданий, қасбий, педагогик.
- c. Таълимий, тарбиявий, педагогик.
- d. Маданий, тарбиявий.

**25. Педагогик хусусиятига кўра ўқитувчининг коммуникатив мулоқоти қўплаб функцияларга эга бўлган тизим....?**

- a. Ахборот коммуникатив; регуляцион коммуникатив; аффектив-коммуникатив.
- b. Регуляцион коммуникатив; педагогик коммуникатив; психологик-коммуникатив.
- c. Аффектив коммуникатив; технологик коммуникатив; тизимли коммуникатив.
- d. Ахборот коммуникатив; нутқий қобилиятга асосланган коммуникатив; дидактик коммуникатив.

**6 - ВАРИАНТ**

**1. Касбий педагогик коммуникатив мулоқотнинг муҳим компоненти бу...?**

- a. Касбий педагогик маҳорат қирраларини мукаммал эгаллаш ва нутқий маданиятни билиш.
- b. Ўқитувчининг ўз фикр-мулоҳазаларини, эмоционал ҳис-туйғуларини аниқ ифода эта олиш маҳорати.
- c. Педагогик маданият ва педагогик тактнинг юксак намуналарини ўқувчиларга намойиш эта олиш.
- d. Синф жамоаси билан мулоқот қилишнинг касбий кўникма ва малакаларини эгаллаш.

**2. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида рўй берадиган руҳий таъсиrlаниши, қайгуриши, ҳис-туйғуларга берилиши қандай**

**холатда бўлиши керак?**

- a. Ўқитувчи эмоционал ҳис туйғуларга асло берилмаслиги керак.
- b. Коммуникатив муроқот маданияти вазифаларидан келиб чиқилади.
- c. Маълум бир педагогик мақсадга мувоғиқ бўлиши лозим.
- d. Психологик билимларни пухта ўрганиши билан қўллаши мумкин.

**3. Алишер Навоийнинг дидактикага оид асосий асарини белгиланг?**

- a. “Махбуб ул-кулуб”.
- b. “Садди Искандарий”.
- c. “Саббаи-Сайёр”.
- d. “Фарход ва Ширин”.

**4. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муроқотда ширинаханлиги, хушмуомалиги, мулойимлиги...?**

- a. Коммуникатив қобилиятидир.
- b. Индуктив, дедуктив методлардан фойдаланиши.
- c. Суҳбатлашиш, тушунтириш одобидир.
- d. Муошарат одобидир.

**5. Синфда юзага келган педагогик вазиятнинг асл сабабини кимдан ахтариш керак?**

- a. Ўқувчидан.
- b. Ўқитувчидан.
- c. Мактаб директоридан.
- d. Педагогик кенгашдан.

**6. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида қачон қабул қилинган?**

- a. 1997 йил 29 август.
- b. 1998 йил 28 август.
- c. 1992 йил 29 август.
- d. 1991 йил 1 сентябрь.

**7. Таълим-тарбиявий жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муроқот маданияти нима?**

- a. Бевосита ўзаро муносабат асосида маълум бир мақсад сари ҳамжиҳатликка йўналтирилган мақсад.
- b. Ўқитувчининг касбий фаолиятида муроқот маданиятига қатъий риоя қилиши.
- c. Ўзаро муносабатнинг “Устоз-шогирд” анъаналарига хос шаклланиб бориши.
- d. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини намойиш этиши, юксак хулқ намуналарини кўрсата олиши.

**8. Педагогик фаолият деганда нимани тушунасиз?**

- a. Педагогик фаолият – инсон шахсини ҳар томонлама шакллантиришга қаратилган жараён.

- b. Болаларга таълим – тарбия беришга махсус тайёрланган, чуқур билим ва малакалар билан қоролланган шахс.
- c. Ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолияти.
- d. Болалар ва ўсмирлар орасида таълим-тарбия ишига масъул кишиларнинг биргаликдаги фаолияти.

**9. Ўқитувчи педагогик маданиятини шакллантириш учун нималарга эътибор бериши керак?**

- a. Кишилар билан ўзаро муносабатда комуникатив иқтидорини шакллантириб бориши.
- b. Муошарат одобининг муҳим хусусиятларини мукаммал эгаллаши, дилкашлик ва хушмуомалалик кайфиятида юриш.
- c. Мулоқот жараёнида пайдо бўладиган салбий ҳолатларни енгиш кўнималарига эга бўлиш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**10. Алишер Навоийнинг мударрислар ҳақидаги фикрлари белгилаб беринг?**

- a. Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас балки дев ҳам қила билмас...
- b. Устоз олдида доимо таъзимда бўлиши лозим...
- c. Мансабдор домла бир тўда болага илм-одоб ўргатади...
- d. Мударрис меҳнатини ҳеч қачон ўлчаб бўлмайди...

**11. «Инсон камолотида уч нарса – ирсият, муҳит, тарбия муҳим рол ўйнайди» деган фикрлар муаллифи ким?**

- a. Абу Наср Форобий.
- b. Абу Райхон Беруний.
- c. Абу Али ибн Сино.
- d. Юсуф Хос Ҳожиб.

**12. Президентимиз И.А. Каримов таърифи бўйича таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ҳамда мезони...?**

- a. Ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш.
- b. Дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаш.
- c. Ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, окни қорадан ажратишга қодир бўлиш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**13. Синф жамоасини бошқарув услубидан қайси бири, педагогик мулоқот маданиятига салбий таъсир этади?**

- a. Бошқарувнинг демократик услуби.
- b. Бошқарувнинг либерал услуби.
- c. Бошқарувнинг авторитар услуби.
- d. Эркин мулоқот услуби.

**14. Педагогик маҳорат тизимининг асосий компонентлари...?**

- a. Педагогик инсонпарварлик йўналиши.
- b. Касбий билимларни мукаммал билиш.
- c. Педагогик қобилият ва педагогик техникани эгаллаш.
- d. Ҳамма жавоблар тўғри.

**15. Ўқувчиларни ишонтириш, мулоқотга киришиш, пок кўнгиллилик қайси педагогик қобилиятга киради?**

- a. Эстетик қобилият.
- b. Коммуникатив қобилият.
- c. Перцептив қобилият.
- d. Дидактик қобилият.

**16. «Аутоген тренировка» қандай маънони билдиради?**

- a. “Авто-ташқи” деган маънони беради ҳамда «ташқи таъсир» маъносини билдиради.
- b. “Авто-ўзига” деган маънони билдиради ва “ўз-ўзига таъсир” маъносини беради.
- c. “Авто-ички” деган маънони билдиради ва “ички таъсир” маъносини беради.
- d. “Авто” атроф-муҳит деган маънони билдиради ва “атроф-муҳит таъсири” деган маънони беради.

**17. Коммуникатив қобилият қандай қобилият?**

- a. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўз ишини режалаштира олиши демакдир.
- b. Бошқа одамлар билан бўладиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик киришувчанликни таъминлайдиган қобилиятдир.
- c. Бошқаларнинг руҳий холатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик муносабатида бўлиш қобилиятидир.
- d. Ўқувчиларга таълим ва тарбия бера олиш ҳамда билиш тафаккурини ривожлантириш қобилиятидир.

**18. Сўз – ўқитувчи касбий маҳоратининг қайси қирраларида намоён бўлади?**

- a. Ўқитувчининг нутқида, маъruzасида, диалог, монолог, декламацияларида намоён бўлади.
- b. Ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан мулоқот қилиш жараёнида намоён бўлади.
- c. Ўқитувчининг барча педагогик қобилияtlарини намойиш этишда зарур бўлган восита.
- d. Ўқитувчининг дарс структурасини мукаммал ташкил этиб ўтказишида намоён бўлади.

**19. Педагогикада ўқитувчи қобилиятига таъриф?**

- a. Ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган интеллектуал фаолият.
- b. Бу имкониятдир, унинг моҳирлиги зарурий даражаси ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида такомиллашиб боради.

- c. Ўқитувчининг тажрибаси ва билимлари асосида бажариладиган фаолият.
- d. Педагогик маҳоратга эришишни таъминлайдиган интеллектлар тўплами.

**20. “Воиз (нотик) одамнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлиши керак, унинг насиҳатларидан чиқмаслик шарт”.**

**Ушбу фикрлар муаллифини белгиланг?**

- a. Абу Наср Форобий.
- b. Алишер Навоий
- c. Абу Али ибн Сино
- d. Ҳусайн Кошифий.

**21. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчига зарур бўлган қобилият тизими?**

- a. Ўқитувчи жонли мuloқot олиб бориш қобилиятига ҳамда педагогик маҳоратга эга бўлиши керак.
- b. Аниқ мақсадни кўзлаш, қатъиятлик, камтарлик, кузатувчанлик, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш.
- c. Диққатни тақсимлай олиш, янгиликка интилиш, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, ташкилотчилик, обрў орттира олиш.
- d. Билим, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, обрў орттира олиш, мuloқot қилиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш.

**22. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида таъкидланган “Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир мухим ҳаётий омил...” нима?**

- a. Миллий қадриятларимиз ва урф-одат, анъаналаримизга садоқатли бўлишимиз.
- b. Инсонни тушуниш, унинг қадр-қимматини чукур англаб этиш, эъзозлашдир.
- c. Таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқлигидир.
- d. Шарқ мутафаккирларининг ноёб ижодий меросини мукаммал ўрганиш.

**23. Нутқнинг асосий хусусиятлари қандай талаблар асосида келиб чиқади?**

- a. Нутқнинг тўғрилиги ва равонлиги.
- b. Нутқнинг аниқлиги ва таъсирчанлиги.
- c. Нутқнинг мантиқийлиги ва тозалиги.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**24. Ўқитувчининг ўзаро фикр алмашиши билан боғлиқ хусусиятларини белгиланг?**

- a. Эмпатия ҳамда перцептив хусусиятлар.
- b. Мимика ва пантомимика.
- c. Коммуникатив ҳамда конструктив.
- d. Ишонтириш ва таъсир этиш.

**25. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади нима?**

- a. Узлуксиз таълим жараёнини мунтазам татбиқ этиш, малакали кадрларни тайёрлаш.
- b. Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш.
- c. Таълим олувчиларни фаол меҳнатга, жамоат ишларига тайёрлаш.
- d. Таълим соҳасида Ўзбекистон давлатининг ўзига хос йўлини қидириб топиш.

**7 - ВАРИАНТ**

**1. Шахснинг билимлар тизимига, дунёқарашига, хулқ-авторига, ҳатти-ҳаракатига таъсир эта олиш ва уни қисман ўзгаришиш нима?**

- a. Креативлик;
- b. Релаксация;
- c. Эмпатия;
- d. Ишонтириш.

**2. Ўқитувчи раҳбар сифатида ўз муносабатини ташкил этади. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида, ўқитувчининг раҳбар сифатидаги бошқарув усуслари қўрсатилган?**

- a. Ўқитувчи авторитар, демократик, либерал усусларга асосланиб синф жамоасини бошқаради.
- b. Ўқувчиларни ёқтириш ёки ёқтирмаслиги, дўстлик асосидаги ўзаро ҳурмат, коммуникатив муносабат усуслари асосида бошқаради.
- c. Билим бериш, маълумот олиш, мавзуни ҳикоя қилиш, сұхбат ўтказиш каби усувлардан иборат бошқарув.
- d. Ўқувчиларни тушуниш, ёлғон хушомад қилиш, муюшарат одоби, ишонтириш ва таъсир этиш усуслари билан бошқарув.

**3. “Мударрисларнинг барча қобилиятларидан энг яхшиси нутқ қобилиятидир” сўзлари қайси аллома асарида берилган?**

- a. Форобий “Фозил шаҳар одамлари”.
- b. Шайх Саъдий “Гулистон”.
- c. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”.
- d. Кайқобус: “Қобуснома”.

**4. Либерал усул асосида педагогик фаолият олиб борища...?**

- a. Ўқитувчининг қаттиқўллиги, ўқувчиларнинг сўзсиз бўйсунишини даъво қилиши, ўқувчиларни инобатга олмаслиги.
- b. Ўқитувчи ўқувчилар билан эркин муроқот тизимини шакллантиради, синф жамоаси ташаббусини қўллайди.
- c. Ўқитувчи ташаббускор бўлади, аммо ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари инобатга олинмайди.
- d. Ўқитувчи ташаббуссиз, ўз мустақил фикрига эга эмас, ўқувчилар таълим ва тарбиясига эътиборсиз, беғам қарайди.

**5. Ўқитувчининг ўқувчилар билан педагогик муроқоти функциялари?**

- a. Таълим–тарбиявий фаолиятни ўқувчилар билан биргаликда ташкил этиш ва ўзаро ахборот алмашишни йўлга қўйиш.
- b. Ўқувчиларни эркин фикр–мuloҳаза юритишига ўргатиш ва салбий ҳолатларни биргаликда бартараф этиш.
- c. Ўқувчилар психик ҳолатини мукаммал билиш, мuloқотда қониқиши хис этиш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**6. Мактабгача, умумий ўрта, уч йиллик (академик-лицей, касб-хунар) ҳамда олий таълим тизимининг асосий меъёрий-хуқуқий хужжати бу...?**

- a. Давлат таълим стандарти.
- b. Давлат талаблари.
- c. Ўқув режалари.
- d. Намунивий ўқув режа.

**7. Педагог олим В.А.Кан-Калик ўқитувчининг педагогик мuloқоти тузилишини нечта босқичга бўлади?**

- a. 3 босқичдан.
- b. 2 босқичдан.
- c. 5 босқичдан.
- d. 4 босқичдан.

**8. Ўқитувчиларнинг характеристи, индивидуал хусусиятига қараб тоифаларга ажратиб беринг?**

- a. Ташаббускор ўқитувчи ва ташаббусиз ўқитувчилар, ижодкор ўқитувчилар, дангаса ўқитувчилар.
- b. Ишга бефарқ қаровчи ўқитувчилар, ташкилотчи, қобилиятли, маданиятли ўқитувчилар.
- c. Хушмуомалали ва ташаббускор ўқитувчилар, мuloқотда қўпол, иқтидорсиз ўқитувчилар.
- d. Ташаббускор, ижодкор ўқитувчилар, ташаббусиз, ўз фикрига эга бўлмаган ўқитувчилар, ҳамма ишга бефарқ қаровчи ўқитувчилар.

**9. Ҳозирги даврда, ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабат турларини кўрсатинг:**

- a. Ўқитувчининг хикояси, шахсий намуна, мунозара, сухбат, дарсларни дидактик жиҳатдан ташкил этувчи.
- b. Билиш, англаш, экспрессив (хис-туйғу ҳолати), ишонтириш ижтимоий-анъанавий, киши ҳолатини сўзсиз тушуниш.
- c. Буйруқ, кўрсатма, кесатик, айглаш, ўз муносабатини ҳамма нарсадан юқори қўйиш.
- d. Авторитар, либерал, демократик.

**10. Қобилиятга яқин тушунчалар...?**

- a. Иқтидор ва моҳирлик.
- b. Маҳорат ва истеъдод.
- c. Интеллект ва зийраклик.
- d. Кўнікма ва малакалар.

**11. Мұхим ақамиятта эса бўлган асосий педагогик таъсир кўрсатишиш методларини белгиланг?**

- a. Ишонтириш; онгга таъсир ўтказиш методлари.
- b. Жамоавий ва якка тартибдаги сұхбат методлари.
- c. Рағбатлантириш ва жазолаш методлари.
- d. Педагогик технологияга оид тарбиявий методлар.

**12. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муроқотга киришишида таъсир этувчи асосий усууларни кўрсатинг?**

- a. Огоҳлантирувчи сўзлар.
- b. Ишонтириш, таъсир этиш ва маъқул қилиш.
- c. Рағбатлантириш ва жазолаш.
- d. Жазолаш, тарбиявий таъсир ўтказиш.

**13. Замонавий, билимли, ватанпарвар инсонларни тарбиялаш кимнинг вазифаси?**

- a. Файласуфнинг.
- b. Педагогнинг.
- c. Жамиятнинг.
- d. Ҳокимиятнинг.

**14. Педагогик муроқотга берилган таърифни белгиланг?**

- a. Педагогик муроқот бу – икки киши яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муроқот шакли.
- b. Муроқот–педагогнинг ўқувчиларга таъсир этишдаги касбий қуроли бўлиб, касбий маҳоратини белгилайди.
- c. Педагогик муроқот – бу ўқитувчининг ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда синфда психологик мухит ва ижобий руҳий иқлим яратишидир.
- d. Педагогик муроқот бу – ўқитувчи ва ўқувчилар мунозараларини олиб бориш, ўз фикрларини таҳлил қилиб боришга айтилади

**15. Қуйидаги педагогик назокатга оид тўғри тавсифни белгиланг?**

- a. Педагогик назокат – дўйстлик, хизматдаги мослиқ, чиқишиб, ҳамжиҳат бўлиш, майнлик.
- b. Педагогик назокат – таълим ва тарбиявий тадбирларни тўғри танлаш, унинг режасини тузиш, ўтказиш ва тахлил қилиш.
- c. Педагогик назокат – нафасни тўғри мослаб олиш, овозни ўзгарувчанлиги ва майнлиги, талаффуз, равон нутқ маданияти.
- d. Педагогик назокат – ўқитувчи ахлоқий–маънавий қиёфасини намоён этувчи меъёр туйғуси, хулқ ва одоб қоидаларига риоя қилиш, одамийлик, камтарлик ва меҳр–оқибат туйғулари.

**16. “Авесто”да Коҳин муаллимлари томонидан болаларга ўргатиладиган дуолар қайси сўз билан бошланган?**

- a. Ахура Маздага ҳамду санолар айтиш.
- b. Ер, сув, осмон, табиатга сифиниш.
- c. Яхши фикр, яхши сўз, яхши амалларга ишониш
- d. Ўз ватанига, динига садоқатли бўлиш.

**17. Педагогик назокатнинг моҳиятига нималар киради?**

- a. Ўқитувчи ташқи қиёфасининг гўзаллиги, ўқувчиларга демократик талаблар асосида дарс ўтиши.
- b. Этнопедагогик туйғулар, миллий қадриятлар, урф—одат ва анъаналар, ўзбекона тавозе ва мумомала маданияти.
- c. Ихтисосликка доир виждон, адолатпарварлик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиши, педагогик орият.
- d. Тўғри жавоб кўрсатилмаган.

**18. Педагогик жараённинг объектлари?**

- a. Педагогик жамоа, ўқитувчи, мактаб маъмурияти.
- b. Ўқитувчилар, тарбиячилар, ота- оналар.
- c. Ўқувчилар гуруҳи ва алоҳида ўқувчи.
- d. Оила, мактаб, жамоатчилик.

**19. Экстравертларга қандай хислатли инсонлар киради?**

- a. Шахсларга хос умумий фаоллик, осойишталик, таъсирчанликка мойил кишилар.
- b. Жанжалкаш, маҳмадона, ҳеч кимни менсимайдиган, маданиятсиз, ўз ишига совуқкон кишилар.
- c. Хушмуомала, қувноқ, хушчақчақ, барча билан бир хил муносабатда бўладиган фаол кишилар.
- d. Баджаҳл, менсимайдиган ва одамларга аралашмайдиган, доимо ёлғизликни хуш кўрадиган кишилар.

**20. Ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган, ҳар қандай таълим-тарбиявий тадбир моҳиятини ўқувчиларга етказадиган, зиддиятли жараёнлардан олиб чиқиши қудратига эга бўлган фаолиятни белгиланг?**

- a. Ўқитувчининг педагогик маҳорати.
- b. Ўқитувчининг жонли муроқоти.
- c. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.
- d. Нотиклик санъатини намоён қила олиши.

**21. Ўқувчи энг яхши инсоний фазилиятларни, ахлоқ-одобни, муроқот маданиятини аввало кимнинг тимсолида кўришга интилади?**

- a. Ўқитувчи тимсолида кўришга интилади.
- b. Ота-онаси тимсолида кўради.
- c. Ўзи қизиқкан фильм ва асар қаҳрамонлари образида кўради.
- d. Ўз характерида шакллантиришга интилади.

**22. Ўқитувчининг педагогик муроқот асосида синф жамоасини бошқариши одатда нечта босқичдан иборат?**

- a. Иккита босқичдан иборат.
- b. Тўртта босқичдан иборат.
- c. Олтига босқичдан иборат.
- d. Учта босқичдан иборат.

**23. Ўқитувчининг педагогик назокатга эришиш йўллари?**

- a. Ўқитувчи педагогик маҳоратида сайқалланадиган туйғулар, педагогик техникани билиши асосида.
- b. Ўзини тута билиши, сабр-тоқат, сезгирилик, виждан, орият каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан.
- c. Миллий-маънавий қадриятларимизни чуқур ўрганган ҳолда ўқувчилар билан яхши муомалада бўлиш.
- d. Ўқитувчи ижодий фаолиятида билимларни ўзлаштириши, нотиқлик санъати ва қобилиятини шакллантириши орқали.

**24. Коммуникатив қобилиятнинг таърифи тўғри берилган қаторни аниқланг?**

- a. Касбий хушёрлик, эмоция, педагогик интуиция.
- b. Кишиларни ўзига ишонтира олиш, мuloқотга тез кириша олиш, очиқлик яъни мuloқот эҳтиёжи.
- c. Таълим-тарбия жараённида ҳаракатчан ва ташаббускор бўлиш.
- d. Хар қандай педагогик вазиятларда ўз-ўзини бошқара олиш.

**25. Инсоннинг атрофдаги одамлар билан барқарор, яқин муносабатда бўлишга интилиши...?**

- a. Коммуникатив қобилият.
- b. Муошарат одоби.
- c. Ўқитувчининг дилкашлиги.
- d. Мuloқот маданияти.

## **8 - ВАРИАНТ**

**1. Ўқитувчи педагогик маҳоратига таъриф беринг?**

- a. Муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.
- b. Таълим ва тарбиявий фаолиятда юқори даражага эришишни ва уни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолият бўлиб, ҳар бир ўқитувчи фазилатида намоён бўлади.
- c. Дидактик ҳамда тарбиявий жараённинг ўқитувчи томонидан самарали, маҳоратли тарзда ташкил этишdir.
- d. Ўқитувчи томонидан педагогик жараённи такомиллаштириш, оптимальлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омилидир/

**2. Педагогикада дилкаш инсонлар сифатида эътироф этиладиган ўқитувчilarни белгиланг?**

- a. Меланхолик инсонлар.
- b. Интраверт тоифасидаги шахслар.
- c. Қувноқ, хушчақчақ кишилар.
- d. Экстраверт типдаги шахслар.

**3. Педагогик техниканинг муҳим жиҳатлари?**

- a. Турли ролларда бўлиш фаолияти, ўзаро фикр алмашиши, бирга қайғуриш, хаёл суриш.

- b. Доимо ўзгармайдиган ижобий фаолият, суст ҳолдаги ижобий муносабат, барқарор бўлмаган муносабат, барқарор салбий муносабат.
- c. Ўқувчилар жамоаси билан ҳамфирлик, келишувчанлик, ташаббусни маъқуллаш.
- d. Ўқитувчининг маҳоратини белгиловчи касбий кўникмалари, саводли ва ифодали сўзлай олиши, билими ва фикрини тушунарли тарзда етказа олиши.

**4. Ўқитувчилик касбини танлаган киши қандай шахсий фазилатларга эга бўлиши керак?**

- a. Соғлом бўлиши, болаларни севиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши.
- b. Педагогик маҳоратни мукаммал эгаллаши, барча қобилиятларни ўзида намоён этиши.
- c. Болаларни ёқтириши, ўз фанини мустаҳкам эгаллаши, нутқининг равонлиги.
- d. Иймон-эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, одоб-ахлоқи, фуқаролик бурчини ҳис этиши, маънавияти, дилкашлиги. Барча жавоблар тўғри.

**5. Педагогик вазият фаолиятини моҳирлик билан бошқариш – бу ... ?**

- a. Педагогик техникадир.
- b. Педагогик вазиятдир.
- c. Педагогик маҳоратдир.
- d. Педагогик вазифадир.

**6. Ўқитувчининг касбий педагогик коммуникатив муроқоти компонентлари?**

- a. Касбий педагогик маҳорат қирраларини мукаммал эгаллаш ва нутқий маданиятни билиш.
- b. Синф жамоаси билан муроқот қилишнинг касбий кўникма ва малакаларини эгаллаш.
- c. Педагогик маданият ва педагогик тактнинг юксак намуналарини ўқувчиларга намойиш эта олиш.
- e. Ўқитувчининг ўз фикр-муроҳазаларини, эмоционал ҳис-туйғуларини аниқ ифода эта олиш маҳорати.

**7. Педагогик техника нима ?**

- a. Ўқитувчи фаолиятнинг ташкилий шакли.
- b. Педагогика жараёнини бошқариш.
- c. Дарсни кузатиш.
- d. Ҳаммаси тўғри.

**8. Янгича, одатдан ташқари фаолият олиб бориш қандай дарс турига киради?**

- a. Аралаш дарслар.
- b. Таянч белгига асосланган дарслар.
- c. Ноанъанавий дарслар.
- d. Такрорлаш дарслар.

**9. Ўқувчиларга барча демократик талаблар асосида педагогик таъсир ўтказиши, муроқотни инсонпарварлик туйғулари асосида ўрнатиш ўлчови, ўқувчиларда**

**мустақил фикр юритиш ҳамда онгли интизомни шакллантириш кўникмаларини хосил қилиш... бу?**

- a. Ўқитувчининг педагогик қобилияти.
- b. Ўқитувчининг педагогик такти.
- c. Ўқитувчининг мимик-пантомимик ҳаракатлари.
- d. Ўқитувчининг дидактик ва ташкилотчилик маҳороти.

**10. Маълумки, педагогик техника тушунчаси иккита гурухга бўлиб ўрганилади, биринчи гурух компонентларига кирувчи асосий хусусиятларни белгиланг?**

- a. Ўқитувчининг алоҳида шахсга ва ўқувчилар жамоасига таъсир кўрсатиш малакалари.
- b. Ўқитувчининг касбий маҳоратини ва педагогик қобилиятини узлуксиз такомиллаштириб бориши.
- c. Ўқитувчининг шахсий ахлоқий фазилатлари, ўз-ўзини бошқариш малакалари.
- e. Ўқитувчининг ижодий меҳнат фаолияти асосида таълим-тарбиявий жараёнда ўзини намоён қилиши.

**11. Ўқитувчининг фикр алмашиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив қобилият хусусиятларини белгиланг?**

- a. Ишонтириш; таъсир этиш; тақлид қилиш.
- b. Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи.
- c. Жорий этиш, назорат қилиш ва баҳолаш.
- d. Фаолият тури, педагогик жараён, ўйин услубиёти.

**12. Педагогик фаолиятнинг ташкилий шакли бўлиб, кўл билан тутиб бўлмайдиган, беҳад узоқ ижодий изланишлар ва азоб-уқубатли кечинмалар, тинимсиз педагогик фаолият, ўқитувчининг фаҳм-фаросати, билими ва маҳорати билан амалга ошириладиган қизгин ижодий меҳнат маҳсули.... бу?**

- a. Ўқитувчининг педагогик мулоқот маданияти.
- b. Ўқитувчининг шахсий қобилиятлари.
- c. Ўқитувчининг касбий педагогик маҳорати.
- d. Ўқитувчининг педагогик техникаси.

**13. “Йўлда ҳам, чўлда ҳам, ҳамма фасл, ҳамма манзилда, қўйинчи умрингизнинг охириги нуктасигача сиз фаолият устидасиз. Бу дегани сизнинг борлиғингиз, ҳар бир сўз, ҳар бир ишорангиз одамлар учун нур, мадад ва халоскорликдир”. Ушбу фикрлар муаллифи ким?**

- a. Абдулла Авлоний.
- b. Турсуной Содикова.
- c. Алишер Навоий.
- d. Маҳмудхўжа Беҳбудий.

**14. Ўз фикрларини, кайфиятини, ҳолатини, ҳиссиётини, қош, кўз ва юз мускулларининг ҳаракати билан баён қилиш санъати...**

- a. Ўқитувчининг пантомимикаси.
- b. Ўқитувчининг нотиқлиги.

- c. Ўқитувчининг мимикаси.
- d. Ўқитувчининг актёрлик саънати.

**15. Ўқитувчилик қасбини кўпинча қандай номлашади?**

- a. Болага таълим-тарбия берувчи шахс.
- b. Матонатли қасб эгаси.
- c. Бола қалбининг инженери.
- d. Отангдек улуғ инсон.

**16. Нутқ техникасига нималар киради?**

- a. Нафас олиш, овозни йўлга қўйиш, унинг товланиши, талаффузи, нотиклик санъати.
- b. Нутқ асосида ўқувчиларни ишонтириша олиш, уларга таъсир қилиш, тақлид қилишни шакллантириш.
- c. Товушларни тўғри талаффуз қилиш, тилнинг грамматик қоидаларига риоя қилиш.
- d. Ҳамма жавоблар тўғри.

**17. Ўқувчиларга доимо тарбиявий таъсир этувчи ота-оналар, тарбиячилар, синф жамоаси қандай номланади?**

- a. Ўқитувчи фаолиятининг субъектлари.
- b. Ўқитувчининг қасбий билимлари.
- c. Ўқитувчи фаолиятининг обьектлари.
- d. Ҳаммаси тўғри.

**18. Билим деганда нима тушунилади?**

- a. Инсоннинг дунёқараши, ҳодиса ва воқеаларга бўлган муносабати.
- b. Диалектик дунёқарааш, билимга қизиқиш ва шахсий фазилатлар.
- c. Тасаввурлар, тушунчалар ва мулоҳазалар.
- d. Ҳиссиёт, қобилият ва маҳорат.

**19. Педагогнинг нутқи қайси талабларга жавоб бериши лозим?**

- a. Нутқнинг лугавий, грамматик ва лексик жиҳатдан тўғрилигига ва бойлигига.
- b. Нутқнинг ифодалилиги, ёрқинлиги, образлилиги, замонавий нормаларга мос келиши.
- c. Ўқитувчининг орфоэпия, интонация, анцентология талаффуз қоидаларига риоя қилиши.
- d. Ҳамма жавоблар тўғри.

**20. Овоз ҳажми, тонларининг энг паст ва энг юқори чегаралари бу ...?**

- a. Тембр;
- b. Резонатор;
- c. Товушнинг юқорилиги;
- d. Диапозон;

**21. Коммуникатив қобилиятга берилган таърифни белгиланг?**

- a. Ўқитувчининг қасбий фаолиятида таълим ва тарбиявий ишларни режалаштира олиши демақдир.
- b. Бошқа одамлар билан бўладиган ва биргаликда фаолиятда психологик келишувчанликни таъминлайдиган қобилиятдир.

- c. Бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик муносабатида бўлиш қобилиятидир.
- d. Бошқаларнинг руҳий ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик муносабатида бўлиш асосида таълим ва тарбия бера олиш қобилиятидир.

**22. Ўқитувчи педагогик муроқоти ҳар хил кўринишда намоён бўлади, бу... ?**

- a. Коммуникатив, интерактив, перцептив.
- b. Психологик, агрессив, хушмуомалилилк.
- c. Педагогик маҳорат, муошарат, коммуникатив.
- d. Ишонтириш, онгга таъсир этиш, тақлид қилиш.

**23. Овоз ўзгариши, нафас олиш, нутқ ва дикциянинг малака ва кўнималари йигиндисини автоматизм даражасига етказиши бу ...?**

- a. Резонатор тизим.
- b. Диапозон тизим.
- c. Нутқ техникаси.
- d. Тўғри жавоб йўқ.

**24. “Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулmdir, қобилиятсизга тарбия бермок ҳайфдир”. Ушбу фикр муаллифи ким?**

- a. Ҳусайн Маолий Кайқобус.
- b. Юсуф Хос Ҳожиб.
- c. Алишер Навоий.
- d. Маҳмуд Қошғарий.

**25. Нутқ неча турга бўлинади?**

- a. 1 та: муроқот нутки.
- b. 2 та: оғзаки, ёзма.
- c. 3 та: оғзаки, ёзма, ташқи.
- d. 4 та: импресив, экспрессив, оғзаки ёзма.

## **9 - ВАРИАНТ**

**1. Оғзаки нутқнинг вазифаси нималардан иборат?**

- a. Ўқитувчи нотиклик санъатини намойиш этиб, ўқувчилар жамоаси билан ўзаро муроқотни амалга оширади.
- b. Нутқ ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни онгига, истак ва мотивларига ҳис-туйғуларига таъсир этиб, ўз камчиликларини коррекциялади.
- c. Таълим жараёнида олинган билимларни чуқур идрок этиш, нутқ ёрдамида ўқувчиларни ўкув ва амалий фаолиятларини самарали ташкил этиш.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**2. Қайси тренинглар орасида катта фарқ йўқ ва улар бир-бири билан узвий боғлиқ?**

- a. Жисмоний, мимика.
- b. Идрок, психологик нутқ.
- c. Жисмоний, психологик.

d. Ҳаммаси түгри.

**3. Берилган жавоблардан қайси бири педагог нутқининг талабларига кирмайди?**

- a. Нутқнинг луғавий грамматик жиҳатдан түғрилиги.
- b. Нутқнинг ифодалилиги, ширалилиги, ҳис-туйғуга бойлиги.
- c. Нутқнинг луғавий ва маданий жиҳатдан бойлиги.
- d. Овоз тонининг тезлиги, юқори даражада баландлиги, бир хил гапириши.

**4. Ўқитувчи товушининг ўзига хослиги нимада?**

- a. Ўқитувчи товушининг паст-баландлигига, кучли нутқ аппарати органларининг фаоллигига.
- b. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган янги дарс мавзуси қандай ғояни акс эттиришига қараб ўзгаришида.
- c. Ўқувчилар ўқитувчининг нотиклик санъатини намойиш этиб, ўз нутқини яхши ижро этишида.
- d. Ўқитувчи нутқидаги орган камчиликларининг пайдо бўлишига қараб тузатиб боришида.

**5. Педагогнинг қайси жараёнини саҳнадаги актёрлар фаолиятига ўхшатиш мумкин?**

- a. Хатти-ҳаракати, дарс олиб бориш жараёни.
- b. Эстетик ҳис-туйғусини.
- c. Ўқувчилар билан мулоқотини, билим савиясини.
- d. Мимика ва пантомимика қоидаларига хос ҳаракатини.

**6. Нотиклик санъати тарихига бағишлиланган “Брут”, “Нотиклик санъати намоёндалари”, “Нотик”, “Нотиклик ҳақида” каби асарлар муаллифи ким?**

- a. Цицерон
- b. Демосфен
- c. Гиперид
- d. Исократ

**7. Ўрта Осиё маданияти тарихида нотиклик санъати намоёндаларини қандай аташган?**

- a. Надимлар, бадиҳагўйлар, қироатхонлар.
- b. Воизлар, гўяндалар, маддоҳлар.
- c. Қасидахонлар, қиссагўйлар, муаммогўйлар.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**8. Ўқитувчининг педагогик мулокот маданиятида намоён бўладиган хусусиятларни белгиланг?**

- a. Мамлакатимизнинг ижтимой-сиёсий талаб ва эҳтиёжларига мос юксак маънавият даражаси.
- b. Ўқувчиларга самимий меҳр-мухаббат, эҳтиёжлари, қизиқишилари, ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини тушуниш.

- c. Ўқувчилар билан мuloқотда лаёқатлилиги, нутқ маданиятининг таъсирчан кучга эга эканлиги.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**9. “Педагогик маҳорат” курсининг мақсади нимадан иборат?**

- a. Маҳоратли педагогни тайёрлаш.
- b. Таълим-тарбияни ривожлантириш.
- c. Тарбиявий ишларни шакллантириш.
- d. Диний жиҳатдан тарбиялаш.

**10. Педагогик фаолиятда нечта қобилият етакчилик қиласи?**

- a. 2 та қобилият.
- b. 5 та қобилият.
- c. 6 та қобилият.
- d. 4 та қобилият.

**11. Нутқнинг тоза бўлишига халақит берувчи унсурларни белгиланг?**

- a. Орфоэпик ва интонация.
- b. Резонатор ва диапозон.
- c. Диалектизм ва варваризм.
- d. Овоз тембри ва баландлиги.

**12. Ўқитувчининг педагогик маҳоратида таълим беришнинг асосий категориялари?**

- a. Илмий, назарий, амалий.
- b. Билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш.
- c. Оғзаки, кўргазмали, амалий, лаборатория ишлари.
- d. Илмийлик, тушунарлилик, онглилик ва фаоллилик.

**13. Таълимнинг оғзаки методи ёрдамида ўқувчиларнинг қайси билиш жараёнлари ривожланади?**

- a. Ўқувчиларнинг ифодали нутқи, маъноли ва мазмунли гапириши, сухбатдошини тинглаш, тасаввур образлари шаклланади.
- b. Дарс жараёнидаги ўрганилган мавзуларни мукаммал билиш жараёнлари ривожланади.
- c. Мавзуларни тўлиқ ўрганиш натижасида ўқувчиларнинг тафаккури ва дунёқараши ривожланади.
- d. Таълимнинг оғзаки методи ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини оширмайди.

**14. Ўқитувчилар ўқувчилар билан дарс жараёнидаги қандай муносабатда бўлиши керак?**

- a. Ўқитувчи ва ўқувчи орасида ҳамкорлик ва ишонч.
- b. Улар орасида дўстона мuloқотда бўлиш.
- c. Бир-бираига эътиборсиз бўлиши.
- d. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида тинч ўтираслик.

**15. Дарснинг анъанавий методлари нечта турга бўлинади?**

- a. 8 турга.
- b. 7 турга.

- c. 6 турга.
- d. 5 турга.

**16. Таълим ва тарбияда ўқитувчини мақсадга етакловчи омиллар?**

- a. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.
- b. Вазирлик томонидан белгилаб берилган давлат стандарти, ўкув режаси, дастурлар асосида.
- c. Ўқитувчининг нутқ маданияти, педагогик қобилияти, касбий қўникма ва малакалари асосида.
- d. Ўқитувчини ижодий ёндашиши, дидактик малака, ташкилотчилик, конструктив техникалар орқали.

**17. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўришида муҳим аҳамиятга эга бўлган жараёнларни белгиланг?**

- a. Режалаштириш, ташкил этиш, башоратлаш.
- b. Ташхислаш, башоратлаш, лойихалаш.
- c. Илмийлик, муаммони ўз олдига қўя олиши.
- d. Билиш, тушуниш, онглийлик ва фаоллик.

**18. Ўқитувчининг руҳий ҳолатини бир маромда ушлаб турувчи, касбий жиҳатдан ижодкорлигини таъминловчи, касбий маҳоратининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи, ўқувчилар жамоасига тез киришиб кетишини таъминловчивосита... бу?**

- a. Ўқитувчининг ижодий қайфияти.
- b. Ўқитувчининг педагогик маҳорати.
- c. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.
- d. Ўқитувчининг ташкилотчилигини намоён этиши.

**19. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати қандай намоён бўлади?**

- a. Ўз-ўзини бошқаришда, ўқувчи шахсини тушуниш, муомалада ўзини кўрсата олишда, ўз нутқини тўғри тузата билишида.
- b. Ўз устида тинимсиз ишлашида, ўз-ўзини тарбиялашда, ўз-ўзини такомиллаштиришда.
- c. Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик ҳамкорликдаги ижодкорлигига.
- d. Ўқувчилар дунёсига кириб боришида, уларнинг меҳрига сазовор бўлишида, таълим муассасасидаги педагогик фаолиятни маълум бир мақсадга йўналтира олишида.

**20. Таъсир этишнинг энг муҳим усуllibарини белгиланг?**

- a. Педагогик маҳорат асосида ютуқларга эришишга ўз-ўзини ишонтириш методи.
- b. Ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ишонтириш.
- c. Ўқитувчининг ҳар қандай таълим-тарбиявий жараёнда ўз ҳис-туйғусини жиловлай олиши.
- d. Касбий маҳоратнинг кўникма ва малакаларини оширишда ўз-ўзини кузатиш методи.

**21. Шахсни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг таркибий қисмлари ?**

- a. Ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва эстетик тарбия.
- b. Ўқитиш, тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялаш.
- c. Билим бериш ва ўқув билиш фаолияти.

d. Иқтисодий, экологик, хуқуқий тарбия.

**22. Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир қўрсатувчи асосий омиллар қайси қаторда тўғри қўрсатилган ?**

- a. Табиат, ижтимоий муҳит, этник хусусиятлар
- b. Табиат, ижтимоий муҳит, ирсий хусусиятлар
- c. Ижтимоий муҳит, этник хусусиятлар, жинсий хусусиятлар.
- d. Ижтимоий муҳит, ирсий хусусиятлар, табиатнинг таъсири.

**23. “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”. Ушбу фикрлар баён қилинган асарни белгиланг?**

- a. Каримов И.А.: “Инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият”.
- b. Абдулла Авлоний: “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”.
- c. Каримов И.А.: “Юксак маънавият – енгилмас куч”.
- d. Содиқова Т.: “Мураббий ким?”.

**24. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ташкил этилувчи педагогик фаолият бўлиб, шахсга мунтазам ва тизимли таъсир этиш, жамиятнинг ижтимоий-тариҳий тажрибаларига ёндашиб, шахсни ҳар томонлама шакллантириш, унинг хулқ-автори ва дунёқарашини ижтимоий онгини таркиб топтиришда халқнинг бой мафкурасига йўналтирилган фаолият....-бу?**

- a. Таълим.
- b. Тарбия.
- c. Шахсни шакллантириш.
- d. Таълим-тарбия.

**25. Қайси Юнон файласуфлари ўз асарларида педагогларнинг касб маҳорати ва уларнинг нотиқлиқ санъати ҳақида гапириб ўтган?**

- a. Сократ, Демосфен, Аристотель, Эсхил.
- b. Коменский, Демосфен, Форобий.
- c. Цицерон, Беруний, Ибн Сино.
- d. Коменский, Аристотель.

## 10 - ВАРИАНТ

**1. Тарбиячилик маҳоратининг таркибий қисмларини белгиланг?**

- a. Тарбияда мақсаднинг аниқлиги; технологик тизим.
- b. Ижтимоий психологик тизим; эстетик тизим; ўз-ўзини англаш.
- c. Ихтиёрийлик; тарбиянинг узлуксизлиги.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**2. Дастрлаб технология тушунчаси фанга неchanчи йилда кириб келган ?**

- a. 1900 йилда.
- b. 1725 йилда.
- c. 1872 йилда.
- d. 1772 йилда.

**3. Ўқитувчи фаолиятида касб маҳоратини оширишга хизмат қилувчи технологияларни белгиланг?**

- a. Жисмоний, интеллектуал, меҳнат, ижтимоий, психологик.
- b. Таълимий, назоратли, умумлаштирувчи; тарбиявий, ривожлантирувчи; ижодий; коммуникатив, ташҳисли, касбга йўналганлик
- c. Ўқув фанлари асосида, сюжетли, расмли, кўргазмали, ишбилармонлик, иммитацион, драмматик.
- d. Компьютерли, телевизорли, ўқитишнинг техник воситалари; ҳаракат қилувчи техники.

**4. Баркамол инсонни тарбиялаб ривожлантиришда ўқитувчи тарбиявий жараённинг қуидаги асосий хусусиятларни билиши керак?**

- a. Тарбиянинг яхлитлиги ва тизимлилиги.
- b. Тарбиянинг даврийлиги
- c. Тарбиянинг технологиявийлиги.
- d. Барча жавоблар тўғри.

**5. Тарбия технологиясида “долзарб ривожланиш ҳудуди” нима?**

- a. Бошланғич таълим жараёнида болаларни ижтимоий муҳитга мослаштириб бориш орқали тарбиялаш.
- b. Боланинг бирор ҳаракатни катталарнинг ёрдамисиз қила олиши мумкин бўлган ҳолати.
- c. Ўқувчиларнинг балоғат ёшида ўзгарадиган дунёқараши, тафаккури, ҳаётга нисбатан муносабатининг таркиб топиши.
- d. Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш йигит ва қизларнинг маълум бир мақсад сари интилиши.

**6. Ўқувчининг таълим ва тарбия кўрганлигини аниқлашда кўп фойдаланиладиган методни белгиланг?**

- a. Оммавий метод.
- b. Анъанавий метод.
- c. Диагностик метод.
- d. Баҳолаш методи.

**7. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи маҳоратини белгиловчи мақсадлар?**

- a. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи.
- b. Илмий, техник, психологик.
- c. Техник, технологик, ишлаб чиқарувчи.
- d. Ёзиш, чизиш, ўқиши, айтиш.

**8. Педагогик рефлексияга берилган мукаммал таъриф қайси жавобда кўрсатилган?**

- a. Педагогик рефлексия ўқитувчининг ўз-ўзини касбий жиҳатдан ҳар

- томонлама мукаммал такомиллаштириш, ҳамиша амалга оширадиган фаолиятидир.
- b. Педагогик рефлексия ўқитувчи фаолиятидаги ташқи сабабларнинг ички шарт-шароитлар асосида билвосита ҳаракати.
- c. Педагогик рефлексия ўқитувчига ўз-ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш манбаларини ўз билими ва имкониятларидан излаб топишда кўмаклашади ҳамда унинг ривожланишини таъминлайди.
- d. Педагогик рефлексия ўқитувчи педагогик фаолиятида муваффакиятларга эришиш, унда рефлексиянинг мукаммал ривожланганлик даражасини белгилайди.
- 9. Тарбия технологияларининг самарадорлигини олдиндан кўра билиш ёки лойиҳалаштиришда ва тадқиқ этишда моделлаштиришдан фойдаланиши тўғрисидаги муаммо қандай ном олган?**
- a. Тарбиявий моделлаштириш.
- b. Педагогик моделлаштириш.
- c. Техникавий моделлаштириш.
- d. Диагностик моделлаштириш.
- 10. Педагогикада жадваллар, чизмалар, формуулалар қандай моделлар сифатида намоён бўлади?**
- a. Педагогик моделлаштириш.
- b. Предметли моделлаштириш.
- c. Лойиҳали моделлаштириш.
- d. Белгили моделлаштириш.
- 11. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қачон қабул қилинган?**
- a. 2002-йил, 6 июндаги 200-сонли.
- b. 2008-йил, 10 мартағи 197-сонли.
- c. 2004-йил, 27 августдаги 211-сонли.
- d. 2006-йил, 5 сентябрдаги 211-сонли.
- 12. Ўз мұхитида ахборот объектларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ахборотларни яратиш, тарқатиш, қайта ишлиш, тўплаш технологиялари ва воситаларини, шунингдек ахборот жараёнларининг ташкилий ва хуқукий таркибини мужассамлаштирувчи фаолият... ?**
- a. Замонавий педагогик технологиялар.
- b. Замонавий ахборот технологиялари.
- c. Портал ва интернет тизими.
- d. Интеграллаштириш ва техник тараққиёт.
- 13. Ўқишига ва ўргатишга йўналтирилган ҳозирги замон таълим парадигмасини белгиланг?**
- a. Ўқитувчи – дарслик – ўқувчи.

- b. Дарслик – ўқитувчи – ўқувчи.
- c. Ўқувчи – дарслик – ўқитувчи.
- d. Дарслик – ўқитувчи – ўқувчи.

**14. Ўқувчининг шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятларини инобатга оловчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан ўқувчи шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи ўқитиш... бу?**

- a. Фанлараро алоқадорликда ўқитиш.
- b. Ўқитувчининг қизиқишлиари асосида ўқитиш.
- c. Ахборот технологиялари асосида ўқитиш.
- d. Шахсга йўналтирилган ўқитиш.

**15. Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналишда қандай вазифаларга эътибор берилади?**

- a. Таълим тизимини ислоҳ қилиш.
- b. Мустақил фаолият тамоилини, таълим-тарбиянинг асосий тамоили сифатида эътироф этиш.
- c. Таълим ва тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.
- d. Барча жавоблар тўғри

**16. Иккита ўқувчи низолашаётганларида ўқитувчи томонидан алоҳида-алоҳида “муҳим” топшириқ иккала ўқувчига берилди. Бу психологик таъсир кўрсатишнинг қайси турига хос бўлади?**

- a. Эндоген ва экзоген таъсирига хос бўлади.
- b. Олдиндан режалаштирилган таъсир.
- c. Режалаштирилмаган таъсир.
- d. Очик турдаги таъсир.

**17. Таълим муассасаларида компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасини яратиш зарурлигини, гипермант ва мультимедиа, ўқитишда имитация, коммуникация тизимларини ривожлантиришини, зарур ахборотларни компьютер техникаси ёрдамида киритиш, тизимлаштириш, сақлаш ва фойдаланиш учун тавсия килинадиган маълумотлар базасини яратишни илк бор таклиф этган олим ким?**

- a. Мараҳимов А.Р.
- b. Бегимкулов У.Ш.
- c. Тайлақов Н.И.
- d. Иноятов У.И.

**18. Педагогик техника хусусиятларини белгиланг?**

- a. Ўқувчининг шахсий фазилатларини ва касбий малакаларини шакллантиришга қаратилган фаолият.

- b. Касбий техник кў尼克ма ва малакалар, босиқлик ва осойишталиқ, аниқ фикр юритиши, вазиятни тез таҳлил қилиш.
- c. Синф жамоасида педагогик мулоқот маданиятига эришиш, эркин демократик мувозанатни сақлаб олиш.
- d. Ўқувчилар билан эркин мулоқот қилиш қобилияти, тарбиявий мақсадларни аниқ белгилаш.

**19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?**

- a. 2006 йил, 16 февралдаги 25-сонли Қарори билан қабул қилинган.
- b. 2009 йил, 25 январдаги 14-сонли Қарори билан қабул қилинган.
- c. 2007 йил, 19 сентябрдаги 271-сонли Қарори билан қабул қилинган.
- d. 2008 йил, 29 августдаги 198-сонли Қарори билан қабул қилинган.

**20. Илғор педагогик тажрибани ўрганишнинг асосий босқичларини аниқланг?**

- a. Тажриба ўрганишнинг мақсади ва вазифасини режалаштириш, долзарб мавзуни аниқлаш, мактаб амалиётида тажрибали ўқитувчиларнинг ютукларини аниқлаш, материалларни тўплаш, таҳлил, хуроса.
- b. Шахсни билиш, ўқувчилар билан ахборот алмашиш, педагогик фаолиятни ташкил этиш.
- c. Таълим ва тарбияга йўналтирилган моделни тузиш, муомалани бошқариш, муомалани таҳлил этиш.
- d. Педагогик фаолиятда тарбиявий мақсадга қаратилган мустаҳкам назарий ва амалий вазифаларни бажариш.

**21. Ижтимоий-психологик шаклланишда ва шахснинг ривожланишида ўз устида ишлаши жуда кўп вазифаларни бажаради. Булар қўйидагилар:**

- a. Ўқув дастурларини эгаллашда юксак профессионал савияда таълим беришни таъминлаш, боланинг обрўсини ҳурмат қилиш.
- b. Ахборот бериш, ривожлантириш, таъсир этиш, билимга муносабатни шакллантириш, харакатга интилишни уйғотиш.
- c. Ўз-ўзига кўрсатма бериш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш ва ҳоказо.
- d. Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик ҳамкорликдаги ижодкорлик.

**22. Ёш ўқитувчи ўзининг иш фаолиятида қандай психологик тўсиққа дуч келади?**

- a. Дўстлик ва чикишиб ҳамжиҳат бўлиб ишлашга ожизлик, ўқувчилар олдида ўз ҳаяжонини енга олмаслик.
- b. Ёлғон хушомад қилиш, касбга бўлган салбий муносабатни енга олмаслик, ўзига ишончсизлик.

- c. Ижтимоий муносабатдан ва синфдан кўркиш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида оралиқнинг ҳосил бўлиши.
- d. Ўқувчиларни менсимаслик туфайли содир бўладиган ўзаро хурматсизлик, буйруқ, ноўрин айблаш.

**23. “Рефлексия – субъект томонидан ўзининг ички психик жараёни ва ҳолатларини билиш, назорат қилиш ”. Рефлексияга нисбатан ушбу таъриф қайси фан нуқтаи назаридан берилган?**

- a. Педагогика фани.
- b. Фалсафа фани.
- c. Ижтимоий фанлар.
- d. Психология фани.

**24. Педагогик фаолиятнинг субъектларини белгиланг?**

- a. Ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар ва синф жамоаси.
- b. Тарбиячилар, ўқитувчилар, жамият ва инсон.
- c. Ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар.
- d. Синф жамоаси, ота-она ва ўқувчи.

**25. Нутқда тембр нима?**

- a. Нутқий нафас олишда фонационал усуулардан фойдаланиш.
- b. Адабий тил нормаларига доимий риоя қилиш.
- c. Нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаш.
- d. Товуш бўёғи, товушнинг ёрқинлиги, юмшоқ ҳамда ўзига хослиги.

## **Ўқитувчининг ўз устида ишлаши ва камчиликларини бартараф этиши учун психологик тестлар.**

Ўқитувчининг таълим муассасасидаги педагогик фаолиятида ва атрофини ўраб турган инсонлар – дўстлари, ҳамкаслари, ўқувчилари билан ўзаро сұхбатида **мулоқот** мухим аҳамиятга эга. Зеро, ақл–идрок ва чукур мулодаза, тафаккур ва вазминлик билан муомала қилиш, айниқса ўқитувчидан талаб қилинадиган педагогик маҳоратнинг бир қисмидир. Унинг ҳурмати, иззати, эътибори сўзларни оқилона териб гапиришида мужассамлашган. Шу маънода таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг “ақл–заковати, фикр–туйғулари, билими ва мулодот маданияти савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Мулодот маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (Азиз Юнусов). Ўқитувчи ўқувчилар билан мулодот жараёнида адашиш, ёки қўполлик унинг педагогик фаолиятида тузатиб бўлмас хатоликларни келтириб чиқаради. Ўқитувчи ўз мулодоти билан нималарга қодир эканлигини мунтазам билиб, хато ва камчиликларини дарҳол тузатиб бориши керак. Қуйидаги психологик тестлар осон ечилади ва натижалари асосида сиз мулодотингизда рўй бериши эҳтимоли бўлган камчиликларни аниқлайсиз ва уни ўз вақтида бартараф этишингиз мумкин.

### **1. Ўз мулодотингиздан қониқасизми?**

Хурматли ўқитувчи, қаерда бўлмасин мулодот жараёнида эришаётган муваффакиятларингиз педагогик фаолиятингизда ва кундалик хаёtingизда мухим аҳамиятга эга. Зеро, ўқувчиларни, дўстларингизни, баъзан учрайдиган ҳасадгўй ҳамкасларингизни ва раҳбарни сизга нисбатан муносабати мулодотда қандай инсон эканлигинизга боғлик. Кишиларга ҳамдард бўлиш, кўмаклашиш, илтимосини бажариш ёки бажармаслик сизнинг хоҳиш–истагингиз. Ушбу вазиятларда мулодотингиз қай даражада эканлигини билишни истайсизми? Қуйидаги тест саволларига жавоб беринг. Ҳар бир жавоб учун йиғилган очколар миқдорига қараб мулодотда нималарга қодир эканлигинизни ҳамда камчиликларингизни билиб оласиз.

1. Мулодот жараёнида ҳамкасларингиз билан тез–тез баҳслашиб турасизми?
  - а) йўқ (1 очко); б) баъзан шароитга қараб (2 очко);  
в) аксарият ҳолларда (3 очко).
2. Бозорда сотувчи сизга қўполлик қилди. Қандай жавоб қайтарган бўлардингиз?
  - а) Жимгина ундан нари кетардингиз (1 очко);  
б) унга жиддий танбеҳ берардингиз (2 очко);  
в) сўзига яраша сўз билан жавоб қайтарап эдингиз (3 очко).
3. Агарда мажлисга кечиксангиз, ўзингизни қандай ҳолатга тушасиз?
  - а) ўзимга нисбатан ва атрофимдагиларга нисбатан ғазаб уйғонади (3 очко);  
б) ҳеч нарса қила олмаслигимни тушуниб, асабийлашмайман (1 очко);  
в) озгина асабийлашаман (2 очко).
4. Ҳамкасларингиздан бири сиздан беруҳсат столингиздан ручка ёки китоб олди, унга сиз қандай муносабат билдирасиз?
  - а) ҳеч қандай, балки бу ҳолатни сезмасман (1 очко); б) нимани олган бўлса, жойига қўйишни эслатаман (2 очко); в) норози бўлганлигимни айтаман, чунки ҳозир ручка ёки китоб олган бўлса, кейинчалик столимдан бирор мухим нарсани олиши мумкин, масалан, керакли хужжатларимни (3 очко).
5. Ҳаётга нисбатан муносабатингиз қандай?

**a)** консерватив (эскилик тарафдори) фикрда (2 очко); **б)** радикал (кескин ўзгаришлар тарафдори) фикрда (3 очко); **в)** катта ёшли бўлишга қарамасдан жиддий муносабатда эмас (1 очко).

6. Омадсизликка дучор бўлганингизда қандай ахволга тушасиз?

**a)** сабабини ўзимдан қидираман (2 очко); **б)** бунга баъзи шарт–шароитлар ва таниш кишилар сабаб бўлганини кўраман (3 очко); **в)** чукур нафас оламан ва барча ишларимни қайтадан бошлайман (1 очко).

7. Сизнинг фикрингизча, ҳамкасларингиз сизни қандай баҳолашади?

**а)** дўст ва инсонпарвар киши сифатида (2 очко); **б)** ўзига қаттиқ ишонган киши сифатида (3 очко); **в)** хотиржам ва вазмин киши сифатида (1 очко).

8. Қайси ҳайвон билан хаёлан чиқиша оласиз?

**а)** айик (1 очко); **б)** мушук (2 очко); **в)** йўлбарс (3 очко).

9. Бирор киши билан жанжаллашиб қолганингизда, ярашиш учун сабаб излашга ҳаракат қиласизми?

**а)** ҳеч қачон (3 очко); **б)** доимо (1 очко); **в)** баъзан (2 очко).

10. Сухбатдошингиз сизнинг сухбатингизни тингламаса?

**а)** нимага менинг сухбатим уни қизиқтирмаётганлигини одоб билан сўрайман (2 очко); **б)** намойишкорона сухбатни тўхтатаман, ёки умуман қайрилиб кетвораман (3 очко); **в)** вазиятни хотиржам баҳолайман, сукут сақлаб, сўнгра мулоқотни давом эттираман (1 очко).

11. Мактабда сизнинг фарзандингизни бир бола хафа қилди?

**а)** ўқитувчини жалб қилиб, дарҳол чора кўришни талаб қиламан (3 очко);

**б)** муаммони ҳал қилишни фарзандимнинг ўзига ҳавола этаман (1 очко);

**в)** ўша болага қандай “жавоб” қайтариш кераклигини фарзандимга ўргатаман (2 очко).

12. Ўзаро муросага келишда доимо пешқадамлик қиласизми?

**а)** ҳеч қачон (3 очко); **б)** шароитга қараб (2 очко); **в)** кўпинча (1 очко).

13. Таксида кетаётганингизда ҳайдовчига йўл ҳаракатига тааллуқли бўлган бирор нарсани ўргатасизми?

**а)** ҳеч қачон (1 очко); **б)** ҳа, агарда у узоқ бир масофани танлаб юрса (2 очко); **в)** автомашинани бошқаришда менинг асабимга тегадиган ножӯя манёвр қилса, норозилигимни билдираман (3 очко).

14. Сиз ўзингизни улфатларингизнинг жону дили деб ҳисоблайсизми?

**а)** баъзан (2 очко); **б)** доимо (3 очко); **в)** йўқ (1 очко).

15. Сиз доимо одамларга нисбатан эътиборлимисиз?

**а)** ҳар доим эмас (3 очко); **б)** доимо (1 очко); **в)** вазиятга қараб (2 очко).

*Энди йигилган балларингиз натижаси билан танишинг:*

• **24 балл ва ундан кам.** Сиз мулоқотда енгил табиатлисиз, шу билан бирга журъатсиз, тортинчоқ инсонсиз. Қатъиятсизлигингиз баъзан ҳаётда бажараётган ишингизга ҳамда, бирор мақсадга эришишингизга халал беради. Доимо хотиржамлики севишингиз ва ўзингизни ҳимоя қилишга ўрганишингиз керак. Ушбу хусусиятлар сизда мутлақо йўқ.

• **24 дан 31 баллгача.** Сиз билан мулоқот қилиш хузур бағишлийди, бироқ сизнинг кайфиятингиз ўзгарувчан. Баъзан хис-туйғуларингиз тез-тез кўтарилиб, дўстона мулоқотда халақит беради. Сабр-тоқатли бўлинг, салбий хис-туйғуларингизни назорат қилинг. Уларни арзимаган сабаблар билан юзага чиқишига эрк берманг.

• **32 балл ва ундан юқори.** Баъзан сиз ҳатто дарғазаб инсонга айланасиз. Буни ўзингиз яхши биласиз, аммо бирор чора кўролмайсиз. Сиз ўзингизни жанжаллаётган ёки баҳслашаётган кишингизнинг ўрнига қўйиб кўринг, бу инсон сизга қандай кўз билан қараётганингини тасаввур қилинг. Унинг образи сизга ёқадими? Сиз ҳаддан ташқари талабчансиз ва бошқаларни танқидий назар билан кўрасиз. Одамлар сиз билан муросага келишга, тил топишга қийналишади. Атроф муҳитингизда сизни ўраб турган кишилар билан самимий муносабатда бўлинг, уларнинг камчиликларини кечиришни ўрганинг.

## **2. Мулоқот сиз үчүн мұхим ақамиятга әгами?**

Ушбу тест сизге атроф мұхитдагилар билан мулоқот қилиш ва дўстларингиз сиз үчүн қанчалик ақамиятга әгалигини аниқлашга ёрдам беради. Тест натижалари асосида эса, қандай қилилар билан яхши мулоқот ўрнатиш кераклиги ва қандай касбни танлаш лозимлиги түғрисида маълумот оласиз.

1. Агарда сизга яна бир маротаба касб танлаш эркинлиги берилганда, қуйидаги касблардан қайси бирини танлар эдингиз (бир хил маош олиш шарти билан)?  
**a) физик–тадқиқотчи (0 очко); б) мәхмөнхона директори (2 очко);  
в) барибир, ахир маоши бир хил-қу (1 очко).**
2. Тасаввур қилинг, сиз жуда мұхим ихтиро яратдингиз ва мукофот олдингиз, сүнгра қандай фаолиятни маъкул күрар эдингиз?  
**a) ихтироимни ҳаётта татбиқ этиш билан шуғулланар әдим (2 очко);  
б) лабораторияда ихтиро юзасидан фаолиятимни давом эттирап әдим (0 очко); в) ихтиро билан бошқа қишилар шуғулдана қосын, янги ихтиро юзасидан фаолиятимни бошлаб юборар әдим (1 очко).**
3. Ойлик маоши бир хил бўлган қуйидаги касбларнинг қайси бирида ишлашни хоҳлар эдингиз?  
**a) учувчи бўлиб (0 очко); б) танлашда иккиланаман (1 очко);  
в) адвокат бўлиб (2 очко).**
4. Агарда сиз ишлаб чиқариш соҳасида ишлаганингизда фаолиятингизни нимадан бошлар эдингиз?  
**a) кадрлар муаммоси билан шуғулланар әдим (2 очко); б) технология билан ишлар әдим (0 очко); в) менга бари бир (1 очко).**
5. Сизнингча, ўқитувчиликдан ташқари энг қизиқарли соҳа:  
**a) менеджерлик (1 очко); б) жамоат арбоби бўлиш (2 очко);  
в) рассомчилик (0 очко).**
6. Сиз қаердан дала ҳовли олишни хоҳлар эдингиз?  
**a) ўрмондан (0 очко); б) сокин қишлоқдан (1 очко); в) ҳаёт қайнаган, гавжум дала ҳовлилар посёлкасидан (2 очко).**
7. Турли хил байрамларда сиз:  
**a) ҳар хил совғаларни танлаш ва кимнидир табриклишга тоқатингиз йўқ (0 очко); б) байрамлarda совға қилишни яхши кўрасиз (2 очко);  
в) совға танлай олмайсиз (1 очко).**
8. Яхши кинофильмларни кўрганда сиз кўпроқ ҳузур ҳаловат оласиз:  
**a) яхши улфатларингиз билан (2 очко); б) севимли кишинингиз билан бирга (1 очко); в) ёлғиз ўзингиз кўрганингизда (0 очко).**
9. Сизни қачонлардир бирорта ижтимоий ақамиятга эга бўлган мансабга сайлашганми?  
**a) айрим ҳолларда (1 очко); б) кўпинча (2 очко); в) ҳеч қачон ёки баъзи ҳолларда (0 очко).**
10. Тасаввур қилинг, сиз хўжалик соҳасида ишлайсиз. Қандай йўналишни танлаган бўлар эдингиз?  
**a) мижозлар билан ишлашни (2 очко); б) танлашда иккиланаман (1 очко);  
в) маълумотларни хужжатлаштириш билан (0 очко).**

*Энди иигилган балларингиз натижаси билан танишинг:*

- **6 балл ва ундан кам:** умуман олганда сиз одамови, камгап инсонсиз ва қишилар билан мулоқотдан кўра ёлғизликни хуш кўрасиз. Атрофингиздаги одамлар сизни совуққон, эгилмайдиган, ўзаро муросага келишни хоҳламайдиган инсон сифатида қабул қиласидар. Сиз яқин қишиларингизга доимо эътиборли бўлишингиз ва ҳис-туйғуларингизни ҳамда руҳий кечинмаларингизни кимларгадир изхор қилишни ўрганишингиз керак.
- **7 – 13 балл:** сизни одамови, камгап инсон деб бўлмайди. Дўстларингиз даврасидаги қизиқарли мулоқотлар сизга ҳузур-ҳаловат бағишлиайди, аммо баъзан сизда ўзингиз билан

ёлғиз қолишига әхтиёж пайдо бўлади. Шундай пайтларда сиз атрофингиздаги кишиларга нисбатан қўйол муомалада бўлишингиз мумкин, зеро жаҳлдор ҳолатга тушиб қолган бўласизда. Сиз сабр-тоқатли, мурувватли ва илтифотли бўлишингиз керак, ахир атрофингиздаги яқин кишилар сизнинг ўзгарувчан кайфиятингизни мутлақо билишмайди.

• **14–20 балл:** сиз жуда очиқ кўнгилли, дўстликни қадрига етувчи ва самимий кишисиз. Сиз ҳар қандай инсон билан хоҳлаган мавзуингизда қийналмасдан мулоқот қила олишингиз мумкин. Танқидни енгил қабул қиласиз, атрофингиздаги танишларингизга нисбатан ғамхўр ва илтифотлисиз, уларнинг исмини ва сиймосини дарҳол эслаб қоласиз. Бироқ, мулоқотингиздаги енгиллик самимийликдан, сохта, юзаки мулоқотга айланиб кетиши мумкин. Бундан әхтиёт бўлинг.

### **3. Танлаган касбингиздан мамнунмисиз?**

Сиз қандай кайфиятда ишхонага қатнайсиз? Чин кўнгилдан қатнайсизми ёки хизмат вазифангизни бажариш учунми? Жамоа билан муносабатингиз қандай? Ушбу муаммоларни билишни хоҳласангиз қуидаги тест асосида текшириб кўринг.

1. Сиз эрталаб ишга кетиш олдидан ўзингизни қандай ҳис этасиз?

- a)** аъло кайфиятда (10 очко); **б)** дадил (9 очко); **в)** лоқайд (8 очко);  
**г)** ҳорғин (-1 очко); **д)** безовта (-3 очко); **е)** жаҳлдор (-6 очко).

2. Ишхонада сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

- а)** яхши кайфиятда (10 очко); **б)** дадил (9 очко); **в)** лоқайд (8 очко);  
**г)** ҳорғин (-1 очко); **д)** безовта (-3 очко); **е)** жаҳлдор (-6 очко).

3. Ишдан уйга қайтгач, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

- а)** аъло кайфиятда (10 очко); **б)** дадил (9 очко); **в)** лоқайд (8 очко);  
**г)** ҳорғин (-1 очко); **д)** безовта (-3 очко); **е)** жаҳлдор (-6 очко).

4. Баъзан белгиланган хизмат вақтидан ташқари ҳам ишлайсизми?

- а)** ха, ишлаш истаги пайдо бўлганда (10 очко); **б)** ха, зарурият пайдо бўлганда (5 очко); **в)** ха, мажбурият юзасидан (-5 очко);  
**г)** йўқ, аммо вазият талаб қилганда ишлашга тайёрман (8 очко); **д)** йўқ, бунга ҳеч қачон рози бўлмайман ((-5 очко).

5. Сиз ишга кечикасизми?

- а)** ҳеч қачон (4 очко); **б)** аҳён-аҳёнда (2 очко); **в)** аксарият ҳолларда (-2 очко);  
**г)** доимо (-4 очко).

6. Юқори лавозимдаги мансабдор шахслардан чўчийсизми?

- а)** йўқ, аммо уларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитаман (8 очко); **б)** йўқ, нимани ўйласам ўша фикримни гапираман (10 очко); **в)** ха, фақат ҳурмат юзасидан (5 очко); **г)** ха, бироқ ўзаро муносабатимиз доимо яхши (2 очко); **д)** ха, баъзан улар билан сухбатда ўзимни ноҳақ сезаман (-7 очко); **е)** кўпинча улар билан зиддиятга бораман (-5 очко); **ж)** ха, аммо бунда доимо ўзимни ноҳақ эканлигимни сезаман (-10 очко).

7. Ишхонада яқин кишиларингиз билан иш фаолиятингиз тўғрисида сухбатлашасизми?

- а)** доимо ва чин кўнгилдан (16 очко); **б)** йўқ, аммо баъзида камтарона (10 очко); **в)** баъзан (0 очко); **г)** аҳён-аҳёнда, чунки бу мавзу кизиқарли эмас (-6 очко); **д)** ха, аксарият ҳолларда иш юзасидан камчиликлар пайдо бўлганда ҳасратлашамиз (-6 очко); **е)** доимо мени тинглашларига муҳтожлик сезаман (-10 очко).

8. Ишдан кейин ҳамкасларингиз билан учрашиб турасизми?

- а)** кўпинча ёки баъзан (3 очко); **б)** аҳён-аҳёнда (0 очко);  
**в)** ҳеч қачон (-2 очко).

9. Педагогик фаолиятингиздан ташқари ҳолатларда касбингиз ҳақида ўйлайсизми?

- а)** ха, мамнуният билан (10 очко); **б)** аҳён-аҳёнда, негаки менинг шахсий ҳаётим ташвишли ва ҳаловатсиз (3 очко); **в)** баъзан, бироқ бу ҳолат менга халақит бермайди (0 очко); **г)** ха, ўйлайман ва бу ҳолатдан

асабийлашаман (-4 очко); д) кўпинча ва бу ҳолат кайфиятимни бузади (-10 очко).

*Минус белгисини ҳисобга олиб, балларингизни йигинг ва натижалар билан танишинг:*

• **60 очкодан юқори:** сизнинг касбий фаолиятингиздаги вазиятингиз жуда яхши. Сиз ҳар куни ишга гўё байрамга кетаётгандек борасиз. Ҳамкасларингиз билан ўзаро муносабатингиз аъло даражада. Сиз орзу қилган натижаларга эришишингиз учун барча имкониятлар мавжуд.

• **41 – 59 очко:** касбий фаолиятингиздаги вазиятингизни қониқарли деб ҳисобласа ҳам бўлади. Кўпроқ мақсадларга эришишни орзу қилсангизда, ишхонада ҳамкасларингиз билан ўзаро муносабатингиз, бажараётган меҳнатингиз ҳажми ва моддий аҳволингиз сизни умуман қаноатлантиради. Ишхонада биринчилар қаторида туришга интилинг.

• **25 – 40 очко:** умидсизликка тушишингизга ҳали эрта, аммо ишхонангиздаги вазиятни ҳар тарафлама қулай деб бўлмайди. Эҳтимол ишхонангиздан бирор ходим сизга мутлақо ёқмаслиги сабабли сизда муаммо пайдо бўлаётган бўлиши мумкин. Ёки сиз ўз эгаллаб турган лавозимингиздан норозисиз. Ишхонада фаолият кўрсатаётган вақтингизни қизиқарли ўтказиш лозимлигини мақсад қилиб кўйинг.

• **15 – 24 очко:** эрталабдан, ишга отланаётганингизда, ўзингизни ҳорғин сезасиз. Сиз “ишга эмас – қамоқхонага” иборасини шиор қилиб олгансиз ва мазмунини тўғри тушунасиз. Педагогик фаолиятингизда белгиланган, баъзан дуч келадиган оғир меҳнатни енгиш учун бардошли бўлишингиз керак. Ҳаётингиздаги турли вазиятлар билан боғлиқ бўлган, ўзингиздаги руҳий тушкунликни енгиш учун, ҳозирдан қатъий бир фикрга келиб курашишингиз шарт.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарқ”, 1997, 20-29 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарқ”, 1997, 31-61 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли Қарори. // Ж.: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами. – Тошкент, 2006. – № 2. – Б. 10-11.
6. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартлари. -Тошкент: 2000, -20 б.
7. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури” тўғрисида Президент Фармони. //“Таълим тараққиёти” -2004, 3-сон, 26-бет
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. - 89 бет.

9. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.- 413 бет.
10. Каримов.И.А. Маънавий юксалиш йўлида.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. -76 бет.
11. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка ташдиқ, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -315 бет.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: „Ўзбекистон”, 1999. - 48 бет.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
14. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009. – 24 бет.
15. Абдуллаев Ҳ. Яшил дафтар ҳикмати. -Тошкент, Ўқитувчи, 2000.
16. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –160 б.
17. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Тошкент, ТДПУ-2003.
18. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания.- Л.: ЛГУ. 1968.- 340 с.
19. Апресян Г.З. Ораторское искусство. М., Изд-во Моск. ун-та, 1978. – 280 с.
20. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Шарқ”, 1997. – 63 б.
21. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаш-тиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. //Пед. фанлари докт. илмий дар. учун дисс. – Т.: 305 б.
22. Бизяева А.А. Рефлексивные процессы в сознании и деятельности учителя: Дисс. канд. психол. наук.- С.- Пб.- 1993.- 190 с.
23. Вульфов Б.З., Харькин В.Н. Педагогика рефлексии: Взгляд на профессиональную подготовку учителя.- М.: Магистр, 1995.- 112 с.
24. Грехнев В.С. Культура педагогического общения: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1990. – 144 с.
25. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.– Т.: Ўзбекистон, 1999. – 29 б.
26. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. Библиотека учителя и воспитателя. – М.: Педагогика, 1987.- 160 с.
27. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Т.: “ФАН”, 2007. – 223 б.
28. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество: Библиотека учителя и воспитателя. – М.: Педагогика, 1990.- 144 с.
29. Каримов И.И. Ўқитувчи, устоз, мураббий....: Талабалар ва ёш ўқитувчилар учун. Рисола. – Қўқон ДПИ, 2009. – 99 б.
30. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад- Ризо Оғаҳий таржимаси).: С.Долимов. – Т., Ўқитувчи, 2006. – 208 б.
31. Коджаспирова Г.М. Теория и практика профессионального педагогического самообразования.- М.: МГОПИ, Альфа, 1993.- 120с.
32. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1 қисм. – Тошкент, Ёзувчи, 1996. – 216 б.
33. Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. Л.: Знание, 1985.- 32 с.
34. Кухарев Н.В. На пути к профессиональному совершенству: Книга для учителя.- М.: Просвещение, 1990.- 159 с.
35. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политиздат, 1975.- 304 с.
36. Махмудов Н.
37. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
38. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Тошкент, Ўқитувчи, 1995.
39. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15-том.- Тошкент, 2005.
40. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003. -
41. Очилов М. Муаллим қалб меъмори: Сайланма. -Тошкент, Ўқитувчи, 2000.
42. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкастого).- М.: Педагогическое общество России, 2003.- 608 с.

43. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 380 б.
44. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари.- Т.: 2001.
45. Плескач Л.Е. Обучение учителей самоанализу педагогической деятельности как составная часть системы внутришкольного управления: Автореф.канд.пед.наук.- М., 1983.- 19 с.
46. Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 1992.- 196 с.
47. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.- С.-Пб.Питер, 2001.- 720 с.
48. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. назария ва амалиёт. – Т., Молия нашриёти, 2003.
49. Сайдахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т., ЎзМУ қошидаги ОПИ, 2003.
50. Семенов И.Н. Психология рефлексии в организации творческого процесса мышления: Автореф. дисс. доктора психол. наук. – М., 1992.- 52 с.
51. Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя: Учебное пособие для студентов педвузов, учителей и слушателей ФПК.- М.: Межд. пед. академия, 1995.- 192 с.
52. Содиқова Т. Мураббий ким?... – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2006. – 83 б.
53. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2005.- 149 б.
54. Сухомлинский В.Д. Болаларга жоним фидо. – Т.: “Ўқитувчи”, 1984. – 254 б.
55. Тарбиявий иш методикаси. //Педагогика институтлари учун ўқув қўлланма (Л. И. Рувинский таҳрири остида). – Т.: “Ўқитувчи”, 1991. – 376 б.
56. Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “Мулоқот” журнали, 1998 йил, 5-сон.
57. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт.- Т.: Фан, 2005.- 206 б.
58. Турбовской Я.С., Провоторов В.П. Диагностические основы целеполагания в образовании. – М.: ИТО и ПРАО, 1995.- 116 с.
59. Тургунов С.Т., Максудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Т.: “Фан”, 2009. – 168 б.
60. Шедровицкий Г.П. Коммуникация, деятельность, рефлексия //Исследование речемыслительной деятельности. – Алма-ата, 1974. - С. 12-28.
61. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри – Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 187 б.
62. Ўзбек педагогикаси тарихи. //А.Зуннунов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 272 б.
63. Ўқитувчи иш фаолиятини баҳолаш ва уни рағбатлантириш мезони (Методик тавсиянома). – Т.: 1993. – 34 б.
64. Файбуллаев Н.Р., ва бошқалар. Педагогика: Олий ўқув юртлари учун қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2005. – 176 б.
65. Фозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 224 б.
66. Фозиев Э. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш. Т.: – “Ўқитувчи”, 1984. – 104 б.
67. Хотамов Н.Т. Даврага шеър улашинг. – Т.: “MERIYUS”, 2009. – 287 б.